

571  
1153

574:34(575.1)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIA VAZIRLIGI  
TOHKENT DAVLAT YURIDIK INSTITUTI

ASQAR NIFMATOV

ЎЗБЕКИСТОН  
RESPUBLIKASINING  
ЭКОЛОГИЯ  
ХУҚУҚИ

ДАРСЛИК

O'QUV ZALI  
TATU KUTUBXONASI  
363340 SONLI

Н 65  
УДК 577.4(575.1)

O'QUV ZALI

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан ҳуқуқшунослик, экология ва атроф муҳит муҳофазаси йўналишидаги олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилди.*

**Масъул муҳаррир:** юридик фанлари доктори, профессор М. Б. Усмонов

**Тақризчилар:** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Фуқаролик ҳуқуқий билимлар кафедраси бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор **Ж. Т. Холмўминов,**

ТҚХИМИИ Экология ва табиий ресурсларни бошқариш факультети декани, қ.-х.ф.н., доцент **А. Салоҳитдинов.**

**Нигматов Асқар**  
**Н 65** **Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Ҳуқуқшунос-**  
*лик, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси бакалаврлари учун дар-*  
*слик.*— Масъул муҳаррир: М. Б. Усмонов. — Т.: ТДЮИ нашриё-  
ти, 2004. — 320 б.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқшунослик, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишидаги олий ўқув юртлари бакалаврлари учун чоп этилаётган ушбу дарсликда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда бузилган табиат комплексларини қайта тиклашда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барча жиҳатлари ёритиб берилган.

Мазкур ўқув курсининг олий ўқув юртлари учун чоп этилишига сабаб: биринчидан, миллий ҳуқуқ соҳасининг жуда тез суръатларда такомиллашиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига чуқурроқ кириб бориши; иккинчидан, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг иккинчи босқичида турган вазибалардан бўлмиш ўқув-тарбия жараёнини сифатли ўқув адабиётлари билан таъминлаш.

Ушбу дарслик олий юридик ўқув юртлари учун чоп этилган Экология ҳуқуқига доир ўқув қўлланма ва дарсликлардан фарқли равишда мазкур саҳанинг келажак истиқболлари, такомиллашаётган қонунчилик манбалари билан бойитилганлиги, лугат, тест саволлари, манбалар рўйхати, адабиётлар, қайтариш учун саволлар, тахминий семинар машғулотлар режаси, мустақил таълим мавзулари ва расмлар билан бойитилгани, яъни таълимнинг замонавий талабларини кенг қўламда қўлланилганлиги билан ажралиб туради.

УДК 577.4(575.1)

№ 1903040000 - 42 — 2003  
М352(04) - 2003

ISBN 5-635-02193-X

© Нигматов А. Н., 2004  
© «Тошкент Давлат юридик институти», 2004

*The text book is recommended for legal studies, Ecological studies and protection of environment by the coordinating council of The Ministry of Higher and Secondary special education*

**Responsible Editor:** Mr. Usmonov, Professor Doctor of Law.

**Reviewer:** J.Xolmuminov, Professor. Head of Civil Law Department of the Academy under the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.

A.Salahitdinov, Dean of the Faculty of Ecology and regulation of Natural resources TIIMCH, the candidate of agricultural sciences, Senior Lecturer

**A.N.Nigmatov.**

**N 65 Textbook of Ecological Law of the Republic of Uzbekistan.** The textbook is for Legal studies Ecological studies and the protection of environment. Responsible editor: M. B. Usmonov.— T.: TSIL Printing House, 2004—320 pades.

Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan.

This textbook covers widely the questions of legal regulation of social relations in the sphere of protection of surrounding nature, rational usage of natural resources and restoring the damaged ecosystem. It is the first textbook created during the independence of the Republic of Uzbekistan on Ecology, protection of surrounding nature and the use of nature for the students of Higher Education.

The reasons of preparing the textbook were the followings:

Firstly, Broad development of jurisprudence and its wide implementation in all spheres of human activities.

Secondly, create new educational branch on Ecology.

Thirdly, Necessity of operative provision of the pedagogical educational materials corresponding to modern standards of National Program of Personnel Training.

The textbook, in contrast to the other previously published educational materials on the specific subject for the students of Higher Legal and Secondary Special Education, is written by taking into consideration the distinctive features of operation of Ecologists.


The textbook is enriched with glossary, testing questions, table of general and special literature, the latest sources of Ecological legislation, the plan of seminars, themes for self-studying, and a variety of illustrative materials.

YDK 577.4(575.1)

N 1903040000 - 42 — 2003  
M352(04) - 2003

ISBN 5-635-02193-X

© Higmatov A. N., 2004  
© Tashkent state Institute of Law, 2004



Н 65

УДК 577.4(575.1)

*Рекомендован в качестве учебника для студентов высших учебных заведений юридического и экологического направления.*

*Ответственный редактор:* доктор юридических наук,  
профессор М. Б. Усманов.

*Рецензенты:* заведующий кафедрой Гражданско-правовых дисциплин Академии МВД РУз, доктор юридических наук, профессор Ж. Т. Халмуминов;  
декан факультета Экологии и управления природными ресурсами ТИИМСХ, кандидат сельскохозяйственных наук, доцент А. Салахитдинов.

**Нигматов Аскар**

Н 65

**Экологическое право Республики Узбекистан. Учебник для студентов юридического и экологического направления.** Ответственный редактор: М. Б. Усманов. — Т.: Изд. ТГЮИ, 2004. — 320 с.

В учебнике широко освещены вопросы правового регулирования общественных отношений в области охраны окружающей среды, рационального использования природных ресурсов и восстановления нарушенных природных комплексов. Он рассчитан для студентов высшего образования, по направлениям юриспруденция и впервые созданных в независимой Республике Узбекистан экология, охрана окружающей среды и использования природных ресурсов.

Поводом подготовки данного учебника послужили: во первых — широкое развитие юриспруденции и ее всестороннее внедрение во все сферы человеческой деятельности; во вторых — создание образовательной системы в экологии; в третьих — необходимость оперативного обеспечения учебного процесса качественно новыми учебными материалами, отвечающих современным требованиям Национальной программы подготовки кадров.

Учебник, в отличие от ранее изданных учебных материалов по данному предмету для студентов высшего юридического и средне специального образования, учитывает специфические особенности деятельности как юристов, так и экологов. Он обогащен словарем, тестовыми вопросами, списком общей и специальной литературы, последними источниками экологического законодательства, планами семинарских занятий, темами самостоятельного образования и рисунками.

УДК 577.4(575.1)

№ 1903040000 - 42 — 2003  
М352(04) - 2003

ISBN 5-635-02193-X

© А. Н. Нигматов, 2004  
© Ташкентский Государственный  
юридический институт, 2004

Инсонга инсонийлик, табиатга табиийлик — ҳаммаси инсон фаровонлиги учун.  
*Экологик манифест*

## МУҚАДДИМА

2002 йил Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида бўлиб ўтган халқаро саммитда: «Ер юзида бутун инсоният жамияти, хусусан, давлатларнинг барқарор ривожланишининг асосий омилларидан бири — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан ўта самарадорлик билан фойдаланишдир», деб эътироф этилди. Шунинг учун ҳам Сайёрамиздаги деярли барча давлатларнинг ички ва ташқи бошқарув функцияларида экологик муаммоларнинг ечимини топиш долзарб масаладир. Экологик муаммолар эса бошқа инсон муаммоларидан фарқли ўлароқ, маъмурий-ҳудудий чегараларга бўйсунмайди ва ўзининг регионал ҳамда глобал экологик тизимлар доирасида ҳал қилиниши билан ажралиб туради. Чунки Орол денгизининг қуриши, Чернобил АЭС нинг фалокатга учраши, озон қатламнинг емирилиши каби экологик инқирозли ҳолатлар нафақат муайян давлат ёки минтақа, балки бутун инсониятнинг барча халқ хўжалиги соҳаларидаги биргаликдаги ҳаракатлари орқалигина бартараф этилиши мумкин. Глобал экологик муаммолар ечими ҳар бир маҳалла, туман, вилоят, республика, минтақа, қитъадаги экологик масалаларнинг ечимини топишдан бошланади.

Бозор иқтисодиёти талаблари кенг халқ оммасига сингдирилаётган бир даврда ижтимоий муносабатларни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳуқуқ родини сўзсиз оширади. Чунки инсониятнинг барқарор ривожланиши барча давлатларнинг ички ва ташқи экологик функцияларини тинч йўл билан ҳал қилинадиган ҳуқуқий тартибга солиш усулларини қўллашга чорлайди. Бу усулнинг қай даражада афзал эканлиги ва инсонларнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун нечоғлик аҳамият касб этишини Сиз ушбу дарслик билан танишиш давомида англаб оласиз.

Президент Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида: «Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир», деб бежиз айтмаган.

Ушбу дарслик муаллифнинг олий ўқув юртлари учун чоп этилган «Экология ҳуқуқи: схемалар ва тушунчаларда», ҳаммуаллифларнинг «Экология ҳуқуқи» каби ўқув адабиётларини тайёрлаш мобайнида орттирган тажриба, интернет глобал ахборот тизими, чет эл олимларининг мазкур соҳала эришган ютуқлари ва маълумотларидан фойдаланиб ёзилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, фан ва таълим доимо ривожланишда, унинг ютуқларидан фойдаланиб, келажакда янги ўқув адабиётларини яратиш нуқтаи назаридан Сизнинг таклиф ва мулоҳазаларингиз биз учун доимо асқотади, деган умиддамиз.

Экология — кенг маънода инсонларнинг яшаб кетиши ҳақидаги таълимотдир.

Н. Ф. Реймерс

## УМУМИЙ ҚИСМ

### I боб. ЭКОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИК ҚАРАШЛАР. ТАБИАТНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ

#### 1. ЭКОЛОГИЯ НИМА?

Ҳуш, экология нима ва нима учун XXI асрда биз экологик масаланинг назарий ва амалий ечимини топишга бунчалик уриниб қолдик? Нима учун деярли барча таълим босқичларида, маърифий-маданий тадбирларда, халқаро учрашувларда ва ҳаттоки, бизнес-шоу чиқишларда ҳам худди ана шу муҳим муаммо кўтарилмоқда?

Экология соҳаси бўйича Ер куррасининг барча қисмида турли кўриниш, мавзу, шакл ва ҳажмда минглаб мақола, рисола, китоб ва дарсликлар чоп этилмоқда. Улар нафақат турли матнларда, балки замонавий информатик маълумотларни узатувчи ва тез мосланувчан космик коммуникацион усуллар орқали бутун инсониятга жадал суръатларда тарқатилмоқда. Лекин экология нима ўзи? деган саволга камдан-кам ҳолларда ягона фикрдаги маълумотлар берилмоқда.

Ҳозирги замонда компьютер, информатика, давлат, ҳуқуқ, маърифат, мустақиллик, бозор иқтисодиёти каби энг кўп қўлланиладиган сўзлардан яна бири *экологиядир*. Фанлар ичида ўрта асрларда «Теология», яъни дин ҳақидаги таълимот қандай ривожланган бўлса, замонамизда экология фани шундай тарзда кенг оммалашиб бормоқда. Шунинг учун бўлса керак, ҳар бир олим, мутахассис ёки ижодкор ўз фаолиятини экология билан боғлашга ва ўзини «эколог» деб ҳисоблашга ҳаракат қилмоқда. Майли, нима бўлганда ҳам экология тарафдорлари кўпаяверсин. Лекин *фанда*, айниқса *таълимда*, бир сўзни турлича ифода этиш, унинг мазмун ва моҳиятига турлича ёндашиш тараққиёт илмига қўшган ҳиссадан кўра зарари кўпроқ бўлиши мумкин.

Анъанага кўра, *Экология* — организмлар ўзаро ва уларни яшаш муҳити билан бўладиган муносабатга доир фан тармоғи. Бу тушунча унинг грекча атамасини ифода этади, чунки «*oikos*» — уй, яшаш жойи, яшаш муҳити, «*logos*» — таълимот, яъни организмларнинг яшаш жойи, уйи ёки муҳити ҳақидаги таълимот дегани. Уни биринчи бўлиб немис табиатшунос олими Эрнст Геккель 1866 йил «Организмларнинг умумий морфологияси» номли асари орқали фанга олиб кирган. «*Экология*, — дейди у, — табиатни иқтисодий жиҳатдан тадқиқ қилиш орқали барча тирик организмларнинг орга-

ник ва ноорганик муҳит омиллари (унсурлари) билан бирга, унинг таъсир доирасида турган антогонистик ва ноантогонистик алоқадорликда бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўртасидаги муносабатларни очиб бериш». Э. Геккель буюк инглиз олими Чарльз Дарвиннинг тирик организмларнинг эволюцион ривожланиши тўғрисидаги қонуниятини тўлдириб, ҳар қандай тирик организм атроф табиий муҳитга мослашиб, ўзининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини ўзгартириб боришини, мосланмаганлари эса табиий танланиш натижасида қирилиб кетишини исботлаб берди<sup>1</sup>.

Э. Геккель экология сўзига таъриф берар экан, «*Инсон томонидан табиатни иқтисодий тадқиқ қилиш*», деган иборани бекорга қўлламади. Чунки у табиатнинг ифлосланиши ва фойдаланилиши сон жиҳатдан ифодаланиши иқтисодиётга нечоғли боғлиқлигини кўрсатмоқчи бўлди.

Э. Геккелдан сўнг экология тушунчасига минглаб ўзгартиришлар киритилди. Лекин унинг бирламчи маъноси умумий тарзда доимо сақланиб келинди. Ҳозирги кунда турли фикрларни умумлаштирган тарзда биз экологияни ягона табиат тизимидаги ўзгарувчан тирик организмлар ва уларнинг ўзгарувчан атроф-муҳити билан бўладиган муносабатларига доир қонуниятларни ўрганадиган фан соҳаси, дейишимиз мумкин. Ушбу фан соҳасига доир таълим бериш эса, уни мустақил ўқув предмети сифатида шакллантирмоқда. Экологик муносабатларга доир чора-тадбирларни амалга ошириш уни мустақил халқ ҳужалиги тармоғига айлантирмоқда.

Юқорида ўзига хос равишда келтирилган экология тушунчасида Э. Геккель ва бошқа олимлар томонидан акс эттирилган ёки эттирилмаган сўзлар бор. Масалан, *биринчиси* — «*инсон томонидан табиатни иқтисодий тадқиқ қилиш*» XIX асрнинг иккинчи ярмида Европа учун хос бўлган фақатгина иқтисодий ривожланиш тамойили ҳозирги замон учун долзарб эмас. Чунончи, атроф-муҳитнинг кейинги 100—130 йил мобайнида жуда кескин бузилиши табиат ва жамият ўртасидаги муносабат шаклини тубдан янгилашни тақозо қилмоқда (2-расмга қаранг). Эндиликда, биз ўзимизни бу боқий дунёда асраб қолишимиз учун ҳам иқтисодий муносабат шаклидан иқтисодий-экологик ва экологик шаклга ўтишга мажбурмиз. Акс ҳолда Куръони каримда акс эттирилган «қиёмат» кунига бориб қолишимиз ҳеч гап эмас.

*Иккинчиси* — «*ўзгарувчан*» сўзининг қўшилиши. Экологиянинг объекти — тирик организмлар ва уларни атроф табиий муҳити, аниқроғи, ягона экологик тизимдаги «ўзгарувчан тирик организмлар» ва «ўзгарувчан табиий муҳит». Агарда улар ўзгарувчан бўлмаса, ушбу организмлар ва табиат биология, география, геология, гидрология, океанография, метеорология, тупроқшунослик фанларининг объекти

<sup>1</sup> Яблоков А. В., Юсуфов А. Г. Эволюционное учение (дарвинизм). — М.: Высшая школа, 1997. — с. 335.



бўлиб қолади. Чунки муҳит ўзгара боргани сари организмлар ҳам ўзгара борадилар, яъни эволюцион ривожлана борадилар. Бир турдаги организмнинг ўзгариши иккинчи турдаги организмнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Экологияда бу ривожланиш табиий тарзда эмас, кўпроқ табиий-антропоген ёки антропоген кўринишда ва бир меъёردа эмас, балки жадал суръатларда кечади. Шунинг учун ҳам экология фани илк бор Африка, Осиё ёки Америка қитъаларида эмас, айнан саноати гуркираб ривожланган ва атроф табиий муҳит ҳолати тубдан ўзгариб кетган Марказий Европада таркиб топди. Ўзгариб кетган атроф табиий муҳит ҳолати унга нисбатан янги, яъни экологик ёндашувнинг юзага келишига мажбур этди. «Ўзгарувчан» муҳит эса экологик онгни белгилади, шакллантирди ва ривожлантирди.


Тирик организмларни ўрганувчи фан биология фанлари тармоғига киргани учун ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмида экология биология фанлари тизимида турар эди. Атроф табиий муҳит ҳолатининг ўзгариши, бутун инсон фаолияти жаҳаларида акс этиши уни бошқа фан тармоқларида ҳам ўрганишни талаб этди. Натижада, XX асрнинг ўрталарига келиб «Экология» деган фан тармоғи шакллана борди ва кейинчалик фанлар тизимига айланиб кетди. Ҳозирги кунда унинг тизимида 70 дан зиёд экологик йўналишдаги фанлар мавжуд бўлиб, улар деярли барча фан ва таълим соҳаларини қамраб олмақда (1-расм).

Ҳамма жумбоқ шундаки, биз Сизлар билан Экологиянинг бошқа фанлар ўртасида тутган ўрнини аниқлаб олишимиз керак бўлади. Чунки, биз таниқли Америка эколог олими Э. Макфедьеннинг фикрига қўшилган ҳолда, Экологияни бошқа фанлар ва айниқса, биологиядан ажратиб олишимиз жумбоқнинг «калаваси»ни топиш билан тенгдир. Нима учун? Ҳаммамизга маълумки, биологик фанлар — зоология, ботаника, цитология, биохимия, генетика, морфология, эмбриология, физиология кабилар тирик организмлар ва уларни атроф табиий муҳит билан озми-кўпми боғлиқ равишда ўрганadi. Уларни қандай табиий муҳитда яшашларига қараб таснифлайди. Морфологик, морфогенетик, морфометрик томонларини табиат қонуниятларига боғлаган тарзда очиб беради.

Тиббиёт, социология, ижтимоий фанлар эса тирик организмлардан бўлмиш инсонларнинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш ва тараққиёт босқичлари, ҳаракат қилиш ва уюшиш қонуниятларини атроф табиий муҳитга боғлиқ равишда ўрганadi.

Географик, геологик фанлар ер усти ва ер ости кенгликларида организмларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, ривожланиши қонуниятларини тадқиқ қилади.

Иқтисодиёт, информатика ва математикага оид фанлар табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни сон ва сифат жиҳатидан баҳолайди, моделлаштиради. Физика ва кимё фанлари ушбу жараён-



1-расм. Экологик фанлар тизими.

ларнинг мазмун ва моҳиятини аниқ қонуниятлар асосида очиб беради. Умуман олганда, юқоридаги фанлар орқали табиат ва жамият ўртасидаги барча муносабатлар Экологияга қадар очиб берилгандек туюлади. Шунинг учун ҳам кенг қамровли фанлар орасида Экологияга жой бормикан, деган ўринли савол туғилади.

Бизга маълумки, замон тараққиёти (айниқса XX ва XXI асрларда) фанларнинг тармоқлашувига олиб келмоқда. Айнан энг оммавий тус олиб бораётган фан соҳаси икки ёки бир неча фанлар «чорраҳасида униб чиқмоқ»да. Бу табиий ва объектив жараёндир. Физика, математика, кимё, фалсафа, ҳуқуқ, география, биология каби «соф фанлар»га эҳтиёж камая бормоқда. Чунки, бир томондан, улар ўз имкониятларини камайтирган булсалар, иккинчи томондан, жамиятда ва айниқса, табиатда бир-бири билан боғланмаган, бири иккинчисидан келиб чиқмайдиган ходиса ва жараёнлар йўқ. Ҳамма жараён ва ҳодиса узвий боғлиқликда ва ўзаро алоқадорликдадир.

*Ҳар бир фан мустақил равишда «оёққа» туриши учун унинг мустақил ўрганиш ёки тадқиқ қилиш объекти, предмети, ўзига хос усуллари, манбалари ва олинган натижаларни татбиқ қилиш жойи бўлиши керак.* Акс ҳолда бу фанлар, айниқса янгилари, фан тармоғи сифатида эътироф этилмайди.

**Экологиянинг объекти** — *тирик организмлар ва уларнинг атроф-муҳити, аниқроғи, ягона экологик тизимдаги ўзгарувчан тирик организмлар ва ўзгарувчан атроф-муҳитдир.* Агарда улар ўзгарувчан бўлмаса, биология, география, геология каби фанлар объекти бўлиб қолади. Нима учун «ўзгарувчан»? Чунки муҳит узгармаса, организмлар ҳам ўзгармайди, бир организмнинг ўзгариши иккинчи турдаги организмларнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Масалан, тўртламчи даврнинг охирини геологлар антропоген давр, деб атайдилар. Ушбу кичик геологик даврнинг ўзидаёқ катта атроф табиий муҳит ўзгаришлари содир бўлди. Иқлимнинг қуриб бориши Ер қуррасининг шимолий ярим палласида доимий музликларнинг чекинишига сабаб бўлди. Яшил ўрмонлар ўрнини дашт ва чўллар эгаллай бошлади. Жуда кўп биологик масса истеъмол қиладиган жуда катта ҳайвонлар (динозавр, эхтиозавр кабилар) ўрнини камроқ озикланадиган, майдароқ ҳайвонлар эгаллай бошлади. Инсонларнинг пайдо бўлиши эса қулай иқлим шароитларида яшовчи барча «нозик» (табиий муҳитга итоатгўй) турдаги ҳайвон ва ўсимликларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Ёввойи турдаги ҳайвон ва ўсимликлар ўрнини уларнинг маданийлашган турлари эгаллади. Хуллас, геологик нуқтаи назардан кичик бўлган 4—5 миллион йиллар мобайнида эволюцион тарзда катта ўзгаришлар бўлди.

XVIII—XX асрларга келиб эса, жамият ва табиатда ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар содир этилди. Бу ҳолат, албатта, илмий-техника инқилобининг натижаси, деб олимлар томонидан хулосаланмоқда.

Чунки, инсоният бу даврда илм ва фан ютуқларини, аксарият ҳолларда, табиат устидан «хукмронлигини ўрнатиш» учун хизмат қилдирди. Табиат ва атроф-муҳитнинг ҳозирги экологик ҳолати XXI асрда унинг аксини қилишга, яъни инсон тафаккури ютуқларини табиий объектларни тиклаш, сақлаш ва муҳофаза қилишга қаратмоқни тақозо этади. Инсонларни ўраб турган атроф-муҳит ҳолатини соғломлаштириш давр талабидир. Акс ҳолда табиат биздан учини олмасдан қуймайди.

Инсонларнинг табиатга нисбатан (хоҳ у ижобий, хоҳ у салбий бўлсин) барча ҳаракатлари ва ҳаракатсизликлари атроф табиий муҳитни тез ўзгарувчан қилиб бормоқда. Ана шу ўзгарувчанлик хусусияти нафақат табиатда, балки тирик организмлар, хусусан, инсонларда ҳам ўз аксини топмоқда.

**Экологиянинг предмети** — ягона экологик тизимдаги экологик ўзгарувчан организмлар ва уларнинг ўзгарувчан атроф табиий муҳити ўртасидаги муносабатдир. Ушбу муносабат табиий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, умумий ва шунга ўхшаш кўп қиррали характерга эга бўлиши мумкин. Ушбу характерларига қараб, Экология турли фан тармоқларига бўлиниб кетади.

Юқорида санаб ўтилган барча экология фан тармоқлари ҳам ўзининг мустақил ўрганиш объекти, предмети, манбалари, усуллари, татбиқ қилиш объектларига эга. Уларнинг мустақил предмети — ягона экологик тизимдаги ўзгарувчан организмлар ва ўзгарувчан атроф табиий муҳит ўртасидаги аниқ бир характердаги муносабат туридир.

**Экологиянинг мустақил фан сифатида шаклланишининг яна бир талаби** — **ўзига хос ўрганиш, изланиш ва тадқиқ қилиш усулларининг бўлишидадир.** Бу усуллар бошқа табиий, гуманитар ёки ижтимоий фан соҳаларида ҳам бор. лекин Экология ўзининг қонуниятларидан, мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда уларни умумлаштирган. Экологик усуллар сифатида ягона тизимдаги ўзгарувчан организмлар ва ўзгарувчан атроф табиий муҳит ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилишда тизимли ёндашиш; кузатиш; тажриба (эксперимент) ўтказиш ва моделлаштириш амалга оширилади.

**Тизимли ёндашиш усули** — экологик муносабатлар экологик тизимда турувчи объектларнинг узвий боғланганлигини инобатга олган тарзда турли хил усулларини маълум бир кетма-кетликда олиб бориш тартиби.

**Кузатиш усули** — натурада (жойида) ёки масофадан туриб (ҳисобга олинган ва баҳоланган экологик объектларни) экологик мониторингни олиб бориш орқали амалга ошириш.

**Тажриба (эксперимент) усули** — лаборатория, табиий ҳудуд ёки тажриба участкасида муҳит ўзгаришининг организмларга таъсир этишини синондан ўтказиш.

Афсуски, тажриба усулидан ижтимоий, хусусан, Экология ҳуқуқида ҳозирга қадар етарли даражада фойдаланилмайди. Лекин бу

усулни экологик-ҳуқуқий тадқиқотда қўллаш фойдадан холи эмас. Масалан, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш ёки экологик солиқ миқдорини ўрнатиш, авваламбор, маълум бир тажриба ҳудудларига хусусий мақом бериш орқали турли хил тажриба вариантлари амалга оширилса яхши бўларди. Чунки улар нафақат маҳаллий экологик шароит ва яна инсонларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига таъсир этиш имкониятларини ҳам инobatга олиш масаласининг ижобий ҳал қилинишини тақозо этади. Экологик вазият билан иқтисодий-ижтимоий ҳаёт уйғунлашган, бири иккинчисини инкор этмайдиган бўлиши керак. Ҳамма нарса, айниқса ҳуқуқда, инсон ва унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши давлатимизнинг ижтимоий сиёсатига мос тушади. Экологик тажриба оқибати инсон ҳаётига салбий таъсир этса, у натижада амалда ўз татбиқини топмаслиги керак, ва аксинча. Тажриба усули бизларга энг оптимал, яъни «сиз ҳам, кабоб ҳам куймайдиган» йўлни аниқлаштиради. Қонун меъёрлари ва қоидаларининг тажриба усулларига асосланмаган тарзда белгиланиши кишилик жамиятида салбий ҳуқуқий оқибатларга олиб келмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бой берилган муддат ва фойдани, айниқса экологияда, қайтариб жойига қўйишнинг иложи бўлмаслиги ҳам мумкин. Орол ва Орол бўйида юзага келган инқирозли ҳолат бунга яққол мисол бўла олади.

Экологик изланишларни олиб боришда *кичик косма (микрокосма)*, яъни *турли экотизимни сунъий яратиш тажриба усулидан* фойдаланилмоқда. Инсон томонидан яратилаётган сунъий «Биос—6» (Россия Федерацияси) ва «Биосфера—2» (АҚШ) русумли камералардан олинган маълумотлар жуда қизиқарли хулосаларга олиб келмоқда.

Замонавий усуллардан бири *Экологик моделлаштиришдир*. Модель — организмлар ва атроф табиий муҳит ўзгаришларини математик тарзда ифода этиш. Ушбу имитацион усул жуда катта жараёнларни кичик муддатда компьютер — информатик технологияларни қўллаш орқали синаб кўриш имкониятини беради. Экологик тизимлар ҳаракатини сон жиҳатдан баҳолашнинг яратилган ўнлаб усуллари (нейрон шохобчалари ёки кўп омилли назарий аппарат дастурлари) экологик мониторингни олиб бориш ва истиқболли экологик дастурларни яратишга хизмат қилмоқда.

Экологик ўрганиш, тадқиқ қилиш ва изланишлардан олинган натижаларни аниқ бир *халқ хўжалиги соҳасига ёки муайян давлат ва жамият фаолиятига* татбиқ қилиш мумкин. Чунки инсон, жамият, давлат ва халқаро ҳамжамиятнинг асосий мақсади — фаровонликка эришиш. Фаровонликнинг асосий кўрсаткичларидан бири экологик хавфсизликдир. У нафақат инсон фаровонлиги, балки миллий ва халқаро хавфсизликнинг асосий элементларидан ҳисобланади.

*Экологиянинг мақсади* — ҳозирги ва келажак авлодлар учун экологик хавфсиз муҳитни таъминлаш. Экологик хавфсиз муҳит организмларнинг нормал ҳолатда кўпайиши, ўсиши ва ривожланиши учун тоза, соғлом ва қулай атроф табиий муҳит ҳолати демакдир. Ушбу мақсад қуйидаги *вазифаларни* бажаришни талаб этади:

- ✓ планетамиз ресурслари ва атроф табиий муҳит ҳолатини диагностика қилиш, яъни ҳисобга олиш ва баҳолаш;
- ✓ локал (маҳаллий), регионал (минтақавий), глобал (курравий) миқёсда экологик мониторингни олиб бориш;
- ✓ давлат, давлатлар ва халқаро ҳамжамият томонидан экологик назоратни ташкил этиш ва уларнинг ишлаш механизмини яратиш. Бир пайтнинг ўзида нодавлат ташкилотлари, кишилар ва жамоат назоратини ўрнатиш ҳамда уларнинг тавсия кучидаги маълумотларидан экологик бошқарувда кенг фойдаланиш;
- ✓ глобал миқёсда организмлар ва атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсир этувчи инсон фаолиятини қаттиқ назорат остига олиш, меъёрдан ошган тарзда, уни кескин тўхтатиш чораларини қўллаш;
- ✓ барқарор ривожланишга йўналтирилган экологик режа ва дастурларни мамлакат, қитъа ва Ер курраси бўйича ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда унинг татбиқ қилинишига катта эътибор бериш;
- ✓ экологик ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг жавобгарлигини белгиловчи локал, регионал ва универсал ихтисослашган суд тизими, прокуратура ва тергов органларини яратиш;
- ✓ маҳаллий, регионал ва глобал миқёсда фаолият юритувчи «Экологик тез ёрдам» гуруҳини яратиш. Экологик жамғармалар фаолиятини фаоллаштириш;
- ✓ давлат бошқарувида ва халқаро ҳамкорликда демократик элементларни (халқ ҳокимиятига асосланган тарзда) экологик муносабатларни тартибга солишда кенг жорий қилиш;
- ✓ экологик тангликдаги қуруқлик ҳудудлари (Орол бўйи, Чернобил, Марказий Африка) ва сув акваторияларини (Орол денгизи, Балхаш ва Чад кўллари) инсонларнинг биргаликдаги ҳаракатлари орқали ҳал қилиш;
- ✓ экологик терроризмнинг олдини олиш йўллари ишлаб чиқиш ва ишлаш механизмини яратиш;
- ✓ табиат ва жамият ўртасида экологик, экологик-иқтисодий муносабат шакллари ўрнатиш ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтганда, Экология бу ягона тизимдаги ўзгарувчан организмлар ва ўзгарувчан атроф табиий муҳити ўртасидаги ўзаро

муносабат, қоида, қонуният ва алоқадорликни турли жиҳатдан тадқиқ қилувчи фан соҳаси, унга доир билимларни берувчи ўқув предмети ва ушбу масалаларнинг ечимини топа оладиган инсон фаолиятининг бир тармоғидир.

## 2. ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ УРТАСИДАГИ ЎЗВИЙ БОҒЛИҚЛИК

Асрлар давомида буюк алломалар инсон ва табиат нима? деган саволга жавоб қидириб келганлар. Инсон тирик организм сифатида бошқа табиий объектлардан тубдан фарқ қилиши ҳамда унинг буюк куч-қудрати, уни алоҳида бир мавжудот сифатида қарашга даъват этиб келди. Айниқса, бундай дунёқараш XX—XXI асрлар, яъни илмий-техника ютуқлари даврига келиб авжига чиқди. «Табиат устидан ғалаба»га эришган инсон ҳамма илму фан тармоқларида алоҳида бир омил сифатида қараладиган бўлди. Лекин инсон аслида алоҳида бир «индивид» ёки ҳеч кимга бўйсунмайдиган «ҳоким» эмас, у табиатнинг бир бўлаги, «табиат ошхонасининг бир анжомидир». Инсонни ҳеч қачон табиатдан ва уни ўраб турувчи атроф-муҳитдан ажратиб бўлмайди.

Фалсафада *табиат* деб объектив борлик, яъни бизни ўраб турувчи олам ва унинг хилма-хил шакллари тушунилади. Амалиётда ёки табиий фанларда уни кишиларни моддий ва маънавий эhtiёжларини қондириш манбаи бўлган атроф табиий муҳит деб қаралади. Фалсафий ёки астрономик нуқтаи назардан қараганда, биринчи кенг маъно тўғридир. Чунки юлдузлар, сайёралар, осмон ва унинг чексиз кенгликлари, албатта, инсон иштирокисиз келиб чиққан ва табиийдир. Лекин инсон кундалик ҳаётий фаолиятларида улардан фойдаланмайдилар ва улардаги жараёнларга ўз таъсирини ўтказа олмайдилар. Балки ўзини ўраб турувчи атмосфера ҳавоси, сув, ер, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби табиат неъматларидан «олдиорқаси»га қарамасдан фойдаланадилар ва уларга таъсир этадилар. Нафақат инсон, балки бутун жонзодлар ҳам бундан истисно эмас.

*Инсон* Ер қуррасининг жонли қобиғи — биосферада яшовчи тирик организмлар туркумига кирувчи, лекин у мураккаб ҳаётий фаолият юргазувчи индивиддир. У онгининг юқорилиги, нутқининг ривожланганлиги, ижодий фаоллиги, такомиллашган меҳнат қуролларини ярата олиши, ахлоқий, маънавий ҳамда руҳий ўз-ўзини англай олиши билан бошқа тирик организмлардан тубдан ажралиб туради. Уларнинг муайян бир ҳудудларда тарихан қарор топган гуруҳи ёки мажмуи — *жамиятдир*. Худди ана шу инсонлар жамоаси табиат билан жуда узвий муносабатда бўлади.

Инсоннинг якка ўзи унча катта куч эмас, лекин унинг онгли равишда, бирон-бир мақсадни кўзлаб, такомиллаштирилган меҳнат қуролларидан фойдаланган тарзда табиатга бўлган муносабати кўп нарсани

белгилаб беради. Агарда ушбу мақсад туфайли уз эҳтиёжларини қондиришни табиатдан қидирса, атроф-муҳитда жуда сезиларли даражада салбий ўзгаришлар юз беради. Аксинча, ушбу жамоат кучи табиатни яхшилашга қаратилган бўлса, ижобий кўрсаткичларга олиб келиши ҳам мумкин.

Инсонларнинг муайян ҳудудда уюшган қисми — давлат орқали салбий ёки ижобий жараёнларга ҳуқуқ орқали таъсир этиши эса табиатни, хусусан, атроф табиий муҳитни кескин ўзгартириб юбориши муқаррардир. Лекин табиатнинг муайян ҳудудда, салбий ёки ижобий ўзгариши, албатта, ўзга маъмурий бирлик ва улардаги инсон, жамият ва давлатга салбий ёки ижобий таъсир этиши исбот талаб этмайди. Хуллас, инсон, жамият ва давлат ўзаро узвий боғланган, бири иккинчисидан, иккинчиси учинчисидан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларнинг турли шакллари дир. Улар доимо атроф табиий муҳит билан узвий боғланишдадирлар.

*Ҳар қандай экологик-ҳуқуқий тизимда, авваламбор, муайян давлатнинг ёки уюшган жамиятнинг табиатга нисбатан қандай муносабат шаклида бўлиши, сўнгра халқ иродасини акс эттирувчи дунёқарашлар тизими (экологик концепциялар) ва унга монанд равишда экологик сиёсат шакллантирилади.* Давлатнинг экологик сиёсати эса унинг экологик қонунчилик тизимини яратишга асос бўлади. Шунинг учун ҳам биз, биринчи навбатда, табиат ва кишилик жамияти ўртасидаги ўзаро муносабат шакллари кўриб чиқамиз.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Ер юзида содир бўлаётган табиий жараёнларнинг 9/10 қисмида инсон фаолиятининг маҳсули акс этмоқда. Бу жараёнларни доимо ҳам ижобий деб бўлмайди. Чунки экологик хавфсиз муҳит, яъни инсонларнинг муҳим ҳаётий манфаатлари ва авваламбор тоза, соғлом, қулай табиий шароитга эга бўлиш ҳуқуқини тўла қондиришга қодир бўла оладиган атроф табиий ва ижтимоий муҳит ҳолати инқироз ва фалокат томон интилиб бормоқда (2-расм).

*Жамиятнинг табиатга нисбатан муносабат шакли деб маълум бир даврга хос бўлган кишиларнинг атроф табиий муҳитга ўзаро узвий боғланган ҳаёт тарзига айтилади.*

Агар жамиятда ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларга инсониятнинг тарихи нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, уларни куйидаги муносабат шаклларига ажратиш мумкин: *оддий, оддий-иқтисодий, иқтисодий, иқтисодий-экологик, экологик.*

*Жамиятнинг табиатга нисбатан оддий муносабат шакли — экологик тизимни бузмайдиган кишиларнинг соддалаштирилган ҳаёт тарзи.* Экологик тизим (экотизим) эса тирик организмлар мажмуи ва уларнинг яшаш муҳити йиғиндиси бўлиб, тирик организмлар ўзаро ва атроф табиий муҳит билан узвий алоқадорлик қонуниятини асосида бўлган ҳолати-



дир. Бу шакл кишиларнинг ибтидоий жамоа тузумидаги ҳаёт тарзига, яъни инсоният тарихининг илк ижтимоий-иқтисодий формацияси даврига хосдир. Мазкур давр одамларнинг Ер қуррасида пайдо бўлиши (4—5 млн йил аввал) даврдан то синфий жамият юзага келгунигача қадар бўлган ижтимоий тарихни ўз ичига олади. Ибтидоий даврда ишлаб чиқариш кучлари ва қуrollари такомиллашмаганлиги туфайли, уларнинг ҳаёт тарзи табиатнинг ажралмас бир оддий бўлаги сифатида намоён бўлган. Атроф табиий муҳит ҳолати эса тирик организмлар, хусусан, инсон учун нисбатан қулай — экологик хавфсиз даражада бўлган.



2-расм. Экологик хавфсиз муҳит: кеча, бугун, эртага.

Кишиларнинг ибтидоий жамоа бўлиб яшаш даврида ҳам инсонлар ўзларининг фаолияти табиатга қандай таъсир этаётганлиги ҳақида ўйлаб кўрганлар ва уларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари бўлган табиий объектларни сақлаб қолишга уринганлар. Мевали ўсимликларни сақлаш, ҳайвонларни ов қилиш меъёрларини ёзма равишда эмас, балки оғзаки равишда келишиб олганлар. Бундай оғзаки қоидаларни бузганлар жамоа бошлиғи томонидан ҳатто ўлим жазосига ҳам маҳқум этилган.

Эколог ҳуқуқшунос олимлар<sup>1</sup> жамият ва табиат ўртасидаги муносабат шаклларини уч кўринишда ифода этадилар — оддий, иқтисодий ва экологик. Лекин жамиятда, айниқса, табиатдаги қонуниятларнинг вақт мобайнида ўзгариб бориши революцион тарзда эмас, балки эволюцион тарзда кечади<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳам биз *жамиятнинг табиатга нисбатан муносабатлари секин-асталик билан шакллана борган ва у бир шаклдан иккинчи бир шаклга босқичма-босқич ўтган*, яъни *оралиқ кўринишдаги шакллар ҳам бўлган*, дея эътироф эта оламиз.

**Жамиятнинг табиатга нисбатан оддий-иқтисодий муносабат шакли** — экологик тизимларнинг кам ва кичик ҳудудларда бузилишига олиб келадиган кишиларнинг ҳаёт тарзи. Синфий жамият шакллана борган сари, кишилар сони ва ишлаб чиқариш қуроллари мукаммалланиши, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги оддий-иқтисодий шаклини юзага келтирган. Натижада, кишиларнинг ҳаёт тарзи кичик бир табиий майдон ва макон бўйича экологик хавфсизлик даражасининг кескинлашувига олиб келган. Бундай маҳаллий (локал) кўринишдаги экологик ўзгаришлар кишиларнинг жамоа бўлиб тушланган ерларига хос бўлган. Лекин улар атроф-муҳитнинг экологик хавфсизлик даражасига кескин равишда таъсир эта олмаганлар.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида оддий иқтисодий шакл ибтидоий жамоа тузумининг сўнги ва қулдорлик тузumi даврига тўғри келади. Эрамиздан аввалги 12—15-минг йилликлардан бошлаб (мезолит даври) маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш қуроли сифатида найза, камон, айланма ёйларнинг пайдо бўлиши ҳайвонот дунёсининг камая боришига, металл омов ва белкуракларнинг яратилиши ерларни ўзлаштириш ва деҳқончиликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Оқибатда, улар ер ҳолатига бирмунча таъсир эта бошлади. Суғориш шохобчаларининг оддий кўринишдаги «тўғон» усули обикор (суғорма) деҳқончиликнинг юзага келишига, дарё ўзанлари — «лиман» усулининг пайдо бўлиши эса дарёларнинг табиий сув режими ўзгаришига олиб келди. Уй ҳайвонларининг кўпайиши Чирчиқ, Зарафшон, Қуйи Амударё, Сирдарё водийларида ўсимлик дунёсининг сийраклашишига олиб келди.

<sup>1</sup> В. В. Петров. Экологическое право России. — М.: Бек, 1997. — с. 2.

<sup>2</sup> В. И. Вернадский. Химическое строение биосферы Земли и её окружение. — М.: Наука, 1995. — с. 260—261.

Жамиятнинг табиатга нисбатан оддий-иқтисодий муносабат шакли табиий муҳитнинг энг асосий элементлари — ер ва сувнинг экологик тизимдаги кичик айланишига таъсир этди. Лекин ижтимоий муҳитнинг бундай ҳолати экологик тизимларнинг буферлик (қарши туриш ва тикланиш) хусусиятини йўқотиб қўймади.

Жамиятда ишлаб чиқарувчилар ва амалдорлар синфининг шакллана бориши ҳамда иш қуролларининг такомиллашиб, давлатлар ўртасидаги низоларнинг кенгайиши натижасида феодализм ва илк бор бозор муносабатлари юзага келган капитализм даврида иқтисодий муносабат шакли юзага келди ва ривожланди. *Жамиятнинг табиатга нисбатан иқтисодий муносабат шакли — фақатгина иқтисодий маданийлашган кишиларнинг ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учунгина, атроф табиатни истеъмолчилик психологияси позициясидан туриб фойдаланиши натижасида, атроф-муҳитнинг инфлосланиши, ресурсларнинг камайиши ва табиат тизимларининг ўзгаришга олиб келган ҳаёт тарзи.* Инсонларнинг бундай ҳаёт тарзи экологик тизимларни катта майдонларда ва кенг (глобал) миқёсда бузди. Бу даврда, гарчанд инсоният тарихида илк бор ҳуқуқий-экологик элементларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига қарамасдан, инсонларнинг экологик онги, билими ва маданияти жуда паст эди. Тавротда ҳам, Қуръони каримда ҳам, Инжилда ҳам одамзоднинг қиёмат кунларини табиат билан боғлаш бежиз бўлмагандир.

Узоқ тарихий муддатни ўз ичига олган, ҳанузгача ривожланаётган ва бозор муносабатларига утаётган мамлакатларда ўз асоратини сақлаб келаётган иқтисодий муносабат шакли иқтисодни ҳар қандай экологиядан устувор ва экологик сиёсатдан мутлақо холилигини намоён этмоқда. Гарчанд бундай улка ва мамлакатларда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш борасидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар етарли бўлса-да, уларнинг амалий татбиқи ишлаб чиқилмаган ёки экологик талаблар давлат миқёсида тарғиб қилинмагандир. Акс ҳолда ҳуқуқий демократия ва адолат мезонининг учоги бўлмиш АҚШда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмида сон-саноксиз бўлган бизонлар ёппасига қириб ташланган, ўрмонлар майдони 2 баробаргача қисқарган, емирилган ва ювилган ерлар 40 млн га етган, қишлоқ ҳужалиги оборотидан 58% унумдор ерлар чиқиб кетганлигини қандай тушуниш мумкин. Илмий техника ютуқлари у даврда экологик хавфсиз муҳитни сақлаб қолишга эмас, балки глобал миқёсда қуролини туқнашувларда ва совуқ урушларда ғолиб чиқиш, маълум бир қатламдаги аҳолини бойитишга хизмат қилган. Шунинг учун ҳам Ж. Б. Ламарк 1820—1960 йилларни «Инқилобий саноат юксалиш» даври, экологик хавфсизликни эса, кескин равишда инқирозга томон «судраган» даври бўлди, деб айтган эди.

Шундай қилиб, экологик хавфсиз муҳит инқирози кишилар фаолиятининг атроф-муҳитга антропоген таъсирининг уч оқибатлар мажмуи — табиий ресурсларнинг камайиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва экологик тизимларнинг бузилиши маҳсулидир.

Табиий ресурсларнинг камайиб ва йўқолиб бориши ҳамда табиий объектларнинг ифлосланиши экологик тизимларнинг бузилишига ва экологик инқирозларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Чунки кичик ва катта экологик тизимларнинг айланиш занжирида турган бирон-бир табиий объектнинг йўқолиши ёки унинг экологик хусусиятининг ифлосланиши натижасида камайиб қолиши табиатни ўз-ўзини асраш, ташқи кучларга қарши туриш (буферлиги) ва қайта тикланиш хусусиятларини йўқотиб қўяди. *Экологик инқироз — жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабат мувозанатининг барқарор бузилиши натижасида атроф табиий муҳит ҳолатининг ёмонлашиб бориши, давлат бошқарув ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг юзага келган ҳолатдан чиқа олмасликлари ҳамда экологик тизимларни тиклаш имкониятларининг йўқолиши, яъни табиий муҳитнинг инқирозга, ижтимоий муҳитнинг эса фалокатга олиб келиниши.*

Экологик инқирозга мисол бўлиб Орол денгизи ва унинг атрофидаги ҳолатни олсак бўлади. Қачонлардир дунёда энг катта кўллар тоифасига кирган Орол денгизи 30—40 йил ичида энг шўр, ифлосланган ва халқ хўжалиги аҳамиятига деярли эга бўлмаган ўртача кўллар тоифасига кириб қолди. Бунинг асосий сабабларидан бири — Амударё ва Сирдарё сув режимининг кескин ўзгариши, яъни 1982—1983 йилларга келиб, уларнинг Оролга қуйилишининг 12—13 баробарга камайиб кетишидир. Натижада, Орол денгизининг сув сатҳи 16 метрга, сув юзаси 2 баробарга, сув ҳажми 4 баробарга камайиб кетди. Сувдан қуриган юза 3,3 млн гектарни ташкил қилгани ҳолда дефляция (шамол эрозияси) натижасида тузлар минглаб километргача бўлган доирада атроф-муҳитни ифлослантирмоқда. Амударё ва Сирдарё сувларининг оғир металлар, пестицид, гербицид каби кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва шўрланиши натижасида уларнинг суви ичимлик суви сифатида фойдаланиб бўлмаслигини мутахассислар исбот қилиб беришди. Қачонлардир балиқчилик ва ов қилиш маскани бўлган қуйи Амударё қуриган қолдиқ кўллар ва шўрланган тупроқлар масканига айланиб қолди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё давлатларининг биргаликдаги сазъ-ҳаракатлари туфайли 1995—1997 йилларга келиб, Оролга сув қуйилиши 15—17 куб км гача кўпайтирилди. Ёпиқ ҳавзанинг сув тақсимоти халқаро шартнома ва келишувлар орқали тартибга солинмоқда.

Ҳуш, савол туғилади, иқтисодий муносабат шаклида экологик қонунлар бўлганми? Бўлган бўлса, нима учун улар бундай инқирозларнинг

олдини олмаган? Биз айтиб ўтдикки, жамиятнинг табиатта нисбатан иқтисодий муносабат шакли инсоният тарихининг жуда катта даврини ўз ичига олади. Қадимги диний ва мистик китоблар, бизларга, табиат инсоннинг яшаш макони ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар, ҳаттоки мажбурий меъёрий кўрсатмалар бўлиб келгани ҳақида маълумотлар беради. Инсонларнинг иқтисодий тафаккурлари ёки сиёсий талаблари ҳар қандай экологик талаблардан юқори бўлган. Шунинг учун ҳам экологик қонунлар ўз йўлида, инсонларнинг ёки давлатларнинг рақобат, босқинчилик, бойиш ва қўшимча бозорларни эгаллаш сиёсати ўз йўсинида кетган.

Иқтисодий муносабат шакли даврига хос экологик қонунлардан бўлиш Мазовларнинг XIII—XIV асрларда «Ўрмон, тур, зубр ва тарпанлар муҳофазаси», Литва князи Сигизмунд II нинг «Волок низоми»да балиқларни урчиш даврида ов қилиш ман этилган. XIV асрда Францияда «Сувлар ва ўрмонлар» махсус бошқармаси тузилган бўлиб, ўрмонларни муҳофаза қилиш уларнинг вазифасига киритилган эди. Қадимги Вильгелм подшоҳлиги даврида кийик, ёввойи чўчқа ва ҳаттоки, қуёнларни улдирганлари учун кишилар улим жазосига мубтало этилган. *Аммо бу қонунлар табиий муҳитни эмас, балки феодал мулкни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилишга қаратилган эди, холос.*

Ер куррасида экологик инқирозли объект ва ҳудудларнинг кенгайиши, оммавий касалликларнинг купайиши XX асрнинг иккинчи палласига келиб, кишилар эътиборини табиатга томон юз тутишга мажбур этди. Европа, айрим Осиё ва Шимолий Америка мамлакатларида нафақат табиатдан самарали фойдаланиш, балки уни асрашга бағишланган бир қатор қонунлар қабул қилинди ва ўша асосида экологик чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада, жамиятнинг табиатга янги нисбатан муносабати — иқтисодий-экологик шакл юзага келди.

***Жамиятнинг табиатга нисбатан иқтисодий-экологик муносабат шакли — мавжуд экологик тизимларни сақлаб қолиш даражасидаги кишиларнинг ҳаёт тарзи.***

АҚШ, Япония, Швейцария, Германия, Швеция каби мамлакатларнинг экологик қонунчилик тизими экологик муносабат шаклига мослаштирилган бўлиб, кишиларнинг ҳар қандай шаклдаги экологик ҳаракатлари давлат томонидан тўлалигича қўллаб-қувватланади. Табиий ресурсларни камайтириш, табиатни ифлослантириш нафақат фуқароларга, ҳаттоки давлат идоралари ходимларига моддий ва маънавий фойда келтирмайди. Масалан, АҚШ «Атроф табиатни муҳофаза қилиш миллий сиёсати» (НЕПА) қонунига биноан, ҳамма жисмоний ва юридик шахслар (давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳам) бирон-бир табиий объектдан фойдаланишларидан аввал турли кўри-нишдаги тест синовларидан ўтадилар ва табиатга таъсир этиши мумкин бўлган «Ариза»ни топширадилар. Бу тест синовлари натижасининг бошидаёқ 10% «Ариза»лар судлар иш фаолиятига кириб қолади. АҚШ

Президентининг ижроия қўмитаси қошидаги Табиатни муҳофаза қилиш Кенгашига келиб тушган «Ариза»лар рўйхати ва судларнинг қабул қилган қарорлари туғрисида очиқ маълумотлар эълон қилинади. Ундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир Америка штати ўзига яраша қонун қабул қилиш имконига эга. Чунки штатдаги экологик ҳолат, авваламбор, маҳаллий аҳолига таъсир қилади-да.

Табиий муҳитни инқирозга, ижтимоий муҳитни фалокатга олиб келмаслик учун биз яқин келажакда экологик муносабат шаклига ўтиб олишимиз керак бўлади.

*Жамиятнинг табиатга нисбатан экологик муносабат шакли — экологик тизимларни қайта тиклаш ва атроф табиий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган кишиларнинг ҳаёт тарзи.* Экологик муносабат шаклида давлатнинг бошқарув тизими, авваламбор, экологик нобоп ҳудуд ва объектларни тиклашга қаратилган бўлади. Бунда ишлаб чиқариш технологияси, биринчи навбатда, кам чиқитли ёки ёпиқ— чиқитсиз циклда бўлишни талаб этади. Экологик онг ва маданият кишиларнинг жамиятда тутган ўрнини белгилловчи мезон бўлиб қолади. Экологик қонунлар ва норматив ҳужжатлар нафақат бевосита, балки бивосита ҳам экологиялаштирилган, амалий татбиқи эса экологик-ҳуқуқий механизмга тўлиқ асосланган бўлишни тақозо қилади. Табиий ресурслардан фойдаланишни чеклаш ва табиий объектларни қайта тиклаш бир мамлакат миқёсида эмас, балки экологик хавfli ҳудудлар бўйича амалга оширилади ва давлатларнинг алоҳида муҳофаза этиш объектига киритилади. Экологик муаммолар давлатларнинг янги барқарор ривожланиш концепцияси нуқтаи назаридан ҳал қилинади.

Юқорида номлари қайда этилган беш муносабат шакллари Экология ҳуқуқининг ривожланиши босқичларини ажратишда асос бўлиши мумкин.

### 3. ЭКОЛОГИК КОНЦЕПЦИЯЛАР (ДУНЁҚАРАШЛАР)

Биз сиз билан табиатнинг жамиятга нисбатан турлича муносабат шаклларини кўриб чиқдик. Лекин инсонларнинг табиатга нисбатан дунёқарашлари уларнинг характериға ўхшаб турлича бўлиши табиий ҳолдир. «Инсонларнинг дунёқарашлари, — деган эди Абу Наср Форобий, — уларнинг ташқи кўринишиға ўхшаб турлича бўлади ва фазилат уларнинг илмиға, ҳаёт тарзиға, яшаш муҳитиға туғридан-туғри боғлиқдир». Биз ҳам урта асрнинг улўф файласуфи Форобийнинг фикриға қўшилган ҳолда экология борасидаги дунёқарашларни кўриб чиқамиз. Н. Ф. Реймерс: «Экология кенг маънода инсонларнинг яшаб кетиши ҳақидаги таълимот», деб бежиз айтмаган<sup>1</sup>. Чунки

<sup>1</sup> Н. Ф. Реймерс. Надежды на выживание человечества. Концептуальная экология. — М.: ИЦ «Россия Молодая». — Экология, 1992. — с. 9.

инсонларнинг Ер қуррасида яшаш муддати уларнинг экологик дунё-қарашларини амалда татбиқ қила олиш имконияти билан белгиланади.

**Экологик концепция** — жамиятнинг табиатга нисбатан муносабати тўғрисидаги қарашлар тизими, яъни бу моддий дунёда кишиларнинг ўрни, аҳамияти ва моҳиятини акс эттирувчи дунёқарашлар.

**Жамият қонунлари** — кишиларнинг хатти-ҳаракатларини ёки бирон-бир объектга нисбатан муносабатини белгилайдиган ижтимоий меъёрлар йиғиндиси.

**Табиат қонунлари** — кишиларни ураб турувчи атроф табиий муҳитда кечаётган ҳодиса ва жараёнларнинг жамият қонунларига бўйсунмайдиган ва кишилар фаолиятисиз ҳам намоён бўла оладиган кечинмаси. Табиат қонунларига: табиий омилларнинг биргаликда ҳаракат қилиши, табиий модда (сув, кислород, углерод...) ва энергиянинг катта ва кичик айланиши, модда ва энергия алмашилиши, тирик организмларнинг эволюцион ривожланиши ва шу кабилар киради.

Таниқли эколог-ҳуқуқшунос олим В. В. Петров<sup>1</sup> шу кунгача бўлган экологик дунёқарашларнинг моҳияти ва мазмуни бўйича уларни қуйидаги кўринишлари бор дейди: *натуралистик, истеъмолчилик, алармизм, экологик инқироз сабаблари, ҳаракатлар стратегияси, ўсиш ва органик ривожланиш, глобал бошқариш, экологик революциялар назарияси, муҳофаза қилиш ва ривожланиш, социалистик*. XXI асрга келиб эса, БМТнинг янги — *барқарор ривожланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси* концепцияси юзага келди<sup>2</sup>.

**Натуралистик концепция** — жамиятдан устун турувчи табиатни шлоҳий куч, доно яратувчи, идеал борлиқ деб қарайдиган фалсафий оқимлар ва мактаблар. Бундай қарашлар тизими табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг оддий ва оддий-иқтисодий шакллари давридаги кишиларга хос дунёқарашдир.

Натуралистик концепцияга қарама-қарши бўлган дунёқараш **истеъмолчилик концепцияси** — жамият қонунларининг табиат қонунлари устидан ёки кишиларнинг табиат устидан ҳукмронлик ғоясини илгариси суриш. Бундай ғоя намояндалари жамиятнинг табиатга нисбатан муносабатини иқтисодий муносабат шаклига олиб келганлар. Улар бозор муносабатларини шакллантирган ва капитализмнинг бошланғич даврида турган «янги бизнес» соҳибларидир. «Истеъмолчилар» ҳақида буюк америкалик ёзувчи Жек Лондоннинг ўлмас асарларида акс эттирилган тилла қидирувчиларнинг олтин орқасидан қувиб, бутун борлиқ табиатни фақатгина уларнинг иқтисодий талабларини қондириш манбаи деб қараганлардир. Ҳозирги кунда Россиядаги «нефть

<sup>1</sup> В. В. Петров. Экологическое право России. — М.: Бек, 1997. — с. 28—33.

<sup>2</sup> А. Н. Нигматов, А. Н. Шивалдова, Р. Н. Султанов. Экологические аспекты в концепции устойчивого развития. — Т., 2003. — с. 99.

ва газ баронлари» ҳам буларга яққол мисол бўла олади. Улар учун бойлик бирламчи, табиат ва инсонлар ҳаёти иккиламчидир.

**Алармизмчилар** («alarpm» — талафот деган маънони англатади) маълум бир партияга бирлашмаганлар ва аниқ бир дастурга ҳам эга эмаслар, лекин *экологик инқирознинг олдини олиш учун бор куч ва билимларини сарф қилаётган олимлар, ишчилар, маиший хизмат ва спорт соҳасида ишлайдиган турли касб соҳибларидир*. «Гринпис», «Яшиллар партияси», «Кедр» каби оқимлар шулар жумласидан бўлиб, улар ўндан зиёд уюшмалардан ташкил топган ва сафларида 30 млн. дан ортиқ кишиларни бирлаштирган.

Алармизмчиларга яқин бўлган дунёқараш *экологик инқироз сабаблари концепцияси* — *экологик инқирознинг келиб чиқиш сабаблари илмий-техник тараққиёт ва аҳоли сонининг тез суръатларда ўсиб кетиши деб қарайдиганлар*. Цивилизация ва «демографик портлаш» экологик хавфсизлик даражасига тескари пропорционал равишда ҳамда экологик инқироз ҳолатидан чиқиб кетиш учун демографик ҳолатни бошқариш ва табиий ресурсларга қараб, аҳоли сонини режалаштириш фикрини олға сурувчилар. Улар режалаштириш ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари, табиий шароити ва табиий ресурслар имкониятига монанд равишда олиб борилиши кераклигини эътироф этувчилардир.

Илмий-техник революцияси ва «демографик портлаш» оқибатларидан чиқиб кетишни тавсия қилувчи ғарб социологларининг **ҳаракатлар стратегияси** намояндалари уч йўлни маъқул кўрадилар: *табиатга аралашмаслик; муаммоси бор табиат қонунларига ҳужум қилиш ёки аралаштириш; атроф табиий муҳитга кишиларни мослаштириш орқали кишилик жамиятини бошқариш*.

**Табиатга аралашмаслик концепцияси** намояндаларини «ҳаракатсизлар» стратегияси дейиш мумкин. Чунки улар экологик тизимларнинг айрим ҳудуд ва минтақаларда бузилганлигига бефарқ бўлишни ва Ер қуррасида яшаётган 6 млрд. дан ошиқ аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирмасликни тавсия этадилар. Табиатга аралашмаслик принципини алоҳида бир муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар — биосфера қуриқхонаси ва қуриқхоналарда амалга оширса бўлади, лекин оммавий тарзда, яъни табиатдан ажралган инсонларнинг ҳаётини кўз ўнгимизга келтиришимиз қийин.

**Муаммоси бор табиат қонунларига ҳужум қилиш**ни ёқлаб чиқувчилар фикри аралашмаслик концепциясидаги фикрларга қарама-қарши бўлиб, улар *табиат қонунларини, илмий-техник революция ютуқларидан фойдаланилган тарзда, инсон ҳаёти учун хизмат қиладиган даражада ўзгартиришни таклиф қилмоқдалар*. Афсуски, бу оқим намояндалари табиат қонунларининг жамият қонунларидан аввал шаклланганлиги, тирик организмлар эса ана шундай табиат жараён-



лари орқали пайдо бўлганликлари ва ривожланганликларини инкор этишлари ҳозирги кўринишдаги тирик мавжудот (шулар қаторида инсон) ларни генетик ўзгартириб юборишдир. Бундай ҳолат кино-курсатувларда кенг намоёиш қилинаётган «мутант» одамларни ва ҳайвонларни юзага келтирди ва табиий тизимларни ишдан чиқарди.

*Атроф табиий муҳитга кишиларни мослаштириш орқали экологик инқироздан чиқиб кетишни тавсия этаётганлар*, бир томондан, экологик тизимларни ташқи кучларга нисбатан қарши туриш (буферлик) ва ўз-ўзини тиклаш қонуниятларига ишонган ҳолда инсонларнинг ҳаракатларини мослаштиришни тавсия этсалар, иккинчи томондан, кишиларнинг эволюцион жараёнларини жадаллаштиришни ёқлаб чиқадилар. Бундай концепция намояндалари, табиат қонунларини кўчиришга уринаётганлар, десак муболага бўлмайди.

*Усиш чегараси ва органик ривожланиш концепцияси намояндалари* Ер қурраси ресурсларининг имкониятларига мос равишда, илмий-техник ва инсонларнинг ўсиш чегарасини белгилаш ёки бундай илмий асосланган ўсишни чегаралаш маълум бир регион (минтақа), ҳудуд ёки маъмурий чегарада амалга оширишни тавсия этадилар.

Афсуски, илмий-техник жиҳатдан ривожланмасдан туриб, тез суръатларда ўсиб бораётган аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириб бўлмайди. Илм-фанни «консервация» қилиш ва инсонларнинг ўсишини «ноль» вариантга тушириш 5—10 йиллик тадбир эмас. Бу жараён узоқ ва катта куч талаб қиладиган тадбирлардандир. Чунки аҳолиси тез ўсиб бораётган мусулмон давлатларида бу ғояни, авваламбор, амалда татбиқ қилиш керак бўлади. Бу эса жуда мушкул ишдир. Лекин «Рим клуби» аъзолари ўз моделлари орқали жаҳон иқтисодиётининг маълум бир типидagi минтақаларда илмий-техник ютуқларни ҳаётга кенг татбиқ қилиш ва оилани режалаштиришни, маҳаллий иқтисодий, маданий, тарихий, маънавий ҳолатга қараб туриб ўсиш ва органик ривожланишни чеклашни тавсия этганлар.

*Глобал бошқарув концепцияси — атроф табиий муҳит компонентлари ягона бир тизимда ҳаракат қилади ва улар ажралмасдир, деган ғояни олға сурувчилардир.* Шунинг учун ҳам улар атроф табиий муҳитни сақлаб қолиш маълум бир ҳудуд ёки мамлакат доирасида эмас, балки халқаро миқёсда, бутун дунё ҳамжамиятининг биргаликдаги тадбири орқали амалга оширилишини ёқлаб чиқдилар. Уларнинг намояндалари табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун давлатлар устидан турувчи ягона бир ташкилотни тузишни ва бу ташкилот нафақат бошқарув, балки назорат ваколатига эга бўлишини таъкидладилар. Глобалчилар БМТнинг ЮНЕП, ЮНЕСКО, ВОЗ, МОП деган ташкилотлари ҳозирги кунда фақатгина давлатларнинг экология борасидаги фаолиятини кузатадилар ва фактларни келтирадилар, дейдилар. Афсуски, бундай оқим намояндалари Ер қуррасидаги

ҳамма давлатларнинг суверен ҳуқуқи бўлмиш табиий ресурслардан ўз миллий қонунларига биноан фойдаланиш имкониятларини осонликча бериб қўймасликларини инobatга олишмаяпти. Лекин, бизнинг фикримизча, экологик глобал бошқарув тизимига инсоният олдинми ёки кечми албатта етиб боради. Чунки маълум бир жойдаги экологик инқироз (Орол денгизи муаммоси, Чернобил АЭС фалокати, Охота денгизининг радиоактив моддалар билан заҳарланиши) маҳаллий экологик инқироз эмас, балки глобал миқёсдаги таъсир кучига эга бўлган инқироз эканлиги ҳаммамизга аёндыр.

*Муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепцияси* намоёндалари жамиятнинг экологик талабларини иқтисодий-ижтимоий ривожланиш талабларига мослаштиришни таклиф қиладилар. Бундай дунёқарашлар ривожланган «катта саккизлик» давлатларида кенг тарғиб қилин-япти. Ҳақиқатан ҳам, бизнинг фикримизча,<sup>1</sup> экологик тадбирлар иқтисодлашгандир. Мисол тариқасида яна бир бор Орол денгизи муаммосига келиб тўхталамиз. Пахта яккахокимлигидан Ўзбекистонда олинган даромад (1960—1987 й.й.) Орол денгизи ва унинг атрофидаги экологик инқирозни тугатишга кетадиган сарф-харажатдан кўра 7—10 баробар камдыр. «Экологик инқирознинг олдини олиш, — дейди немис эколог олими Б. Гржимек, — унга қарши курашдан кўра, доимо бир неча чандон арзонроқдыр»<sup>2</sup>.

*Экологик революциялар концепцияси* — сиёсий тузум ва кишиларнинг экологик дунёқарашини кескин равишда, революцион йўл билан, истеъмолчилик психологиясидан экологик талаблар доирасига ўтказиш. Аммо бу таклиф қанчалик яхши бўлмасин, бир қоидани эсдан чиқармасликка ундайди — кишилиқ жамиятида (табиатдагидек) революцион йўл билан бирон-бир тадбирни амалга ошириш уларда кескин равишда салбий оқибатларнинг юзага келишига олиб келади. Лекин ҳозирги экологик инқироз ҳолати экологик онг, маданият, ўқув ва тарбияни кенг миқёсда ва жадал суръатларда мослаштиришни тақозо қилади. Чунки экологик тизимларнинг эволюцион ривожланиш қонуниятини орқага қайтариб бўлмайди, улардаги салбий жараёнларни сақлаб қолиш ва эски ижобий экотизимни тиклаш имконияти кейинчалик бўлмаслиги ҳам мумкин.

*Социалистик концепция*, унинг асосчилари — К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан кенг таърифланган дунёқараш бўлиб, улар *атроф табиий муҳит ҳолатини инobatга олган тарзда жамият кучларини бир мезёрда режалди ривожлантиришни ёқлаб чиқадиганлар*. Албатта, бу дунёқараш амалда (70 йил совет тузуми ҳукм сурганда) ўз ифодасини топа

<sup>1</sup> А. Н. Ниғматов., Г. Н. Ниғматова. Атроф муҳофазасида иқтисодий механизм // «Иқтисод ва ҳисобот», 10-сон, 1997. — 76—77-б.

<sup>2</sup> Экологические очерки о природе и человеке. (Под. ред. Б. Гржимка). — М.: «Прогресс», 1998. — с. 640.

олмади. Табиатни бирон-бир мамлакатда режали муҳофаза қилиш ёки ундан фойдаланиш экологик ҳолатга эмас, балки иқтисодий-ижтимоий-сиёсий ҳолатга қараб олиб борилиши кераклигини исбот қилди. Табиий ресурсларнинг аниқ ҳисобини олиш ва улардан режали фойдаланиш бирон-бир ҳудуд ёки мамлакатда эмас, балки бутун бир минтақа ёки Ер қурраси бўйича глобал ҳолда амалга оширилиши мумкин.

*Барқарор ривожланиш концепцияси* экологик муаммоларни фақатгина ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш орқали комплекс равишда маҳаллий, миллий, минтақавий ва глобал миқёсда уюшган тарзда ҳал қилиш мумкин, дея эътироф этади. Ушбу дунёқараш асосчиси собиқ Норвегия премьер министри Гро Хорлем Брундтланд бўлиб, у 1987 йилда БМТ қошида тузилган махсус атроф-муҳит Комиссияси тайёрлаган «Бизнинг умумий келажагимиз» деган Ҳисоботида тўлиқ акс эттирилган.<sup>1</sup> Мазкур концепцияни амалга ошириш масалалари 1992 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган «Атроф-муҳит ва ривожланиш» халқаро конференцияда ҳамда 2002 йил Йоханнесбург шаҳрида бўлиб ўтган «Барқарор ривожланиш» Халқаро Саммитида тўлиқ кўриб чиқилган ва улар бўйича тегишли халқаро ҳуқуқ меъёрлари қабул қилинган. XVIII бобда ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтамыз.

Юқорида санаб утилган экологик концепциялардан ташқари, дунёнинг турли жойларида турлича дунёқарашга эга бўлган қарашлар тизимидаги партиялар, оқимлар, ҳаракатлар, кенгашлар, жамғармалар мавжуд. Лекин, *экологик концепция табиат қонунлари билан жамият қонунлари узаро уйғунлашган ва илмий асосланган ҳолда ривожланишини ёқлаб чиқадиган қарашлар тизимидир. Бунга зид бўлган дунёқарашлар тизими эса ноэкологик концепциялар тизимига киради, деб уйлаймиз.*

#### 4. ЭКОЛОГИК ПРИНЦИПЛАР (ЙУНАЛТИРУВЧИ ҚОИДАЛАР)

Табиат ва жамият ўртасидаги муносабат шакллари ва концепцияларидан келиб чиққан ҳолда *экологик муносабатларнинг мақсади ва моҳиятини белгилаб берадиган учинчи қадам* — кишилар ўртасида юзага келадиган экологик муносабатлар, яъни атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда амал қилиниши керак бўлган асосий принциплар ёки йуналтирувчи қоидалардир. Экологик принциплар табиат ва жамият қонуниятларини уйғунлаштиришга асосланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

**1. Табиий ҳодиса ва жараёнлар кўнқирралидир.** Шунинг учун ҳам улар ҳар томонлама объектив баҳоланиши лозим. Бу деган сўз — ҳар бир табиий ҳодиса ёки жараёнга халқ ҳужалигининг соҳавий заруриятига қараб ёндашиш керак. Лекин бу соҳавий ёндашув, авваламбор,

<sup>1</sup> Наше общее будущее. — М.: «Прогресс», 1989. — с. 348.

экологик тизимларни сақлаб қолиш ва уларни қайта тиклаш нуқтаи назаридан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўрта Осиёнинг табиий шароитида ўрмонлар қурилиш ёки кимёвий хом ашё манбаи эмас, балки экологик тизим ёки ландшафтларни бир меъёрга ушлаб турувчи элемент сифатида қаралиши керак. Минтақанинг ҳеч қанча майдонини эгалтамайдиган сийрак дарахтзор ва бутазорлар сув ва тупроқ муҳофазасида «яшил қалқон», иқлимни муътадиллаштирувчи «кондиционер», аҳолининг маданий дам олишини таъминлайдиган «оромгоҳ» сифатида қарашни тақозо этади.

Сув фондидаги дарёлар Ўрта Осиё шароитида суғориш ва аҳолининг маиший хизмати учун мўлжалланиши керак. Чунки, иссиқ иқлим (арид) шароитида, сув аҳоли учун ҳаёт манбаидир. Сибирь, Узоқ Шарқ каби совуқ ёки нам иқлимли минтақалар учун дарёлар, авваламбор, аҳолининг транспорт хизматини бажарувчи ва арзон энергетика манбаи ҳисобланади. Дарёлар инсон ҳаётида билвосита — қишлоқ хўжалиги, металлургия, тоғ-кон, кимё саноати каби сувни кўп талаб қилувчи халқ хўжалиги тармоқларига хизмат қилади. Табиат пастқамлари ёки жарликлари турли чиқитлар ёки маиший ахлатлар ташлайдиган «табиий ўра» бўлиб қолмаслиги лозим.

**2. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш минтақавийдир,** яъни маҳаллий ва регионал шароитларни (табиий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий) инobatга олган ҳолда экологик тадбирларни олиб бориш қоидаси демақдир. Мамлакатимиз иқтисодий ривожининг таянчи бўлган табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, ресурсларни ҳар томонлама баҳолашни, истиқболли йўналишларни аниқлашни, маҳаллий ва экологик шароитларни инobatга олган ҳолда амалга оширишни талаб этади. Чунки Ўзбекистон Республикасида (умуман Ер қуррасида) табиий объектларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари майдон ва макон бўйича бир текисда жойлашмаган. Бирон-бир минтақада маълум бир табиий объект ёки ресурсларнинг мўллиги иккинчи бир минтақада унинг етишмаслигини қоплаб бера олмайди ёки бирон-бир минтақада экологик хавфсиз муҳит шароити иккинчи бир минтақанинг экологик инқирозини бартараф этишга асос бўла олмайди.

**3. Табиий ҳодисалар ва жараёнлар узаро узвий боғлангандир.** Юқоридаги экологик принципларнинг давоми сифатида шуни айтиш керакки, табиатнинг маълум бир объектини муҳофазалаш ёки уни бузиш, қолган табиий объектларга ўз ижобий ёки салбий таъсирини албатта ўтказиши, яъни «занжир реакцияси» усулида ишлайди. Масалан, табиатда дарё ва кўлларни муҳофазалаш ўз-ўзидан ундаги балиқларни ва сув утларини муҳофазалашга олиб келади. Ўрмонларни асраш эса, авваламбор, улардаги ҳайвонот дунёсини сақлашга, сўнгра атмосфера ҳавосининг ва сувларнинг тозаллигини ушлаб туришга, тупроқнинг унумдорлик хусусиятини сақлаб қолишга им-

кон беради. Аксинча, ўрмонларда тупроқ унумдорлигини йўқотиш, ўсимлик дунёсининг сийраклашувига ва уларда яшовчи ва озикланувчи ҳайвонот дунёсининг камайишига ёки қирилиб кетишига олиб келади. Экологик тизимдаги бир объект муҳофазасини иккинчиси орқали амалга ошириш қонуниятини шакллантиради.

4. «Занжир реакцияси» қонуниятининг давоми, **бирон-бир табиий объект муҳофазаси иккинчи бир табиий объектнинг зарари бўлиши ҳам мумкин**. Масалан, Африка қитъасидаги миллий боғларда ташкил этилган кўриқхоналарда филлар сонининг кўпайиб кетиши у ердаги ўсимлик дунёсининг сийраклашувига ва тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам, маълум бир объект муҳофазасига қаратилган экологик тадбирни, қолган табиий объектлар имкониятларига мос равишда ва илмий асосланган тарзда амалга ошириш керак бўлади.

5. Юқорида зикр этилган тўрт экологик принцип бизлардан табиат муҳофазасига **комплекс ёндашув** принципини татбиқ қилишни тақозо этади. Табиатни муҳофаза қилиш ва шу билан бир қаторда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни бирон-бир соҳа ёки йўналиш бўйича тўлиқ амалга ошириб бўлмайди, балки унга комплекс равишда — соҳалараро бошқарув ва назорат асосида амалга оширишни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолияти худди ана шу комплекслилик принципитга асослангандир.

Умуман олганда, табиатни муҳофаза қилиш, бир қараганда, табиий ресурслардан фойдаланишга қарама-қарши йўналишга ўхшайди. Лекин экологик тизимдаги катта ёки кичик доирадаги модда ва энергия алмашинуви ҳам табиий объектларнинг бирини иккинчисига таъсир қилиши, яъни фойдаланиш ва муҳофаза қилиш асосида бўлади. Ҳеч қайси бир тирик мавжудот (хоҳ у ҳайвонот ёки ўсимликлар дунёси, хоҳ у инсон бўлсин) атроф табиатдан фойдаланмасдан туриб ҳаёт кечири олмайди.

Муайян экологик меъёрдаги бу ҳаракатлар экологик тизимларни ушлаб турувчи зарурий ҳодиса ва жараёнлар туркумига киради. Бундан, бир вақтнинг ўзида, ҳам табиатни муҳофаза қилиш, ҳам фойдаланиш қоидалари келиб чиқади.

Шундай қилиб, жамиятнинг табиатга нисбатан йўналтирилган ҳаракатлари экологик принципларга ёндашган ва чуқур илмий асосланган бўлишни талаб этади. Чунки инсон табиатнинг бир бўлаги, лекин унинг тескарисидир эмас.

## 5. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОЛОГИК СИЁСАТИ

Ер қуррасида юзага келаётган экологик нобоп муҳитнинг чуқурлашувида озми-кўпми Ўзбекистоннинг ҳам иштироки бор. Мамлакатимизда яшаётган 25 миллиондан зиёд аҳолининг ярмидан кўпи экологик хавфли бўлган муҳитда истиқомат қилмоқда. Орол денгизи

ва унинг атрофида рўй берган экологик инқироз ҳолати совет даврининг ноэкологик аграр ва иқтисодий сиёсатининг натижасидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз, шахсан Президент И. А. Каримов экологик масалаларни иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар билан уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни лозим деб топмоқда.<sup>1</sup>

*Ўзбекистоннинг экологик сиёсати* — давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида олиб бораётган ички ва ташқи фаолият мажмуи.

Мустақиллик шарофати туфайли Ўзбекистонда қуйидаги тактик ва стратегик экологик йўналишлар ишлаб чиқилган: «1999—2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури», «Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишни экологик таъминлашнинг миллий ҳаракатлар режаси», «Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракатлар дастури», «Биологик ранг-барангликни сақлаш бўйича миллий стратегия ва ҳаракатлар режаси». Ушбу экологик дастур ва режаларда ҳозирги кунда ва келажакда мамлакатимизда жамиятнинг табиатга нисбатан муносабат шакли қандай бўлиши, унинг экологик концепцияси, мақсади ва принциплари белгилаб берилган. Экологик мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг тактик ва стратегик ҳаракатлар дастури ва йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

*Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг асосий мақсади* — фуқароларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжи бўлган экологик хавфсиз муҳитни таъминлаш учун табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, яъни табиат билан жамият ўртасидаги иқтисодий-экологик муносабат шаклини қўллашдир.

Маълумки, мустақиллик давригача Туркистон, кейинчалик Ўзбекистон чор Россиясига ва сўнгра собиқ иттифоққа хом ашё етказиб берувчи чекка ўлка ҳисобланган. Шунинг учун ҳам улар табиий ва минерал хом ашё захираларидан максимал ҳолда экстенсив равишда фойдаланганлар, яъни жамиятнинг табиатга нисбатан иқтисодий муносабат шаклини қўлаганлар. Тоталитар тузумдаги иқтисодий муносабат шаклидан бирданига (сакраб) экологик муносабат шаклига ўтишнинг на назарий ва на амалий иложи бор. Ўзбекистон Республикасининг танлаган йўли табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни иқтисодий-экологик шаклидан босқичма-босқич экологик муносабат шаклига ўтказишдан иборатдир.

1997 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Миллий хавфсизлик концепцияси туғрисида»ги қонунида мамлакатимизнинг экологик дунёқарашида қуйидагиларга эътибор берилган:<sup>2</sup>

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: «Ўзбекистон», 1998. — 415—680-б.

<sup>2</sup> Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан». — Т.: «Chinot ENK», 1998. — 102-б.

— шахснинг ҳаётий зарур эҳтиёжи бўлган кишиларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ва инсонларнинг турмуши учун оптимал ҳолатдаги экологик шароитларни яратиб бериш;

— жамиятнинг ҳаётий зарур эҳтиёжи бўлган оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муътадил экологик вазиятни ташкил этиш, аҳолининг соғлигини таъминлаш, жисмоний бақувват авлодни шакллантириш;

— давлатнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари бўлган — барқарор ривожланишни таъминлаш, минтақавий-иқтисодий ҳолатни муътадиллаштириш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш.

Шундай қилиб, Ўзбекистон учун ягона — шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларидан бири бўлган экологик хавфсиз муҳит миллий хавфсизликнинг ажралмас бир бўлагидир. Республикамиз экологик сиёсатининг асосий мақсадини бажариш учун, давлатимиз органик ривожланиш билан бир қаторда, муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепциясини амалда қўлашни маъқул деб топди. Бу деган сўз — шахс, жамият ва давлатнинг экологик талабларини минтақалар бўйича иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантириш талабларига мослаштириш керак, демакдир.

Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари ҳамда «1999—2005 йилгача бўлган даврда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг давлат дастури»да юқорида айтилган мақсад ва концепцияларни амалга оширишнинг асосий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат, деб топилди:

- \* экологик технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Халқ хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. Атмосфера ҳавоси ва сувларни инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш;
- \* қишлоқ хўжалик экинларини, энг аввало, гўзани суғоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш. Коллекторзовур сувларини дарёлар ва сув омборларига ташлашни тартибга солиш ва оқова сувларни чиқариб юборишни батамом тўхтатиш;
- \* саноат қорхоналарида атмосфера ҳавосига, сув ҳавзаларига ва тупроққа ифлослантирувчи ҳамда зарарли моддаларни ташлаганлик учун солинадиган махсус солиқдан кенг фойдаланилган ҳолда масъулиятни ошириш. Уларда замонавий, самарали тозалаш қурилмалар тизимини жорий этиш. Бошланғич хом ашёдан тайёр, пировард маҳсулот олгунга қадар комплекс фойдаланишга имкон

берадиган янги, замонавий, экологик жиҳатдан самарали ускуналарни ўрнатиш;

- \* қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқишнинг табиий равишда кенгайтиришни таъминлайдиган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилинган ҳолда ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш;
- \* фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланиш. Бошланғич хом ашёдан тулиқ фойдаланишни таъминлаш ва бунинг учун эскирган ускуналарни алмаштириш, янги технологияларни жорий этиш, айрим цехлар, участкалар ва корхоналарни реконструкция қилиш асосида фойдали қазилмаларни sanoat усулида янада тулиқ ва оқилона қазиб олиш. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта яроқли ҳолга келтириш (рекультивация қилиш);
- \* кенг майдонлардаги табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадли, илмий асосланган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқимини тартибга солиш ҳамда сувларни бир ҳавзадан иккинчисига ташлаш, ернинг сув-физик хусусиятларини яхшилаш, сув чиқариш ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга ошириш);
- \* жонли табиатнинг хилма-хиллигини сақлаш, табиий генофондни маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини қўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш;
- \* қурилиш ва ободонлаштириш режаларининг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимни жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва аҳоли пунктларида экологик хавфсиз муҳитни таркиб топтириш;
- \* жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш. Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг қўламли, бутун сайёрамизга дахлдор муаммо бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни, бепоеён ҳудудларда аҳолининг генофондларга ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш;
- \* халқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини юқорида зикр этилган муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш.

Табиатни муҳофаза қилишнинг Миллий дастурида экологик хавфсизликни таъминлаш ва юқорида айтиб ўтилган тадбирларни қуйидаги тамойиллар асосида амалга ошириш тавсия этилган:



- давлат экологик ислоҳотларнинг йўлбошловчиси;
- экологик харажатларни молиялаш ва уларнинг янги схемаларини жалб қилиш;
- макроиқтисодий ва соҳавий экологик сиёсатни такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини экологиялаштириш;
- атроф табиий муҳит сифатини яхшилаш мақсадини қўйиш ва стандартлаштириш;
- ишлаб чиқаришнинг экологик талабларини чуқурлаштириш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасининг юқорида айтиб ўтилган экологик сиёсатини амалга оширувчи жамиятнинг табиатга нисбатан муносабат шакли, табиат ва жамият қонунларини уйғунлаштириш, экологик чора-тадбирлар ва асосий танланган тамойилларнинг ҳаётга татбиқ қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, Ўзбекистонда жамиятнинг табиатга нисбатан экологик муносабат шаклига ўтиб олиш имконини беради. Бундай экологик сиёсат шахс — жамият — давлатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлашда катта хизмат қилишига ҳеч шубҳа йўқ.

#### 6. АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ

Хўш, кишилик жамияти томонидан эътироф этилиши мумкин бўлган ягона йўл нимадан иборат бўлиши мумкин, деган уринли савол туғилади. Мазкур йўл, бизнинг фикримизча, умуминсоният қадриятларини ифода этувчи, халқаро ҳуқуқ принципларидан келиб чиқувчи ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминловчи ҳуқуқий-демократик йўлдир. Чунки турли тоифадаги кишилар, давлатлар, миллатлар, халқаро уюшмаларнинг фикрларини умумлаштирувчи масала *барқарорликдир*. Ҳар бир инсон, авваламбор, ўз тинчлиги, сиҳат-саломатлиги, бахтли ҳаёти учун қайғуради, албатта. Ушбу эзгу ниятларининг амалга ошиши учун одамлар бутун куч-қудратини ишга соладилар, жамоага—уюшмага—оқимга—давлатга бирлашадилар. Инсониятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида бундай хатти-ҳаракат кишиларнинг юриш-туриш қоида ва меъёрларининг ёзма ифодаси орқалигина амалга оширилади. Ижтимоий муносабатларнинг ана шундай ёзма ифодаси фанда *ҳуқуқ* деб аталади.

Атроф-муҳит муҳофазаси, яъни табиатни муҳофаза қилиш, унинг бузилган қисмларини қайта тиклаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш жараёнида кишилар ўртасида юзага келадиган муносабатлар *ижтимоий муносабатлар* туркумига киради. Уларни эса, фанда умумлаштирилган тарзда *экологик муносабат*, деб атайдилар.

Барқарор ривожланиш йулида турган ҳар қандай давлат учун ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш пировард мақсад ҳисобланади. Унда халқ иродаси қонунларда акс этади, фуқаролар эса давлат бошқарувида фаол иштирок этишлари қонун устуворлигини таъминлашда ва адолатни юзага чиқаришда сўзсиз хизмат қилади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов 2002 йил августда булиб ўтган Олий Мажлиснинг II чақириқ 9-сессиясида қилган маърузасида Ўзбекистон Республикасида демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ўрнатишнинг асосий соҳаларини кўрсатиб берди. Унда ҳамма ижтимоий муносабатлар фақатгина ҳуқуқий йўллар орқали тартибга солиниши кераклиги, ана ўшандагина ижтимоий муҳофазаланган бозор иқтисодиётига етиб боришимиз мумкинлиги таъкидланган эди.

Экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш учун миллий ва халқаро ҳуқуқда экологик меъёрлар ҳамда қоидаларни табиат қонуниятларига мос равишда ишлаб чиқиш, уларни ваколатли орган, ташкилот ёки ҳамжамиятлар томонидан қабул қилиш, унинг иштирокчилари ўртасида ушбу меъёрларни умуммажбурий кучга эга қилиш ва албатта, ҳуқуқбузарларга нисбатан юридик оқибатларни келтириб чиқариш механизмини яратиш зарур. Акс ҳолда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш имкониятини юзага чиқариш асло мумкин эмас.

Шундай қилиб, экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш нафақат атроф-муҳит муҳофазасига, балки халқлар ва давлатлар ўртасида барча маҳаллий, регионал ва глобал масалаларни демократик йўсинда ҳал қилиш ҳамда инсониятни барқарор ривожланиш тамойилларига риоя қилишга олиб келади.

### Қайтариш учун савол ва топшириқлар

?

1. Экология сўзига изоҳ беринг.
2. Экология фанми ёки ўқув предметими?
3. Жамиятнинг табиатга нисбатан қандай муносабат шакллари мавжуд?
4. Ҳозирги замон экологик дунёқарашларни санаб ўтинг ва уларнинг мақсадини тушунтиринг.
5. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда қандай экологик қоидаларга риоя этиш зарур?
6. Давлатимиз қандай экологик муносабат шакли, концепцияси ва принципларни ўз сиёсатида маъқул деб тошган?
7. Экологик хавфсизликни таъминлашда ҳуқуқнинг қандай хизмати бор?

O'QUV ZALI

Тарихга икки хил ёндашиш мумкин, уларнинг бири — табиат, иккинчиси — инсон тарихи. Лекин инсон бор экан, улар узвий боғланган ва узаро алоқадорликда.

*Мутафаккирлар дунёқараш*

## II боб. ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ: ТУШУНЧАСИ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ, ПРЕДМЕТИ

### 1. ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ

Экология ҳуқуқи бир пайтнинг ўзида ҳам юридик фанлар, ҳам экологик фанлар тизимида турувчи мустақил фан тармоғи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз экология ҳуқуқининг фанлар ўртасида туганган ўрни ва улар билан узвий боғлиқлигини аниқлаб олишимиз талаб этилади.

Авваламбор, *Экология ҳуқуқининг экологик фанлар тизимидаги ўрнига* тўхталсак. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Экологиянинг предмети ягона экологик тизимдаги экологик ўзгарувчан организмлар ва уларнинг ўзгарувчан атроф табиий муҳити ўртасидаги муносабатидир. Ушбу муносабат табиий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, юридик, умумий (комплекс) ва шунга ўхшаш кўп қиррали характерга эга бўлиши мумкин. Ана шу характерларга қараб, экология турли фан йўналишларига бўлиниб кетади. Масалан, *ижтимоий характерда* — ижтимоий экология, инсон экологияси, оила экологияси, маҳалла экологияси ва ҳ.к.; *иқтисодий характерда* — иқтисодий экология, табиий ресурслардан фойдаланиш иқтисоди, макроиқтисодий экология, микроиқтисодий экология ва ҳ.к.; *юридик характерда* — экология ҳуқуқи, халқаро экология ҳуқуқи, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи ва ҳ.к.

Юқорида санаб утилган барча Экологияга доир фан тармоқларининг ўзига хос объекти, предмети, усуллари, татбиқ қилиш жойи ва манбалари бор. Акс ҳолда улар мустақил фан соҳаси сифатида эътироф этилмайди.

*Экология ҳуқуқи фан сифатида юридик характерга эга булган кишилар ўртасидаги ўзгарувчан атроф табиий муҳитга нисбатан юзага келадиган барча муносабатларни тадқиқ қилади. Тадқиқ қилинган ушбу соҳага доир назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирилган ва умумлаштирилган тарзда таълим бериш эса экология ҳуқуқи ўқув предметиининг мақсади ҳисобланади.*

Ҳуқуқий характерга эга булган экологияга доир фанлар ҳам тармоқлашиб кетган (2-расмга қаранг).

Экологик-ҳуқуқий билимлар умумлаштирган тарзда — Экология ҳуқуқи ёки ажратилган тарзда — Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, Халқаро экология ҳуқуқи, Атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш каби булиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва экологик йўналишдаги олий ўқув юртларида Экология ҳуқуқида ҳуқуқий экологияга доир барча билимларни умумлаштирувчи ўқув предмети сифатида ўқитиш қабул қилинган.

*Экология ҳуқуқи барча экологияга доир ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солишни ўзининг предмети қилиб олади.* У кишиларнинг табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит ҳолатини соғломлаштириш, табиий тизимларни тиклашга доир хулқ-атвор қоидалари ва меъёрларини ёзма равишда ўрнатади, амалга татбиқ қилади ва унинг муҳофазасини таъминлайди. Бошқа ҳеч қайси бир экологик йўналишдаги фан тармоқлари бундай вазифани ўз олдига қўймайди. Масалан, Биоэкология фақатгина ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзаро ва уларни ўраб турувчи ўзгарувчан атроф табиий муҳити билан бўладиган муносабатни ёки ўзаро алоқадорлик қонуниятини тадқиқ қилади. Унда инсон фақатгина омил сифатида иштирок этади, холос. Шундай қилиб, Биоэкология ўрганиш объектининг «марказида» тирик организмлар — ўсимлик ва ҳайвонот дунёси туради.

Экологиянинг ҳуқуқи бошқа экологик фан тармоқлари билан боғланган жойи борми? Бор бўлса, улар нималардан иборат, деган ўринли савол туғилиши мумкин. Ҳа, бор албатта. Масалан, ҳозирги замон фан ва техникасида юзага келаётган инқилобий ўзгаришлар биосфера (тирик организмлар яшайдиган қобик)даги барча жараён ва ҳодисаларни ўзгартириб юбормоқда. Хоҳ у ижобий, хоҳ у салбий куришишда бўлсин, оддий микроорганизмлардан тортиб то йирик сут эмизувчиларнинг сони, кўпайиши, ривожланиши инсон фаолиятига кундан-кунга кўпроқ боғланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам инсон фаолиятини экологик жиҳатдан бошқариш бошқа турдаги экологик муносабат ва алоқадорликнинг моҳиятини белгилаб беради. *Бошқаришнинг замонавий усулларида бири эса ҳуқуқий тартибга солишдир.* Агарда биз экологик ҳуқуқ нормаларини ўз вақтида қабул қилиб, уларни ҳаётга реал татбиқ қилган тақдиримиздагина, биоэкологик, геоэкологик, ижтимоий-экологик ва бошқа экологик тизимларда модда ва энергия алмашувини нормал ҳолда кечувини таъминлай оламиз. Бу эса барча турдаги тирик организмларнинг яшаш муҳити — «уйи»ни сақлаб қолиш демакдир.

Энди биз *Экология ҳуқуқининг ҳуқуқ соҳалари тизимидаги ўрнини* кўриб чиқамиз. Ҳаммамизга маълумки, ҳуқуқнинг асосий мақсади — ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш. Тар-

тибга солиш функцияси ўзига ҳуқуқнинг қуриқлаш ва тарбиялаш функциясини ҳам қамраб олади. Ижтимоий муносабат деб шахс — жамият — давлат ўртасида юзага келадиган муносабатларга айтамиз. Ушбу муносабат эса иқтисодий, сиёсий, маънавий, маърифий, мулкӣ, шахсий номулкий каби ўнлаб характерларга эга бўлади. Айнан шу характерлар ҳуқуқ соҳаларини ажратиб олишга хизмат қилади. Масалан, *сиёсий характерда* — халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқи ва ҳ.к.; *иқтисодий характерда* — молия ҳуқуқи, банк ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи ва ҳ.к.; *экологик характерда* — экология ҳуқуқи, халқаро экология ҳуқуқи ва ҳ.к.

*Экология ҳуқуқи экологик характердаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқ соҳаси ҳисобланади.* У Ер ҳуқуқи, Сув ҳуқуқи, Ер ости бойликлари ҳуқуқи, Ўрмон ҳуқуқи каби мустақил ҳуқуқ соҳаларидан фарқли табиий унсурларга (ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўрмонлар) мустақил табиий объект сифатида қарамайди. *Табиий унсурларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг ягона экологик тизимларда туриши нуқтаи назаридан қарайди.* Шунинг учун ҳам экология ҳуқуқи табиий объектларга нисбатан қаратилган барча ижтимоий муносабатларни тизимли тартибга солишни назарда тутди. Лекин ушбу мақсадга эришишни бошқа ҳуқуқ соҳалари — Ер ҳуқуқи, Сув ҳуқуқи, Ўрмон ҳуқуқи, Ер ости бойликлари ҳуқуқи, Жиноят ҳуқуқи, Фуқаролик ҳуқуқи каби фанлар билан боғланган ва улардан фойдаланган тарзда амалга оширади. Мисол тариқасида, Жиноят ҳуқуқида экологик қонун нормаларини бузганлик учун алоҳида жиноий жазо санкциялари белгиланган бўлиб, улар орқали Экология ҳуқуқи ўзининг «қуриқлаш» (олдини олиш) функциясини амалга оширади. Ер ҳуқуқи орқали эса у ўта муҳим экологик аҳамиятга эга бўлган ҳудудларни алоҳида бир ер тоифасига — алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга ажратиб олади ва уларда алоҳида бир ҳуқуқий ҳолатни ўрнатади.

*Экология ҳуқуқининг мақсади ва вазифалари.* XXI асрга келиб атроф-муҳит ҳолатига салбий таъсир этувчилар — инсонларнинг турмуш фаолиятини ҳар томонлама қайта қуриб чиқишни тақозо этади. Акс ҳолда ушбу инсонларнинг ноэкологик турмуш тарзи ўзининг ҳаёти учун зомин бўлиши муқаррар.

Кишилар турмуш тарзини экологик хавфсизликка томон йўналтириш учун унинг барча иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, маърифий, ҳуқуқий фаолиятини экологиялаштириш талаб этилади. Оптимист алармизмчиларнинг концепциясига қушилган ҳолда, фақатгина ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва бозор иқтисодиётини чинакамига шакллантириш экологик инқирозларнинг олдини олади, дейиш мумкин. Унга қўшимча тарзда Олий Мажлиснинг II ча-

кириқ 9-сессиясида Президент И. А. Каримов томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилган фуқаролик жамиятини барча давлатларда ўрнатиш ҳам экологик хавфсизликни таъминлаш томон қўйилган катта қадам бўлади. Ушбу талабларни, авваламбор, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг экологик-ҳуқуқий асосини яратиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини кутариш, экологик қонунчиликни ҳаётга кенг татбиқ қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

*Ўзбекистонда экология ҳуқуқининг мақсади — давлатнинг барқарор ривожланиши ва фуқароларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш.*

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун Экология ҳуқуқи қуйидаги **вазифаларни** бажаришни назарда тутати:

- ✓ аҳолининг экологик-ҳуқуқий онги ва маданиятини кутариш;
- ✓ миллий экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосини яратиш;
- ✓ демократик принципларга мос равишда экологик қонунчиликни такомиллаштириш;
- ✓ экологик-ҳуқуқий бошқарувни йўлга қўйиш;
- ✓ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг экологик фаолиятларини аниқлаш ва кенгайтириш ҳамда мукамал экологик-ҳуқуқий назорат тизимини яратиш;
- ✓ экологик-ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш;
- ✓ экологик ҳаракатларни рағбатлантириш ва экологик ҳуқуқбузарларга нисбатан жавобгарликни юридик жиҳатдан ривожлантириш;
- ✓ ҳар бир табиий объект ва комплекслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий режимини экологик талабларга мослаб бориш;
- ✓ экологик жиҳатдан нобоп ёки бузилган ҳудудларга аҳолини ижтимоий муҳофаза қиладиган алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини ўрнатиш;
- ✓ илғор мамлакатларнинг ижобий ҳамда ривожланмаган мамлакатларнинг салбий экологик-ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш;
- ✓ глобал экологик тизимда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро ҳуқуқий ва ягона курравий механизмни яратиш ҳамда уни миллий қонунчиликда кенг ифода этиш;
- ✓ халқ, миллат, элат ва жамоаларнинг ягона инсон сайёрасини хавфсиз ҳолда сақлаш жавобгарлигининг ҳуқуқий базасини яратиш;

- ✓ халқаро миқёсда экологик мониторинг, назорат, экспертиза, экологик процессуал масалаларни тезкорлик билан ҳал қилувчи органларни яратиш ва уларнинг фаолиятларини таъминлаш.

Юқорида санаб ўтилган Экология ҳуқуқининг вазифалари реал шароит ва ҳолатга мос равишда такомиллашиб бориши лозим. Лекин қўйилган мақсад ягона ва ўзгармасдир. Чунки ҳамма нарса инсон ва унинг фаровонлиги учун хизмат қилиши лозим. Фаровон ҳаёт фақатгина тоза ва хавфсиз атроф-муҳитдагина амалга ошишини биз ҳаммамиз Орол ва Орол бўйи мисолида яққол тасаввур эта оламиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50, 54, 55, 100-моддаларида айнан ушбу мақсад ҳуқуқий жиҳатдан бевосита ифода этилгандир.<sup>1</sup>

## 2. ТАБИАТНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАРИХИДАН

Ҳар бир фаннинг ривожланиш тарихи булгани каби жамиятдаги экологик муносабатларнинг ҳам ривожланиш тарихи ёки тараққиёт босқичлари бор. Гарчанд улар экологик муносабат ёки экология ҳуқуқи деб номланмаган бўлса-да, лекин мақсад, айнан атроф табиий муҳитни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишга қаратилган эди.

*Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тарихини* кўпгина олим ва мутахассислар турлича ифодалайдилар. Бир гуруҳ ўзбек ҳуқуқшунос олимлари<sup>2</sup> томонидан чоп этилган «*Экология ҳуқуқи*» дарслигида Ўзбекистон ҳудудида экологик-ҳуқуқий муносабатлар тарихини яқин икки асрга, тараққиёт босқичларини эса кескин равишда ўзгарган ижтимоий-сиёсий ҳолатга боғлайдилар: *социалистик тузумгача (1917—1924 йилларгача); социалистик тузумда (1924—1990 йилларда); мустақиллик даври (1991 йилдан буён)*.

Россиялик олимлар экологик-ҳуқуқий муносабат тарихига турлича ёндашадилар. Масалан, профессор *В. В. Петров*<sup>3</sup> табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг тарихий босқичларини *экологик муносабатлар қайси бир ҳуқуқ соҳаларининг предметиға кирганлигига қараб ажратади: фуқаровий-ҳуқуқий; ер-ҳуқуқий; ер ва ресурслар ҳуқуқи; экологик-ҳуқуқий*.

*В. В. Веденин*<sup>4</sup> эса табиатни ҳуқуқий муҳофазалашнинг тарихий босқичларини *экология ҳуқуқининг мақсади ва вазифаларига кўра ажратади: консервацион; табиий ресурслар; экологик*.

<sup>1</sup> М. Усмонов. Табиатни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари. — Т.: ДДЮИ нашриёти, 2002. — 42-б.

<sup>2</sup> Экология ҳуқуқи. Дарслик. — Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001. — 325-б.

<sup>3</sup> В. В. Петров. Экологическое право России. Учебник. — М.: БЭЖ, 1997. — с. 557.

<sup>4</sup> В. В. Веденин. Экологическое право. Вопросы и ответы. — М.: Юриспруденция, 1999. — с. 126.

Юқорида келтирилган табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг тарихий босқичларини ажратишга турлича ёндашиш табиий ҳол. Албатта, улар тарихий босқичларни ҳуқуқий ўзгаришлар даврига боғлайдилар. Биз ҳам шундай қилишимиз мумкин эди. Лекин Ўзбекистон ҳудудидаги давлат ва ҳуқуқ тарихи нуқтаи назаридан экологик муносабатлар ривожланиш босқичларига қаран бонқа илмий асослар замида таснифлашни талаб этади. Сабаби, *Ўрта Осиё давлатчилиги тарихида юз берган XIX—XX асрдаги сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар доимо ҳам жамиятнинг экологик дунёқарашларини кескин равишда ва тубдан ўзгартиргани йўқ*. Чунки чор Россиясининг ҳам, совет тузумининг ҳам мақсади битта эди — Туркистон улқасини табиий хом ашё базаси сифатида ушлаб туриш. Мустақил Ўзбекистоннинг ривожланишида ҳам айнан табиий ресурслардан атрофлича фойдаланиш нияти йўқ эмас эди. Ундан ташқари, табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тарихи Ўрта Осиёда жуда узоқ давлатчилик тарихига бориб тақалади. Буни асло инкор этиб бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, *Ўзбекистон ҳудудида табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг тарихий босқичларини* кескин чегаралаш керак эмас, аксинча, уларни ажратишда инсонларни табиатга нисбатан қандай муносабат шаклида ва давлатнинг экологик сиёсатига боғлиқлиги асосий таснифлаш мезони бўлиши мақсадга мувофиқдир:

**1-босқич. Кишилик жамиятининг табиатга нисбатан оддий-иқтисодий муносабат шаклидаги даври.** Бу босқич ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида юзага келган давлатчилик тарихидан бошланиб, то XIX асрнинг 70-йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Оддий-иқтисодий муносабат шаклидаги даврда ҳам юридик кучга эга бўлган, айнан табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқий нормалар амал қилган. Масалан, зардуштийларнинг қадимги Авесто<sup>1</sup> китобининг Вандилол қисмида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий нормалари ўрнатилган. Унда инсонлар сув, тупроқ, олов, умуман табиат инъом этган барча нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчли эканлиги, ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган кишиларга нисбатан 400 қамчи жазоси белгиланганлиги айтилган. Лекин Авестода жазо санкцияси табиий объектларни қириш ёки камайтиришга ҳам қаратилган эди. Сувни ифлос қилган ёки ов итини ўлдирган киши 10 минг руҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик баргини йиғиши, 1000 эчкиэмар ва худди шу миқдорда сув қўнғизи ёки касаллик тарқатувчи пашшаларни ўлдириши орқали гуноҳини ювиши лозим бўлган.

Ислом ҳуқуқи, яъни фикҳ илмининг ҳуқуқий манбалари, хусусан, Куръони карим ва ҳадисларда ҳайвонларни боқиш, суғориш ва парвариш қилиш ҳар бир мўмин мусулмоннинг бурчи қилиб кўрсатилган. Кимки ушбу мажбуриятни бажармаса, у гуноҳкор саналиб,

<sup>1</sup> *Авесто*. Тарихий-адабий ёдгорлик. — Т.: «Шарқ», 2001. — 383-б.



жамоат томонидан танбеҳга учраган ва уларга дузах азобида қийналиш жавобгарлиги ўрнатилган. Ушбу ҳуқуқий манбаларга асосланган тарзда қорахонийлар сулоласидан бўлмиш Абул Фазл Аббос 1041 йил 29 декабрь «Ворух фармони»да илк бор экологик қуринишдаги манба яратган. Унинг фармонида қуйидаги экологик нормалар битилган: «Ҳар бир овчи тирикчилик манбаи булган овга фақат битта ёй ўқи билан чиқишга мажбурдир. Бир ўқ билан овланадиган ҳайвон унга насибадур. Насибадан ортиғи эса унга макруҳдир (ҳаромдир). Ҳайвонларни болалаш пайтида овламоқ мумкин эмас, жониворнинг урғочиси, парранданинг модасини ов қилмоқ машнуъдир...», дейилган.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятнинг табиатга нисбатан оддий-иқтисодий муносабат шаклига хос бўлган даврда экологик муносабатлар умумий тарзда ифодаланган ва қўпинча юқори қатлам — шоҳ, ҳоким ва уламоларнинг мулкани муҳофазалашга қаратилган. Ундаги ҳуқуқий нормалар маҳаллий аҳамият касб этиб, табиий объектлар «фойдали» ёки «фойдасиз»га ажратилган. Ягона экологик тизимга хос ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда жавобгарлик санкциялари ўрнатилмаган. Бундай экологик муносабат даври Европа ҳуқуқ нормаларини Ўрта Осиёга кириб келиш давригача ҳукм сурган.

**2-босқич.** Кишилиқ жамиятнинг табиатга нисбатан иқтисодий муносабат шаклига хос бўлган давр. Бу босқич XIX асрнинг 70-йилларидан XX асрнинг 90-йилларигача булган тарихий даврни ўз ичига олади. Ўқувчи бу давр кескин сиёсий-ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ўзида мужассамлаган давр-ку, деган эътирозларни билдириши мумкин. Лекин чор Россияси томонидан Туркистон ўлкасининг босиб олиниши, 1917 йилдан сўнг социалистик тузумнинг ўрнатилиши ва Конституциявий нормаларнинг қабул қилиниши, 1960—80-йилларда бир қатор экологик қонунларнинг юзага келиши, Хоразм ва Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги, сўнгра Туркистон автоном республикаси ва Ўзбекистон ССР даги давлатларнинг экологик концепцияси ҳамда уларнинг экологик сиёсатларига айтарли амалий таъсир этмади. Чунки чор Россияси даврида ҳам, Совет тузумида ҳам Ўрта Осиё арзон табиий хом ашё ўлкаси бўлиб қолаверган. Албатта, бу даврда ҳуқуқ тизими халқаро андозаларга мослаштирилди, янги турдаги ва йўналишдаги ихтисослаштирилган қонунлар қабул қилинди, лекин табиат ва жамият ўртасидаги иқтисодий муносабат шакли қандай бўлса шундай қолди, яъни айтарлича ўзгаргани йўқ. Пахта яккаҳокимлиги, уран, вольфрам, молибден, тилла конларининг пала-партиш ишлатилиши, рекультивация ва мелиорация чораларини кенг миқёсда олиб бормаслик — Орол ва Орол бўйи, Учқудуқ — Кокпото, Узун — Сарисий, Мирзачул — Жиззах чули, Навоий — Газли экологик инқирозли ҳудудларни юзага келтирди. Ушбу тарихий давр бизларга сабоқ бўлиши ҳамда жамият ва табиат ўртасида иқтисодий муносабат шаклининг қайта юзага келишига асло йўл қўймаслигимизга чақиради.

**3-босқич. Иқтисодийдан иқтисодий-экологик муносабат шаклига ўтишга хос бўлган давр.** Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг экологик концепцияси ва экологик сиёсатининг янгилашиш даври. Бу босқич аслида Экология ҳуқуқи жиҳатидан 1990 йил 20 июнда қабул қилинган Ер тўғрисидаги қонундан бошланди. Унда республикамиз ер кенглиги ўзбек халқининг хоҳиш-иродасига қараб тасарруф қилиниши, эгалланиши ва ундан фойдаланишининг илк суверен ҳуқуқи белгиланди. Ўзбекистон Республикаси мустақил Конституцияси билан бир пайтда 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни давлатимизнинг атроф табиий муҳитга бўлган дунёқарашини белгилади. Кейинги 13 йилликда қабул қилинган ўнлаб ихтисослаштирилган ва юзлаб умумлаштирилган экологик қонун ва қонун ости ҳужжатларнинг қабул қилиниши бунга яққол мисол бўла олади. Орол бўйи ҳудудида йилга 20—30 минг гектар суви қочган шўрли ерларнинг фитомелиорация қилиниши (ўсимлик дунёси билан қопланиши), Орол бўйи туманлар аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши, Турсунзода алюмин заводидан чиқаётган чиқитларнинг халқаро меъёрлар орқали тартибга солиниши, тоза экологик маҳсулот чиқаришининг ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши, давлатнинг экологик бошқарув ва назорат тизимининг юзага келиши бунинг амалий мисоли бўла олади.

Ҳозирги босқичда асосий экологик муаммолардан бири экологик-ҳуқуқий механизмнинг тўла шаклланмаганлигидадир. 3-босқич даври энди бошланыпти. Ушбу давр жамиятнинг табиатга нисбатан иқтисодий муносабат шаклидан иқтисодий-экологик муносабат шаклига ўтиш даври бўлмоғи керак. Зеро, эндиликда ўзбек халқининг азалий орзуси — ўз табиий бойликларига нисбатан эгаллик ҳуқуқи юзага келди. Инсон ҳуқуқи ва давлат хавфсизлиги элементларидан бири бўлган экологик хавфсизликни таъминлаш келажакда ўзимизга боғлиқдир.

### 3. ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИНИНГ ПРЕДМЕТИ

Кўпгина адабиётларда Экология ҳуқуқининг предмети — экологик муносабат, деб айтилади. Лекин экологик муносабат — табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, табиий тизимларни қайта тиклаш ва табиий захиралардан оқилона фойдаланишда юзага келадиган кишиларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизликларини ифодаловчи барча характердаги ижтимоий муносабатларни қамраб олади. *Ушбу ижтимоий муносабат ҳуқуқ нормаларида белгиланган тарзда амалга оширилса — юридик характердаги, фақатгина ахлоқодоб қоидаларида акс эттирилса — ижтимоий характердаги, халқа-*

ро алоқа қоидаларида акс эттирилса — *сиёсий характердаги экологик муносабатлар* дейиш мумкин. Экология ҳуқуқи эса фақатгина юридик характердаги ижтимоий-экологик муносабатларни ўз предмети қилиб олади. Чунки ҳамма одоб-ахлоқ ёки халқаро алоқа қоидалари миллий қонунчиликда акс эттирилмаслиги ва у давлатнинг ҳуқуқий-экологик бошқарув асоси бўлмаслиги ҳам мумкин.

Кейинги вақтларда олимлар<sup>1</sup> экологик ҳуқуқий муносабатларга табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир ижтимоий муносабатларни киритиш шарт эмас, деган фикрни олға сурмоқдалар. Улар мустақил ҳуқуқ соҳалари — сув, ер, ер ости бойликлари, ўрмон ҳуқуқлари предмети бўлиб қолсин, демоқдалар. Аммо атроф-муҳитни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни табиий ресурслардан оқилона фойдаланишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки инсон бу боқий дунёда яшар экан, у ҳаётий зарур эҳтиёжларининг деярли барчасини табиатдан олади. Табиат уни кийинтиради, тўйдирди, дам олдиради ва уни соғломлаштиради. Масалан, инсон атмосфера ҳавосидан нафас олмай туриб, сув ичмай туриб, ердан ҳосил йиғмай туриб, ерда юрмай туриб ёки сувда чўмилмай туриб яшай олмайди. Шунинг учун ҳам инсоннинг аксарият (уни туғилиши билан юзага келадиган табиий) ҳуқуқлари айнан табиат билан боғлиқдир. У маълум даражада ушбу табиий ҳуқуқлардан фойдаланиши туфайли атроф-муҳитни ифлослантиради ва табиий ресурсларни камайтиради. Лекин инсоннинг бундай таъсири маълум даражада меъёрланган ёки чекланган бўлиши даркор. Акс ҳолда у ўзи яшаётган атроф табиий муҳит ҳолатини айнан табиий ҳуқуқлардан фойдаланиш имконини бермайдиган тарзда бузиб юбориши мумкин. Ундан ташқари, экологик муносабат ҳар қандай ер, сув, ўрмонга оид муносабатларни ягона экологик тизимдаги муносабат деб қарайди ва унга комплекс тарзда ёндашади. Комплексликни 1996 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан тасдиқланган махсус экологик давлат бошқаруви — Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади. Ўзининг низомига мувофиқ Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат назоратини ҳамда тармоқлараро бошқарувни амалга оширади.

Хуллас, *Экология ҳуқуқининг предмети* — *экологик-ҳуқуқий муносабатлар*, яъни *атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат комплексларини қайта тиклашда юзага келадиган юридик характердаги ижтимоий муносабатлар*.

<sup>1</sup> Н. Н. Веденин. Экологическое право: вопросы и ответы. — М.: Юриспруденция, 1999. — с. 126.

#### 4. ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Экология ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Улар қуйидаги хусусиятлардан иборат:

- *мустақил объекти* — экологик тизимларда турувчи табиий бойликлар, захиралар ва уларнинг комплекслари;
- *ихтисослаштирилган ҳуқуқ манбаларининг мавжудлиги* — табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва шу қабилар;
- *мустақил предмети* — экологик-ҳуқуқий муносабатлар;
- *мустақил принциплари* — йўналтирувчи қоидаларининг мавжудлиги;
- *ўзига хос тадқиқ қилиш ва бошқариш усуллари* — комплекс тизимли ёндашиш ва ҳ.к.;
- *экологик метёр, қоида ва ҳуқуқий механизмнинг татбиқ қилиш жойининг мавжудлиги.*

Экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда мазкур фан соҳаси қуйидаги *тамойилларга амал қилади.*

- *Экологик-ҳуқуқий тадқиқ қилиш, таълим бериш ва тартибга солишда тизимли ёндашувнинг мажбурийлиги.* Яъни ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этишда уни ер ости бойликлари, сув, ҳаво, барча тирик организмлар билан узвий боғлаган ҳолда олиб бориш.
- *Табиат қонунлари билан жамият қонунларини уйғунлаштириш зарурияти.* Яъни ресурсларни қайта тикланиш ва ташқи таъсирларга қарши туриш (буферлик) қобилиятини инobatга олган ҳолда фойдаланишнинг энг юқори кўрсаткичларини ўрнатиш.
- *Маҳаллий ва миллий қонунчилик нормаларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштириш зарурияти.* Яъни маҳаллий (туман, шаҳар, вилоят) экологик хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш давлат (қўшни туман, шаҳар, вилоят) регионал (қўшни давлатлар) ва глобал (халқаро ҳамжамият) миқёсдаги экологик хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш орқалигина амалга ошириш мумкинлиги.
- *Экологик хавфсизлик даражасининг ҳуқуқий таъминланиш даражаси давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқлиги.* Яъни ижтимоий-иқтисодий бақувват ва экологик маданияти юқори бўлган давлатдагина экологик қонунларни ҳаётга татбиқ қилиш механизмини тўлақонли ишлатиш имкониятининг вужудга келиши.

Юқорида санаб утилган экология ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатлари шахс — жамият — давлат — давлатларнинг экологик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш имкониятини беради. Қуйида кўриб чиқиладиган ҳар бир мавзунинг ёритилишида айнан ушбу «ўзига хослик» инobatга олинади.

**Экология ҳуқуқи принциплари.** «Принцип» сўзи лотин тилида *principium* — асос, бошлаш қондаси деган маънони англатиб, у ижтимоий фанларда ҳар бир ҳаракат ёки фаолиятнинг асоси ёки йўналтирувчи қондаси деб юритилади.

**Экология ҳуқуқининг принципи** — экологик муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда амал қилинувчи ёки йўналтирувчи қондалар. Ушбу йўналтирувчи қондалар ҳуқуқшуносликка оид принципларни умумий экологик принциплар билан уйғунлаштирган ҳолда тузилган бўлади. Улар давлатларнинг миллий ҳуқуқ манбаларида ва халқаро ҳуқуқ нормаларида акс эттирилади. Биз, авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсатидан келиб чиққан тарзда намён бўладиган миллий экологик ҳуқуқ принципларини кўриб чиқамиз.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида миллий экологик принциплар акс эттирилган. Унга биноан табиатни муҳофаза қилиш мақсадида давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимият, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва кооператив хўжаликлар, шунингдек, айрим шахслар хўжалик, бошқарув ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида куйидаги қондаларга амал қилишлари шарт:

1) *Инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экологик тизимларни сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлигини, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш.*

Албатта, бу модда Қонунда принцип сифатида лўнда ва аниқ акс эттирилмаган. Биосфера — тирик организмлар тарқалган қобиқ ёки уларнинг яшаш муҳитини ўзида қамраб олган атмосферанинг пастки, бутун гидросфера ва литосферанинг юқори қисми. Лекин бутун биосфера инсонларнинг яшаш муҳити ҳисобланмайди. Чунки ҳавода, сувда ёки ер остида инсонлар яшамайдилар ёки узоқ муддат яшай олмайдилар. Уларда бошқа турдаги тирик организмлар истиқомат қилади. Шунинг учун ҳам ушбу принципни ифодалашда инсонларнинг атроф табиий муҳити — *биосферани ва ундаги экологик тизимларни сақлаб қолиш*, десак тўғрироқ бўларди. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг принциплари аниқ ва лўнда қилиб берилган<sup>1</sup> — объективлик, тарихийлик, мантиқийлик, ижтимоий ёндашиш, миллий ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш. Биз ҳам худди ана шундай ёзма ифода этиш қондаларини инobatга олган тарзда Экология ҳуқуқи принципларини акс эттиришга уришиб кўрамиз.

Биринчи ифода этилаётган ҳуқуқий-экологик принцип — *«Биосфера ва ундаги экологик тизимлар инсонларнинг экологик хавфсизлиги билан узвий боғлангандир»*. Яъни тирик организмлар яшайдиган му-

<sup>1</sup> А. Саидов, У. Тожиқонов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 1-жилд. ЎЗР ИИВ Академияси, 2001. — 28—30-б.

ҳитда кечаётган барча ҳодиса ва жараёнлар инсон ҳаёти билан узвий боғланган. Шунинг учун ҳам уларни муҳофаза қилиш кишиларнинг экологик жиҳатдан хавфсиз ҳаёт кечиришлари манбаи ҳисобланади.

2) *Фуқароларнинг ҳаёти учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги.*

Ушбу экологик принципни икки қисмга ажратиб олиш мақсадга мувофиқдир. *Биринчиси* — «*Фуқароларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш*», яъни инсон бу дунёга келар экан, у тоза сувдан ичиш, тоза ҳаводан нафас олиш, гузал табиат қуйнида ҳордиқ чиқариш, ўзи учун зарур бўлган табиат неъматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг ушбу табиий ҳуқуқлари 1948 йил 10 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган ва 1992 йилдан буён мустақил Ўзбекистон учун ҳам мажбурий бўлган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 25-моддасига мос тушади.

*Иккинчиси* — «*Таълим тизимида экологик ўқувнинг мажбурийлиги*», яъни қаерда ўқитиш жорий қилинган бўлса (боғчадан тортиб то малака оширишгача), ўша ерда экологик ўқувни ташкиллаштириш шартдир. Афуски, ушбу мажбурий ҳуқуқий норма 1997 йил 29 августда қабул қилинган Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунида ўз аксини топмаган.

3) *Жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш.* Яъни табиатга қаратилган ҳамма иқтисодий ва ижтимоий тадбирлар экологик нуқтаи назардан қаралиши ҳамда илм-фан ютуқлари билан қуролланиши зарурдир. 2003 йил Ўзбекистонда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Ўзбек миллатига хос бўлган ушбу ижтимоий-иқтисодий тадбирнинг махсус дастурида «Маҳаллада экологик, саломатлик ва санитар тадбирлар» алоҳида банд қилиб кўрсатилган. Чунки ҳар қандай экологиялаштирилган ҳаракат келажакда, албатта, уз маҳсулини беради. Экологик манифестдан «Экологиялаштирилган тадбирлар иқтисодлаштирилгандир», деган иборани бу ерда келтириш айни муддаодир.

4) *Табиатдан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тўламаслик.*

Мазкур экологик принцип кўпгина мамлакатларнинг Экология ҳуқуқида умумий тарзда «*Табиатдан махсус фойдаланишининг пуллик ва умумий фойдаланишининг пулсиз тизими*», деб юритилади. Бу деган сўз, агарда шахс бирон-бир хўжалик ва бошқа мақсадларни кўзлаб ер, сув, ер ости бойликлари, урмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан махсус руҳсатномалар асосида фойдаланар экан, улар 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Солиқ кодексига биноан ер, сув, ер ости табиий бойликларидан фойдаланганликлари учун ҳақ ва экологик солиқларни тўлашга мажбурдирлар. Лекин умумдавлат, умуминсоний қадриятларни ифода этувчи ҳар қандай табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи солиқ ва

туловлардан озод қилинади. Ундан ташқари, ижтимоий адолат принципига мувофиқ, айрим шахслар ва аҳолининг ижтимоий муҳофазига муҳтож қатлами экологик тулов ва солиқлардан озод қилинадилар.

5) *Экологик экспертиза ўтказишнинг мажбурийлиги.*

«*Экологик экспертизанинг мажбурийлиги*» принципи Экологик экспертиза тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 май қонунинда ўз аксини топди. Мазкур Қонуннинг 13-моддасига биноан барча режалаштирилган ва амалга ошириладиган хужалик ҳамда бошқа хил инсон фаолияти экологик талабларга мослигини аниқлаш мақсадида мутахассис ёки мутахассислар томонидан хулосаланилади. Экспертиза шахсларни ноэкологик фаолият турини тақиқлаш мақсадида олиб борилади.

6) *Табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш.*

«*Экологик фаолиятни рағбатлантириш*» принципи қўпгина экологик қонунчилик манбаларида акс эттирилган бўлиб, у тупроқ унумдорлигини сақлаш, сувларни тозалаш, камчиқитли технологияларни қўллаш, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ҳуқуқий мақомига мос равишда ушлаб туриш, экологик тоза маҳсулотларни чиқариш каби фаолият турини олиб бораётган юридик ва жисмоний шахсларни турли экологик йўналишдаги солиқлардан озод қилиш, уларга имтиёзли кредитлар бериш ва аксиз туловларни камайтириш каби ижобий оқибатларни келтириб чиқариш. Масалан, Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 37-моддасига биноан атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган барча тадбирлар давлат томонидан рағбатлантирилади. Бизнингча, жуда яхши булар эди, агарда ушбу моддадаги нормаларни барча қонун ҳужжатларида аниқ қилиб ифода этилса.

7) *Табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сихат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик.*

«*Ноэкологик фаолиятга йўл қўймаслик*» принципи Конституция-мизнинг 55-моддасида акс эттирилган бўлиб, уни бажариш давлат зиммасига юклатилган, чунки Ўзбекистон Республикасида давлат ўзининг вақолатланган органлари орқали барча турдаги органлар ва шахсларнинг фаолиятлари экологик талабларга мослигини назорат қилади, қонунбузарларга нисбатан салбий юридик оқибатларни келтириб чиқаришни таъминлайди. Келажақда эса давлат уни босқичма-босқич маҳаллий идораларга ва нодавлат ташкилотларга ўтказишни мўлжалламоқда.

8) *Табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик.*

«*Экологик фаолият ошкоралиги*» принципи демократик давлат қураётган ва фуқаролик жамиятини ўрнатаётган Ўзбекистонда жуда муҳим экологик қоида ҳисобланади. Чунки фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш асосан уларнинг атроф табиий муҳити ҳақидаги ахборотларни олиш имконияти билан белгиланади. Бу ўринда табиатни

муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг йиллик ҳисоботини нафақат рус тилида<sup>1</sup>, балки давлат тилида ҳам чоп этиш ва кенг оммага тарқатиш ушбу принципни амалга оширишнинг амалий чораларидан бири ҳисобланади. Акс ҳолда, атроф табиий муҳит ҳақида ҳаққоний маълумотга эга бўлмаган шахс уни сақлаб қолиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

9) *Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни ўйғунлаштириш.*

«Миллий, регионал ва глобал экологик манфаатлар бирлиги» принципи умумий экологик принципдан келиб чиққан бўлиб, табиатда кетаётган барча жараёнлар ва ҳодисалар ҳеч қандай маъмурий чегараларга бўйсунмайди. Шунинг учун ҳам миллий экологик қонунчиликка халқаро экологик нормаларни имплементация (татбиқ) қилиш зарурдир. Ҳеч қачон атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ис гази шу ерда муаллақ ҳолда туриб қолмайди, балки қўшни давлат ва халқаро ҳамжамиятга хавф тугдиради. Орол муаммоси айнан шу тариқа глобал муаммога айлангандир.

10) *Табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш.*

«Экологик жавобгарликнинг муқаррарлиги» принципи экологик ҳуқуқбузарларга нисбатан (хоҳ у табиатни муҳофаза қилиш, хоҳ у табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўладими), албатта, салбий юридик оқибатларни келтириб чиқариши лозим. Шунинг учун ҳам Жиноят кодексининг IV бўлими, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг VIII бобида экологик қонунбузарликлар учун махсус равишда санкциялар кўрсатилган. Фуқаролик ва Меҳнат кодексларида ҳам ушбу қоидабузарлик санкциялари аниқлаштирилса, мақсадга мувофиқ булар эди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, юқорида санаб ўтилган экология ҳуқуқининг 10 та принципи давлат томонидан ўрнатилган бўлиб, у умуммажбурий кучга эга ва барча қонун ҳужжатларида ўз аксини топиши шарт.

### Қайтариш учун савол ва топшириқлар

?

1. Экология ҳуқуқи қайси фанлар тармоғига киради?
2. Экология ҳуқуқининг ҳуқуқ фанлари билан қандай алоқаси бор?
3. Экология ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатларини санаб ўтинг?
4. Экология ҳуқуқининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
5. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тарихида қандай босқичлар бор?
6. Экология ҳуқуқининг предмети айтиб беринг?
7. Ерга оид қандай муносабатлар Экология ҳуқуқининг предметига киради?
8. Экология ҳуқуқининг қандай йўналтирувчи қоидаларини биласиз?
9. «Экологик жавобгарликнинг муқаррарлиги» деганда нимани тушунаси?

<sup>1</sup> Национальный доклад «О состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан». — Т.: Chinor ENK, 1998. — с. 102.



Инсонлар табиат билан ҳамоҳангликда соғлом ҳаёт кечириш ва унумли меҳнат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

*Рио-де-Жанейро декларациясидан*

### III боб. ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ ВА ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМ

#### 1. ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ ТУШУНЧАСИ ВА НОРМАЛАРИ

Экология ҳуқуқининг предмети айнан экологик-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. *Экологик-ҳуқуқий муносабатларга табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат комплексларини қайта тиклашда юзага келадиган кишилар ўртасидаги юридик тусдаги муносабатлар киради.*

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига биноан *экологик муносабатларга ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавосини ва уларнинг комплексларини:*

- ифлосланишидан;
- бузилишидан;
- ориқланиб кетишидан;
- вайрон бўлишидан;
- йуқ бўлиб кетишидан;

— *оқилона фойдаланмасликдан муҳофаза қилишга оид барча ижтимоий муносабатлар киради.* Уларни умумлаштирган тарзда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир юридик тусдаги муносабатлар, деб ҳам айтилади.

Хуш, қандай экологик-ҳуқуқий муносабатлар атроф табиий муҳитни ифлослантиришдан муҳофаза қилишга қаратилган бўлади. Авваламбор, *атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши* — *инсон саломатлиги ва ҳаётига, унинг атроф табиий муҳитига хавф туғдирадиган тарзда табиат унсурлари (ер, ер ости бойликлари, сув ва атмосфера ҳавоси) таркибининг физик ва кимёвий жиҳатдан ўзгариши.*

Ушбу ифлосланиш табиий ҳамда антропоген жараён ва ҳодисалар натижасида юзага келади. *Табиий ифлосланиш* — вулқон отилиши, ер қимираши, кучли шамолларнинг эсиши, сув тошиши, сел кетиши натижасида юзага келади.

*Антропоген ифлосланиш* эса кишиларнинг ҳужалик ва бошқа ноэкологик фаолиятлари натижасида табиат унсурларининг физик-кимёвий ўзгаришидир. Ушбу ифлосланиш жуда хилма-хил тарзда намоён бўлгани учун ҳам, уларни бир неча турларга ажратиб олинади: чанг-тўзонли, газли, кимёвий, ароматик (ҳидли), иссиқлик (сув температураси-

нинг ортиши), товушли, радиоактив ва ҳ.к. Масалан, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 45-моддаси табиатни ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш тартибини ўрнатади. 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуни чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олишга қаратилган махсус экологик қонундир.

**Табиат унсурларининг ориқланиб кетиши** — инсонларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларининг иқтисодий шаклда қондирилиши натижасида табиий ресурсларнинг камай бориши. Ориқланиб бориш натижасида табиий унсурлар ресурс имкониятларини тугата боради ҳамда экологик тизимдаги модда ва энергия алмашувининг нормал кечувини тўхтатади. Инсоният тарихи давомида ер юзида ўрмонларнинг 2/3 қисмининг қисқариши атмосфера ҳавосидаги  $O_2$ : $CO_2$  нисбатини ўзгартириб юборди. Бу эса кишиларда қон-томир касалликларининг кўпайишига, нафас олиш органларининг сурункали равишда хасталанишига олиб келмоқда.

**Табиат унсурларининг бузилиши** — атроф-муҳит ҳолатининг инсон яшаши учун ноқулай даражада ўзгариши. Атроф табиий муҳит ифлосланиши турли жой, ҳудуд ҳамда минтақаларда турли кўринишда ва даражада намоён бўлади. Шаҳарларда, айниқса, йирик мегаполисларда, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши асосан (70—80%) транспорт воситаларидан чиқаётган газлар ҳисобига, саноат зоналарида металлургия ва кимё заводлари чиқиндилари ҳисобига (40—50%), аграр зоналарда қишлоқ хўжалигини кимёвийлаштириш ҳисобига (50—60%) содир бўлади. Экологик-ҳуқуқий муносабат эса ифлослантирувчи объектлардан чиқаётган чиқиндиларни меъёрлаш орқали олиб борилади. Меъёрлаш нормалари табиат сиғими, табиий объектларнинг қайта тикланиш имконияти ва экологик тизимларда модда ва энергия алмашувининг жараёни ҳамда аҳолининг саломатлиги даражаси каби кўрсаткичларга қараб ўрнатилади.

Экологик тизимда модда ва энергия алмашувининг салбий ўзгариши, В. Е. Чуб маълумотларига кўра, Марказий Осиёда атмосфера ҳавоси температурасининг кейинги 100 йил ичида 0,3—0,6° С кўтарилишига, чул्लаниш жараёнининг жадаллашувига, йил фасллари-нинг сурилишига сабаб бўлган<sup>1</sup>.

**Табиат унсурларининг вайрон бўлиши** — табиий объектларнинг табиий ва техноген жараёнлар натижасида табиий хосса ва хусусиятларининг йўқотилиши. Масалан, собиқ иттифоқ даврида қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш ерларнинг вайрон бўлишига ва уларда экологик соф маҳсулотларни етиштириш

<sup>1</sup> В. Е. Чуб. Опустынивание в Узбекистане и основные направления смягчения его последствий//Проблемы опустынивания в Узбекистане.—Т.: САНИГМИ, 2002. — с. 9—12.

имконини бермади. Бундай ҳолат, айниқса, суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ҳудудларда кескин равишда аҳолига ўз салбий таъсирини кўрсатди. Шунинг учун ҳам Жиноят кодексининг 201-моддасида шу турдаги ҳуқуқбузарликларга алоҳида санкция белгиланган.

*Табиат унсурларининг йўқ бўлиб кетиши — айрим турдаги усимлик ва ҳайвонот дунёсининг ер юзида тур сифатида йўқотилиши.* Ноёб, кам учрайдиган ҳамда йўқолиш арафасида турган ҳайвонот ва усимлик дунёсининг бутунлай йўқолишига олиб келишда инсон фаолияти сезиларли равишда «хизмат қилмоқда». Ўзбекистон Қизил китобига кирган усимлик дунёси турлари кейинги 15 йил ичида 181 тадан 301 тагача кўпайди. Уларнинг йўқотилиши бутун инсоният, хусусан, миллатнинг табиий меросини йўқотиш билан баробардир. Ушбу ҳуқуқбузарликлар ҳуқуқшуносликда ижтимоий хавfli ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар тоифасига киритилади ва Жиноят кодексининг 202-моддасига биноан, улар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

## 2. ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ ОБЪЕКТЛАРИ

Давлат ва ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ ва унинг соҳалари объектига алоҳида муносабат билдирилмаган. Агар билдирилган бўлса ҳам жуда турлича ёндашувлардан иборат бўлган. Лекин биз юқорида айтиб ўтдикки, ҳар бир фан соҳаси, авваламбор, ўзининг ўрганиш объектини танлаб олади, сўнгра предметини аниқлаштиради. Ҳуқуқшуносликда ижтимоий муносабат объекти ёки ўша муносабат йўналтирилган моддий ва маънавий бойлик-ми, ҳуқуқ ёки манфаатларми? Фуқаролик ҳуқуқида ашё, муаллифлик ҳуқуқи, мулк унинг объекти бўлса, мулкий ва шахсий номулкий муносабат унинг предметиدير. Лекин Жиноят ҳуқуқида барча ижтимоий муносабатлар унинг объекти бўлса, унинг предмети алоҳида моддий ашёга оид жиноятлардир. Шунинг учун ҳам ҳуқуқ назариясида ҳар бир ҳуқуқ соҳаларига алоҳида ёки умумэтироф этилувчи ҳуқуқ объекти ва предметига оид билимларни ривожлантириш керак бўлади.

Экология ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқий билимлар тоифасига кирувчи ҳуқуқ соҳалари қаторидан жой олганлигини инobatга олган ҳолда биз унинг объектини табиий объектлар ва инсонларнинг экологик хавфсиз муҳитга эга бўлиш ҳуқуқлари, деб олсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсонларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи фуқароий ҳуқуқий нуктаи назардан тўғридир. Лекин ижтимоий-экологик, хусусан, Экология ҳуқуқида унинг ўрганиш объектининг марказий звеноси инсондир. Ушбу фан тирик организмлар тоифасига кирувчи инсонлар ўртасидаги ўзаро ва уларни атроф-муҳити билан бўладиган қонуниятларни тадқиқ қилади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш айнан инсоннинг

экологик хавфсизлигига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш нуқтаи назаридан меъёрланади. Ҳамма экологик ҳуқуқий нормалар айнан инсон ҳуқуқларига қараб ўрнатилади. Ундан ташқари, инсонларнинг экологик ҳуқуқлари мустақил ҳуқуқ соҳаси — инсон ҳуқуқларининг ҳам объектидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг муқаддимасида фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ушбу қонуннинг объекти эмас, балки унинг мақсади сифатида қаралган.


*Экология ҳуқуқи объекти* — амалдаги қонунлар билан муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш имконини берувчи атроф табиий муҳитнинг таркибий қисмлари. Табиий муҳитнинг таркибий қисмлари Экология ҳуқуқининг объекти бўлиши учун, улар уч талабга жавоб бериши керак (3-расм):

- \* табиий келиб чиққанлиги;
- \* экологик тизимнинг таркибига кириши;
- \* кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириши.

*Табиий келиб чиққанлик* талаби кишилар ўртасида юзага келаётган муносабат қаратилган ашё, мулк ёки нарса инсон фаолиятининг маҳсулими ёки уни табиат яратганми? Масалан, ўрмонлар инсонлардан ҳам олдин бўлган ва табиий шароитлар имкон берган жойларда ҳозир ҳам юзага келяпти. Сунъий ўрмонлар инсон билан табиатнинг биргаликдаги маҳсули. Лекин у табиат орқалигина ўсади, кўпаяди, яъни жонли организмга айланади. Жонли организм эса экологиянинг объекти бўла олади.

*Экологик тизимнинг таркибига кириш* талаби ҳар бир моддий нарсалар табиатда кетаётган модда ва энергия алмашиш жараёнида иштирок этиши керак. Масалан, ўсимлик ўсади ва уни ўтхўр ҳайвонлар ейди, ўтхўр ҳайвонлар эса йиртқич ҳайвонлар ўлжаси ҳисобланади, йиртқич ҳайвонлар ўлганларидан сунг гриф каби «санитар» қушлар ўлжасига айланади. «Санитар» қушлар ўлиб, тупроқдаги микроорганизмларга ем бўлади, уларнинг яшаш муддатининг тугаши органик элементларни парчалаб, минерал элементларга айланишига сабаб бўлади. Тупроқдаги минерал моддалар (N, P, K, Al кабилар ...) ўсимлик дунёсининг ердаги озуқа моддаси ҳисобланади. Ўсимлик эса яна ўтхўр ҳайвонлар озуқаси бўлади. Шу тариқа модда ва энергия айланиш жараёни кетади. Буни фанда «Озуқа занжири» деб атайдилар. Озуқа занжирининг узлуксизлигини сув, ҳаво, қуёш энергияси таъминлаб беради, яъни «экологик тизим» юзага келади. Агарда моддий дунё элементлари ана шу экологик тизимда қатнаша олмаса, у ҳолда улар Экология ҳуқуқининг объекти бўла олмайди.

*Кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш* — ҳамма моддий дунё ижтимоий йўналишдаги фанларда инсон нуқтаи назаридан қаралади. Экология ҳуқуқининг марказида «инсон» турар экан, атроф-



3-расм. Экологик-ҳуқуқий муносабат объекти.

муҳит унга хизмат қилиши, яъни экологик хавфсиз муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи нуқтаи назаридан қаралади.

Оқорида санаб ўтилган зарурий талабларнинг ҳар учаласига жавоб берган моддий дунё элементлари Экология ҳуқуқининг объекти бўлиши мумкин.

Амалдаги ўзбек миллий экологик қонунчилиги, хусусан, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига биноан, Экология ҳуқуқининг объекти уч хил шаклда (қўринишда) نامоён бўлмоқда: *дифференциал, интеграл (комплекс), индивидуал*.

*Дифференциал* (лотин тилида *differentia* — турли, турли хил) шаклдаги Экология ҳуқуқи объектларига — ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси, яъни турли қўринишдаги табиий унсурларни алоҳида-алоҳида муҳофаза этиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати.

*Интеграл* (лотин тилида *integer* — бир бутун, яхлит) ёки *комплекс* шаклдаги Экология ҳуқуқининг объектларига муайян ҳудудларда табиий объектларнинг мажмуали муҳофазасини амалга ошириш. Уларга — қўриқхона (жумладан, биосфера қўриқхонаси), миллий ва дендрологик боғ, буюртма қўриқхона, ботаника ва зоология боғлари, курорт ва рекреацион тегралар, ер усти ва ер ости сувлари тўпланадиган тегралар (дарё водийлари, адирлар, тоғ ёнбағирлари), сув объектларининг соҳилбўйи минтақалари ва сувни муҳофаза этиш жойлари (минтақалари), алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланадиган (буфер) тегралари (зоналари), балиқчилик ҳужаликлари жойлашган ерлар, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари.

*Индивидуал* (лотин тилида *individuum* — хусусий, алоҳида) шаклдаги Экология ҳуқуқи объекти — алоҳида бир қўринишдаги ёки қийматдаги табиий объектлар. Улар жумласига — табиат ёдгорликлари, Халқаро ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобларига киритилган табиий турдаги ҳайвонлар ва ўсимликлар, нодир ва қимматбаҳо металл конлари киради.

Ўзбекистон Республикасида экологик-ҳуқуқий муносабатлар айнан ана шу табиий объектларга нисбатан қаратилган бўлади ҳамда ушбу 3 турдаги объектлар бўйича экологик қонун ва қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилади. Лекин фан ва жамият тараққиёти Экология ҳуқуқи объектлари таснифланишини такомиллаштиришга, юзага келаятган экологик ҳолат ва жараёнларни инобатга олишга ҳамда янги шаклдаги экологик муносабатларни шакллантиришга ундамоқда. Хусусан, антропоген ўзгарган (шаҳар, аграр, саноат...) ҳудудларни ёки Орол бўйи, Орол, Денов — Узун каби инқирозли теграларни алоҳида бир экологик-ҳуқуқий объект сифатида қараш ва уларга нисбатан ҳуқуқ манбаларини ихтисослаштириш, уларда давлат бошқаруви, назорати ва жавобгарликнинг узига хос тамойилларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

### 3. ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ СУБЪЕКТЛАРИ

Экология ҳуқуқи — ижтимоий фанлар туркумига кирувчи фан тармоғи сифатида кишиларнинг ўзаро экологик муносабатларини тартибга солишга қаратилгандир. Агар экологик муносабат қайси бир табиат унсурларига қаратилган бўлса — экология ҳуқуқининг объекти, кимлар томонидан қаратилган бўлса — ушбу муносабат субъекти бўлади. Аниқроғи, *экологик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳамда субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгаси — экология ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланади.*

Экологик-ҳуқуқий муносабат қатнашчилари бўлиб, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат ва унинг ташкилотлари киради. Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига биноан *жисмоний шахсларга* фуқаролиги бўлган, фуқаролиги бўлмаган ва чет эл фуқаролари киради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасига биноан барча фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. Уларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари ўзга шахсларнинг тоза ва соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини, яъни Конституциянинг 24-моддасида акс эттирилган яшаш ҳуқуқларига зид бўлмаслиги керак.

*Юридик шахслар* жамоавий субъектлар<sup>1</sup> тоифасига киргазилиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасига биноан, ўз мулкига, ҳужалик юритишда ёки кундалик бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавобгар, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ҳамда уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларини бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотдир.

Юридик шахснинг экологик мажбуриятлари Конституциямизнинг 54-моддасида акс эттирилган бўлиб, у ўз мол-мулкни ўз хоҳишича эгаллаш, унда фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини амалга ошириши, ўзга шахс ва давлатнинг экологик хавфсизликка эга бўлиш ҳуқуқини бузмаслиги лозим.

Ўзбекистонда *давлат* барча табиий объектларнинг эгаси сифатида экологик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларидан ҳисобланади. Конституциямизнинг 55-моддаси ва тегишли ихтисослаштирилган қонунларга биноан у табиий унсурлар эгаси сифатида умуммиллий бойликларни муҳофаза қилиш мажбуриятини олади. Унинг ҳуқуқи эса давлатнинг миллий хавфсизлик элементларидан бири бўлган экологик хавфсизликка эга бўлишидадир. Давлат экологик-ҳуқуқий муносабатларда ўзининг ҳокимият органлари ва тегишли идоралари орқали иштирок этади.

<sup>1</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2000. — 297-б.

#### 4. ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИ

Экология ҳуқуқи табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид экологик муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда ўзига хос усуллардан фойдаланилади. Усул ёки метод (грекчада *methodos* — тадқиқ қилиш) бирор жараён, ҳодиса ёки муносабатларни тадқиқ қилиш, ўрганиш, бошқариш, тартибга солиш йўлидир.

Табиатни муҳофаза қилиш учун давлат, жамият ва инсонлар турли усуллардан фойдаланадилар. Уларга табиий-илмий, иқтисодий, санитар-тозалик, ташкилий-бошқарув, маданий-тарбиявий ва албатта, ҳуқуқий усуллар киради.

Маълумки, ҳуқуқшуносликда ҳуқуқий нормалар орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солишни ҳуқуқий усуллар деб аталади. Лекин ҳуқуқий усуллар турли адабиётларда турлича таснифланади. Экология ҳуқуқидаги усулларни ҳам турлича таснифлаш бундан истисно эмас. Айрим олимлар ман этиш, олдини олиш, мажбурлаш, моддий манфаатларни ифода этишга оид ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда татбиқ этиш — Экология ҳуқуқининг усуллари дейишса, бошқалари экологик бошқарув йўллари — маъмурий (авторитар), фуқаровий (автономия), аралаш (фуқаровий + маъмурий), экологизациялаштириш унинг усуллари бўлади, дейишади<sup>1</sup>.

Биринчи ёндашув, бу ҳуқуқ нормаларининг ички мазмунидан келиб чиқадиган ҳуқуқни амалга ошириш шакллари ҳисобланади<sup>2</sup>, лекин усуллари эмас. Иккинчи ёндашув эса экология ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатларини инobatга олмаган тарздаги умумюрidik усул ҳисобланади. Экологизациялаштирилган, тўғрироғи, экологиялаштирилган усулни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки экология ҳуқуқида экологиялаштириш усул эмас, балки мақсаддир.


**Экология ҳуқуқи усули** — экологик муносабатларга таъсир этиши ёки уларни ҳуқуқий тартибга солиш йўли. Ушбу йўллар умумэтироф этилган тарзда маъмурий-ҳуқуқий, фуқаровий-ҳуқуқий ва аралаш (маъмурий ва фуқаровий-ҳуқуқий) усуллардан иборатдир (4-расм).

**Маъмурий-ҳуқуқий усул** — давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда юзага келадиган муносабатларни тақиқловчи, олдини олувчи (профилактик) ва мажбурловчи мезёр ва қоида нормаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалда татбиқ этиш йўли. Бу усул экологик муносабат қатнашчиларининг тенгсиз-

<sup>1</sup> Н. В. Кузнецова. Экологическое право. Схемы и комментарии. — М.: Юриспруденция, 1999; А. Н. Ниғматов. Экология ҳуқуқи: схемалар ва тушунчаларда. — Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1999; Экология ҳуқуқи. — Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001.

<sup>2</sup> А. Саидов, У. Тожихонов. Давлат ва ҳуқуқ асослари. — Т.: ИИВ Академияси, 1999. — 414-б.





4-расм. Экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш усуллари.

лиги асосида, яъни давлат — ҳоким ва қолган субъектлар (юридик ва жисмоний шахслар) — бўйсинувчи, итоат этувчилар сифатида қатнашади. Масалан, давлат барча табиий объектларнинг эгаси (давлат мулки бўлгани ҳолда) сифатида фуқаролар ёки уларнинг уюшмаси-ни ушбу мулкдан оқилона фойдаланишлари ва уни муҳофаза қилиш-ларини мажбурлов нормалари орқали тартибга солади.

**Фуқаровий-ҳуқуқий усул** — табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда юзага келадиган муносабатларни унинг иштирокчиларида моддий (иқтисодий) манфаатдорлик меъёр ва ҳолида нормаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалда татбиқ этиш йўли. Ушбу усул Экология ҳуқуқи субъектларининг тенглиги асосида амалга оширилади. Бундай ҳолат фақатгина чинакам демократик давлат ўрнатилган ва фуқаролик жамияти шаклланган мамлакатларда амалга оширилади. Унда табиий объектларга нисбатан нафақат давлат мулкчилиги, балки турли мулк шакллари-нинг юзага келиши ва унинг дахлсизлиги, давлат органлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз экологик фаолиятларини моддий рағбатлантирилганлиги ва иқтисодий жазо санкцияларининг устуворлиги принциплари амал қилади.

**Аралаш (маъмурий ва фуқаровий-ҳуқуқий) усул** — табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда бир пайтнинг ўзида ҳам фуқаровий, ҳам маъмурий-ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш йўли. 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер кодексига мувофиқ ерларни тасарруф этиш давлатнинг маъмурий фаолиятига кирса-да, ундан фойдаланувчиларнинг ҳўжалик фаолиятларига эркинлик бериш ва ерга оид низоларни нафақат маъмурият томо-

нидан, балки суд ва ўзини ўзи бошқарув органлари орқали ҳал қилиниши бунга мисол бўла олади. Бу усул бозор иқтисодиёти шаклланаётган давлатларга хос бўлган ҳолатдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августдаги қарорига мувофиқ Жиноят, Жиноят процессуал, Фуқаролик процессуал кодексларини либераллаштириш (енгиллаштириш) чора-тадбирлари ва мазкур қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш Республикамизда маъмурий-ҳуқуқий усулларни босқичма- босқич фуқаровий-ҳуқуқий усуллар билан алмаштириш томон амалга оширилаётган дадил қадамдир.

### 5. ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМ

Қонун қабул қилинди ва тегишли меъёрий ҳужжатлар юзага келди, деган сўз, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишдаги барча ижтимоий муносабатлар тартибга солинди ва оқибатда экологик хавфсизлик яратилди, дегани эмас. Унинг учун жуда кенг қамровли ва ўта серҳаражат масалани ҳал қилиш керак бўлади, яъни экологик-ҳуқуқий механизмни яратиш талаб этилади.

Механизм — грекчада «*mechane*» — қурол, қурилма деган маънони англатиб, у бирон-бир ҳаракатни бажариш учун зарур бўлган узвий боғланган қисмлар тизимидир. *Экологик-ҳуқуқий механизм — экологик муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминловчи қисмлар (звенолар) тизими.* Қисмлар йиғиндиси эмас, айнан қисмлар тизимидир. Масалан, автомобилни нормал ҳолдаги ҳаракатини таъминлаш учун унинг электр, ёғлаш, ёниш, юриш каби бир қатор қисмларини бир меъёردа ва бир пайтнинг ўзида ишлашини таъминлаш талаб этилади. Акс ҳолда автомобиль «хавфли машина» ёки «қуруқ темир»га айланади.

Экология ҳуқуқида ҳам экологик ҳуқуқий нормалар «*тишсиз қонунлар*»га айланмаслиги ва кишилар томонидан инкор этилмаслиги («*ҳуқуқий негилизм*») учун экологик-ҳуқуқий механизм яратилади.

Экологик-ҳуқуқий механизм муайян давлатнинг экологик сиёсати-га, экологик дунёқарашига, қурилиш ва бошқариш шаклига тўғридан-тўғри боғлиқдир. «Бизнинг пировард мақсадимиз, — деган эди Президентимиз И. Каримов, — ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир»<sup>1</sup>. Экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизми Ўзбекистонда айнан ана шу тамойилларни инобатга олган тарзда тузилиши ва унга монанд равишда ҳаракат қилиши, мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш унга ҳуқуқий таъсир этиш, уни амалга ошириш, такомиллаштириш ва ривожлан-

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Кучли давлатдан кучли жамият сари. — Т.: «Шарқ», 1998.— 49-б.

тириш орқалигина олиб борилади. Чунки замон ўзгарган сари одамлар ҳам ўзгариб борадилар, атроф табиий муҳит ҳам ўз «ўзгарувчанлик» хусусиятини йўқотиб қўймайди.

**Экологик-ҳуқуқий механизм занжирининг «ҳалқа»лари қўйидаги-лардан иборат:**

1) *экологик хавфсизликни таъминловчи конституциявий меъёрларни ўрнатиш ва экологиялаштирилган қонунларни қабул қилиш;*

2) *экологик қонунлар ижросини таъминловчи қонун ости меъёрий ҳужжатларни тезкор равишда ишлаб чиқиш;*

3) *кафиллик нормаларини яратиш;*

4) *экологик-ҳуқуқий муносабатларни ташиқлаштириш;*

**Экологик хавфсизликни таъминловчи конституциявий меъёрлар** — қатъий (императив) нормалардан иборат бўлиб, Конституциямизнинг 50, 54, 55, 100-моддаларида акс эттирилган. Улар бозор иқтисодиётига ўтиб бораётган мамлакатимизнинг экологик сиёсатини мужассамлаштирган тарзда ифодалайди. **Экологик хавфсизлик** эса кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондира оладиган тоза, соғлом ва қулай атроф табиий муҳит ҳолатидир.

**Экологиялаштирилган қонунларни қабул қилиш** Конституцияда белгиланган императив нормаларни кенгайтирилган тарзда экологик қонунларда ифодалаш. Ушбу меъёр ва қоидалар «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда яққол ифода этилган бўлиб, улар тўрт кўринишдаги нормалардан иборат: *принцип, бирламчи, императив, кафиллик.*

**Экологиялаштирилган принцип нормалар** — дарсликнинг II боби 4-параграфида ва Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасида ифода этилган. Улар экологик муносабатларни қандай қоидалар асосида ҳуқуқий тартибга солиш кераклигини кўрсатади.

**Экологиялаштирилган бирламчи нормалар** — табиат унсурлари — ер, сув, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, биринчи навбатда, давлат — жамоа — фуқароларнинг қайси бир ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилиши кераклигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 8-моддасига биноан ерлар биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги мақсадларида ишлатилиши керак. Чунки ер, хусусан, тупроқ фуқароларнинг озиқ-овқатга бўлган бирламчи талабини қондиради. Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонуннинг 21-моддасига биноан эса сув, авваламбор, аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилиши лозим. «Ўрмон тўғрисида»ги қонун эса ўрмонларга, биринчи навбатда, экологик хавфсизликни таъминлаш манбаи сифатида қарайди.

**Экологиялаштирилган императив нормалар** — кишиларни ўраб турувчи атроф табиий муҳитга таъсир этувчи барча ҳаракат ёки ҳаракат-

сизликларни қатъий меъёрлаб қўяди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуннинг 19—22-моддаларида чиқиндилар (ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараёнида хом ашё, материаллар, хомаки маҳсулотлар, бошқа буюмлар ёки маҳсулотларнинг ҳосил бўлган қолдиқлари, шунингдек, ўзининг истеъмо-мол хусусиятларини йўқотган товарлар) экологик-сертификация-ланиши, уларни ташиш, олиб кириш, сақлаш ва қўмиб ташлашга доир талаблар қатъий белгиланган. Бу белгиланган нормалар ҳамма учун мажбурий — императив талаблар ҳисобланади.

*Экологиялаштирилган кафилик нормалар* — императив нормалар-нинг бажарилишини таъминловчи меъёрлар ва қоидалар. Кафилик нормаларини яратиш экологиялаштирилган қонун ҳужжатларининг амал қилишини таъминлашдан иборат. Улар қитисодий, ижтимоий, маърифий-маданий, санитар-гигиеник назоратнинг юридик жиҳат-дан таъсир этувчи йўлини кўрсатади. Ушбу таъсир этиш йўли процессуал ҳуқуқ нормаларида рағбатлантирувчи ёки жазоловчи чора-ларни қўллашда, ҳуқуқбузарларга нисбатан иқтисодий, маънавий ва моддий ноқулайликларни келтириб чиқаришда намоён бўлади.

*Экологик-ҳуқуқий муносабатларни ташкиллаштиришда* давлат ва унинг органлари нодавлат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқарув идоралари, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда улар ўртасида юза-га келадиган, ягона экологик мақсадларни амалга оширишга йўнал-тирилган ҳаракатларини мувофиқлаштиришга қаратилади. Масалан, шаҳарсозликда уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш шохобчалари-ни яратиш муайян даражада экологик хавфсизлик талабларини ба-жариш орқали олиб борилади. Бу талаблар ҳамма ҳужалик юритувчи ҳамда бошқа фаолият олиб борувчи корхона, ташкилот, муассаса ва шахслардан ягона мақсад сари ўз режаларини тузиш ва уларни тат-биқ қилишга ундайди. Акс ҳолда шаҳар аҳолисининг ҳаётий зарур эҳтиёжларини қондириш имконияти бўлмайди. Шаҳарларда янги уй-жой массивларини кўкаламзорлаштириш нафақат дарахт ёки бута кўчатларини етиштирувчилардан, балки сувчилардан ҳам, жамоат хавфсизлигини таъминловчилардан ҳам, ва ҳаттоки, фуқароларни экологик онги ҳамда маданиятига таъсир этувчи мутахассислардан ҳам ҳамжиҳатликни, уларнинг бир пайтда ва ўзаро келишилган тарзда ҳаракат қилишларини талаб этади. Бу эса ягона экологик-ҳуқуқий механизмнинг ажралмас ҳалқаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

## 6. ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИНИНГ ТИЗИМИ

Экология ҳуқуқининг тизимини таърифлашдан аввал «тизим» сўзига аниқлик киритиб олишни лозим деб биламиз. Тизим — муайян бир бутунликни ифода этувчи ўзаро боғланган элементлар

тузилмаси<sup>1</sup>. Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, тизимлашда унинг элементлари (қисмлари, бўлинмалари) маълум бир қонуниятларга бўйсунган ҳолда жойлаштирилади. Худди ана шу муайян кетма-кетликда жойлаштириш қисм ва бўлинмаларнинг бирини иккинчисидан келиб чиққан (функционал) ҳолда боғлаб туради. Унинг ҳаммаси эса бир бутунликни ташкил этади. Шундай қилиб, *тизим* — маълум бир қонуниятларга асосланган муайян бир бутунликни ифода этувчи ва кетма-кетликда турувчи, узаро боғланган қисмлар (бўлинмалар) тузилмаси.

*Экология ҳуқуқининг тизими* — экологик ҳуқуқнинг тадқиқ қилиш ёки таълим бериш қонуниятларига асосланган тарзда экологик муносабатларни тартибга солувчи унинг қисмлари ва институтларини маълум бир кетма-кетликда жойлашган тузилмаси.

Экология ҳуқуқининг тизими фан тариқасида алоҳида, ўқув предмети сифатида алоҳида бир қисмларга ва институтларга ажратилиши мумкин. Чунки фанда тизимлаш экологик-ҳуқуқий тадқиқ қилиш қонуниятлари асосида, таълимда эса ўқитиш қонуниятлари асосида тузилади. Шунинг учун ҳам биз ушбу дарсликнинг 1—2-бобларида умумий экологик ва ҳуқуқшуносликка оид назарий билимларни кенгроқ ёритиб берувчи институтларни кўриб чиқдик. Чунки юридик ўқув юрғларларида умумий экологик фанлар алоҳида ўтилмайди. Мактабда олинган назарий билимлар эса «соф экологик» жиҳатдан қаралмайди.

Экология ҳуқуқининг тизими кўпгина ҳуқуқшунос олимлар томонидан икки қисмга ажратиш орқали тузилади — умумий ва махсус қисм<sup>2</sup>. Лекин ҳуқуқшуносликда ҳуқуқ соҳаси тизимини уч қисмга — умумий, алоҳида, махсус ажратиш ҳам бор<sup>3</sup>. Биз бу амалий тажрибадан фойдаланган ҳолда Экология ҳуқуқини уч қисмга ажратишни мақсадга мувофиқ деб биламиз (5-расм). *Биринчидан* — экология ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларидан бири таълим беришда тизимли ёндашув ва маҳаллий — миллий — халқаро ҳуқуқ нормаларини мослаштириш ёки уйғунлаштириш зарурлиги. Бу дегани Ўзбекистонда экологик муносабатларни тартибга солиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш учун регионал ва глобал ҳуқуқий-экологик муносабатларни амалга ошириш. Акс ҳолда биз бу эзгу ниятларимизга эриша олмаймиз, зеро қўшниларнинг ноэкологик муносабатлари бизнинг экологик муносабатларга бевосита таъсир этади. Янги «Барқарор ривожланиш концепцияси» айнан экологик глобаллашув йулини тарғиб этмоқда<sup>4</sup>.


*Иккинчидан* — экология ҳуқуқининг алоҳида қисми алоҳида бир табиий объектлар бўйича экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга

<sup>1</sup> Философский словарь. — М.: Политическая литература, 1963.

<sup>2</sup> Экология ҳуқуқи. — Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001. — 44-б. В. Н. Яковлев. Экологическое право. — Кишинев, 1988. — с. 39.

<sup>3</sup> Аграрное право. — М.: — Юридическая литература, 1966. — 640 с.

<sup>4</sup> А. Н. Нигматов., Н. С. Шевалдова., Р. Н. Султонов. Барқарор ривожланиш концепциясининг экологик жиҳатлари. — Т., 2003. — 98-б.



5-расм. Экология ҳуқуқининг тизими.

солиш масалаларини кўриб чиқади. Халқаро экологик масалалар ёки илғор «экологиялаштирилган» мамлакатларнинг тажрибасини билмай ва солиштирмай туриб, таълим жараёнини замон талабига мос равишда амалга оширилди, деб айтолмаймиз.

*Учинчидан* — халқаро экология ҳуқуқини айнан миллий экология ҳуқуқи нуқтаи назаридан қараш ва айнан эколог-ҳуқуқшунослар томонидан ўқитилиши мантиқан тўғри бўлса керак.

Ҳуқуқий тизим гўёки «уй»га ўхшайди. Унинг «устунлари» — қисмлари бўлса, институтлари — терилган «ғиштлири»дир. Экология ҳуқуқи икки устундан кўра уч устунда турса, «муस्ताқам» ва турли «офатларга бардошли» бўлади, деб ўйлаймиз.

Юқорида келтирилган далилларга асосланган ҳолда, биз экология ҳуқуқини уч қисмга ажратиш оламиз — *умумий, алоҳида ва махсус қисмлар*.

*Экология ҳуқуқининг умумий қисми* — экология ҳуқуқининг умумназарий асосларини тадқиқ қилувчи ва таълим берувчи институтларининг маълум бир кетма-кетликда жойлашган тузилмаси.

Умумий қисм умумий экология ва ҳуқуқшуносликнинг умумэтироф этилган масалаларидан бошланиб, экологик жавобгарликкача бўлган институтларни ўз ичига олади. Ушбу институтлар қолган икки қисм учун назарий асос бўла олади.

*Экология ҳуқуқининг алоҳида қисми* мазкур ҳуқуқ соҳаси объектларини алоҳида-алоҳида тадқиқ қилувчи ва таълим берувчи институтларининг маълум бир кетма-кетликда жойлашган тузилмаси. Бу институтларнинг таркиби ва унинг жойлашиш тартиби экология ҳуқуқи объектларини қай даражада ва нималарга асосан гуруҳлаштиришга боғлиқдир.

*Экология ҳуқуқининг махсус қисми* айрим давлатларда ва халқаро экология ҳуқуқида экологик муносабатларнинг тартибга солинишига доир институтларининг маълум бир кетма-кетликда жойлашган тузилмаси. Бу ўринда, авваламбор, умумийликдан хусусийликка томон бориш принципига амал қилган ҳолда халқаро экология ҳуқуқи институтларидан айрим мамлакатларнинг экология ҳуқуқи институтларига томон бориш ёки тўхталиб ўтиш ўринли, деб ўйлаймиз.

### Қайтариш учун савол ва топшириқлар



1. Экологик муносабат билан экологик-ҳуқуқий муносабат ўртасидаги фарқи айтиб беринг?
2. Экологик-ҳуқуқий муносабат мазмуни нимадан иборат?
3. Экология ҳуқуқининг объектига қандай талаблар қўйилади?
4. «Интеграл» объект тушунчасига таъриф беринг?
5. Экологик-ҳуқуқий муносабат қатнашчилари кимлардан иборат?
6. Экология ҳуқуқининг усули, Сизнинг фикрингизча қандай таснифлангани маъқул?
7. Экологик-ҳуқуқий механизм нима узи?
8. Экология ҳуқуқини нечта қисмга ажратишни маъқул деб биласиз?

Фуқаролар иродаси — экологик қонунларда, қонунлар устуворлиги — барқарор ривожланишдадир.

Н. А. Н.

#### IV боб. ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ МАНБАЛАРИ

##### 1. ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

Мустақил ҳуқуқ соҳаларига қўйиладиган талаблардан бири ихтисослаштирилган манбаларга эга бўлишликдир. Экология ҳуқуқи ҳам бундан истисно эмас. Унинг умумлаштирилган манбаларидан ташқари махсус — ихтисослаштирилган манбалари ҳам бор.


*Экология ҳуқуқи манбаи* — экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда юридик асос бўла оладиган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари тизими. Юридик тусдаги қонун ҳужжатлари Экология ҳуқуқининг манбаи бўлиши учун, албатта, табиатни муҳофаза қилиш, табиат объектларининг ресурс қобилиятини тиклаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиши талаб этилади.

*Экология ҳуқуқи манбалари мазмуни, моҳияти ва аҳамиятига кўра турлича таснифланилади:*

- *мақсади ва вазифасига кўра* — табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- *қўллаш доирасига кўра* — маҳаллий, миллий, минтақавий (курравий);
- *юридик кучига кўра* — конституциявий, қонуний, қонун ости меъерий;
- *йўналтирилганлигига кўра* — табиатни муҳофаза қилиш, табиатни қайта тиклаш, ресурс қобилиятини қайта ишлаб чиқариш, атроф-муҳит санитарияси ва соғломлаштириш; табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга доир;
- *тартибга солишига кўра* — умумий, махсус;
- *экологиялаштирилганлигига кўра* — экологиялаштирилган, етарли даражада экологиялаштирилмаган, экологиялаштирилмаган;
- *ҳалқ ҳўжалигида ишлатилишига кўра* — умумлаштирилган, соҳалаштирилган, функциялаштирилган;
- *ҳуқуқий нормаларнинг ҳолатига кўра* — моддий, процессуал.

Экология ҳуқуқи манбалари мазкур фан соҳасининг мақсади ва вазифасига кўра табиатни муҳофаза қилишга ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган экологик қонун ва қонунчилик ҳужжатларига ажратилади (6-расм).





6-расм. Экология ҳуқуқи манбаларининг мақсади ва вазифасига кўра таснифланиши

*Табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ва қонун ҳужжатлари — атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, табиат бойликларини қайта тиклаш, уларни қайта ишлаб чиқаришга жалб қилишга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тизими.*

*Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид қонун ва қонун ҳужжатлари — табиат бойликларидан унинг ресурс имкониятларини сақлаган ҳолда фойдаланиш ва фойдаланиш мобайнида, уларни муҳофаза қилиш талабларини бажаришга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тизими.*

Экология ҳуқуқи манбалари йиғинди ҳолда эмас, балки тизимлашган ҳолда намоён бўлади. Ушбу тизимлашда уни манбаларининг юридик кучига қараб маълум бир кетма-кетликда акс эттирилади. Масалан, экология ҳуқуқи манбаларининг Конституциявий асослари → экологик қонунлар → экологияга доир қонуности меъёрий ҳужжатлар.

## 2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ — ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИНИНГ АСОСИЙ МАНБАИ

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзбек халқининг иродасини акс эттирувчи, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ифодаловчи, давлат тузилиши ҳамда бошқарув шакли асосларини мустақамловчи, ҳокимият идоралари, нодавлат ташкилотлари фаолиятининг ташкил этилиш тартиби ва принципларини белгиловчи асосий қонундир. Конституциямиз халқаро жамоатчилик томонидан юқори баҳоланган ҳамда умуминсоний қадриятларни ифодаловчи, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини Ўзбекистонда шакллантирувчи ҳуқуқий манба сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конституциявий қонунлари (конституцияда белгиланган нормалар бўйича қабул қилинган қонунлар<sup>1</sup>) миллий давлатимизда юзага келадиган барча ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий ҳамда қатъий (императив) меъёр ва қоидаларини ўрнатади. Экологик-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий ҳамда қатъий меъёрлари ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бевосита ва билвосита тарзда ифодаланган<sup>2</sup>.

**Бевосита тарзда ўрнатилган конституциявий нормалар унинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида баён этилган.**

Мустақил Конституциямизнинг собиқ Иттифоқ даврида қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституцияларидан асосий фарқи, унда

<sup>1</sup> Юридик энциклопедия. — Т.: «Шарқ», 2001, 246-б.

<sup>2</sup> М. Б. Усмонов. Табиатни муҳофаза қилишнинг Конституциявий асослари. — Т.: ТДЮИ нашриёти, 2002. — 42-б.

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари жамоат ва давлат ҳуқуқларидан юқори қўйилганлигидадир, яъни приоритет (бирламчи) аҳамият касб этганлигидадир. Конституциямизнинг XI боби — «Фуқароларнинг бурчлари» деб номланган 50-моддасида: «*Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар*», деб белгиланган. Бу дегани Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир шахс, хоҳ у фуқаро бўладими ёки фуқаролиги бўлмайдими, ёхуд чет эл фуқароси бўладими, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланар экан, у узга шахс, жамоат ва давлатнинг экологик хавфсиз табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини поймол қилмаслиги керак. Чунки ҳуқуқшуносликда ҳеч бир мажбурият ҳуқуқсиз бўлмайди.

Бу ўринда Конституциямизга фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ҳам алоҳида модда ёки 50-моддасининг алоҳида банди қилиб киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодини шакллантиришга «бел боғлаган» Ўзбекистонда кейинги 13 йил давомида турли мулк шакллари пайдо бўлмоқда ва улар ривожланиб борапти. Лекин улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг учинчи булим «Жамият ва шахс», XII боб — «Жамиятнинг иқтисодий негизлари», 54-моддасида: «*Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт*», деб битилган.

Конституциямизнинг 55-моддасида «*Ер, ер ости бойликлари, сув, усимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир*», дейилган. Табиий захира (объект)ларга нисбатан «умуммиллий бойлик» сўзлар бирикмасининг киритилиши, келажакда Экология ҳуқуқи объектларига нисбатан эгалик қилиш ва тасарруф қилиш имконияти кенгайтиши мумкинлигини кўрсатади. Собиқ Иттифоқ Конституцияларида, хусусан 1991 йил Ўзбекистон ССР Конституциясининг 11-моддасида<sup>1</sup> табиий захиралар фақат «давлат мулки» қилиб кўрсатилган.

Ўзбекистонда бу бойликлардан фойдаланиш қатъиян оқилона фойдаланишни талаб этади. Оқилона фойдаланишни таъминлаш ҳамда уларни табиий хосса ва хусусиятларини йўқотиб қўймаслик, келажак авлод олдидаги экологик бурчимизни бажариш нуқтани назардан, давлат табиий захираларини муҳофазалаш функциясини ўз зиммасига олади.

Муस्ताқил Конституциямизнинг яна бир экологик жиҳатдан афзал томони маҳаллий ҳокимият органлари (вилоят, туман ва шаҳар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси (асосий қонун). — Т.: «Ўзбекистон», 1991. — 7-б.

ҳокимликлари) ва Қорақалпоғистон Республикасига ўз ваколат доирасида ва ҳудудда экологик муносабатларни тартибга солиш имкониятини беришидадир. Ушбу ваколат Конституциянинг 100-моддасида белгилангандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг кўпгина моддалари экологик муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда «билвосита» хизмат қилади. Масалан, унинг 1-моддасида «Ўзбекистон суверен демократик республика...» дейилган. Бу 1962 йил 14 декабрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг «Табиий ресурсларга нисбатан ажралмас суверенитет»лик принципини биринчи бор Ўзбекистонда мустақил қўллаш имкониятини бериш демакдир. Конституциянинг 17-моддасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон республикалари билан биргаликда Орол ҳавзасида экологик инқирозли ҳолатни бартараф этиш мақсадида «Оролни кутқариш халқаро жамғармасини» ташкил этди. Конституциямизнинг 78-моддаси Олий Мажлисга, 93-моддаси Президентга, 98-моддаси Вазирлар Маҳкамасига экологик муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун, фармон, фармойиш, қарор, йўриқ-номалар қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш ваколатини беради.

### 3. ҚОНУНЛАР — ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАИ СИФАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конституциявий қонунлари унинг қонунчилик тизимига асос бўлади. Конституциямизда ифода этилган ҳар бир экологик шартларнинг аксарияти умумлаштирилган ёки ихтисослаштирилган экологик қонунларда кенгайтирилган тарзда ёритиб берилган.

*Ўзбекистон Республикаси экология соҳасидаги қонунлари — Олий Мажлис томонидан ёки умумхалқ овоз бериш (референдум) орқали қабул қилинган, ўзида унинг амал қилиш мuddати, ҳудуди ва шахслар доирасида экологик муносабат субъектлари фаолиятининг умумий курсаткичларини мужассамлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.*

Экологик қонунлар умумий аҳамиятга эга (умумлаштирилган) ва махсус аҳамиятга эга (ихтисослаштирилган) бўлади.

*Умумлаштирилган экологик қонунлар* муайян давлатдаги бир қатор ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан бирга экологик муносабатларни ҳам тартибга солувчи қонунлардир. Уларга Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Меҳнат, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Солиқ, Шаҳарсозлик каби кодекслар; Корхоналар, Мулк, Давлат санитария назорати, Маҳаллий давлат ҳокимияти, Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги каби қонунлар

киради. Масалан, Жиноят кодекси предмети сифатида экологик қонунбузарлик ҳам олинади. Фуқаролик кодексига шахсларга етказилган мулкӣ ва номулкӣ экологик зарар қопланиши ҳам кўзда тутилган. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи ушбу экологик зарарни қоплаш нуқтани назаридан юзага келадиган низоларни ҳал қилиш жараёнини кўрсатиб беради.

*Ихтисослаштирилган экологик қонунларга Конституциямизнинг 55-моддасида кўрсатилган ва Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасида кенгайтирилган тарзда ифода этилган табиий объектлар ҳамда аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга оид қонунлар киради.* Уларга Табиатни муҳофаза қилиш, Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, Сув ва сувдан фойдаланиш, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, Ўрмон, Экологик экспертиза, Чиқиндилар, Давлат кадастрлари каби қонунлар ҳамда Ер кодекси киради. Ушбу Қонунлар табиатни комплекс ёки алоҳида бир табиий объектлар бўйича муҳофаза қилиш, уларни қайта тиклаш, соғломлаштириш ва оқилона фойдаланишга доир нормаларни ўзида мужассамлаштиради. Келажакда қонунчилик жараёни ихтисослаштирилган қонунларни замон талабига мос равишда ўзгартириб бориш, кодификациялаш ва тизимлаштириш масалаларини ҳал қилишга қаратилса, жамият ва табиат ўртасидаги экологик-иқтисодий муносабатдан экологик муносабатга ўтиш томон қўйилган катта қадам бўлур эди.

#### 4. ҚОНУН ОСТИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ

2004 йилга келиб экологияга доир Ўзбекистонда 20 дан зиёд ихтисослаштирилган ва 100 дан зиёд умумлаштирилган қонунлар қабул қилинди. Уларнинг барчаси бевосита ёки билвосита экологик муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилишга юридик асос бўла олади. Лекин Конституция, Конституциявий қонунлар, Қонунлар қабул қилинди, атроф-муҳит муҳофазасига оид барча ҳуқуқий муаммолар ҳал этилди, десак адашган бўламиз. Чунки қонунчилик жараёни билан уларни амалда қўллаш ўртасида юзага келаётган «жар»га жуда «катта кўприк» қуриш керак. Ушбу «кўприк» вазифасини эса қонун ости норматив ҳужжатлар ёки қонунчилик ҳужжатлари ўтайди.

*Ўзбекистонда экологик қонун ости норматив ҳужжатлар деб қонунларда белгиланган экологик меъёр ва қоидаларнинг амалда қўлланишини таъминлаш, маҳаллий ижтимоий-иқтисодий-табиий шароитларни инобатга олиш, экологик бошқарувнинг турли хил жиҳатларига ойдинлик киритиш, уларни замон талабига мослаштириш каби вазифа-*

ларни бажариш учун ваколатли давлат органлари, шахслар ва идоралар томонидан қабул қилинадиган ҳамда ижроси таъминланадиган норматив ҳужжатлар тизимига айтилади.

Қонун ости экологик норматив ҳужжатлар сон, шакл, тур ва доира жиҳатдан жуда хилма-хилдир. Шунинг учун ҳам уларни тадқиқ қилиш ва урганишда таснифлаб олинади: **юримдик кучига кўра** — Олий Мажлис қарорлари → Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари → Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва йуриқномалари → суд қарорлари, ҳукмлари → вазирлик, кўмита, агентлик, бошқармаларнинг буйруқлари, қарорлари, низомлари, кўрсатмалари, йуриқномалари, тавсияномалари → маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари → нодавлат ноғижорат ташкилотларининг юридик тусдаги ҳужжатлари → ўзини ўзи бошқарув идораларининг норматив ҳужжатлари ва ҳоказо. **Ҳокимият бўлиниш принципига кўра** — қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг меъёрий ҳужжатлари, ижро этувчи ҳокимият органларининг меъёрий ҳужжатлари, суд ҳокимиятининг меъёрий ҳужжатлари. **Экологик функциясига кўра** — табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик назоратлаш, табиий объектларни қайта тиклаш, уларни қайта ишлаб чиқариш ва шу каби таснифлаш йўллари мавжуд.

Қонун ости меъёрий ҳужжатлар маҳаллий давлат ҳокимияти (вилоят, шаҳар, туман), ўзини ўзи бошқарув идоралари (маҳалла, қишлоқ ва овул кенгашлари) ва нодавлат ноғижорат ташкилотлари томонидан қабул қилинишининг қуйидаги экологик ижобий томонлари мавжуд:

- маҳаллий табиий шароитни инобатга олиш;
- фуқароларнинг экологик онги, маданияти ва масъулиятини ўстириш;
- ахлоқ-одоб нормаларини ҳуқуқий талабларга хизмат қилдириш;
- инсон ҳуқуқларини таъминлаш;
- ўзгарувчан табиий ва техноген шароитларга тез мослашиш ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчилик жараёни нафақат қонунларни тайёрлаш, муҳокама қилиш, қабул қилиш, назоратлашдан, яна уларни қонун ости меъёрий ҳужжатлар тизими билан таъминлаш жараёнини ҳам қамраб олиши даркор, яъни экологик-ҳуқуқий механизмнинг бошланғич тизимини яратишдан иборат. Акс ҳолда қонунлар ўз йўлида, ҳаёт эса ўз йўлида кетаверади. Натижада қонунийликни таъминлаш, демократик ислоҳотларни ўтказиш ва ҳуқуқий нигилизмни камайтириш имконияти пасаяверади.

**Қайтариш учун савол ва топшириқлар**

?

1. Экология ҳуқуқининг манбаи деганда нимани тушунасиш?
2. Экология ҳуқуқининг манбалари қандай таснифланади?
3. Умумлаштирилган қонунларга мисоллар келтиринг.
4. Иختисослаштирилган экологик ҳуқуқий манбалар ким томонидан қабул қилинади?
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайси моддалар экологик муносабатларга бевосита қаратилган?
6. Сизнинг фикрингизча, Конституциямизнинг қайси моддалари билвосита табиатни муҳофаза қилишга қаратилгандир?
7. Олий Мажлис томонидан қандай экологик қонунлар қабул қилинган?
8. Қонун ости норматив ҳужжатлар ёки қонунчилик ҳужжатлари нима учун керак?

Табиий бойликлар ота-боболаримиздан мерос қолмаган, балки келажак авлодларимиздан қарзга олингандир.

*Мингйиллик декларациясидан*

## У боб. ТАБИЙ ОБЪЕКТЛАРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИ

### 1. ТАБИЙ ОБЪЕКТЛАРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

Ҳар қандай моддий ёки маънавий бойликларнинг эгаси бўлганидек, табиат яратган барча инъомларнинг ҳам эгаси бор, албатта. Юриспруденцияда ушбу эгаликни табиий объектларга нисбатан мулк ҳуқуқи, деб аталади.

*Табиий объектларга нисбатан мулк ҳуқуқи — табиий ресурслар, табиий комплекслар ёки табиий ҳудудларни кимга тегишлилиги ва мулкдорнинг унга нисбатан қандай ваколат (ҳуқуқ)га эга эканлиги.* Одатда, мулк ҳуқуқи учта ваколат нуқтаи назаридан қаралади — эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи.

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига кўра мамлакатимизда Экология ҳуқуқининг объекти қилиб табиий ресурслар — ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби табиат унсурлари ҳамда уларнинг комплекслари — кўриқхона, буюртма кўриқхона (заказник), миллий табиий боғ, тарихий-табиий ёдгорлик, ботаника ва ҳайвонот боғлари, дендрологик боғлар, курорт ва рекреацион ҳудудлар каби мажмуалар олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига биноан ҳамма табиий захиралар умуммиллий бойлик ҳисобланади. Умуммиллий бойлик ибораси «Мулкчилик» ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларда ҳам ўз ифодасини топган. Бу эса собиқ Иттифоқ конституцияларидан фарқли, табиат бойликларининг мамлакатимизда эгаси Ўзбекистонда яшовчи барча халқлар, яъни ўзбек халқи этиб белгиланган. «Умуммиллий бойлик» иборасини мулк ҳуқуқида ишлатиш бозор иқтисодиётига ўтаётган Республикамиз учун айтиш мумкин эди. Ушбу умумлаштирилган конституциявий норма ўз тушунчасига нафақат «давлат мулки» ва «жамоат мулки»ни, балки «шахсий мулк»ни ҳам қамраб олади.

Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, табиий объектларга нисбатан мулк ҳуқуқи улар устидан юридик ҳокимлик қилиш демакдир.<sup>1</sup> Бу ҳокимликни миллат ёки халқ бевосита амалга ошира олмайди, балки унинг ўзи томонидан вужудга келтирган сиёсий аппарати, яъни давлати орқали амалга оширади. Шу сабабдан барча их-

<sup>1</sup> М. Усмонов. Табиатни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари. — Т.: ТДЮИ нашриёти, 2002. — 12-б.




тисослаштирилган ва муайян табиий объектлар буйича қабул қилинган қонунларда улар давлат мулки — умуммиллий бойликдир, деб ифодаланган. Масалан, Ер кодексининг 16-моддаси, Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонуннинг 4-моддаси, Ўрмон тўғрисидаги қонуннинг ҳам 4-моддаси ва ҳоказо.

Агарда биз табиий ресурсларга нисбатан фақат давлат мулкчилигини Конституциямизда қатъий белгилаб қўядиган бўлсак, унда эски собиқ Иттифоқ конституциялари ва экологик қонунларидан ҳеч қандай фарқ қолмайди. Лекин на конституциявий шарҳлар ва на юридик энциклопедияда бунга аниқлик киритилмаган. Амалдаги қонунларга биноан барча табиий объектлар давлат мулки — умуммиллий бойлик ҳисобланади. Давлат уларни тасарруф қилади, ваколатланган органлари орқали эгалик қилади, фойдаланади ва ижарага беради.

Экология ҳуқуқининг объектларига нисбатан мулк ҳуқуқининг юзага келишида табиат қонунларини ва жамият манфаатларининг ўзига хос томонларини инобатга олмасдан иложи йўқ. Ушбу ўзига хослик *табиий унсурларнинг моддийлигида, ажралмаслигида ва қийматининг йўқлигида* намоён бўлади (7-расм).

*Табиий унсурларнинг моддийлиги* — ўзининг объектив кўрсаткичларига биноан табиий унсурларни мулк сифатида ўзлаштира ёки унди-



7-расм. Табиий объектларга нисбатан мулк ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари.

ра олишнинг имкони йўқлиги. Масалан, иқлим ресурслари, атмосфера ҳавоси ва фазовий элементларни мулк этиб олиш имконининг йўқлиги. Булут бугун Ўзбекистонда, эртага эса Қозоғистонга ўтиб кетиши мумкин ёки умуман тарқалиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Уни миллий бойлик сифатида эътироф этиб бўлмайди.

**Табиий унсурларнинг ажралмаслиги** — муайян ёки аниқ бир табиий унсурларни мулк сифатида алоҳида-алоҳида ўзлаштира олишнинг имконининг йўқлиги. Масалан, сувга нисбатан тасарруф этиш, эгаллаш ва фойдаланиш ҳуқуқи ундаги ўсимлик дунёси ва ҳайвонот дунёсидан ажралмаган ҳолда белгиланади. Чунки сувда ундаги ўт ва балиқлардан ажратган ҳолда муҳофаза қилиш ёки фойдаланиш чораларини ўрнатиб бўлмайди. Яна бир мисол, ўрмон аксарият ҳолларда алоҳида бир ўсимлик дунёсидан ажратилган табиий объект сифатида қаралади. Чунки ўрмон муҳофазаси ундаги барча табиат унсурларини муҳофаза қилиш орқалигина амалга оширилиши мумкин.

**Табиий унсурлар қийматининг йўқлиги** — табиий унсурлар фақатгина кишилик жамиятининг маҳсули бўлмаганлиги учун ҳам унинг қийматини аниқ белгилаб бўлмаслик. Ер бир пайтнинг ўзида табиий унсур, ҳам кўчмас мулк, ҳам экологик тизимнинг ажралмас бир «ҳалқаси» эканлигини биз инкор эта олмаймиз. Шунинг учун ҳам ердан фойдаланиш ҳуқуқи уни муҳофаза қилиш чоралари билан бирга олиб борилиши талаб этилади.

Табиат унсурларига нисбатан мулк ҳуқуқи ўрнатилаётганда уларнинг барчаси ягона экологик тизимда туриши, улар инсон ва давлатнинг хавфсизлигини белгилашини асло эсдан чиқариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам улар — умумсиёсий, умумэкологик ва умумиқтисодий табиий объектлар тоифасига ажратилади.

**Умумсиёсий табиий унсурлар** — фақатгина давлат ҳокимияти ва марказий бошқарув органларининг мулкый ваколатига кирувчи мудофаа заруриятлари, хавфсизликни таъминлаш, давлат чегарасини қўриқлаш ва шунга ўхшаш сиёсий функцияларни бажарувчи табиат объектлари. Масалан, ҳарбий полигонлар, давлат чегараси атрофидаги ер кенгликлари, атом ва электростанция атрофидаги ерлар фақатгина давлат тасарруфида ва эгаллигида бўлишлилиги.

**Умумэкологик табиий унсурлар** — фуқароларнинг қулай атроф-муҳитда яшаш, давлатнинг миллий хавфсизлигини ҳамда экологик хавфсизликка эга бўлиш ҳуқуқини таъминловчи табиий объектлар ва уларнинг комплекслари. Масалан, Тошкент шаҳрини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун давлат сувнинг ҳосил бўлиш манбаларида (тоғларда) алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ажратади ва уларни тасарруф қилишни фақатгина ўз зиммасида қолдиради.

**Умумиқтисодий табиий унсурлар** — давлатнинг иқтисодий мустақиллигини белгилаб берувчи энергетика, транспорт, алоқа, космик

ва ядро объектлари жойлашган табиий объектлар ва комплекслар. Улар ҳар бир давлатнинг иқтисодий потенциалини белгилагани боис, доимо давлат мулки бўлиб қолади.

## 2. МУЛК ҲУҚУҚИ ОБЪЕКТЛАРИ ВА КЕЛАЖАК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Юқориди айтиб утилган табиий унсурларнинг ўзига хос хусусиятлари уларга нисбатан мулк объектини ҳам белгилаб беради. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида Ўзбекистонда мулк объекти бўлиб ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар чиқади, дейилган. Улар эса умуммиллий бойлик — давлат мулки ҳисобланади. Лекин ҳамма табиий ресурслар ҳам муайян давлат мулки сифатида эътироф этила олмайди. Чунки уларнинг ўзига хос жиҳатлари Ўзбекистон томонидан ўзлаштириш имкониятини бермайди.

*Экология ҳуқуқида миллий мулк объекти бўлиб — муайян давлат томонидан мулк сифатида ўзлаштириш имкони бор табиий унсурлар ҳисобланади.* Чунки давлатнинг оммавий мулки (Фуқаролик кодексининг 17-бобига мувофиқ) унинг ўзига тегишли мулкни ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилишини белгилайди. Лекин айрим ҳайвонот дунёси намоёндалари — қалдирғоч, турна ва бошқа бир қатор кўчиб юрвчи қўшлар баҳорда бизнинг юртимизга жанубий мамлакатлардан учиб келади ва кузда учиб кетади. Уларни Ўзбекистон Республикаси мулки қилиб олиш қўшларни ўлимга маҳкум этади ва экологик муносабатларни тартибга солиш имкониятини бермайди. Шунинг учун ҳам кўчиб юриш хусусиятига эга бўлган ҳайвонот дунёси объектлари халқаро ҳуқуқ объекти — умуминсоний мулк ҳисобланади. Худди ана шундай хусусият бошқа табиий унсурларга нисбатан ҳам хос бўлиши мумкин.

Муайян давлатнинг мулк объекти бўлиш имкониятини бермайдиган ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан экологик жиҳатдан муҳофазаси ва оқилона фойдаланиши таъминланадиган умуминсоний мулкка Ўзбекистонда қуйидаги табиий унсурлар киради:

- ўзга давлатлардан бошланиб, бошқа давлатларга оқиб ўтадиган дарёлар (Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва шу кабилар);
- икки давлат ўртасидаги қўллар (Орол денгизи);
- иқлим ресурслари ва космик объектлар (булут, қуёш);
- кўчиб юрвчи ва учиб юрвчи ҳайвонлар (қалдирғоч, турна, лайлак) ва ҳоказо.

Халқаро ҳуқуқ объектларидан фойдаланиш, уларни эгаллаш ва тасарруф қилиш ҳуқуқи халқаро ҳуқуқ манбалари — конвенция, шартнома, декларация, келишув каби меъерий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси хал-

қаро ҳамжамиятнинг мустақил субъекти сифатида атроф-муҳит муҳофазасига доир бир қатор халқаро ҳужжатларга қўшилган ва халқаро экологик ҳуқуқ объектларини умуминсоний бойлик деб эътироф этган. Масалан, 1994 йил 14 майда «Иқлимга таъсир этишни чегаралаш», 1995 йил 15 июнда «Африка — Осиё қитъаларида кўчиб юрвчи қушларни муҳофаза қилиш», 1995 йил 13 октябрда «Сахроланишга қарши кураш» ва шу қабилар.

Мулк ҳуқуқи объекти бўлиб экология ҳуқуқида нафақат табиий унсурлар, балки уларнинг мажмуалари (комплекслари) ҳам олинади. 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий аҳамиятга эга ерлардаги барча табиат комплекслари давлат мулки ҳисобланади. Фақатгина ботаника, дендрология ва ҳайвонот боғлари бошқа шаклдаги мулк асосида ташкил этилиши мумкин. Худди ана шундай ҳуқуқий ҳолат умуммиллий бойликни ифода этувчи конституциявий норма ҳисобланади.

*Табиий объектларга нисбатан мулк ҳуқуқининг яна бир жиҳати, унинг фойдаланиш давомида ўзгаришидadir.* Масалан, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига кўра, табиий турдаги ҳайвонлар давлат мулкидир. Лекин мазкур Қонуннинг 16-моддасига биноан лицензия (рухсатнома) асосида тутиб олинган ёки овланган ҳайвонот дунёси объектларига нисбатан юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи юзага келади. Қонуний овланган ёки тутиб олинган ҳайвонларни тасарруф этиш, эгаллаш ва фойдаланиш ҳуқуқи давлатдан шахсларга ўтади. Айнан шундай ҳуқуқий ҳолат ер ости бойликлари ва ўсимлик дунёсига нисбатан ҳам қўлланилади.

Ер ҳуқуқида ер участкасига нисбатан ер-ҳуқуқий муносабат қатнашчилари — юридик ва жисмоний шахсларнинг мулк ҳуқуқи вужудга келиши кўрсатилган. Ер кодексининг 18-моддасига биноан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда мулк ҳуқуқи вужудга келади. Худди шундай мулкчилик шакли дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг (дипломатия корпуси ходимларининг, матбуот вакиллари, фирма, компания ва халқаро ташкилотларнинг доимий ваколатхоналари ходимлари, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий ишловчи шахслар ва шу қабилар) ер участкаларидаги уй-жой биноларини жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

Бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида миллий ҳуқуқ нормалари такомиллаштирилаётган Ўзбекистонда табиий объект ва комплексларга нисбатан турли мулк шакллариининг юзага келиш имконини беради. Бизларда ҳам АҚШ, Австралия, Италия каби ривожланган ёки Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси каби бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар сингари ерга нисбатан хусусий мулкчилик ўрнатилиши мумкин ва бу ҳақда биз Экология ҳуқуқининг махсус қисмида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

### Қайтариш учун саволлар

?

1. Мулк нима ва унинг қандай тушунчаси бор?
2. Табиий объектларга нисбатан мулк ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатлари борми?
3. Табиий унсурларни мулк сифатида ўзлаштиришда қандай табиий хусусиятларга эътибор берилади?
4. Нима учун умумэкологик, умумсиёсий, умумиқтисодий объектлар давлат тасарруфидан чиқарилмайди?
5. Қандай табиий объектларни муҳофаза қилиш халқаро ҳуқуқ нормалари орқали амалга оширилади?
6. Табиат унсурлари қандай ҳолатда бир мулк шаклидан иккинчи бир мулк шаклига ўтиши мумкин?

Бозор муносабатларида экологик бошқарув билан экологик тартибга солиш нисбати тенглашади.

*Бозор қонуниятларидан*

## VI боб. ЭКОЛОГИК БОШҚАРУВ

### 1. ЭКОЛОГИК БОШҚАРУВ ТУШУНЧАСИ ВА ТИЗИМИ


Экологик бошқарув тушунчаси жуда кенг ва кўп қирралидир. Чунки экологик муносабатларнинг узи турли-туман қуринишга эга. Масалан, глобал экологик бошқарув — бутун Ер қуррасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, регионал экологик бошқарув — Марказий Осиё каби минтақаларда, миллий бошқарув — муайян давлатларда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни тартибга солиди.

Мазкур бобда биз миллий бошқарув масаласига тўхталиб ўтамиз. *Миллий давлат ёки Ўзбекистонда экологик бошқарув — ҳокимият, органлар, бирлашмалар, ташкилотлар ҳамда уларнинг табиатни муҳофаза қилиш ваколатлари, функциялари ва усуллари мажмуаси.* Нима учун биз фақатгина органлар, тўғрироғи, анъанавий қабул қилинган<sup>1</sup> ваколатланган давлат идоралари билан чекланиб қолганимиз йўқ. Чунки ҳуқуқий-демократик давлатда ҳамда фуқаролик жамиятида барча ижтимоий муносабатлар қатори экологик муносабатларнинг бошқарилиши ва тартибга солиниши нафақат давлат органлари, балки жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари томонидан олиб борилади (8-расм). Президент И. А. Каримов Олий Мажлиснинг II чақирғи 6-сессиясида жамиятнинг демократлаштириш масаласига алоҳида урғу бериб: «Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўткази боришни тақозо этади», деган эди. Бу ўринда 2003 йилнинг мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмасдир.

Экологик бошқарувда, албатта, давлат ва унинг ваколатланган органларининг экологик функцияси жуда катта<sup>2</sup>. Айниқса, бир ижтимоий-иқтисодий формациядан иккинчи бир формацияга, яъни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат узининг ислоҳотчилик ролини йўқотиб қўймаслиги керак.

<sup>1</sup> Экология. Юридический энциклопедический словарь. — М.: Изд. Норма, 2001. — с. 387-388.

<sup>2</sup> М. Нажимов. Давлат ва унинг экологик функцияси. — Т.: Янги аср авлоди, 2002. — 35-б.



8-расм. Экологик бошқарув тизими.

Давлатнинг экологик бошқаруви унинг ваколатланган органлари ҳамда ушбу органларнинг табиатни муҳофаза қилишдаги функцияси ва усуллари мажмуаси.

Адабиётларда<sup>1</sup> экология соҳасида давлат бошқаруви деб ваколатли давлат органларининг табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятидир. Давлатнинг ижро этиши ижроия ҳокимият органларининг фаолияти, фармойиш бериши эса, уларнинг юридик ва жисмоний шахсларга мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқидир, дейилган. Лекин бу ўринда Олий қонун чиқарувчи ҳокимият, Президентлик институти, Суд ҳокимияти, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш давлат органларининг экологик функциялари инobatга олинмай қолинапти. Ваҳоланки, уларнинг ҳам экологик муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти, айниқса, Ўзбекистонда жуда беқиёсдир.

<sup>1</sup> Экология ҳуқуқи. Дарслик. — Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001. — 64-б.

Маъмурий ҳуқуқда давлатнинг маълум бир ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда умумий ва махсус ваколат доирасидаги органлари ажратиб олинади. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 2-бўлимида давлат ҳокимияти ва бошқарув (туғрироғи, ижро этувчи) идораларининг экологик муносабатларни тартибга солишдаги ваколатлари берилган. Уларга умумий ваколатланган — Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимиятлар, махсус ваколатланган Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси киритилган. Лекин дарсликнинг III боб 5-параграфида (экологик-ҳуқуқий механизмида) экологик нормаларни қабул қилиш ҳамда уларни амалга татбиқ этиш жараёни серқирра тизим ва ўта муҳим масала эканлигига иқдор бўлди. Бизнинг фикримизча, экологик бошқарув таркибини фақатгина Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунда келтирилган давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан чеклаб қўйиш экологик муносабатларни тулақонли тартибга солиш имконини бермайди. Бу ўринда давлат бошлиғи, соҳавий органлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг экологик бошқарув ваколатларини умумлаштирилган тарзда бўлса ҳам келтириш мақсадга мувофиқдир.

## 2. ДАВЛАТНИНГ ЭКОЛОГИК БОШҚАРУВИ

Ҳар бир давлатнинг асосий вазифаларидан бири ўзи ташкил этган давлат органлари орқали барча ижтимоий муносабатларни миллий ҳудудда тартибга солишдан иборат. Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас ва айниқса, бозор иқтисодиётига ўтаётган бир даврда давлат ўзининг «бош ислохотчи»лик функциясини бажариши ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг 5 тамойилларидан биридир.

**Давлатнинг экологик бошқаруви — уз ваколат доирасида давлат бошлиғи, ҳокимияти ва ижро этувчи давлат органлари ва уларнинг экологик муносабатларни тартибга солишдаги фаолияти.** Уни ҳуқуқшуносликда давлатнинг экологик функцияси деб ҳам аталади. *Функция эса ваколат доирасидан келиб чиқадиган фаолиятдир.*

Давлатнинг экологик бошқаруви икки кўринишда — умумий ва махсус давлат органларининг функцияси орқали амалга оширилади.

**Давлатнинг умумий экологик бошқаруви — давлат бошлиғи ва ҳокимиятининг ўз ваколатлари доирасида экологик муносабатларни тартибга солиш функцияси.** Ушбу фаолият Ўзбекистон Республикаси бутун ер кенглиги доирасида амалга ошириладиган бўлса — *давлатнинг марказий органларининг экологик бошқаруви*. Агарда органлар муайян маъмурий-ҳудудий бирликларда экологик бошқарувни амалга оширса — *умумий кўринишдаги маҳаллий экологик бошқарув*, дея эъти-



роф этилади. Давлат раҳбари ва ҳокимиятининг экологик функциялари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, тегишли Конституциявий қонун ва қонуларда акс этирилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси *Олий Мажлиси* Конституциямизнинг 78-моддаси ва 1994 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 4-моддасига кўра, олий вакиллик ва қонун чиқарувчи давлат органи сифатида қуйидаги экологик бошқарув ваколатларга эга:

- экологик қонунлар қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;
- Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан давлатимизнинг ички ва ташқи экологик сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлатнинг стратегик (узоққа мўлжалланган) экологик дастурларини қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳокимият органлари тизими ва ваколатларини экологик нуқтаи назардан Конституцияга мувофиқлаштириш;
- бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан экологик тадбирларни амалга оширишга йўналтириш;
- Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан давлат бюджетини қабул қилишда, солиқлар ва бошқа мажбурий туловларни жорий қилишда кишиларнинг тоза атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш нуқтаи назаридан қараш;
- Конституциявий суд, Олий Суд ва Олий ҳужалик судларини сайлашда уларнинг экологик билимларини ҳам инобатга олиш;
- Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш;
- Президентнинг экологик бошқарувга оид умумий ва махсус ваколатланган вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш;
- Президентнинг экологик танглик ёки инқирозли ҳудудларда фавқулодда ҳолат жорий этиш муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- халқаро экологик шартнома ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, экологик хавфсизликни таъминлашда олиб борилган улкан хизматлари учун фуқароларга ҳамда жамоаларга давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш.

Ўз конституциявий ваколат доирасида Олий Мажлис аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга улкан ҳисса қўшмоқда. Масалан, Конституциямизга тўртта бевосита ва ўнлаб билвосита экологик нормалар киритилган. 20 дан зиёд ихтисослаштирилган ва ўнлаб умум-

лаштирилган экологик қонунлар қабул қилинди, «1999—2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастури» тасдиқланди, 2003 йил Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастрлари давлат қўмитаси ташкил этилиши маъқулланди ва ҳоказо.

Олий Мажлис таркибида Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қўмита фаолият юритмоқда. У Олий Мажлис тўғрисида конституциявий қонуннинг 23-моддасига мувофиқ экологик қонунлар ва қарорлар лойиҳасини ишлаб чиқади, амалдаги қонунларни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни тайёрлайди ва уларни Олий Мажлис сессияси кун тартибига киргазиш таклифи билан чиқади. Қўмита экологик масалаларни давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқарув идораларининг мутасадди ходимлари билан муҳокама қилади. Экологик қонунларнинг амалда татбиқ қилинишига доир депутат назоратини олиб боради ва шу каби муҳим экологик масалаларни ҳал қилади.

2002 йил 27 январь куни ўтказилган Референдумга биноан Олий Мажлис 2004 йил 1 июлдан икки палатадан — Қонунчилик (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат бўлади. 2003 йил 24 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга биноан бир палатали Олий Мажлиснинг экологик функцияси икки палатага ажратиладиган бўлди.

Ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган Конституциямизнинг 78-моддасидан келиб чиққан ҳолда *Қонунчилик ва Сенатга* қуйидаги экологик тусдаги ваколатлар берилди:

- Конституцияга экологик нормалар киритиш ва қўшимчалар қилиш;
- экологик қонунлар қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- Ўзбекистоннинг ички ва ташқи экологик сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлатнинг стратегик экологик дастурларини қабул қилиш;
- давлат ҳокимияти органларининг экология борасидаги ваколатларини белгилаш;
- янги махсус экологик давлат тузилмаларини тузиш ва борини таркибдан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;
- бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан атроф-муҳитни муҳофаза қилишга йўналтириш;
- Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан давлат бюджетини қабул қилишда ва унинг ижросини назорат қилишда экологик тадбирларни амалга ошириш нўқтаи назаридан қараш;
- экологик солиқ ва тўловларни жорий қилиш;

- экологик мукофот ва унвонларни таъсис этиш;
- Президентнинг тегишли экологик органларини тузиш ҳамда но-экологикларини тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- Президентнинг экологик инқирозга доир фавқулодда ҳолатни жорий этиш, унинг амал қилинишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- халқаро экологик-ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация ва денонсация қилиш — Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасига** Конституциянинг 79-моддасидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ваколатлар берилади:

- атроф-муҳит муҳофазасига доир қўмита раислари ва уринбосарларини сайлаш;
- экологик соҳада, давлатнинг ички ва ташқи экологик сиёсатига доир қарорлар қабул қилиш.

Ўзгартирилган ва қўшимчалар қилинган Конституциямизнинг 80-моддасидан келиб чиққан ҳолда **Олий Мажлис Сенатига** қуйидаги мутлақ ваколатлар берилади:

- ўзининг экологик йўсиндаги қўмиталарининг раислари ва уринбосарларини сайлаш;
- Президентнинг тақдимиغا биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш;
- Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш;
- экологик соҳадаги давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ва ҳукумат бошлиғи сифатида Конституциямизнинг 93—94-моддаларига биноан бир қатор ўта муҳим марказий экологик бошқарув функцияларини амалга оширмақда. Собиқ Иттифоқ республикалари орасида Ўзбекистонда биринчилар қатори Президентлик институтининг жорий қилиниши унинг тинч ва осойишта йўл билан босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтиб боришига хизмат қилмақда. У миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий кафили сифатида экологик хавфсизликни таркиб топтириш учун хизмат қилади. **Президентнинг** экологик бошқарув ваколати жуда кенг қамровлидир, масалан:

- фуқароларни тоза атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш, Конституция ва қонунлардаги экологик талабларга риоя этилишини кафолатлайди;
- экологик хавфсизликни муҳофаза этади;
- ички ва халқаро ташқи экологик муносабатларни урнатишда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради; музокаралар

олиб боради, шартнома ва битимларни имзолайди ҳамда уларга риоя этилишини таъминлайди;

- Олий Мажлисга ҳар йили ички ва халқаро аҳвол, жумладан, атроф-муҳит ҳолатига тегишли маълумотнома тақдим этади;
- ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг экологик қонунчиликни таъминлашига доир ишларини мувофиқлаштиради;
- Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси номзодини Олий Мажлисга тақдим этади;
- экологик қонун меъёрлари ва қоидаларини бузган ҳокимларни лавозимидан озод этади;
- республика бошқарув органлари, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган нозекологик ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади;
- экологик қонунларни имзолайди, нозекологик қонунларни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаради;
- экологик хавф юзага келган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва Олий Мажлис тасдиғига киритади;
- орден, медаль, ёрлиғ, малакавий ва фахрий унвонлар билан табиатни муҳофаза қилишда жонбозлик кўрсатганларни мукофотлайди;
- давлатнинг экологик назорат хизматларини тузади;
- Конституция ва қонунлар ижроси юзасидан давлат аҳамиятига молик фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Қўшимча қилинган ва ўзгартиришлар киритилган Конституция-мизнинг 93—94-моддаларига биноан, унда юқорида зикр этилган экологик ваколатларнинг деярли ҳаммаси сақланиб қолинди.

Япония, Ҳиндистон, Германияда бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам давлатнинг ижроия ҳокимиятининг экологик аҳамияти каттадир. **Вазирлар Маҳкамаси** Конституциямизнинг махсус XX боби 98-моддаси, 1993 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасига қўра давлатимиз ҳукумати — иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар, Олий Мажлис ва Президент қарорлари, фармони, фармойишларининг ижро этилишига раҳбарликни таъминловчи, ижро этувчи орган ҳисобланади. Унинг фаолиятсиз ҳар қандай экологиялаштирилган Конституция, қонун, қарор, фармон ва бошқа ҳуқуқий норматив ҳужжатлар ўз ўрнини ҳаётда топа олмайди. Шунинг учун ҳам у экологик-ҳуқуқий механизмнинг муҳим ва асосий звеноси ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси коллегиялик, демократик ва қонунийлик, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш принципларидан келиб чиққан ҳолда, экологик бошқа-

рувда иштирок этувчи барча давлат, нодавлат, ўзини ўзи бошқариш ҳамда халқаро ҳамжамиятлар билан атроф-муҳит муҳофазаси борасида ҳамкорлик қилади ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уларга зарур ёрдам кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси таркибига — Президент (Вазирлар Маҳкамасининг раиси сифатида), бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмитасининг раислари, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси киради. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳар йили 2 марта (ярим ва йиллик) ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилади. Жумладан, Республикада экологик ҳаётнинг барча жабҳалари бўйича кенг қамровли масалаларни кўриб чиқади.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи тўғрисидаги қонуннинг 6—7-моддаларига кўра, Олий Мажлис билан экологик масалалар бўйича муносабатларини мувофиқлаштиради. У ўз экологик фаолият дастурини тақдим этади. Республикада экологик ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, бюджетдаги атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид асосий кўрсаткичлар ва унга киритиладиган ўзгаришларни ишлаб чиқади, Олий Мажлис тасдиғига тақдим ҳамда бу борада унга ҳисоб бериб туради. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Олий Мажлис йиғилишларида қатнашиш ва ахборот бериш ҳуқуқига эга. Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси каби барча экологик масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган қўмита ва комиссияларининг Ҳукумат фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини Вазирлар Маҳкамаси кўриб чиқади ва улар юзасидан тегишли чора-тадбирлар қабул қилади ҳамда ахборот беради. Депутатлар ёки комиссия ва қўмиталарнинг экологик масалалар бўйича сўровларига 3 кун ичида ёзма ёки оғзаки жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколат доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг экологик масалалар бўйича давлат ҳокимияти ва бошлиғи томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг мазкур Республикада бажарилишига оид ахборотларни эшиттади, таклифларини кўриб чиқади, низоли масалаларни ҳал этади, унинг ноэкологик қарорлари ва фармойишларининг ижросини тўхтаатади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қорақалпоғистон Республикасини экологик жиҳатдан ривожлантириш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланишга тааллуқли масалалар ҳал этилаётганда ҚР Вазирлар Кенгашининг фикри ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам Вазирлар Маҳкамасида унинг Доимий ваколатхонаси фаолият юритади.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасига биноан маҳаллий ҳокимиятлар (вилоят, туман, шаҳарлар)нинг ижро этувчи органлари билан доимо ҳамкорликда фаолият юритади. Ма-

ҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг экологик фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг атроф-муҳит муҳофазасига доир таклифларини кўриб чиқади. Вазирлар Маҳкамасининг экологик қарорлари, фармойишлари, йўриқномалари, топшириқларининг бажарилишини назорат қилади, уларни бажариш юзасидан ҳокимият раҳбарларини йиғади ва ахборотларини тинглайди. Марказий аппарат ва органлар билан маҳаллий ҳокимият органларининг экология борасидаги ҳамкорлигини таъминлайди ҳамда низоли масалаларни ҳал этади. Маҳаллий ва регионал миқёсда атроф-муҳит муҳофазасига оид режа ҳамда дастурларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган неэкологик қарор ҳамда фармойишларни тўхта-тиб қўйиш ва бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзи туғрисидаги Қонуннинг 10-моддасидан келиб чиққан ҳолда экология ва атроф-муҳит муҳофазасига доир Вазирлар Маҳкамаси:

- экологик тадбирларнинг иқтисодий механизмини шакллантириш ва реализация қилиш;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қодир бўлган турли мулк шакллари юзага келтириш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
- экологик тўлов ва экологик тадбирларни кредитлаштириш тизимини мустаҳкамлаш ва уни амалга татбиқ қилиш;
- Республика бюджетига атроф-муҳит муҳофазасига доир маблағ миқдорини аниқлаш ва уни Олий Мажлис тасдиғига киритиш;
- экологик дастур ва истикболли йўналишни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини ташкил этиш;
- экологик бошқарув тузилмасини такомиллаштириш — вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш туғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиш;
- экология фани ва техникасини ривожлантириш; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- фуқароларнинг тоза атроф табиий муҳитга бўлган талабини қондириш;
- экологик таълим, экология ва саломатликни ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш, экологик маданиятни ривожлантиришга қўмаклашиш;
- миллий хавфсизлик элементи бўлган экологик хавфсизликни ошириш;
- давлат бошқарув органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш;
- Республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

- атроф-муҳит ҳолатига салбий таъсир қилувчи катта авариялар, фалокатлар ва табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини куриш;
- хорижий давлат ва халқаро ташкилотларда экология соҳаси бўйича ҳам вакилликни таъминлаш;
- ҳукуматлараро экологик шартнома ва битимлар тузиш, уларни бажариш чора-тадбирларини куриш;
- экологик жиҳатдан ташқи иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга ошириш каби ваколатларга эга.

Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги давлат ва ҳужалик бошқаруви органларида экологик бошқарувнинг умумий масалалари бўйича ишларни мувофиқлаштиради ва йўналтиради. Уларнинг низомлари, аппаратлар сони ва уларга сарфланадиган маблағлар миқдорини белгилайди. Уларнинг раҳбар ходимларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади. Умуман олганда, уз тизимидаги барча бўлинмаларнинг экологик бошқарувида назорат ўрнатади ва тегишли қарорлар қабул қилади.

Мустақил Республикамиз 13 йил мобайнида Вазирлар Маҳкамаси томонидан юзлаб экологик тусдаги қарорлар, фармойишлар, йўриқномалар қабул қилди. Махсус вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар ва ассоциациялар ташкил этилди, уларнинг экологик бошқарув тизими қайта куриб чиқилди. Масалан, 1998 йил 1 апрелда ВМнинг 139-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлашнинг миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси» қабул қилинди. Худди ана шу йил Ер ресурслари давлат қўмитаси ташкил этилди.

«1998—2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги 20 октябрь 1999 йил 469-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори жуда муҳим экологик-ҳуқуқий манба бўлиб қолди. Унда кейинги 7 йил мобайнида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг қуйидаги асосий чора-тадбирлари белгиланиб олинди:

- \* аҳоли яшаши учун қулай шароитлар яратиш;
- \* табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш;
- \* экологик қонун ҳужжатларини ва уни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш;
- \* иқтисодий механизмни амалга ошириш;
- \* мониторинг ва ахборотлар, экологик таълим тизимини такомиллаштириш;
- \* халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

**Қорақалпоғистон Республикаси** Ўзбекистон Республикаси таркибидаги мустақил республикадир. Унинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVII боби 70—75-моддаларида ҳамда

1993 йилда қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган. Ушбу Конституцияларга биноан Қорақалпоғистонда мустақил вакиллик ва қонун чиқарувчи ҳокимият — Жуқорғи Кенгес ва ижро этувчи ҳокимият — Вазирлар Кенгаши мавжуд.

**Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси.** Олий Мажлис қатори, экологик қонунчилик жараёни билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Лекин унинг экологияга доир қонунлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига (71-моддасига кўра) зид бўлмаслиги керак. Марказий давлат аппарати чиқарган экологик қонун ҳужжатлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурий аҳамият касб этади. Унинг экологик хавфсизлиги Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлик элементи сифатида қаралади ва Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳимоя қилинади.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши** — ижро этувчи ҳокимият сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг барча ваколатларига тенглаштирилган. Экологик муносабатларни тартибга солишда, у маҳаллий ҳокимият ва маҳаллий ижроия ҳокимият органларининг ваколатлари доирасида иш юритади. Шунинг учун ҳам биз Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятларининг экологик функциялари билан бир қаторда кўриб чиқамиз.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос жиҳатларидан бири, биринчи бор тарихимизда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўз ҳудудларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ваколати юклатилди. Масалан, 1991 йил чоп этилган ЎзССР Конституциясининг янги таҳрирдаги қонунининг 16-боб, 13-модда иккинчи қисмида халқ депутатлари маҳаллий советларига экологик ваколат юклатилмаган. Ушбу фаолият тури фақатгина иттифоқ ва марказий республика органлари зиммасида турар эди.

Конституциямизнинг XXI бобидан келиб чиққан ҳолда 1993 йил 2 сентябрда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг 1-моддасига биноан **Маҳаллий вакиллик ва Ижроия ҳокимияти органлари** ўз ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий, жумладан, экологик бошқарувни амалга оширадилар. Маҳаллий ҳокимият таркибига вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари киритилади. Улар давлат мулки — умуммиллий бойлик бўлган табиий объектларнинг давлат номидан ўз ваколат доирасида тасарруф этилишини таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ равишда **Халқ депутатлари кенгаши** ўз ҳудудида қуйидаги ваколатга эгадирлар:

- ҳокимнинг тақдимига биноан маҳаллий бюджетда атроф-муҳит муҳофазасига оид харажатларни белгилаш;
- ҳудудий-экологик ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларни, режа ва лойиҳаларни тасдиқлаш;



- маҳаллий ер солиғи, аксиз солиғи, бож тўлови каби йиғимлар ва тўловларни экологик нуқтаи назардан ишлаб чиқиш ҳамда унга имтиёзлар берилишини ҳал қилиш;
- ҳокимнинг экологик қарорларини тасдиқлаш;
- халқ депутатлари кенгашининг экологияга доир доимий муваққат комиссияларини ва органларини тузиш, сайлаш ва тугатиш ҳамда таркибини ўзгартириш, ҳисоботларини тинглаш;
- халқ депутатларининг экология борасидаги ваколатларини эътироф этиш, муддатидан олдин тўхтатиш, уларни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш;
- ижроия ҳокимият бўлинмаларининг экологияга доир ҳисоботларини тинглаш;
- халқ депутатларининг экология борасидаги сўровларини қараб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- ҳокимнинг ва қўйи кенгашнинг экологик-ҳуқуқий бўлмаган қарорларини бекор қилиш;
- фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари, атроф-муҳитни муҳофазга қилишга доир ўз ваколатидаги масалаларни ҳал этиш.

Ҳокимлик институти Ўзбекистон учун тарихий жиҳатдан янгилик эмас, лекин унинг ваколат доираси мутлақ ўзгачадир. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига биноан *вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига қуйидаги ваколатлар юклатилган*:

- экологик қонун ҳужжатларининг ижросини ўз ҳудудида таъминлаш;
- экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий офат ва техноген жараёнларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини тугатиш;
- экология соҳасидаги асосий йўналишлар, бюджетда табиатни муҳофаза қилишга маблаг ажратиш ва уларнинг ижросини таъминлашга доир ҳисоботларни халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига тақдим этиш;
- қўйи турувчи ҳокимларнинг экологияга доир қарорларини (экологик қонун ҳужжатларига зид бўлса) бекор қилиш ҳамда қўйи турувчи халқ депутатлари Кенгашларининг ноэкологик ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланаётган шахсларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш ҳақида илтимосномани куриб чиқиш ва у бўйича марказий давлат органларига таклифлар киритиш;
- фуқароларни тоза атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини талаб қилишга доир шикоят, таклиф ва аризаларини қараб чиқиш;
- табиий захиралардан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш каби масалаларни қонуний ҳал этиш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг табиатни муҳофаза қилишни жойларда амалга оширишларида уларни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлинмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат инспекторлари билан ҳамкорликда ишлашлари жуда катта аҳамият касб этади. Ички ишлар, назорат инспекторлари ва адлия органлари ҳокимиятларга туғридан-туғри буйсунадилар. Шўнинг учун ҳам экологик назорат бўлинмаларининг жойлардаги фаолиятлари бевосита ҳокимиятларнинг экологик дунёқарашлари ва уларнинг мазкур масала бўйича амалий ҳаракатларига боғлиқдир.

*Давлатнинг махсус экологик бошқаруви — иxtисослаштирилган давлат органларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид муносабатларни ваколат доирасида бевосита тартибга солиш фаолияти.* Ушбу махсус бошқарув 3 йўсинда олиб борилади — комплекс, тармоқ ва функционал.


*Давлатнинг махсус комплекс экологик бошқаруви — давлатнинг иxtисослаштирилган органларини экологик муносабатларни тармоқлараро мажмуали тартибга солиш функцияси.*

Комплекс ваколати юклатилган давлат органлари Экология ҳуқуқи объектлари қайси мулк шаклида ёки қайси халқ хўжалиги тармоғида бўлишидан қатъи назар, уларнинг атроф табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир барча фаолиятларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб турадилар, назорат қиладилар ва кузатиб борадилар ҳамда тегишли чора-тадбирлар қабул қиладилар. Бу ўринда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг алоҳида ўрни бор.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси 1996 йил 26 апрелда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси туғрисидаги низом»га мувофиқ фаолият юритади (9-расм). Низомнинг 11-моддасига биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қуйидаги асосий комплекс вазифаларни бажаради:

- ✓ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- ✓ табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тармоқлараро комплекс бошқариш;
- ✓ табиатни муҳофаза қилиш ҳамда ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ✓ атроф-муҳитнинг экологик ҳолати қулай бўлишини таъминлаш, экологик вазиятни соғломлаштириш.

*Давлатнинг махсус тармоқ экологик бошқаруви — давлат тармоқ органларининг тегишли халқ хўжалиги соҳаларида ёки объектларида экологик муносабатларни тартибга солиш функцияси.* Ҳаммамизга маъ-



9-расм. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳуқуқий ҳолати.

\* 1996 йил 26 апрелда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган ЎзР «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Низомга биноан бошқа фаолиятларни ҳам юритади.

лумки, халқ хўжалигининг бирон-бир соҳаси йўқки, табиий объектлар — ер, сув, ҳаво, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан ўз хўжалик ва бошқа фаолиятларида фойдаланмасалар. Улар давлатнинг умумий ва махсус-комплекс экологик бошқарув органлари томонидан бериладиган ҳуқуқий кўрсатма, қоида ва меъёрлар асосида ўз тармоқларида экологик муносабатларни тартибга соладилар. Масалан, Ер ресурслари давлат қўмитаси 1998 йил 27 июлда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомнинг 1-моддасига мувофиқ ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширади.

*Давлатнинг махсус функционал бошқаруви* — айрим давлат органларининг иш фаолияти ёки хизмат доирасидан келиб чиқадиган ва маълум бир табиий объектларга доир муайян экологик муносабатларни тартибга солишдаги функцияси. Масалан, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги «ДЙХХХ Экология» хизматига автотранспортлардан чиқадиган заҳарли чиқитларни (СО гази, мой, турли хил тормоз суюқликлари) ва шовқиндан атроф-муҳит ифлосланишини назорат қилиш ваколати берилган. Ушбу назорат автотранспорт кимга қарашли ёки қайси тармоққа тегишли эканлигидан қатъи назар, автомобилларнинг муайян функциясига доир назоратни амалга оширади, холос. Функционал вазифаларни Божхона ва Солиқ қўмиталари ҳам бажарадилар.

### 3. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ (ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ)НИНГ ЭКОЛОГИК ФУНКЦИЯЛАРИ

2003 йил Ўзбекистонда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қураётган Республикамизда давлатнинг умумий, айниқса, махсус экологик бошқарув органларининг ижтимоий-иқтисодий ваколатларини ўзини ўзи бошқарув идораларига ўтказиш масаласи жуда долзарбдир. Тоза атроф табиий муҳит кишиларнинг яшаш ҳуқуқининг асосий элементи ва уни асраб-авайлаш, авваламбор, ўзларига боғлиқ эканлигини англашлари ҳамда ўз ҳудудларида экологик бошқарувни босқичма-босқич ўз ваколат доирасига киргизишлари муҳим масаладир.

1999 йил 14 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга ва обод маҳалла йилига мўлжалланган давлат дастурига биноан *шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йиғини (вакиллар йиғилиши)* ўз экологик манфаатларидан, урф-одат қоидаларидан ва ҳудудий экологик хавфсизликдан келиб чиққан ҳолда, ваколат доирасида мустақил фаолият юргизиш ҳуқуқига эгадирлар. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳар маҳалласида, Қонуннинг 10-моддасига кўра, *фуқаролар йиғини:*

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхона, муассаса, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;
- ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария-тозалаш ишларини ўтказиш учун тегишли ҳудудда жойлашган корхона ва ташкилотларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади;
- ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чикувчи туман комиссиясига ўз вакилини юборди ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Нисбатан камроқ экологик бошқарув функцияси шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинига берилган бўлиб, улар ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тадбирлар режасини белгиланган тартибда тасдиқлайдилар ҳамда қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа экологик фаолиятни ҳам амалга оширадilar.

2003 йилга келиб мамлакатимиз бюджети даромад қисмининг 56% ва харажат қисмининг 52% ҳудудий бюджетларни ташкил қилмоқда. Бу ўринда фуқаролар йиғини фаолиятининг таъминот қисмини айнан экологик масалаларни ҳал қилишга йўналтириш айти мудидао бўлур эди.

#### 4. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК БОШҚАРУВИ

Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг яна бир талаби нодавлат органларининг фаолиятини эркинлаштириш ва уларга ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида улкан ваколатлар беришдан иборат.

1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонун нодавлат органлар фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. **Нодавлат нотижорат ташкилоти** — *жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) келишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимлайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти.*

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг экологик-ҳуқуқий мақоми ўзи тўғрисидаги қонун, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларда ҳам белгилангандир. Уларга Республикада фаолият юритувчи миллий, халқаро, чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари кириши мумкин. Ушбу ташкилотлар ихтиёрийлик асосида ташкил этилган жамғарма, уюшма, клуб, ассоциация, кўмита ва ҳаракатларга бирлашиш ҳуқуқига эга (10-расм).

|                  |               |   |  |                              |
|------------------|---------------|---|--|------------------------------|
| Э<br>Н<br>Н<br>Т | Ташкилотлар   | Ф   | Экологик тарғибот  |                              |
|                  |               |   | Конференция, симпозиум, лавра суҳбати<br>чақириш ва уюштириш |                              |
|                  | Ассоциациялар | А   | Жамғарма назорати  |                              |
|                  |               |   | Жамоат экспертизаси  |                              |
|                  | Уюшмалар      | О   | Акциялар (сиёсий ҳаракатлар)                                 |                              |
|                  |               |   | Л  | Референдумлар                |
|                  |               |   |  | Жамоат талаблари             |
|                  |               |   | Т  | Клублар тузиш                |
|                  | Ҳамкорлик     |   |  |                              |
|                  | Қўмиталар     | Т   | Митинглар  |                              |
|                  |               |   | Петициялар (жамоат илтимослари)                              |                              |
|                  | Жамғармалар   | У   | Экологик уйинлар   |                              |
|                  |               |   | Курик-танловлар  |                              |
|                  |               | Р   | Экологик ўқув ва тарбия                                      |                              |
|                  |               |   | Л  | Тижоратсиз иқтисодий фаолият |
|                  | Ҳаракатлар    | А   | Дастур ва лойиҳалар  |                              |
|                  |               |   | Р  | Келишувлар                   |
|                  |               | И   | Шартнома, контрактлар, меморандумлар                         |                              |
|                  |               |   | Хорижий маблағ (инвестиция)ни<br>жалб этиш                   |                              |
|                  |               |   | Экологик нобоб объектларни<br>моддий таъминлаш               |                              |
|                  |               | Атроф табиий муҳитнинг экологик ва<br>санитар ҳолатини яхшилашга қаратилган<br>бошқа чора-тадбирлар |  |                              |

10-расм. Экологик нодавлат нотижорат ташкилотлари (ЭННТ)  
ва уларнинг экологик фаолияти.

Ўзбекистонда 2003 йилга келиб унлаб экологик йўналишдаги жамоат бирлашмалари тузилган. Мазкур бирлашмалар ўз низомларига эгалар, улар табиатни муҳофаза қилиш борасида давлат органлари ва ўзини-ўзи бошқариш идоралари билан фаол ҳаракат қилиб келмоқдалар. Мисол тариқасида «Экосан» халқаро жамғармасини олсак бўлади. «Экосан» — экология ва саломатлик йўналишидаги халқаро жамғарма. У 1992 йил Тошкент шаҳрида тузилган бўлиб, ҳозирги кунда унинг 3 млн дан ортиқ аъзоси, 30 дан ошиқ мамлакатда 70 дан зиёд бўлинмалари ва ваколатхоналари бор. «Экосан» нафақат Республикамизда, балки хорижда ҳам жуда танилган экологик йўсиндаги ташкилот бўлиб, у турли йўналишда катта лойиҳа ва дастурларни амалга оширмоқда (11-расм). У экологик муносабатни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини кўтаришда, атроф-муҳитни соғломлаштиришга қаратилган молиявий маблағларни ажратишда узининг катта ҳиссасини кўшмоқда.

Айрим мамлакатларда «Кедр», «Гринпис», «Яшиллар партияси» каби экологик оқимлар фаолият юргазилмоқда. Бу ҳам аҳолининг экологик бошқарувда қатнашишининг бир йўли, чунки илмий-техника революцияси табиатга «бостириб» келар экан унинг зарарли оқибатларининг олдини олиш, авваламбор, фуқаролар, уларнинг мақсадли ва қонуний уюшмаларининг хоҳиш ва иродасини инобатга олган тарзда экологик муносабатларни тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир.

### Қайтариш учун савол ва топшириқлар

?

1. Экологик бошқарув тушунчасини таърифланг?
2. Демократик давлатларда экологик бошқарув тизими қандай бўлади?
3. Давлатнинг умумий экологик бошқарувига қайси органлар киради?
4. Адабиётларда давлатнинг махсус экологик бошқаруви қандай қисмларга ажратилади?
5. Олий Мажлиснинг экологик ваколатларини санаб ўтинг.
6. Қайси қонунлар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатини белгилайди?
7. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
8. Ўзбекистонда қандай нодавлат нотижорат ташкилотларини (ННТ) биласиз?
9. ННТнинг экологик-ҳуқуқий мақоми қандай?



11-расм. Халқаро «Экосан» жамғармасининг экологик фаолияти.



Экологиялаштирилган тадбирлар — иқтисодлаштирилгандир.  
Н. Ф. Реймарс

## VII боб. ЭКОЛОГИК КАДАСТР, НАЗОРАТ ВА ЭКСПЕРТИЗА

### 1. ЭКОЛОГИК БОШҚАРУВДА ЭКОЛОГИК КАДАСТР, НАЗОРАТ ВА ЭКСПЕРТИЗАНИНГ АҲАМИЯТИ. ЭКОЛОГИК КАДАСТР

Нуфузли халқаро ташкилотлар — ЮНЕП ва ЮНЕСКОларнинг тавсияномаларига кўра, ривожланиб бораётган ва бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида турган давлатларда (шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам) экологик хавфсизликни таъминлаш учун уч долзарб муаммонинг ечимини топиш тавсия этилади:

- 1) давлатнинг экологик бошқарув, жумладан, экологик кадастр, мониторинг ва назорат тизимини йўлга қўйиш;
- 2) халқ ҳўжалигига экологиялаштирилган технологияларни кенг жалб этиш;
- 3) фуқароларнинг экологик онги ва маданиятини кўтариш.

Кейинги икки муаммонинг ечими давлатнинг изчил экологик бошқарув ва назоратини йўлга қўйиш билан узвий боғланган. *Экологик бошқарувни амалга ошириш учун, албатта, атроф табиий муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш даражаси ҳақида кадастр маълумотларига эга бўлиш, уларнинг даврий ўзгаришларини кузатиб бориш, экология ҳуқуқи субъектлари фаолиятини текшириб бориш ва мутахассисларнинг тегишли экологик фаолиятлари бўйича ҳулосалашни талаб этади. Қисқаси, экологик кадастр → экологик назорат (мониторинг ҳам) → экологик экспертиза тизимига экологик бошқарув таянади.* Қаерда ёки қайси бир мамлакатда ушбу тизим яхши йўлга қўйилган бўлса, ана шу ерда экологик-ҳуқуқий механизм ҳаракатда бўлади ва реал экологик бошқарув имконияти юзага келади.

Экологик бошқарув айнан экологик кадастр, аниқроғи, табиий объектларнинг кадастрини юритишдан бошланади. *Кадастр — француз тилида «Cadastré» — реестр, рўйхат, деган маънони англатади.* Одатда, ушбу рўйхатлаш умумий объектлар бўйича эмас, балки аниқ бир моддий, жумладан, табиий объектларга нисбатан қўлланилади.

2000 йил 15 декабрдаги Давлат кадастрлари тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасига биноан *экологик кадастр — муайян табиий объектнинг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгилашиб турадиган (ўзгарувчан) маълумотлар ва ҳужжатлар тизими.* Экологик кадастр Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу ягона тизим

Ўзбекистон Республикаси ва унинг айрим ҳудудлари табиий-иқтисодий салоҳиятининг ягона умумдават ҳисоб-китоби юритилишини, баҳоланишини таъминлашга мулжалланган кўп мақсадли тизими тарзида яратилади.

Давлат кадастрлари туғрисидаги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ *экологик кадастр объекти* бўлиб:

- давлат ер кадастри;
- фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген ҳосилалар давлат кадастри;
- давлат сув кадастри;
- давлат ўрмон кадастри;
- ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри;
- ҳайвонот дунёси давлат кадастри;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри;
- ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари давлат кадастри;
- табиий хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри;
- техноген хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри;
- ҳудудлар давлат кадастри ва бошқа табиий объектлар кадастри ҳам кириши мумкин.

*Экологик кадастрни юритишда* республика бўйича тўлиқ қамраб олишлик, фазовий координатларининг ягона тизимини қўллаш, услубиятнинг умумийлиги, ахборотнинг аниқлиги ва оммавийлиги каби ҳуқуқий принципларга асосланилади. Уни Вазирлар Маҳкамаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам у «Давлат кадастри» деб номланади.

*Экологик кадастр объектларини баҳолаш табиий унсур ҳамда комплексларнинг сифат ва қиймат жиҳатларини ўз ичига олади.* Масалан, «Давлат ер кадастри туғрисидаги қонун»нинг 17-моддасига биноан, ер сифати — қишлоқ ҳўжалиги бўйича уни районлаштиришни, тупроқ ва ерларни таснифлашни, уларни агрономик, экологик, технологик ва шаҳарсозлик белгилари бўйича тавсифлашни, тупроқни гуруҳларга ажратишни ўз ичига олади. Ерларнинг қиймат баҳоси 1998 йил 6 августда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ ҳўжалигига мулжалланган ерларни сифат, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг Муваққат услуги»га биноан ерларнинг меъёрий баҳолари, банклардан ипотека қарзлари беришда, хусусий тураржойлар куриш учун ер ажратиб бериш, деҳқон ҳўжалигига қўшимча ер бериш ва ер солиғи ставкаларини аниқлаш каби ҳолларда ер участкасининг дастлабки (бошланғич) баҳоси белгиланади.

Бошқа табиий объектларни кадастрлаш буйича ҳам Низомлар ишлаб чиқилган ва амалда татбиқ қилинмоқда.

*Экологик кадастр объектлари буйича ҳужжатлар* — уларга нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар, йиғма жилди, харитаси (плани), китоби, ҳолати ҳақидаги ҳисоботларни ўз ичига олади.

*Экологик кадастр объектлари буйича ахборот давлат ҳокимияти органларига бепул, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга эса белгиланган тартибда ҳақ эвазига тақдим этилади.*

## 2. ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ

Табиий ва табиий-антропоген объектлар кадастри экологик назоратни олиб боришнинг иқтисодий, ижтимоий, табиий, ҳуқуқий асоси бўла олади.

*Экологик назорат* — экологик муносабат субъектларининг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишларига оид фаолиятларини ваколатланган давлат органлари, нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари томонидан текшириб бориш ва тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш тизими.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 29-моддасига биноан экологик назорат куйидаги вазифаларни бажариш учун олиб борилади:

- ✓ экологик мониторингни утказиш;
- ✓ экологик қонун ҳужжатларида кўрсатилган меъёр ва қоидаларнинг бажарилишини текшириб бориш ҳамда тегишли юридик оқибатларни келтириб чиқариш;
- ✓ давлатнинг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган дастур, режа ва лойиҳаларини рўйбга чиқариш.

Экологик назорат экологик бошқарув механизмининг ажралмас бир қисми бўлиб, у табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни йўлга қуйишда жуда катта аҳамият касб этади. *Экологик назорат тизими*га: экологик муносабатларнинг даврий узгарishiни экологик кадастр маълумотларига асосланган ҳолда кузатиб бориш; олинган маълумотларни умумлаштириш ва тегишли давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига топшириш; кишиларнинг экологик фаолиятларини баҳолаш; тегишли хулосалар чиқариш ва чора-тадбирларни белгилаш; юридик ва жисмоний шахсларнинг экологик фаолиятларига лицензиялар бериш; ноэкологик фаолият юритаётган шахсларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизликларини огоҳлантириш, ҳуқуқларини чеклаш, фаолиятларини бекор қилиш ёки тўхтатиб туриш ҳамда тегишли жавобгарликка тортиш (12-расм).

Юқоридаги фикримиздан кўриниб турибдики, экологик назорат жуда кенг қамровли ва турлича йўналишдаги фаолият ҳисобланади.



12-расм. Экологик назорат.

Шунинг учун ҳам у ягона тизимга бирлаштирилади. *Экологик назорат хизмати тизими*га экологик мониторинг хизмати → давлат экологик инспекцияларининг хизмати → ҳуқуқни муҳофаза қилиш давлат органларининг хизмати → ички идоравий ва ишлаб чиқариш органларининг хизмати → жамоат бирлашмаларининг хизмати киради.

*Экологик мониторинг* — экологик назоратнинг биринчи босқичи бўлиб, у атроф табиий муҳит ва табиий ресурсларнинг даврий ўзгаришини (кадастр маълумотларига асосланган тарзда) кузатиб бориш, ҳисобга олиш, баҳо бериш ва истиқболни белгилаш тизими. Экологик мониторинг миллий, регионал (минтақавий) ва глобал миқёсда олиб борилади. Ўзбекистонда миллий экологик мониторинг тизими 1972 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Стокгольм конференциясида қабул қилинган Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган резолюциясида ақс эттирилган принципларга мос равишда олиб борилмоқда. Унинг ҳуқуқий асоси бўлиб, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддаси, 2002 йил 3 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг 111-сонли қарори билан тасдиқланган «Атроф табиий муҳитни давлат мониторинги тўғрисида»ги Низом, махсус ваколатланган давлат органларининг Низомлари (масалан, 2000 йил 23 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Ер мониторинги тўғрисидаги Низом) ҳамда бошқа қонун ости норматив ҳужжатлар ҳисобланади. Лекин экологик мониторинг фақатгина давлат органлари томонидан олиб борилади, дейиш нотўғри бўлади. Экологик кадастрдан фарқли, экологик мониторинг нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқарув идораларига ҳам хос бўлган назорат туридир.

Экологик мониторинг хизмати давлат ҳокимиятлари, бошлиғи ва ижроия органларига атроф-муҳит ҳолатига доир маълумотларни ўз вақтида етказиб бериш орқали экологик йўналишдаги махсус ваколатланган давлат инспекцияси хизмати фаолиятини аниқ ва жадал суръатларда олиб боришга асос бўлади. Экологик мониторинг маълумотлари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасига кўра, очиқ-ошкора равишда бўлиши керак. Ушбу ахборот, аввало, экологик бошқарув органларида умумлаштирилади ва баҳоланади. Салбий экологик ҳолат бўйича мониторинг маълумотлари дарҳол аҳолига эълон қилиниши шартдир.

Табиий ресурсларнинг миқдори, сифат ва бошқа хил кўрсаткичлари, улардан фойдаланиш ҳажми, тартиб тамойилини ҳисобга олиб бориш учун давлат табиий ресурслар кадастрини юритади. Атроф табиий муҳит ҳолатига зарарли таъсир этиши мумкин бўлган объектлар, атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи зарарли моддалар ва уларнинг миқдори, ишлаб чиқариш ва рўзғор (коммунал) чиқиндиларининг ҳажмлари, таркиби ҳам назорат этиб борилади ва давлат ҳисобига олинади.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддасига мувофиқ экологик назорат хизматининг таркиби, ташкил этилиши, фаолияти ҳамда экологик кадастр ва экологик мониторинг хизмати Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорлари билан белгилаб борилади ва тасдиқланади.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасига мувофиқ экологик назорат инспекцияси давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ҳамда махсус ваколатланган давлат идоралари томонидан амалга оширилади. Улар ҳам ўз экологик бошқарув ваколатларидан келиб чиққан тарзда умумий ва махсус экологик назоратловчи давлат органларига ажратилади.

**Умумий экологик назорат органларига:**

*Олий Мажлис* — экологик қонунлар ва ўз қарорларининг бажарилишини назорат қилади.

*Президент* — экологик хавфсизлик ва давлат экологик назорати хизматларини тузади, уларнинг раҳбарларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади.

*Вазирлар Маҳкамаси* — экологик қонун ва қонун ости норматив ҳужжатлар, жумладан, дастур, режа ва лойиҳаларнинг бажарилишини назорат қилади.

*Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари* — ўз ваколат доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича назорат ишларини олиб боради.

**Махсус экологик назорат органларига:**

*Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси* — атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш устидан комплекс давлат назоратини амалга оширади.

*Соғлиқни сақлаш вазирлиги* — атроф табиий муҳит санитарияси, гигиенаси ва эпидемиологик ҳолати бўйича назоратни олиб боради.

*Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш инспекцияси* — халқ ҳўжалиги тармоқларида ер ости ва усти минерал бойликларидан фойдаланиш ишларини атроф табиий муҳит ҳолатига кескин зарар етказмайдиган қилиб олиб борилишини назорат қилади.

*Ички ишлар вазирлиги* — жойларда экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик назоратга қўмаклашиш, жамоат жойлари тозалигини назоратлаш, автотранспортдан атмосфера ҳавосининг ифлосланишини ва шовқинланишини назорат қилиш, табиий ва халқ ҳўжалиги объектларининг ёнгинга қарши туриш ҳолатини назорат қилади.

*Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги* — қишлоқ ҳўжалиги ер, сув ва ўрмон фондларидан унумли фойдаланиш ҳамда уларнинг муҳофаза қилинишини назорат қилади.

*Ер ресурслари давлат қўмитаси* — ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан назоратни ташкил этади ва амалга оширади.

*Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоравий назорат* — вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг экологик хизматлари ўз тасарруфидаги корхоналар ҳамда ташкилотлар устидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги назоратни олиб боради.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддасига кўра, *ишлаб чиқариш экологик назорат корхона, ташкилот, бирлашма, муассасалардаги экологик хизматни амалга оширади*. Бу ўринда қонунда акс эттирилмаган муассасани алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Чунки таълим соҳаси ёки *илмий-тадқиқот муассасаларида* табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, янги турдаги маданий ўсимликлар, химикатлар ва дориларни яратиш, уларни синаб кўриш мобайнида ишлаб чиқариш фаолиятининг экологик талабларга жавоб беришини назорат қилиш ҳам экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги *жамоат назорати* *нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқарув органларининг экологик бошқарув функциясидан келиб чиқади*. Унда экологик назорат — *Фуқаролар йиғини кенгаши, кенгаш қошидаги махсус экологик комиссиялар ёки шахслар, экологик назорат бўлинмалари, меҳнат жамоалари, фаол мутахассислар гуруҳи, жисмоний шахслар* томонидан олиб борилади.

Идоравий ишлаб чиқариш ва жамоатларнинг экологик назоратининг ташкил этилиши, фаолият юритиши, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишли қонун ҳужжатлари ва жамоат назорати тўғрисидаги низомларда берилган бўлади.

### 3. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА

*Экспертиза* сўзи латинчада «*expertus*» — *тажрибали, деган сўздан олинган бўлиб, у маълум бир масалани тажрибали мутахассис томонидан ёритиб берилиши деган маънони англатади*. Экспертиза турли фан ва ҳўжалик соҳаларида турлича кўринишда бўлиб, воқеа ва ҳодисаларни тўғридан-тўғри белгилаш, ўлчаш ва аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, ушбу соҳадаги мутахассислар хулосасига муҳтож ҳолатларни инобатга олади.

Ўзбекистон Республикаси экологик қонунчилигида илк бор экологик экспертиза 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг махсус VI бўлим 24—27-моддаларида ёритиб берилди. Ушбу қонуннинг 4-моддасида эса экологик экспертизанинг мажбурийлик принципи белгилаб қўйилди. Лекин «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун экологик экспертизанинг императив (қатъий) шартларини белгилади, холос.

Унинг асл моҳияти, турлари, олиб бориш усуллари, муддатлари, принциплари ва объектлари эса ёритилимай қолган эди.

Конституциямизда белгиланган экологик шартлар (50, 54, 55-моддалар) комплекс ва алоҳида бир табиий объектлар бўйича қабул қилинган қонунлар, қонун ости меъёрий ҳужжатлар ҳамда кафилик меъёрларидан бўлмиш — Меҳнат, Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят кодексларидаги юридик жавобгарликлар ҳам экологик қонунбузарликларни кескин равишда камайтира олмаяпти. Жавобгарликка тортилаётган умумий қонунбузарликлар ичида экология борасидаги жавобгарликлар бор-йўғи 0,5—4,0% ни ташкил этмоқда, холос. Табиатнинг тобора бузилиб бориши ва аксинча, қонунбузарликларнинг кўпая боришининг сабабларидан бири экологик экспертиза тўғрисидаги қонуннинг йўқлигидан ҳам эди.

2000 йил 25 майда қабул қилинган ва шу йилнинг 1 июлидан кучга кирган «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳуқуқий-экологик механизми шакллантиришда ва уни ҳаётга татбиқ қилишда катта ҳисса қўшди, десак асло муболаға бўлмайди.

*Экологик экспертиза — режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган ҳужжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш.*


Экологик экспертиза тўғрисидаги қонуннинг асосий мақсади ва вазифалари — мулжалланаётган ҳужжалик, бошқа хил фаолиятни режалаштириш ҳамда амалга оширишдан аввал, ушбу фаолиятни экологик талаблар, хусусан, фуқаролар соғлиғига қай даражада таъсир этиши мумкинлигини аниқлаш, шунингдек, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг экологик талабларга жавоб бера олиши етарлилиги ва илмий асосланганлигини аниқлашдан иборат (13-расм).

Қонунда белгиланган «*бошқа хил фаолиятга*»: давлат дастурлари, концепцияларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш кучлари, ижтимоий ва иқтисодий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш лойиҳаларини тузиш; барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш, ҳужжатларни тайёрлаш ва ўтказиш; техника, технология, материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар тайёрлаш; алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва фавқулодда экологик вазият ҳамда экологик офат зона (тегра)лари мақомини бериш; шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни амалий қўллаш механизми ҳам экспертиза объекти бўлади ва улар, албатта, мутахассислар ҳулосасига муҳтождир.

Экологик экспертиза *давлат, жамоат ва ихтисослаштирилган фирмалар* томонидан ўтказилиши мумкин (Қонуннинг 4, 12, 23, 24-моддалари). Лекин *давлат экологик экспертизасидан* ўтиш инсон фа-



## ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА



13-расм. Экологик экспертиза.

олиятининг юқорида санаб ўтилган ҳамма жабҳалари учун мажбурийдир. Шунинг учун ҳам махсус ваколатланган — Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг турли мақомдаги эксперт бўлинмалари томонидан ўтказилиши Қонуннинг 21-моддасида акс эттирилган. Агарда ҳужалик ёхуд бошқа фаолият юргизувчи субъект (бююртмачи) давлат экологик эксперт комиссияси хулосасидан қоникмайдиган бўлса, у ўз эътирозини умумий ёки ҳужалик судларида кўриб чиқиш учун даъво билдириш ҳуқуқига эга.

Давлат экспертизасини ўтказиш муддати 30 кундан ошмаслиги ва айрим, ута мураккаб шароитларда, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси — бош давлат эксперти рухсати билан 2 ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Ушбу экспертиза фаолиятини молиялаш бююртмачилар ҳисобидан бўлади.

Қонун фуқаролар, фуқаролар йиғини, ўзини ўзи бошқариш органларига, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан *жамоат экспертизасини* ўтказишга ҳам имкон беради. Чунки Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқи (Конституциянинг 24, 29-моддалари) қулай ва хавфсиз атроф табиий муҳитда яшаш ва бу ҳақда қонун билан чегараланмаган тарзда ахборот олиши мумкин. Экологик экспертиза нуқтаи назаридан, улар ўз маблағлари ҳисобига, давлат экспертизасидан ташқари мустақил ҳолда экологик экспертизани ўтказишлари мумкин. Фақатгина жамоат экологик экспертиза хулосаси тавсия кучига эга бўлади ва давлат экспертиза хулосасини текшириб кўриш ҳамда судга даъво эътирози билан чиқиш имконини беради.

Жамоат экологик экспертизасини ўтказиш учун фуқаролар, фуқаролар йиғини ёки жамоат ташкилотлари мустақил эксперт комиссиясига «Экологик оқибат аризасини» беришлари мумкин. Бу аризада улар икки масалани ёритишлари керак: 1) экологик таваккалликни ҳисобга олган тарзда атроф табиий муҳит ҳолатининг бузилиш оқибатлари; 2) экологик зарар оқибатларини тугатиш, атроф-муҳит ҳолатини тиклаш ва муътадиллаштириш учун зарурий чора-тадбирларни кўрсатиш. Экспертларнинг вазифаси эса ушбу вазият ёки ҳолатни тўғри ёки нотўғрилигини исботлашдан иборат бўлади, холос. Агарда жамоат экспертизаси давлат экспертизаси хулосаси билан тўғри келмаса, унда ушбу низоли ҳолат ҳақида давлат экологик экспертизасини тайинловчи давлат органи, прокуратура ёхуд суд органларига мурожаат этиш орқали масалага ойдинлик киритиш мумкин.

Бозор муносабатларининг ўзига хос томонларидан бири турли кўринишдаги *аудиторлик фаолиятини* шакллантиришдан иборат. «Аудит» инглиз тилида «audit» — текшириш, яъни бухгалтерия китоблари, ҳисоботлари ва ҳужжатларини тафтиш қилиш деган маънони англатади. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш 2000 йил 26 майдаги «Аудиторлик фаолияти тўғриси-

да»ги қонун ва шу асосда қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Аудиторлик фаолияти аудитор (аудит фирма)лар томонидан тадбиркорлик фаолияти кўринишида амалга оширилади. Экологик аудит бир мунча ўзига хос кўринишга эга.

**Экологик аудит** — уч хил: 1) ишлаб чиқариш экологик экспертиза; 2) ҳудудий экологик экспертиза; 3) экологик консалтинг кўринишида олиб борилади.

*Ишлаб чиқариш объектларини экологик аудитлашнинг* мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир талаб ва йуриқномаларга корхоналарнинг молиявий-ҳужалик фаолияти тўғри келиши, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бўйича тавсияномаларни тайёрлаш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланишдаги сарф-харажатларни текширишдир. Бундай текширув Экологик экспертиза тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасида қайд қилинган ишларни молиялашдан аввал ва назоратловчи органлар билан бўладиган низоли ҳолатларда амалга оширилади.

*Ҳудудий экологик аудит* — аниқ бир ер участкалари ёки ҳудудларни табиий ресурс имкониятларини салбий табиий ҳодисалар ҳамда атроф табиий муҳитга техноген жараёнларнинг таъсирини ва уларнинг турларини аниқлашни баҳолашда қўлланилади. Ушбу экологик аудит тури кучмас мулк ва ер участкалари юзасидан бажариладиган операциялар билан қўшиб баҳоланади. Иш натижалари ушбу фаолиятни асослаш борасидаги эксперт хулосаси билан яқунланади.

*Экологик консалтинг* — шаҳар ва шаҳарлар агломерацияси (туғлами) ишлаб чиқариш технологиялари, шаҳарсозлик, уларда ердан фойдаланиш ҳуқуқлари ва бошқа ҳужалик фаолияти натижасида юзага келадиган атроф-муҳит муаммоларини молиялаш масалаларини текширишдан иборатдир. Консалтинг — ҳужалик юргизувчи субъектларга турли масалалар бўйича маслаҳат (консультация)лар беришдир. Экологик консалтинг, масалан, ер участкасидан фойдаланиш ёки уни эгаллашга бериш борасидаги лойиҳалардан олдин уларни экологик оқибат бўйича хулосалаш, мавжуд ёки лойиҳалаштирилган технологияларни экологик баҳолаш, табиат муҳофазасига доир тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш; экологик тадбирларни қўллаш бўйича баҳолаш; рухсат берувчи ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш ва ҳоказо.

Экологик аудитни олиб боришга рухсатномани Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тавсиясига кўра, Адлия вазирлиги томонидан берилади. Экологик аудит буюртмачиларнинг маблағига ва уларнинг қарорига биноан ўтказилади.

Экологик экспертизанинг ҳар қандай тури унинг объектларини қўллаш ва уларни амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги хулосани бериш билан яқунланади.

Умуман олганда, экологик экспертизалаш жараёни 5 та босқични ўзига қамраб олади:

- 1) экспертизани белгилаш;
- 2) ахборотларни тўплаш, умумлаштириш ва баҳолаш;
- 3) дастлабки хулосани шакллантириш ва у билан жамоатчилик-ни таништириш;
- 4) экспертиза хулосасини тақдим қилиш ва юқори ваколатли органлар томонидан тасдиқлаш;
- 5) низоларни ҳал қилиш.

Экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик қуйидаги ҳолатларда юзага келади:

— экспертлар ўз ишларига совуққонлик билан қарашлари ва нотўғри хулоса беришлари. Бундай ҳолатларда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-моддасига биноан мансабдор шахсларга маъмурий жавобгарлик санкциялари қўлланилиши мумкин. Агарда ушбу ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келса, у ҳолда Жиноят кодексининг V бўлимида келтирилган санкциялар асосида ҳуқуқбузарлар жавобгарликка тортилишлари мумкин;

— экологик экспертиза хулоса талабларига риоя этмаган қорхона раҳбарлари ва фуқаролар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг махсус 96-моддасига биноан жавобгарликка тортилади. Агарда бу хулосаларни инкор этиш ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар билан боғлиқ бўлса, Жиноят кодексининг IV бўлимига асосан жавобгарликка тортилишлари мумкин;

— экологик экспертиза хулосасини ўзгартиришга мажбур этиш ва (ёки) ўзгартирмоқчи бўлган ҳуқуқбузарликлар ҳолати бўйича жавобгар субъект бўлиб мансабдор шахслар чиқадилар.

Хулоса қилиб айтганда, экологик кадастр, назорат ва экспертиза экологик бошқарувнинг самарадорлигини оширувчи асосий чора-тадбирлардан ҳисобланади.

### Қайтариш учун савол ва топшириқлар



1. Экологик бошқарувда экологик кадастр, назорат ва мониторинг тизимининг аҳамияти нимада?
2. Экологик кадастр объектларини санаб утинг.
3. Нима учун республикамызда кадастрларга оид қонунларда «Давлат» сўзи қўшиб ишлатилади?
4. Экологик назорат тизимини таърифлаб беринг.
5. Экологик мониторингни қайси давлат органлари олиб боради?
6. Жамоатнинг экологик назорати нима учун керак?
7. Экологик экспертиза нима?
8. Қайси қонунда экологик экспертиза ва унинг турлари ажратилган?
9. Экологик аудитни тушунтириб беринг.
10. Экологик экспертизага оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қайси қонунларда берилган?

Кимнингдир саодати узанинг  
кулфатига айланмаслиги керак.

*Экологик манифест*

## VIII боб. ЭКОЛОГИК ЖАВОБГАРЛИК

### 1. ЭКОЛОГИК ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

Атроф табиий муҳитнинг бузилиши ва ифлосланиши натижасида нафақат тирик мавжудот, балки давлатлар ҳам катта зарар кўрмоқда. Чунки экологик инқирозли ҳолат гўёки инсон баданидаги «яра»га ўхшайди. «Яра»ни даволаш эса, албатта, давлатдан маълум миқдорда қўшимча моддий ва молиявий ресурсларни сарф қилишга мажбур этади. Оилада бўлгани каби, ҳар бир давлат ёки жамиятда «яра»ларнинг купайиши унинг салоҳияти ва қудратини бунёдкорликка ва ривожланишга эмас, балки касалликларни тузатишга сарфлайди.

Экологик жавобгарлик сўзининг маъносини ифодалашдан олдин «Жавобгарлик ўзи нима?» деган саволга жавоб беришни мақсадга мувофиқ деб билдик.

*Жавобгарлик* — муайян шахс, жамоа ёки давлатнинг ўзга шахслар, жамоатчилик, давлат, давлатлар ва халқаро ҳамжамият олдидagi бурчи, мажбуриятидир. Ушбу бурч ва мажбуриятлар уларнинг хатти-ҳаракатларини ёки ҳаракатсизликларини белгиловчи қоида ва меъёрлар асосида ўрнатилади. Ижтимоий муносабатларни белгиловчи қоида ва меъёрлар миллий ёки халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган, ё бўлмаса ҳар бир миллат, элат ёки халқларнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларидан келиб чиққан, лекин юридик тарзда ҳуқуқий нормада акс эттирилмаган ҳолда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда миллий қадриятларимизга, ўз-ўзини англашга ва ғуруримизга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Тарихимизга қайтадан, объектив равишда назар ташлашимизга тўғри келмоқда. Бунинг Экология фанига жуда катта таъсири бор, албатта. Масалан, Марказий Осиё халқларининг қадимги маданиятини ўзида мужассамлаштирган биринчи ёзма ёдгорлик манбаи бўлган зардуштийларнинг «Авесто» китобида атроф табиий муҳитнинг софлигига қараб, инсонларнинг 800 йилдан 1400 йилгача умр кўрганликлари баён этилади. «Авесто»нинг «Вандидот» қисмида сув ва ердан фойдаланиш, унда жиноят ва жазо, мол-мулк билан боғлиқ масалаларни тартибга солиб турувчи қоидалар битилган. «Вандидот»нинг 13—14-бобларида ҳар кун кишилар экинларни икки мартаба суғоришлари мумкинлиги, лекин суғориш сувининг миқдори бир

белкурак кенглигидаги ва чуқурлигидаги ариқ орқали амалга оширишга ҳақли эканликлари баён этилган.

«Наврӯз» байрамида эса Шарқ халқлари урф-одатларига кўра, ҳар бир инсон «янги йил» муносабати билан ерга кўчат қадаши ва уруғ сепиши орқали табиатни ободонлаштириши, ариқ, зовур, ўрмон ва далаларни тозалаш керак бўлган. Бундай ҳолат ҳар бир кишининг мажбуриятига айлантирилган ва жамоатчилик олдидаги жавобгарлиги ҳисобланган.

Жавобгарликнинг яна бир муҳим элементи — белгиланган қоида ва меъёрларга риоя этмаганларни, яъни ўз бурчлари ва мажбуриятларини бажармаганларга нисбатан жамоат, давлат ёки халқаро ташкилотлар томонидан жазоловчи чораларнинг (санкцияларнинг) қўлланишидир. *Бундай жавобгарликда 3 асосий элемент: 1) давлат, давлатлараро ташкилотлар ёки жамият томонидан ўрнатилган қоида ёки меъёрларнинг мавжудлиги; 2) қоида ёки қонунбузарликлар умуммажбурий ҳисобланиши; 3) жазо чораларининг мавжуд бўлиши талаб этилади.*

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, биз **экологик жавобгарликни** қуйидагича таърифласак бўлади — *ахлоқий қадриятлар, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари томонидан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида ўрнатилган қоида ва меъёрларнинг бирон-бир давлат, юридик ёки jisмоний шахслар томонидан бузилиши оқибатида уларга нисбатан қўлланиладиган ноқулай кечинмалар.*

Кўпгина муаллифлар (Б. Ф. Ерофеев, Ю. Г. Жариков, О. С. Колбасов, Г. С. Башмаков ва бошқалар) экологик-ҳуқуқий жавобгарликлар таркибидан махсус турдаги экологик-ҳуқуқий жавобгарликни ажратиб курсатдилар. Уларнинг таъкидлашларига кўра, ушбу юридик хусусиятга эга бўлган жавобгарлик интизомий, маъмурий, фуқаровий ва жиноий жавобгарликлардан фарқ қилиб, махсус норматив-ҳуқуқий актлар орқали амалга оширилади. Масалан, ўрмон қонунчилигига биноан, экологик нуқтани назардан, улардан фойдаланишни чеклаш, уни тўхтатиб қўйиш ёки тупроқ унумдорлигига етказилган зарарни қоплаш.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарликларнинг тўрт кўринишига кўра ажратилади. Назария эса «догма» эмас, у ҳам ривожлана ва такомиллаша боради. Лекин тупроқ унумдорлигини тиклаш фуқаровий, яъни давлат мулкига етказилган зарарни қоплаш, ўрмонлардан фойдаланишни чеклаш, бекор қилиш ва тўхтатиб қўйиш маъмурий-экологик бошқарув талабларини бузиш, десак бўлади. Айниқса, таълим соҳасида юқорида айтиб ўтилган масалаларни ёритишда жуда эҳтиёт бўлишимиз зарур, зеро фан ҳали ўқув предмети эмас.

Бизнингча, экологик жавобгарлик мазмун ва моҳиятига кўра, 3 кўринишда намоён бўлиши мумкин:

- 1) экологик-ижтимоий жавобгарлик;
- 2) экологик-иқтисодий жавобгарлик;
- 3) экологик-ҳуқуқий жавобгарлик.

*Экологик-ижтимоий жавобгарлик ижтимоий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, у ҳозирги замон миллий ёки халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланмаган, лекин миллат ёки халқларнинг азалий урф-одатлари, анъаналари орқали авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қоида ва меъёрлар.* Масалан, «Наврўз» айёмида теварак-атрофни тозалаш ва кўкаламзорлаштириш қоидасини инкор этган шахсларга нисбатан маънавий жазони қўллаш одати. Жазо чораси сифатида унда жамоатчилик томонидан шахсга нисбатан қўлланиладиган санкция — ахлоқбузарларни тўй ёки маъракаларга қўшмаслик, қизларини келинликка олмаслик, ўғилларига қизларини никоҳдамаслик, умуман олганда, уларни жамоатчилик назаридан қолдириш. Буюк В. Шекспир: «Мени кўпчилик назаридан қолдирганларидан кўра, қатл қилганлари маъқулдир», деган эди.

Шундай қилиб, *экологик-ижтимоий жавобгарлик кишиларнинг жамоатчилиги олдидаги жавобгарлигидир.*

*Экологик-иқтисодий жавобгарлик иқтисодий-ҳуқуқий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, у миллий ёки халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган, лекин уларга нисбатан фақатгина жавобгарлик санкциялари сифатида иқтисодий тўлов турини қўллаш борасидаги қоида ва меъёрлар.* Иқтисодий тўлов сифатида эса табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни ифлослантириш учун тўловлар қўлланилади. Бу аксиома, чунки ҳар бир инсон, жамоат ва давлатнинг гуманитар ҳуқуқи мавжуд бўлиб, у табиатдан фойдаланмасдан ва охир-оқибатда уни ифлослантирмасдан туриб яшай олмайди. Лекин ушбу ифлослантириш ёки истеъмол қилиш миқдори, албатта, табиат қонунларига бўйсунган тарзда меъёрланган бўлиши керак. Ушбу рухсат этилган меъёрлар — РЭМ (ПДК, ПДВХ, ПДУ) каби аббревиатуралар сифатида ишлатилиб, уларнинг юқори кўрсаткичи табиий тизимларнинг ҳолати ёки уларнинг қайта тикланиш хусусиятларига кўра турли давлатларда, ҳудудларда ёки минтақаларда табақалашган (дифференциал) тарзда ўрнатилади. Масалан, қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўйича Ўздавархитектурақурилиш давлат қўмитаси томонидан ҚМҚ 20401-98 рақамли «Бинолар ва ички водопровод ҳамда канализациялар» бўйича белгиланган миқдорга биноан жон бошига ўрнатилган сувдан фойдаланишлари мумкин бўлган меъёри 103 куб метрни, Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан белгиланган иссиқ сувдан фойдаланиш миқдори эса 55 куб метрга тенг. Ўрнатилган ушбу меъёрлар доирасида шахслар учун солиқ имтиёзлари қўлланилади ва белгиланган тарзда тўловлар ундирилади. Аксинча, сувдан рухсат этилган меъёрдан ортиқча фойдаланиш шахсларга ҳеч қандай имтиёзларни бермайди ва улар Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 50-моддасига асосан иқтисодий жавобгарликка тортиладилар. Иқтисодий жавобгарлик тариқасида улардан қўшимча тўловлар ундирилади.

2000 йил 26 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва ҳар йили унга ўзгартиришлар (индексация) киритиб туриладиган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитга чиқариладиган (ташланадиган) ифлослангич моддалар чиқариш ва чиқиндиларни жойлаштириш тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби»га биноан атмосфера ҳавосига, сув ва маҳаллий рельефга чиқариладиган чиқитлар миқдори ва уларга нисбатан қўлланиладиган молиявий тўловлар белгилангандир.

Бундай иқтисодий жавобгарлик фақатгина иқтисодий тўловни, яъни табиатга келтирилган зиённи молиявий қоплашни инobatга олади.

*Мазкур жавобгарлик кишиларнинг табиат олдидagi жавобгарлигидир.*

## 2. ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК

*Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик ижтимоий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, у миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган экологик талабларни бузганлар учун юридик тусдаги жазо санкциялари ўрнатилган ҳамда экологик муносабат қатнашчилари учун мажбурий кучга эга бўлган қоида ва меъёрлардир.*

*Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик миллий ҳуқуқда шахсларнинг давлат олдидagi бурчи ва мажбуриятидир.* У давлат томонидан ўрнатилган экологик-ҳуқуқий меъёр ва қоидаларни бузганлиги натижасида экологик зарар етказилгандан сўнг вужудга келади. Аниқроғи, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир қонун ҳужжатларида ўрнатилган нормаларни бузувчи айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар учун қўлланилади.

Экологик зарар икки кўринишда намоён бўлади:

*Юзага келган оқибатлар характерида кўра — атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва булғаниши; табиий ресурсларнинг камайиши; табиий объектларнинг йўқ қилиниши, бузилиши ва шикастланиши; экологик мувозанатнинг йўқотилиши ва экологик тизимдаги табиий объектларнинг боғланиш алоқаларининг бузилиши.*

*Объектларга етказилган зарари — атроф табиий муҳит ва алоҳида табиий унсурларга; инсон саломатлигига; юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлатга.*

Экологик ҳуқуқбузарлик айбли экологик қилмиш (маъмурий, фуқаровий, интизомий) ва экологик жиноят тариқасида таснифланади. Шундай қилиб, экологик-ҳуқуқий жавобгарлик, бошқа барча ижтимоий муносабатларда бўлгани каби, туртта юридик жавобгарлик турини инobatга олади: интизомий, маъмурий, фуқаровий, жиноий.

*Экологик ҳуқуқбузарликлар объекти бўлиб табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик тартибот ва аҳолининг экологик хавфсизлигига доир экологик муносабатлар киради.*



*Экологик ҳуқуқбузарлик предмети* эса табиий муҳит ёки унинг алоҳида бир объекти ҳамда инсон саломатлиги бўлиши мумкин. Бунда инсон саломатлигига етказилган зарар атроф-муҳитнинг ёмонлашуви орқали юзага келади, яъни билвосита таъсир қилиши инobatга олинади.

Экологик ҳуқуқбузарларга юридик жавобгарликни қўллаш учун турт *жавобгарлик элементи* бўлиши керак, яъни:

1. *Экологик ҳуқуқбузарлик объекти* — кишиларнинг айбли ноқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги табиий объект, табиий ресурс, табиий комплекс ёки табиий-антропоген ҳудудларнинг экологик талабларига қаратилганлиги.

2. *Экологик ҳуқуқбузарликнинг объектив томони* — кишилар хатти-ҳаракатларининг ноқонунийлиги, экологик зарар етказилганлиги ёки етказиш хавфининг борлиги.

3. *Экологик ҳуқуқбузарлик субъекти* — ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг ким томонидан содир этилганлиги. Улар юридик шахс (корхона, ташкилот, муассаса, фирма, жамият...) ёки жисмоний шахс (фуқаро, фуқаролиги бўлмаган шахс, чет эл фуқароси, раҳбар) лар бўлиши мумкин.

4. *Экологик ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони* — ноқонуний хатти-ҳаракат қилган шахснинг айби. Ушбу айбнинг қасддан ёки эҳтиётсизликлар орқали содир этилиши.

Экологик жавобгарликда ҳуқуқбузарларга нисбатан, одатда, юридик жазолар қўлланилади. Жазо турлари ҳам, албатта, қонунларда акс эттирилган бўлиши шарт. Акс ҳолда у юридик тус олмайди. Хоҳлаган шахс ёки давлат органи қонунда белгиланган хоҳлаган жазо турини қўллашга ҳам ҳақли эмас. Уларнинг ваколат доираси (чегараси) белгиланиб қўйилгандир.

Экологик қонунчиликда, хусусан, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 47-моддасига кўра қуйидаги ҳуқуқбузарликлар экологик тусдаги ҳуқуқбузарликлар тоифасига киради:

- табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузиш, шу жумладан, корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назаридан хавfli маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сизимини, экология нормалари, қоидаларини бузиш;
- табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаслик;
- табиий ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитга зарарли моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, қаттиқ чиқиндилар жойлаштирганлик, бу муҳитни ифлослантирган-

- лик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортиш;
- табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармаслик;
  - атроф табиий муҳитни тиклаш, унга буладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаслик;
  - табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаслик;
  - алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий тартиботини бузиш;
  - атроф табиий муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузиш;
  - ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек, радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш;
  - атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўйбга чиқаришларига тўсқинлик қилиш;
  - атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортишда айбдор бўлган шахслар.

### 3. ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИКЛАРНИ ҚўЛЛАШ АСОСЛАРИ

Шундай қилиб, юқорида санаб ўтилган экологик ҳуқуқбузарликлар учун тўртта юридик жавобгарлик тури қўлланилади:

**Интизомий жавобгарлик** — *меҳнат муносабатлари юзага келган корхона, ташкилот ва муассасаларда шахснинг ўз хизмат доирасида ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли атроф табиий муҳитга зарар етказиш ёки унга хавф туғдириш*. Ушбу жазо тури иш берувчи томонидан ходимга нисбатан қўлланилади, қачонки ходимнинг вазифасига табиий ресурслардан фойдаланиш ёки уни муҳофаза қилиш мажбурияти юклатилган бўлсагина. Акс ҳолда у бошқа турдаги, яъни маъмурий, фуқаровий, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Интизомий жазони Меҳнат қонунчилиги (Меҳнат кодексининг 181-моддасида кўзда тутилган жазо турлари) бўйича амалга оши-

рилади. Экологик ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қуйидаги интизомий жазо қўлланилади:

- ёзма равишда ҳайфсан бериш;
- ўртача ойлик иш ҳақининг 30%, айрим ҳолларда 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима солиш;
- меҳнат шартномасини бекор қилиш, яъни ишдан бўшатиш.

Интизомий жазо бир йилгача бўлган муддатда амал қилади ва шу даврда ходимга рағбатлантириш усуллари қўлланилмайди.

Меҳнат қонунчилигини бузган шахс атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаши керак бўлади. Агарда зарар юридик шахс томонидан етказилган бўлса, зарарни юридик шахс қоплайди ва у ўз ходимини моддий жавобгарликка тортиши мумкин. Моддий жавобгарлик мулкӣ жавобгарлик эмас, чунки унда ундирилдиган зарарнинг миқдори белгиланиши ва зарарнинг фақат ходимнинг меҳнат муносабатлари натижасида вужудга келиши билан фарқ қилади. Ходимларнинг иш берувчи томонидан атроф-муҳитга етказилган моддий зарарни қоплаш масаласи махсус комиссиялар томонидан кўриб чиқилади ва унинг миқдори аниқланади. Ушбу миқдорга қараб моддий жавобгарлик ё иш берувчи, ёки суд қарори асосида ундириб олинади.

**Маъмурий жавобгарлик** экологик жавобгарликда энг кўп қўлланиладиган юридик жавобгарлик тури ҳисобланади. У давлат (маъмурий бошқарув органлари) томонидан ўрнатилган экологик тартиб-қоидаларни бузганлик учун қўлланилади. *Экология соҳасида маъмурий жавобгарлик деб атроф табиий муҳит ҳолатига тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий (ҳуқуққа қарши), айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик оқиба-тида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликларга айтилади.*

Маъмурий жавобгарлик 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган ва кейинчалик унга баъзи ўзгартиришлар киритилган «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади. Маъмурий жазо маъмурият томонидан мансабдор шахсга алоҳида ва фуқароларга алоҳида жазо санкцияларини белгилайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг махсус VIII бобида 32 хил турдаги табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга доир ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо белгиланган. Экологик-ҳуқуқий муносабат объектларига қараб, ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- *ерга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик* (65—69-моддалар);
- *ер ости бойликларига оид* (71—72-моддалар);
- *сувга оид* (73—76-моддалар);
- *ўрмонга оид* (77—80, 83—84-моддалар);
- *Қизил китобга киритилган ноёб ва камёб ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсига оид* (81, 93, 94-моддалар);

- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга оид (82-модда);
- ҳайвонот дунёсига оид (83, 90, 92-моддалар);
- атмосфера ҳавосига оид (85—88-моддалар);
- атроф-муҳитга зарар етказишга оид (89, 95-моддалар);
- экологик экспертизага оид (96-модда).

Афсуски, ўсимлик дунёсига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун алоҳида бир маъмурий жазо санкцияси урнатилмаган. Гарчанд, 1997 йилда қабул қилинган Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунда ўсимлик дунёси алоҳида бир Экология ҳуқуқининг объекти қилиб олинган ва у ҳам давлатнинг экологик хавфсизлик тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Чотқол тоғ тизмасидаги яйловларда 1989 йил ўсимлик дунёсининг йуқ қилиниши кучли сел кетишига сабаб бўлган. Натижада, Суқоқсой ва Бошқизилсой каби дарёларнинг суви лойқаланиб, дамбаларни тўлдириб юборган. Халқ ҳўжалигига катта моддий зарар етказилган ва атроф табиий муҳит ҳолатига путур етган. Бу эса ушбу ҳудудларда маъмурий бошқарувнинг нотўғри ташкил этилганлиги натижасида юзага келган, дея эътироф этилган.

Экологик ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жазо санкциясининг асосан жарима тури (энг кам ойлик иш ҳақининг 1/3 қисмидан беш баробаригача — мансабдор шахсларга, бир баробаридан етти баробаригача — фуқароларга) қўлланилади. Фақатгина Кодекснинг 90, 94-моддаларидагина махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш ва ов қуроллини олиб қўйиш жазосини қўллаш назарда тутилган.

**Фуқаровий жавобгарлик.** Бозор иқтисодиёти ва демократик давлат қурилиши Ўзбекистонда фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг ролини аста-секин ошириб бормоқда. Фуқаровий ёки мулкий ва шахсий номулкий характерга эга бўлган жавобгарлик Фуқаролик кодексига (ФК) қўйидаги экологик ҳуқуқбузарликка оид ҳолатларни инобатга олади. Авваламбор, ФКнинг 116-моддасига мувофиқ, агарда битимлар экологик қонун талабларига жавоб бермаса, улар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб топилди. Масалан, мулкдор ёки ердан фойдаланувчи ўз ер участкасини нозекологик мақсадларда ижарага бериши, ижара шартномасини бекор қилишга ва ерга етказилган зарарни «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 51-моддасига кўра қоплашга мажбурдир.

Мулкий жавобгарликда асосий ўринни шартномаларда кўрсатилмаган фаолиятни олиб бориш натижасида табиатга зарар етказиш эгаллайди. Ушбу зарар натура ёки пул билан тўлиқ ҳажмда ФК 985-моддасига мувофиқ қопланиши лозим. Лекин табиатга, яъни давлат ва шахсларнинг мулкига етказилган зарарни аниқ ҳисоблаш қийин. Бундай ҳолатда таксалар бўйича жавобгарлик юзага келади. *Такса* — мол-мулкка белгиланган аниқ нарх, яъни зарарни қоплаш бўйича ўрнатилган

Экологик-иқтисодий-ижтимоий муаммолар ягона бир занжирда туради, уларни алоҳида-алоҳида ҳал этиб бўлмайди.  
*Гро Харлем Брундтленд комиссияси ҳисоботидан*

## АЛОҲИДА ҚИСМ

### IX боб. ЕРЛАРНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

#### 1. ЕР МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2002 йил 14 февраль Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида» қилган маърузасида шундай дейилади: *«Шу нарса барчамизга маълум бўлиши керакки, мамлакатимиз аҳолиси асосий қисмининг даромади ва фаровонлиги мана шу ердан самарали фойдалана олишимизга, унинг ҳосилдорлигини қай даражада сақлаб туришимизга боғлиқ эканини англаган ҳолда, бу муаммо нақадар муҳим эканини тушунишимиз қийин эмас, деб уйлайман. Сунги пайтларда ўтказилган текширувлар натижасида ердан фойдаланиш масаласида тоқат қилиб бўлмайдиган ҳужасизлик фактлари, ер ҳақидаги қонунчиликни қўпол равишда бузиш ҳолатлари аниқланди»*.<sup>1</sup>

Бошқа табиий бойликлар сингари ер ҳам Аллоҳнинг бизларга тортиқ қилган буюк неъматидир. Ер инсонларнинг нафақат яшаш макони ва ишлаб чиқариш воситаси, у миллий хавфсизликни ва инсон ҳаётини белгилаб берувчи омил ҳамдир. У бизни тўйдиради, боқади ва ҳужалик фаолиятимиз учун зарур бўлган табиий хом ашёни беради. Ер экологик тизимдаги табиий унсурларнинг ажралмас бўлагидир. Усиз табиатда на модда ва на энергия алмашувининг занжирсимон, айланма ҳаракати амалга ошади.

Ер муаммолари (назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилинмаган ер масалалари) жуда хилма-хил ва кўлами ҳам кенгдир (14-расм). Ушбу масалаларни ечишнинг турли хил усуллари ва йўллари мавжуд. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ўрнатаётган Ўзбекистонда ерга оид муносабатларни ҳуқуқий ва айниқса, экологик-ҳуқуқий тартибга солиш айни муддаодир (15-расм).

*Ер тупроқ тушунчасининг синоними, лекин айнан ўзи эмас.* Чунки ер юзаси нафақат тупроқлардан, балки ўсимлик билан қопланмаган қумли, тошли, шўрхок, тошлоқ каби соф минерал жинслардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Унинг инсон фаолиятида турли хил мақсадларда

<sup>1</sup> И. Каримов. «Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш — бош йўлимиз». — «Халқ сўзи». 2002 йил 15 февраль.



14-расм. Ер муаммолари ва уларни ечиш йўллари.

### ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИ

Ерлардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш, тупроқ унумдорлиги, ўрмон ва яйлов ерларининг ишлаб чиқариш хусусиятини ошириш ва қайта тиклаш, сугориладиган, алоҳида қийматли ва муҳофазаланадиган ерларни асоссиз обротдан чиқариш, ерларни табиий ва антропоген салбий жараёнлардан ҳимоялаш йўллари:



15-расм. Ерларни муҳофаза қилиш.

ишлатилиши турлича маъно касб этишга олиб келган. Масалан, астраномияда ер — планета, географияда — қуруқлик юзаси, қишлоқ хўжалигида — тупроқ қатлами; экологияда — экологик тизимдаги табиий объект, иқтисодда — хўжалик юритиш объекти, ҳуқуқда — мулк объекти. Экология ҳуқуқида ер — инсон яшаши учун зарур бўлган экологик-ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил объектидир.

*Экологик-ҳуқуқий муносабат нуқтаи назаридан ер — муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, қайта тиклаш, қайта ишлаб чиқариш ва оқилона фойдаланиш объектидир.*

*Ер ҳуқуқидан фарқли, Экология ҳуқуқида ерларни ер фонди ёки ер участкаларига ажратган тарзда иқтисодий характердаги муносабатлардан, Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқидаги — фақатгина қишлоқ хўжалик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш муносабатларидан, Фуқаролик ҳуқуқидаги — мулкӣ ва шахсий номулкий муносабатлардан фарқли айнан экологик нуқтаи назардан, яъни экотизмнинг ажралмас булагӣ сифатида ҳуқуқий жиҳатдан ижтимоий муносабатларни тартибга солишни мақсад қилиб қўяди. Лекин бу мақсадга ер — ер, аграр, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари билан боғлиқ равишда экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни амалга оширади. Шунинг учун ҳам Ер кодекси, Фуқаролик кодекси, Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунлар каби ҳуқуқ манбалари унинг ҳам манбалари туркумига киради.*

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мақсади ерни умуммиллий бойлик сифатида Ўзбекистон халқи ҳаёти, фаровонлиги ва фаолиятининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда муҳофаза қилишни таъминлашдир.

1998 йил 30 апрелдаги Ер кодексининг 1-моддасидан келиб чиққан ҳолда, давлат — жамоат — шахс ерга оид қонун ҳужжатларда қўйилган талабларга эришиш мақсадида, қуйидаги экологик-ҳуқуқий вазифаларни бажаришлари керак бўлади:

- ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш;
- тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш;
- ерни табиий муҳит элементи сифатида асраш ва яхшилаш.

Ер ҳуқуқидан фарқли Экология ҳуқуқи принциплари мазкур дарсликнинг умумий қисмида берилган бўлиб, улар ерга ҳам тегишлидир. Ер кодексининг 2-моддасида ифода этилган ер — ҳуқуқий принциплар асосий қоида эмас, балки вазифа сифатида акс эттирилган ва у таҳрирга муҳтождир.

Ерга оид қандай экологик муаммолар бор ва улар ҳуқуқий жиҳатдан қандай қилиб ҳал қилинмоқда, деган ўринли савол туғилади. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси (АММҚМХР) 1998 йилда Жаҳон ривожлантириш банкига молиявий қўмак сўраб ишлаб чиқилган ва унда асосий экологик



муаммолар ҳамда уларнинг қўлами кўрсатилган. АММҚМХРда ер билан боғлиқ бўлган экологик муаммолар фақатгина тупроқ шўрланиши ва деградацияси билан чекланган. Бизнинг фикримизча, ерларни экологик-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишда асосий эътиборни қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга қаратмоқ лозим:

1) унумдорлик хусусиятига эга бўлган тупроқ қатламини сақлаб қолиш ва уни қайта ишлаб чиқаришга жалб этиш;

2) ер тоифаларини ажратиш ва уларнинг бирини иккинчисига ўтказишда ер кадастри маълумотларига таянган ҳолда амалга ошириш;

3) тупроқ деградацияси (унумдорлигининг пасайиши)га олиб келувчи табиий-атропоген жараёнлар (шўрланиш, эрозияга учраш, ботқоқланиш, ифлосланиш, қаттиқлашиш) ва ҳодисалар (сел кетиш, ўпқонлашиш, сурилиш, сув тошиш, ёнғин кетиш...)нинг олдини олиш чораларини кўриш;

4) ерларнинг асосиз равишда техноген бузилиши (йўл қуриш, тоғ-кон саноатини экстенсив ҳолда олиб бориш, қурилиш каби хўжалик фаолиятида)га йўл қўймаслик;

5) ерларни мелиорация ва рекультивация қилишни кенг қўламда йўлга қўйиш;

6) ер қонунчилигини экологиялаштириш;

7) ерга оид экологик муносабатларнинг приоритет (бирламчи) меъёрларини ҳамма қонунчилик тизимида белгилаб олиш;

8) давлат бошқаруви билан бир қаторда жамоат, нодавлат ва халқаро бошқарув тизимини яратиш;

9) ер қонунчилиги нормаларини бузувчиларга нисбатан юридик, иқтисодий ва маънавий тусдаги жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

10) бозор инфраструктураси ва мулкчиликнинг турли кўринишларини ерга оид экологик муносабатларда ҳам кенг жорий қилиш.

Албатта, мустақиллик даврида қабул қилинган қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларда бу муаммоларни ҳал қилишнинг юридик асоси яратилган. Лекин у тулиғича таъминлаб бераёпти, деб айтолмаймиз. Чунки Ўзбекистонда шўрланиш, эрозияга учраш, тупроқ зичланиши ва ифлосланиши каби жараёнлар ҳанузгача давом этмоқда.

## 2. ЕРЛАРНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

Ерга оид муносабатлар нафақат ер қонунчилиги (Ер кодекси, 3-модда), балки экологик қонунчилик («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», 17-модда) асосида ҳам тартибга солинади. Модда ва энергия алмашинуви ҳамда организмларнинг озуқа занжирида тупроқнинг ўрни беқийёслигини инобатга олган ҳолда, «*тупроқ тўғрисида*»


*алоҳида қонун қабул қилиш ва уни Конституциямизнинг 55-моддасига асосан алоҳида бир табиий объект сифатида эътироф этиш лозим.*

Ер муносабатларини тартибга солишда Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари Ер кодексининг 4—7-моддаларида акс эттирилган. Аммо қолган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ерга оид ваколатлари ер қонунчилигида тўлиқ берилмаган.

Ер қонунчилигида ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий таъминлаш йўллари 16-расмда кўрсатилган. Ерларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, авваламбор, уларнинг сон, сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳамда аҳолининг ерга бўлган талабини қондириш нуқтаи назаридан тоифаларга ажратилади. Ер кодексининг 2-боби ер фонди тоифаларини ушбу кўрсаткичларга кўра 8 қисмга ажратиб беради. Унда тўртинчи тоифа — табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар алоҳида ажратиб олинган. Ер тоифаларининг бирини иккинчисига ўтказиш, унинг қимматига ҳамда давлат-жамоат аҳамиятига қараб бошқариш марказий ва маҳаллий давлат органлари томонидан амалга оширилади. Ҳар бир тоифа унинг кадастр кўрсаткичларига қараб, ер участкаларини эгаллаш, фойдаланиш ва мулкчилик қилиш мақсадида бўлиб берилади.

Ер фонди ва ер участкалари ажратилгандан сўнг, уларда ер тузиш ишлари олиб борилади. *Ер тузиш* (Ер кодексининг 12-моддасига кўра) — *ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни таъминлашга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички ҳужалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимидир.* Ер тузиш ишлари 1999 йил 11 ноябрда тасдиқланган «Асосий Низом»га мувофиқ олиб борилади. Ер тузиш ишлари давлат ер кадастри (Давлат кадастрлари тўғрисидаги қонун) ва ер мониторингини (Ер кодекси, 14-модда) олиб боришга асос бўла олади.

Ер тузиш, кадастрини юритиш ва мониторингини олиб бориш жисмоний ва юридик шахсларнинг Ер кодексининг 16-моддасида акс эттирилган ерга нисбатан бўлган ҳуқуқларини асло инкор этмайди. Фақатгина эгалловчи ёки фойдаланувчиларнинг мажбуриятларини ҳам аниқлаштиради. Унга биноан ҳар бир шахс ер участкасидан мулк ҳуқуқи, умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш, доимий, муддатли ёки биргаликда фойдаланар экан экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан ерга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдир. Бундай экологик талаб ер участкасини реализация қилиш (эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш), ижара (шартнома асосида ҳақ эвазига муддатли эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш), қидирув ишлари (геологик суратга олиш ва қидириш, геодезия ва шу кабилар), имо-



16-расм. Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш йўллари.

рат қуриш, якка тартибда уй-жой қуриш ҳамда уни ободонлаштиришда юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт.

Ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, унга етказилган антропоген зарарни қоплаш, тупроқ унумдорлигини кўтариш каби чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ердан махсус фойдаланганлик учун *тўловлар* ундириб олинади. **Ер тўлови** юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида ер солиғи ёки ижара ҳақи сифатида ундириб олинади. **Ер солиғи ставкалари** (Солиқ кодексининг 96—98-моддаларига биноан) ер участкасининг сифати, жойлашган манзили ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб белгиланади.

Ер участкасини сақлашда экологик талаблар Ер кодексининг 29-моддасида баён этилган. Уларга: ер участкасидан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаслик, ер унумдорлигини сақлаш ва ошириш; ирригация ва мелиорация тизимларини соз ҳолатда сақлаш чора-тадбирларини амалга ошириш; табиатни муҳофаза қилиш талабларига

риоя қилиш ёки муайян ишларни бажариш, шу жумладан, тупроқ қатлами, ноёб ўсимликларни, табиат ёдгорликларини асраш. Ушбу экологик талаблар ер участкасининг ҳуқуқий мақомига киритилади ва тегишли қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

*Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) ва ҳам фойдаланувчилар ихота дарахтларини экиш ва табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли бошқа объектларни барпо этишга рухсат берилади.*

Ер кодексининг 36-моддасига биноан жисмоний ва юридик шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқлари ушбу модданинг 7-банди — ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда (уч йил давомида кадастр баҳосидан кам ҳосилдорликка эришилганда), 8-банди — тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда бекор қилинади ёки тегишли давлат органининг тақдимномасига биноан олиб қўйилади.

Давлат ва жамоатнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш учун ер участкаси ёки унинг бир қисми ер эгасининг розилиги ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишли туман, шаҳар, вилоят ёхуд Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан олиб қўйилиши мумкин. Агарда ер участкаси Ер кодексининг 37, 41-моддаларида кўрсатилган шартлар асосида мулк қилиб сотиб олинган бўлса, экологик нуқтани назардан ҳам давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олинади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва мулкдорларнинг экологик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ер кодексининг 5-боб, 39—42-моддаларида акс эттирилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

#### **Ҳуқуқлари:**

- табиий захиралардан қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда фойдаланиш ва фойдали хусусиятларини ишга солиш;
- ерларни суғориш, захини қочириш, агротехника ва мелиорация ишларини ўтказиш;
- қишлоқ хўжалик экинларини, дов-дарахтларни суғориш (лимитларга мувофиқ равишда).

#### **Мажбуриятлари:**

- ◆ белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш;
- ◆ тупроқ унумдорлигини ошириш;
- ◆ ишлаб чиқаришда табиатни муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш;
- ◆ ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;
- ◆ ерларни муҳофаза қилишга оид Ер кодексининг 79-моддасида кўрсатилган ва қуйида ёритиб ўтиладиган тадбирларни амалга ошириш;

- ◆ фойдали қазилма конларини ишлатиш, қурилиш, халқ ҳўжалиги коммуникацияларини ўтказиш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун берилган қишлоқ ҳамда ўрмон ҳўжалиги ерларини, уларга эҳтиёж қолмагандан кейин, ўз ҳисобидан қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги ёки балиқ ҳўжалигида фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш ҳамда атрофидаги ер участкаларининг табиий ҳолатига зарар етказмаслик ва ҳ.к.

Юқорида санаб ўтилган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши учун давлат кафолат сифатида хизмат қилади. Ушбу кафолат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқларини тиклаш, етказилган зарар (жумладан, бой берилган фойда)ни қоплаш, кадастр баҳоси тенг бўлган ер участкасини бошқа жойдан ажратиб бериш ва иншоот ҳамда биноларни қуриб бериш, қайта сотиб олиш кабилардан иборатдир.

### 3. ЕР ФОНДИ ТОИФАЛАРИ БЎЙИЧА ЕРЛАРНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Ўзбекистонда ерларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш талаблари саккиз тоифадаги ер фонди учун ҳам алоҳида ўрнатилган. Буларнинг ичида энг кўп тарқалгани (25,8 млн. га ёки умумий ер фондининг 58%) қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади.

Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларнинг экологик-ҳуқуқий ҳолати нафақат Ер кодекси (6-боб, 43—58-моддалар), Табиатни муҳофаза қилиш, Қишлоқ ҳўжалик кооперативи (Ширкат ҳўжалиги), Фермер ҳўжалиги, Деҳқон ҳўжалиги, Корхоналар, Мулкчилик, Қишлоқ ҳўжалик корхоналарини санация қилиш каби ўнлаб қонунлар ҳамда «Ерлардан самарали фойдаланишни ошириш тўғрисида»ги Президентнинг 1994 йил 24 ноябрдаги Фармони, «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни сифат ва пуллик баҳосини белгилашнинг вақтинчалик методикаси» (1998 йил 6 август), «Ўзбекистон Республикасида тупроқ бонитировкаси ишларини олиб бориш ва маълумотларини тасдиқлаш» (1998 йил 18 май. 732-сонли ВМК) каби ўнлаб меъёрий ҳужжатлар асосида ҳам ўрнатилган.

*Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларга* унинг эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ва ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар кирди. Мазкур ер фондига нафақат ҳайдалган ерлар, балки пичанзорлар, яйловлар, ташландиқ ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар) билан қопланган ерлар, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги учун зарур бўлган ички ҳўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерлар ҳам кирди.

Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларнинг энг қимматлиси сугориладиган ерлар ҳисобланади. *Сугориладиган ерлар* — қишлоқ ҳўжали-

гида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришини таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ва муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлардир. Уларнинг умумий майдони 4,3 млн. га бўлиб, бутун товар қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 95% дан ортисини беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг алоҳида экологик-ҳуқуқий мақоми белгилангандир.

Ер кодексининг 44-моддасига кура, суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш, алоҳида зарурат туғилганда Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда, вилоят ҳокимининг қарорига биноан амалга оширилади. Кадастр баҳоси ўртача туман бонитет балидан (сифат кўрсаткичидан) 20 фоиз кўп бўлса, «алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар» жумласига киради ва уларни суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказишга йўл қўйилмайди ёки Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори керак бўлади.

Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланилаётган ширкат хўжаликлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, фуқаролар, жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилигини юритаётган шахслар ўз ер участкаларидан белгиланган мақсадларда қишлоқ хўжалик товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳуқуқига эгадирлар. Лекин улар бизнес режаларда тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва ерлардан оқилона фойдаланиш юзасидан аниқ тадбирларни назарда тутишлари шарт. Мулкчиликнинг қайси шаклида бўлишидан қатъи назар, жисмоний ва юридик шахсларга (Ер кодексининг 49—58-моддаларида курсатилганидек) ер бериш тартиби тупроқларнинг табиий иқлим шароити, экологик ҳолати ва келажак истиқболлари ҳамда маҳаллий ижтимоий иқтисодий шароитларига қараб ўрнатилди.

**Аҳоли пунктлари (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари)** ерларининг сифат ва сон кўрсаткичларига кура, унинг ичида дарахтзор ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар учун аҳолини тоза атроф-муҳитга бўлган талабини қондириш мақсадида ерлар ажратилади. 2002 йил 4 апрелдаги Шаҳарсозлик кодексининг 36, 47, 51-моддаларида аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш тарҳларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, рекреацион зоналарни яратиш, шаҳар атрофи яшил теграларини барпо қилиш мажбурий ҳолат қилиб киритилган. Шаҳар ва аҳоли пунктларини куриш ва ривожлантириш лойиҳалари (Экологик экспертиза тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасига кура) мутахассис экологларнинг ҳулосалаш объекти ҳисобланади.

**Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларда** уларнинг атроф табиий муҳитга етказадиган зарарини камайтириш, табиий-техноген ҳодисалар ва жараёнлардан бузилишининг олдини олиш учун яшил муҳофаза полосалари ва зоналарини барпо этиш талаб қилинади.

*Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибидан* табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар ажратирилиб олинади. Ер кодексининг 72-моддасида ушбу ерларни ажратиш, бериш ва уларни муҳофазалашнинг умумий талаблари берилган. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунда эса ушбу талаблар кенгайтирилган ва аниқлаштирилган тарзда ифода этилган. Мазкур дарсликнинг XVI бобида биз алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг экологик-хуқуқий тартиботи ҳақида атрофлича тўхталиб ўтамиз.

*Соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда* ҳам атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш аҳолининг саломатлигини тиклаш, дам олишини юқори даражада уюштириш ва тарихий ёдгорликларнинг сақлаб қолинишини таъминлаш учун ҳам керакдир. Акс ҳолда, ушбу мақсадларни амалга оширишнинг иложи ҳам бўлмайди.

Ўрмон, Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар Ер кодексининг 10-боб 76—78-моддаларига мувофиқ *ўрмон фонди, сув фонди ва захира ерлардан* фойдаланишнинг экологик-хуқуқий нормалари ўрнатилган. Ўрмон ва сувнинг ўзи экологик тизимда турувчи табиий объект ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларни бус-бутун сақлаш экологик-хуқуқий талабнинг бир қисмидир.

#### 4. ЕРЛАРНИ ЭКОЛОГИК-ХУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

*Ерларни муҳофаза қилиш деб улардан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини, ўрмон фонди ерларининг самардорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибидан ерларнинг асоссиз равишда олиб қўйилишининг олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган хуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизимига айтилади.*

Ерларни муҳофаза қилиш ерларга мураккаб табиий ҳосилалар (экотизимлар) тариқасида, уларнинг табиий ҳудуд ва минтақага хос хусусиятларини эътиборга олган тарзда атрофлича ёндашиш асосида амалга оширилади.

Ер кодексининг 79-модда 4-қисмига биноан ер муносабати қатнашчилари, яъни ер эгалари, фойдаланувчилар ва ижарачилар:

- \* ҳудудни оқилона ташкил этадилар, яъни ерларни ер фонди тоифалари ва ер участкаларига ажратишда, авваламбор, уларни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан қарайдилар;
- \* тупроқ унумдорлиги, тупроқ ости «она жинслар»ни хосса ва хусусиятлари каби зарурий табиий жараёнларнинг кечувини таъминлайдилар;

- \* ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишдан, захланишдан, қайта шўр босишдан, қақраб қолишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан, хароб қиладиган бошқа жараёнлардан ҳимоя қиладилар;
- \* ҳосилдан қолган қишлоқ хужалик ерларидаги тупроқ унумдорлигини бошқа усуллар билан қайта тиклашнинг иложи бўлмаса, бу ерларни консервация (сақлаб қолиш) қиладилар;
- \* бузилган (жарланган, ўпирилган, емирилган, техноген бузилган) ерларни қайтадан экинзорларга айлантирадилар, уларнинг унумдорлиги ва бошқа фойдали хусусиятларини (хоссаларини) оширадилар;
- \* ерларни бузиш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга ошириш чоғида тупроқнинг юқори унумдор (чириндига бой қатлами 20—30 см) қатламини сидириб оладилар (трансплантациялайдилар), ундан фойдаланадилар ва уни сақлаб қоладилар.

Давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотлари эса, ушбу экологик-ҳуқуқий талабларнинг бажарилиши юзасидан дастур, режа, лойиҳалар ишлаб чиқадиладар, чет эл сармоясини киритадиладар ва уни амалга ошириш учун бутун куч ва идрокларини сарфлашлари ҳам қонунчиликда акс эттирилган.

Масалан, 1999—2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастурини амалга ошириш тадбирларида<sup>1</sup> ўпирилишлар, кўчки ва сел келиш хавфини баҳолаш учун давлатнинг тегишли органларига Республика бюджетидан 26 млн. сўм ажратилган. Атроф-муҳит мониторингига эса идоралар ва корхоналар маблағларидан 1,3 млрд сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

2003 йилга келиб Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпи шурланган, тупроқда чиринди миқдори (гумус) 30—50% камайган, 30 млн. гектар ерда сув ва шамол эрозияси ўз салбий оқибатларини кўрсатмоқда, чўл ва чала чўл минтақаларида ер деградацияси, тоғ олди ҳудудларда эса чўлланиш жараёни кетмоқда. Республикамизда жон бошига туғри келадиган экин майдони 0,22 гектардан 0,17 гектарга тушиб қолди. Аҳолиси жадал суръатларда (12 йил ичида 5 млн. кишига кўпайган, бу деган сўз Туркменистондан ёки Қирғизистондан кўп аҳолига шу даврда ўсган) ўсиб келаётган Ўзбекистонда ер ва сув муаммоси ўта муҳим ва долзарбдир. Шунинг учун ҳам бизда ерларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишда юқорида қайд қилинган ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини назарда тутиш, уларни экологик экспертизалаш, ер тузиш ва уларни илмий асосда жойлаштириш Ер кодексининг 80-моддасига мувофиқ талаб этилади.

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрдаги 469-сонли қарорига 2-илова.



Кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлослантириш ҳамда ифлосланган ерлардан 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига биноан олдини олиш ва Ер кодексининг 81-моддасига асосан фойдаланиш тартиби ўрнатилган.

Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш учун, албатта, моддий ва молиявий база бўлиши керак. Ер кодексининг 82-моддасида курсатилган талаблар буйича Давлат бюджетидан, маҳаллий ҳокимият бюджетидан, экологик жамғарма, халқаро экологик жамғарма, лойиҳа, грант кабиларга миллионлаб сўм миқдоридан маблағ ажратилмоқда. Биргина маҳаллий экологик давлат жамғармаларига 2001 йилда 254 млн. сўм келиб тушган, лекин сарфланган 237,4 млн. сўмдан 135 млн. сўм ташкилий ва маърифий ишларга сарфланишини<sup>1</sup> ижобий ҳолат деб бўлмайди. Афсуски, экологик тўлов ва солиқлардан тушаётган маблағнинг 80 фоизи давлат бюджетига, атиги 20 фоизи маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига тушиши ерларни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларнинг молияланишини камайтириб юбормоқда. Чет давлатларда экологик тўлов ва солиқлардан тушадиган маблағ — Россияда 60:40, Германияда эса 50:50 нисбатдадир.

#### 5. ЕР МУҲОФАЗАСИ ВА ФОЙДАЛАНИШ УСТИДАН НАЗОРАТ. ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК


Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назорат нафақат давлатнинг махсус ваколатланган органлари (Табиатни муҳофаза қилиш ва Ер ресурслари давлат қўмиталари, Геодезия, картография ва давлат кадастрлари бош бошқармаси, Давлат санитария назорати, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари) балки жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг назоратидан ҳам иборатдир (17-расм).

*Ер назорати* — ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга оид, ер қонун ҳужжатлари талабларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда ваколатланган идоралар ва шахслар томонидан текшириш.

*Давлат ер назорати (инспекцияси)* эса давлатнинг маҳаллий ҳокимият ва махсус ваколатли органларининг ер муносабати қатнашчилари (субъектлари)нинг ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир фаолиятларини текшириш. Ушбу фаолият тегишли давлат органларининг Низомларига мувофиқ амалга оширилади ва ер назорати инспекторларига муайян ваколатларни беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118—121-моддалари ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг моҳиятидан келиб

<sup>1</sup> Национальный доклад «О состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан». — Т.: «Chinor ENK», 2002. — с. 143.



**17-расм. Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни назорат қилиш.**

чиққан ҳолда давлатнинг махсус назоратини Бош прокурор ва унга бўйсинувчи прокурорлар амалга оширадilar. *Прокурор назорати деб прокуратура томонидан ер муносабатлари субъектлари (жумладан, давлат органлари ва мансабдор шахслар) фаолияти ер қонун ҳужжатларига мослигини текширишга айтилади.*

Фуқаролик жамиятида ҳар бир ижтимоий муносабатлар кишиларнинг уюшган қисми томонидан ҳам текширилиши назарда тутилади. **Жамоат ер назорати** — ерларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш борасидаги ер қонунчилиги талабларига риоя этишни нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан текшириш. Жамоат ер назорати нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонуннинг 7-моддаси ва янги таҳрирдаги Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ равишда олиб борилади.

Ер назорати икки хил шаклда олиб борилади — ахборотлаш ва жазолаш.

**Ер назоратининг ахборотлаш шакли** — огоҳлантирувчи ва жазоловчи чораларни қўллаш мақсадида давлат назоратининг ер муносабати субъектларининг ер қонунчилиги талабларини бажаришларига доир зарурий маълумотларни йиғиш ва уларни умумлаштиришга қаратилган текшириш тури.

**Ер назоратининг жазолаш шакли** — ерларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш бўйича қонун талабларини бажармайдиган ва уларга риоя этмайдиган ҳуқуқбузарларга нисбатан давлатнинг мажбурлов чораларини қўллашга қаратилган текшириш тури.

Ер назоратини амалга оширишнинг умумий қоидалари Ер кодексининг 84—85-моддаларида акс эттирилган. Унда экологик-ҳуқуқий талаблар бўйича текширув ишларини олиб бориш приоритет (бирламчи) норма сифатида берилгандир.

Ер қонунчилиги талабларининг бузилиши ер муносабати қатнашчиларини юридик жавобгарликка тортишга асос бўла олади.

| <i>Ер қонунчилигининг бузилиш турлари</i>  | <i>Жавобгарлик*</i>   |
|--|---|
| Ерлардан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик  | МЖК-105—106. ЖК-197, 270. ЕК-90, ТМҚҚ-47—48, 52.                  |
| Ерларни яроқсиз ҳолатга келтириш, уларни кимёвий ва радиоактив моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳамда оқова сувлари билан ифлослантириш                           | МЖК-77, 89, 91, 104. ЖК-193—197, 201. ФК-985. ТМҚҚ-47—51. МК-181. |
| Ер ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи объектларни жойлаштириш, қуриш, лойиҳалаштириш ва фойдаланишга топшириш   | МЖК—96. ТМҚҚ-47. ЖК-193.  |
| Экологик талабларни бажармаслик  | МЖК-91. МК-181. ЖК-172, 197. ТМҚҚ-47—52.                          |
| Вақтинча эгаллаб турилган ерларни қайтариш муддатини бузиш ёки ерларни белгиланган мақсадларда фойдаланишга яроқли ҳолатга келтиришга оид мажбуриятларни бажармаслик | МЖК-67. ЖК-197. ТМҚҚ-47—51. ФК-985.                               |
| Давлат ер кадастри маълумотларини бузиб кўрсатиш   | МЖК-68. ЖК-209. ТМҚҚ-47.  |
| Ўзбошимчалик билан пичан уриш ва чорва молларини боқиш   | МЖК-82. ЖК-197. ТМҚҚ-47. ФК-985.                                  |
| Ерлардан ҳужасизларча фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи омилларга йул бериш, ерларнинг ҳолатини ёмонлаштириш   | МЖК-65, 95. ЖК-195, 197, МК-181. ФК-985.                          |

*18-расм. Ер муҳофазасига оид қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик.*

Ер назоратини олиб бориш ер эгалари, фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларга етказилган зарарни, жумладан, экологик зарарни қоплаш (Ер кодекси, 86-модда), қишлоқ ва ўрмон ҳужалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш (Кодекснинг 87-моддаси), юридик жавобгарлик санкцияларини қўллашга (Кодекснинг 90-моддаси) ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларни қайтариб олишга асос бўла олади.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 47-моддаси, Ер кодексининг 90-моддаси, Меҳнат, Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят кодексларига мувофиқ равишда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлар учун интизомий, фуқаровий, маъмурий ва жиноий жазо қўлланилади. 18-расмда экологик-ҳуқуқий муносабатларга доир ҳуқуқбузарлик турлари, тегишли жавобгарлик ва махсус қонунларнинг муайян моддалари кўрсатиб утилган.

\* ЖК — Жиноят кодекси, ФК — Фуқаролик кодекси, МЖК — Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, МК — Меҳнат кодекси, ЕК — Ер кодекси, ТМҚҚ — Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун; 175, 985... — кодекслар ва қонун моддалари.

**Қайтариш учун савол ва топшириқлар**

?

1. «Ер»нинг юридик маъноси қандай?
2. Қандай ер муаммолари сизга маълум?
3. Ер муаммоларининг ҳуқуқий жиҳатдан ечимини топиш учун нималар қилинади?
4. Ерларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда нимани тушунаси?
5. Ерлардан оқилона фойдаланиш тартиби қандай?
6. Экология ҳуқуқи қандай ерга оид муносабатларни тартибга солади?
7. Ер фонди тоифалари бўйича экологик-ҳуқуқий муносабатлар ўрнатиладими?
8. Ер ресурслари давлат қўмитасига қандай ваколатлар берилган?
9. Давлат ер кадастрини олиб боришнинг экологик-ҳуқуқий жиҳатларини санаб ўтинг.
10. Ерга оид қандай ҳуқуқбузарликлар экология соҳасидаги жавобгарликлар тоифасига киради?

Сув уз «сервитути»(йули)ни узи топади,  
агарда уни аввалдан белгилаб берилмаса.

Н. А. Н.

## Х боб. СУВ ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

### 1. СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ЗАРУРАТИ

Сайёрамызда гарчанд сув билан эгалланган майдон қуруқликка нисбатан икки баробар кўп бўлса-да, унинг экологик муаммосининг ечимини топиш жуда долзарбдир. Бунга сабаб:

*Биринчидан.* Сув тирик организмлар, жумладан, инсон массасининг 90% дан ортигини ташкил қилган ҳолда у доимо айланма (циркулятив) ҳаракатда. Айланма ҳаракатдаги сув чучук, тоза ва мусалфа бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда тирик организмлар нобуд бўлади.

*Иккинчидан.* Чучук сувлар захиралари Сайёрамызда бир текис тарқалмаган. Ер усти сувлари (дарё, кўл, сув омборларидаги сувлар) нинг 70% аҳоли яшаши ноқулай бўлган шимолий совуқ ёки баланд тоғ минтақаларидадир. Айрим мамлакатлар (Канада, Норвегия, Россия...)да сув тошқинлари муаммоси юзага келаётган бўлса, айримларида (Ўзбекистон, араб мамлакатлари, Туркменистон...) сув танқислиги жуда катта муаммодир.

*Учинчидан.* Тоза сув доимо ҳаракатдадир. У кўпинча дарёлар орқали бир давлатдан иккинчи бир давлатга ўтиб боради. Бу деган сув дарё сувининг муҳофазаси халқаро муаммолар тоифасига киради ва давлатлардан жуда катта дипломатик маҳорат талаб қилади.

*Тўртинчидан.* Океан сувларининг кескин равишда ифлосланиши атмосфера ҳавосида кислороднинг камайишига сабаб бўлмоқда. Чунки кислородни «ишлаб чиқарувчи» океан юзасидаги планктонлар ифлосланаётган океан сувларида камайиб борапти.

*Бешинчидан.* Деярли барча халқ ҳўжалиги соҳаларида сув ишлатилади. Гидроресурсларнинг имконияти камайиб, унга талаб эса кўпайиб бормоқда. Ҳўжаликда ишлатилаётган сув ҳам, афсуски, тоза — чучук бўлиши керак экан. Аграр республика бўлган Ўзбекистонда халқ ҳўжалигининг асосий тармоғи — қишлоқ ҳўжалиги. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотининг 95% сўғориладиган ерлардан олинади.

*Олтинчидан.* Марказий Осиёда чучук сув захираси — 183 км куб (ундан Амударёда 78 км куб ва Сирдарёда — 36 км куб). Унинг аксарияти сўғориш учун ишлатилади ва турли сунъий сув ҳавзалари (коллектор, дренаж, сув омборлари, ташландиқ кўллар)да ва ер остида йиғилиб, Орол кўли муаммосини юзага келтирди.

Халқимиз «Сув — ҳаёт манбаи, сув бор жойда ҳаёт бор», деб бежиз айтмаган. Сувлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш нафақат глобал, регионал, балки ўта долзарб миллий масаладир.

Сув ресурсларини экологик-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун *мустақил Ўзбекистонимизда бир қанча ишлар қилинган*. Масалан:

- \* сув ва сувдан фойдаланишга оид 20 дан зиёд махсус ва умумий қонунлар қабул қилинди;
- \* Орол денгизи муаммоси БМТ ва унинг ташкилотлари томонидан халқаро даражадаги масалалар тоифасига кўтарилди;
- \* сувлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга йўналтирилган меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилди;
- \* миллий, регионал, глобал миқёсда шартномалар тузилди ва ҳ.к.

Келажакда, бизнинг фикримизча, *Ўзбекистон қонунчилик тизимида:*

- ✓ Орол ва Орол буйига иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатлардан «алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудуд» мақомини бериш;
- ✓ Орол денгизи тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- ✓ халқаро сув ҳавзалари ва дарёларни муҳофаза қилишга доир шартномалар, мониторинг — назорат — экспертиза — жавобгарлик тизимини яратиш;
- ✓ сувлардан фойдаланишни қатъий ҳисобга олиш ва туловини шакллантириш каби *ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади*.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 19-моддасида баён этилганидек, *Ўзбекистон Республикасида сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланишнинг экологик-ҳуқуқий шартлари* қуйидагилардан иборат:

- \* ер усти, ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табиий айланишини сақлаш, унинг нормативда кўрсатилган даражада тозалигини таъминлаш;
- \* сув ўсимликлари ва ҳайвонларини асраш;
- \* сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик;
- \* сувда экологик мувозанатни сақлаш ва сув ҳавзасига ландшафт элементи сифатида зиён етказмаслик;
- \* махсус ваколатли давлат органлари дарё ирмоқлари ҳосил бўладиган жойларда, сув соҳили минтақаларида дарахтзорларни тиклашлари ва дов-дарахтларни кўпайтиришлари ҳамда уларнинг сақланишини таъминлашлари шарт.

Конституциямизнинг 55-моддаси, Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ сув, бошқа табиий объектлар сингари умуммиллий бойлик — давлат мулкидир, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофазаланади.

## 2. ДАВЛАТ СУВ ФОНДИ ВА УНИ БОШҚАРИШ

Юриспруденцияда Сув ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида қаралади. Лекин у Ўзбекистонда тўлиқ шаклланмаган фан соҳасидир. Мамлакатимизда сув муаммоларининг ортиб бораётганлиги сув ҳуқуқини ҳам ривожлантиришни талаб этмоқда. Собиқ Иттифоқ республикалари ичида биринчи бор Тошкент Давлат юридик институтида Сув ҳуқуқи дарслиги ишлаб чиқилди ва магистрларга мустақил ҳуқуқ предмети сифатида ўтилмоқда.

Ер сингари сувни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун турли хил тоифаларга ажратиб олинади. Айнан ўша тоифалар бўйича ижтимоий муносабатлар экологик-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади.

1993 йил 6 майдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига кўра, Ўзбекистонда ягона сув фонди уч тоифага ажратилган:

- *ер усти сувлар* (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, ҳовузлардаги сувлар);
- *ер ости сувлари ва музликлар*;
- *ҳалқаро сувлар* (Амударё, Сирдарё, Орол денгизи, Зарафшон ва шу каби икки ва ундан ортиқ давлат ҳудудларидан оқиб ўтадиган ёки уларнинг ҳудудида жойлашган сув ҳавзалари ва сув манбалари).

Сув давлат мулки бўлганлиги учун ҳам сувга оид муносабатлар давлатнинг умумий ва махсус ваколатланган органлари томонидан тартибга солинади.

*Олий Мажлис* тўғрисидаги конституциявий қонун ҳамда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига биноан, Олий қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида сувга доир муносабатларни тартибга солишда тегишли қонунлар ишлаб чиқади, қабул қилади ва уларнинг бажарилишини назорат қилади, сувга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди ва стратегик дастурларни қабул қилади.

*Вазирлар Маҳкамаси* ўзи тўғрисидаги қонундан келиб чиққан ҳолда, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида белгиланган ваколатларига биноан: сувлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ўтказди; махсус ваколатланган давлат органларининг фаолиятини уйғунлаштиради; сувдан фойдаланишнинг меъёрлари ва лимитларини тасдиқлайди; сув кадастри — мониторинги — назорати тизимини яратади ва унинг юритилишини таъминлайди; сувга тегишли йирик ҳодиса ва жараёнлар юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқади; сув тўловлари ва ҳақ ундириш тартибини белгилайди; давлатлараро муносабатларни ривожлантиради ва қонунларда назарда тутилган бошқа чора-тадбирларни

амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан кейинги 10 йил мобайнида 100 дан зиёд сув муносабатларини тартибга солишга доир қарор, йўриқнома ҳамда кўрсатмалар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш устидан *давлат назоратини* маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўзлари тўғрисида қабул қилинган қонунлар ва низомлар асосида олиб борадилар. *Идоравий назорат* эса Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига топширилган.

Сувга оид муносабатларни тартибга солишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг ваколатлари тегишли қонунларда белгиланган ва улар давлатга қўмақдош эканлиги ифода этилган. Бизнингча, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари нафақат қўмақдош, балки мустақил назорат олиб боровчи субъект бўлиши демократик жамият талабларини бажариш ва фуқаролик жамиятини ўрнатишда катта хизмат қилади.

### 3. СУВДАН ОҚИЛОНА Фойдаланишнинг ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Сувдан оқилона фойдаланиш* — сувнинг фойдали хусусиятларидан жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун талаблари асосида фойдаланиши.

Сувдан фойдаланувчилар қаторига барча мулк шаклидаги корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқаролар киради. Сув муносабати объекти юқорида санаб ўтилган барча сув фонди тоифаларидур. Уларга халқ хўжалигининг барча соҳаларида умумий ёки махсус равишда сувдан фойдаланишга рухсат берилади. *Умумий фойдаланиш* — сувнинг ҳолатига таъсир қиладиган иншоотлар ёки техник қурилмаларни қўлламаган тарзда сувдан фойдаланиш. Агарда уларни қўллаб фойдаланилса, *махсус фойдаланишга* тегишли бўлади. Уларнинг рўйхати махсус давлат бошқарув органлари томонидан белгилаб қўйилади. Сувдан фойдаланиш биргаликда ва танҳо (юридик шахсларга бутунлай ёки қисман бериб қўйилса), *бирламчи* (танҳо фойдаланувчиларга бошқа субъектларга фойдаланиш учун бериш ҳуқуқи билан) ёки *иккиламчи* тарзда амалга оширилади.

*Сув объектлари, авваламбор, приоритет норма асосида аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабини қондириш учун берилади.* Сувларни фойдаланишга бериш тартиби (тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган ҳолда) «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 26—31-моддаларида акс этирилган. Ушбу талаблар сувнинг экологик тизимларда турувчи унсур сифатида қарашни назарда тутиб рухсатномалар бериш, миллийлаштириш, ҳақ тўлаш ва муддатларини белгилаш орқали амалга оширилади.



*Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари* қуйидагилардан иборат:

- мақсадли фойдаланиш;
- зарур бўлган иншоотлар, қурилмалар ва бошқа объектларни «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг IV бобида курсатилган талаблар асосида қуриш;
- бериладиган сувнинг миқдори ва сифатини текшириш;
- олинмай қолган сув учун товон тулашни талаб қилиш (тегишли шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан истисно). Масалан, 2001—2002 йилларда сув танқислиги туфайли Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида сугориш нормалари қисқартирилган ҳамда экин турини танлаш чекланган;
- қонунда тақиқланмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишлари ҳам мумкин.

Сувдан фойдаланувчилар ҳуқуқлари давлат томонидан муҳофаза этилади. Лекин давлат ва жамоат эҳтиёжлари, экологик хавфсизлик, муайян ижтимоий-иқтисодий ҳолатларда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари чекланиши мумкин.

*Сувдан фойдаланувчиларнинг экологик нуқтаи назардан қаралган бурчлари:*

- ◆ сувдан оқилона фойдаланиш, сув сифати ҳамда тозалигини қайта тиклаш ва яхшилаш тўғрисида қайғуриш;
- ◆ сув олишнинг белгиланган меъёрларига риоя этиш;
- ◆ ифлосланган сувларни сув объектларига оқизишни тамомила тўхтатиш чора-тадбирларини қуриш;
- ◆ табиий объектларга зарар етказилишига йўл қўймаслик;
- ◆ сув муҳофазаси объектларини соз ҳолда тутиш, уларнинг ишлатиш сифатларини яхшилаш, олинаётган сувни ҳисоб-китоб қилиб бериш;
- ◆ сувга оид тўловларни ўз вақтида тўлаш.

Юқорида қайд этилган талаблар бажарилмаса, юридик ва жисмоний шахсларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқлари тегишли қонун ҳужжатлари асосида бекор қилиниши мумкин. Етказилган зарар «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 39-моддасига асосан чиқарилган Низом, йуриқномалар асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳолларда ва тартибда ундириб олинади.

Сув қонунчилигига биноан *сув объектларидан фойдаланиш:*

- \* аҳолининг истеъмоли, маиший ва бошқа эҳтиёжлари;
- \* даволаш, курорт ва соғломлаштириш;
- \* қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари;
- \* саноат мақсадлари ва иссиқлик энергетикаси эҳтиёжлари;
- \* балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари;
- \* овчилик хўжалиги эҳтиёжлари;
- \* алоҳида қуриқланадиган ҳудудларда жойлашган сув объектлари;
- \* сув транспорти эҳтиёжлари;
- \* оқова сувларни оқизиш;

- \* ёнғинга қарши кураш эҳтиёжлари;
- \* давлат ва жамоат эҳтиёжлари;
- \* сув омборлари, гидроузеллар ва бошқа сув иншоотлари;
- \* Орол денгизи ҳавзасидаги сувдан давлатлараро фойдаланиш.

Мамлакатимизда уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида меъёрий ҳужжатлар қабул қилинади ва экологик-ҳуқуқий фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш таъминланади.

#### 4. СУВНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Сув — ҳаёт манбаи бўлгани учун ҳам ундан фойдаланишда бирламчи ҳуқуқий талаб сифатида экологик жиҳатдан муҳофаза қилиш меъёрлари ўрнатилади. Сув қонун ҳужжатларида, хусусан, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 24-бобида айнан шу масалани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш қоидалари ва меъёрлари ўрнатилган. Унга биноан *сув объектлари кишилар соғлиғига, сувда яшовчи тирик организмларнинг камайиши, сувнинг хосса ва хусусиятлари (ҳаттоки узини ўзи тозалаб туриш), сув режимининг бузилиши натижасида содир бўладиган бошқа кунгилсиз ҳолатларнинг келиб чиқишини муҳофаза қилишни белгилловчи ва амалда татбиқ қилувчи ягона тартибот сувни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш деб юртилиди.*

1997 йил 25 апрелда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 98-моддасига ўзгартиришлар киритилиб, сувларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминловчи тадбирларни амалга оширувчи корхона, ташкилот ва муассасалар маҳаллий ҳокимият ва давлатнинг махсус ваколатланган органлари билан келишган ҳолда технологик, ўрмон-мелиоратив, агротехник (тўғрироғи, агромелиоратив), гидротехник, санитар-техник тадбирларни ўтказишлари шарт деб қўйилди. Ушбу юридик шахслар сувга турли маиший, саноат, кимёвий ва физик чиқит ва чиқиндиларни чиқаришлари тақиқланади. «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига биноан корхона, ташкилот ва муассасалар чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эгалар, лекин ушбу ҳуқуқлари мазкур Қонуннинг 17-моддасида кўрсатилган хавфсизлик талаблари, яъни фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига ёки атроф-муҳитга зарар етказмайдиган ва экологик хавфсизликни таъминлайдиган ҳолатдагина рухсат берилади. Уларнинг бурчлари «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 103-моддасида акс эттирилгандир.

Сув объектларини муҳофаза қилиш мақсадида муайян алоҳида қўриқланадиган округ ва тегра (зона)лар ёки ҳудудлар ажратиб олинади. 1992 йил 7 апрелдаги Вазирлар Маҳкамасининг 174-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистонда экологик-ҳуқуқий районлаштириш, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, ичимлик ва маиший сув таъминоти

объектлари, даволаш ва маданий соғломлаштириш теғраларига доир Низом»га мувофиқ олиб борилади.

Ўзбекистонда Суқоқсой, Бошқизилсой, Нувалисой каби кичик дарёлар ер усти оқар сувларнинг аксариятини ташкил қилади. Уларда экологик-ҳуқуқий талаблар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва махсус ваколатланган органлари билан биргаликда амалга оширилиши керак.

Сув тошқини ва сел кетиши натижасида юзага келадиган зарарли таъсирларнинг олдини олиш учун туман ҳокимлиги тегишли чоратадбирлар кўради. Катта талафотларга олиб келадиган сув билан боғлиқ бўлган табиий ҳодисаларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш 1999 йил 20 августдаги «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятлари қошида тузиладиган комиссиялар орқали ҳал қилинади. Илмий, методик ва амалий ишларни Фавқулдда вазиятлар вазирлиги ва унинг бўлинмалари олиб боради. Молиявий таъминот ва моддий ёрдам эса ташкилот, корхона, муассаса, хўжаликлар ва маҳаллий бюджет ҳисобидан, Республика ва минтақавий дастурлар бўйича амалга ошириладиган тадбирлар эса Республика бюджетидан амалга оширилади.

Ер ости сувларини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, биринчи навбатда, сувни чиқарувчи ва ундан фойдаланишни таъминловчи идораларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятини белгилаш билан бошланади. Чунки ер ости сувлари жойланишининг ўзига хос томонлари ер қаъридан фойдаланувчиларнинг хатти-ҳаракатларига бевосита боғлиқдир. Юридик ва жисмоний шахслар ер қаъридан ёки ер ости сувларидан фойдаланишда уларнинг камайиб кетиши, фойдали хусусиятларини йўқотиши ёки ифлосланишига йўл қўймасликлари шарт.

Сув қонунчилиги сувларни экологик-ҳуқуқий муҳофазалаш нормаларининг амалда бажарилишини иқтисодий таъминлаш мақсадида: сувдан махсус фойдаланганлик, сув объектларини ифлослантирганлик ва уларга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа хил туловлари ундириб олинади. Ушбу тулов тури, миқдори ва тартиби Солиқ кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия вазирлиги ва тегишли давлат органларининг қонун ости меъёрий ҳужжатларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Сувдан тежаб-тергаб, янги технологиялар асосида фойдаланувчилар учун «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 106-моддасига мувофиқ равишда ҳуқуқий (масалан, бирламчи фойдаланувчи), иқтисодий (имтиёзли кредит), ташкилий (қўшимча корхоналар ташкил этиш), ижтимоий (тажрибаларини кенг тарғиб қилиш), экологик (экологик туловлардан озод этиш) ва бошқа рағбатлантириш омилларининг самарали тизимини қўллаш мумкин.

Сувдан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида сув захиралари давлат йўли билан ҳисобга олинади. Унинг таркибига ягона сув фондини ташкил этувчи сувларнинг миқдори, сифати, аҳоли ва халқ ҳужалигининг эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланишга оид маълумотлар киритилади. 1990—2001 йиллар мобайнида Ўзбекистонда тоза сувдан фойдаланиш 52,4 куб км дан 44 куб км га камайган. Ундан қайта ишлатиладигани 5,9 куб км дан 4,0 куб км, ифлосланган сувларни сув шохобчаларига ташлаш 32,7 куб км дан 16,9 куб км, тозалаб ташланган сувлар 12,1 куб км дан 10,5 куб км га камайган<sup>1</sup>. Бу деган сўз халқ ҳужалигида сувдан фойдаланиш ва уни тозалаш, оқова сув сифатини ошириш мустақил Республикамизда кундан-кунга яхши йўлга қўйилмоқда.

*Сувдан экологик жиҳатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишни режалаштиришда* приоритет масала булиб аҳолининг ичимлик ва маиший хизмати инobatга олинади. Режалаштириш илмий ва кадастр маълумотларига асосланган, сув ҳужалиги баланслари, комплекс фойдаланиш, сувга сўнгра, маиший хизматга булган талаби муҳофаза қилиш жадвалларини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак.

*Давлат сув кадастри* «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонун ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 7 январда 11-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ олиб борилади. Сувнинг мавжуд миқдори ва ундан фойдаланиш даражасини баҳолаш эса, дарё ҳавзалари ва туманлар бўйича сув ҳужалиги баланслари асосида белгиланади. Сувдан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг бош ва ҳавза (ҳудудий) жадвалларида акс этган бўлади. Буларнинг ҳаммаси, жумладан, сув мониторинги ҳам Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берган тартибда давлат бюджетни ҳисобидаги тегишли давлат идоралари томонидан олиб борилади.

Сувдан оқилона фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш талабларини бузган юридик ва жисмоний шахслар тегишли жавобгарликка тортиладилар. Масалан, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 114-моддасига мувофиқ сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш ҳамда давлатнинг эгалик ҳуқуқини ошкора ёки яширин тарзда бузадиган бошқа хил битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

*Сув қонунчилигига оид жавобгарлик* ва тегишли юридик жазо қўйидаги ҳолларда қўлланилади:

- \* сув объектларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олган ёки сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланганда;
- \* сувдан фойдаланиш лимитларини бузган ҳолда сув олганда;
- \* дарёларни булган ва ифлослаганда;

<sup>1</sup> Национальный доклад «О состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан». — Т.: «Chinor ENK». — С. 47.

- \* сувни булғаш ва ифлослашнинг ёки сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини оладиган иншоотлари ва қурилмалари булмаган корхоналарни, коммунал объектларни ва бошқа объектларидан ишга туширганда;
- \* сувдан (сув объектларидан чиқариб ёки ажратиб олинган сувдан) хўжасизлик билан фойдаланганда;
- \* сув ҳавзаларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиб, унинг булғанишига, тупроқни сув ювиб кетишига ва бошқа зарарли ҳодисалар рўй беришига сабаб бўлганда;
- \* сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларига шикаст етказган ва уларни вайрон қилганда;
- \* сув хўжалиги иншоотларини ва қурилмаларини ишлатиш қоидаларини бузганда;
- \* сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи тўсиқлар, насос станциялари ва бошқа иншоотларни ўзбошимчалик билан қурганда;
- \* сув ҳақи ва сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун солинган жарималарни ўз вақтида туламаганда;
- \* режаларда кўзда тутилиб, сувни булғаниш, ифлосланиш ва каммайиб кетишдан сақлашни, шунингдек, сув ҳолати ва режимини яхшилашни таъминловчи гидротехника, технология, ўрмон-мелиорация, санитария-техника тадбирлари ва бошқа тадбирларни амалга оширмаганда;
- \* водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаганда;
- \* фойдаланиш ва кузатиш қудуқларини йўқ қилиб ташлаган ёки уларга зарар етказганда;
- \* сув қудуқларини бурғилашнинг белгиланган қоидалари ва технологиясини бузганда;
- \* сувни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмаларини қуришнинг меъёрий муддатларини барбод қилганда;
- \* қурилиши тугалланмаган сувни муҳофаза қилиш иншоотларини уларнинг самарали ишлашига салбий таъсир этувчи, камқўстини битирмай ва лойиҳадан четга чиқишлар билан фойдаланишга топширганда;
- \* сувни муҳофаза қилиш теграларига риоя этмаганда;
- \* сувдан фойдаланганлик ҳақидаги давлат ҳисоботларини тақдим этмаган ёки ушбу маълумотларни бузиб кўрсатганда;
- \* табиатни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажармаганда;
- \* алоҳида қўриқладиган сув объектлари режимини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий ва ўзга тарздаги жавобгарликка тортиладилар. Қонунларда сувга оид бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар учун ҳам жавобгарлик белгилаб қўйилиши мумкин.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқаролар сув тўғрисидаги қонунларни бузиш натижасида етказилган зарарларни қонунларда белгиланган миқдорда ва тартибда қоплашлари шарт.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган сув объектлари ва қонунсиз фойдаланиш вақтида қилинган харажатлар қойланмаган ҳолда уз эгасига қайтариб олиб берилади. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан етказилган зарарни қоплаш тегишли қонунларда белгиланган миқдорда ва тартибда амалга оширилади. Сув объектлари, шахслар ва давлатга зарар етказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ҳамда бошқа ходимлар маъмурий жавобгарлик қоидаларига мувофиқ равишда моддий жавобгарликка тортиладилар.

#### 5. ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АЙРИМ СОҲАЛАРИДА СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

Сув қонунчилигига биноан сувдан, биринчи навбатда, аҳолининг ичимлик сувига ва маиший хизматга бўлган талабини қондириш зарурдир. Лекин ушбу эҳтиёжни қондириш истемолчилик эмас, балки экологик нуқтани назардан қарашни тақозо этади. Чунки, айнан кишиларнинг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш учун сувнинг ҳосил бўлиш манбаларида, унинг истемолчиларгача оқиб келиш йўлларида айнан муҳофаза қилиш ва оқилон фойдаланиш талабларини қўллашга ундайди. Бундай муносабатни фанда сувларни экологик-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш деб аталади. Экологик-ҳуқуқий талаблар халқ хўжалигининг барча соҳаларида узига хос равишда ўрнатилади ва сувдан фойдаланувчилардан мазкур талабларга риоя этиш талаб этилади.

Ўзбекистон аграр республика бўлгани учун ҳам давлат ва жамиятнинг асосий эътибори қишлоқ хўжалигига қаратилган. Чунки ушбу халқ хўжалиги соҳаси мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизидан ортиғини, валюта тушумининг 55 фоизини ва товар алмашинувининг 70 фоизини таъминлайди. Республика аҳолисининг 60 фоизидан ортиғи қишлоқда истиқомат қилади. Фуқароларимиз учун бирламчи эҳтиёж бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари аграр соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Шуниси алоҳида эътиборга лойиқки, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 95 фоизи суғориладиган ерлардан олинмоқда.

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш деб, қишлоқ хўжалик товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида қонуний ташкил этилган қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи субъектларининг сув ресурсларидан фойдаланишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига айтилади. Қишлоқ хўжалик субъектларига қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), деҳқон ва фермер хўжаликлари, ижара жамоалари,

ёрдамчи хўжаликлар, давлат хўжаликлари ва бошқалар киради. Улар маданий ўсимликларни ўстиришда зарур бўлган сув режимини таъминлаш учун сув ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқларига эгадирлар.

Сув объектларидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш — экологик нуқтаи назардан белгиланган меъёрга риоя этган ҳолда, қишлоқ хўжалик субъектларининг сувдан умумий ва махсус фойдаланиш тартибида амалга ошириш. Умуман олганда, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш меъёрлари ҳанузгача 1986 йил 20 мартда собиқ Иттифок Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган ва "Союзхлопок" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган "Гидромулдул районлаштириш ва қишлоқ хўжалик экинларини суғориш режими"га биноан олиб борилмоқда. Албатта, суғориш меъёрлари сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳолатга қараб ўзгармайдиган нормадир. Лекин, Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўсиши ва саноатнинг жадал ривожланиши кузатишмоқда. Бу эса, миқдори ўзгармаётган сув захираларига бўлган талабни геометрик прогресс равишда ўстирмоқда. Шунинг учун ҳам суғориш лимитлари ва суғориш режимини режалаштиришни замон талабига ва экологик вазиятга қараб ўзгартириб бориш ёки уларда "мослашувчанлик" принципини жорий қилиш даркор.

Амалдаги "Гидромулдул районлаштириш ва қишлоқ хўжалик экинларини суғориш режими" ҳар бир суғориш жойининг иқлим шароити, гидрогеологияси, тупроқ-мелиоратив ҳолатига қараб, табақалашган тарзда белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудини суғориш лимитларига биноан табақалаштириш учун махсус районларга ажратилади. Районлаштириш жойининг табиий-иқлим шароити ва қишлоқ хўжалик субъектларининг ихтисослашувига мувофиқ равишда ўтказилади. Лекин унда ҳанузгача экологик вазият лдаражаси инобатга олинмайди. Масалан, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш режими ва гидромулдул районлаштириш қуйидаги индикаторлар (кўрсаткичлар)га биноан олиб борилади:

- \* жойининг суғориш шохобчалари билан таъминланганлик даражаси;
- \* суғориш сувининг сифати;
- \* тупроқ намлиги (табиий намлик ва ер ювишда тўпланадиган намлик);
- \* ер ости сувларининг ҳолати.

Гидромулдул районлаштириш ўта мураккаб жараён бўлиб, у ер кадастрига доир маълумотларни йиғишни, илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини яратишни талаб этади. Бундай тадбир охиросқибатда сув ресурслардан қишлоқ хўжалик мақсадларида оқилона фойдаланиш имкониятини яратади. Шундай қилиб, гидромулдул ра-

йонлаштириш — ер ва сув ресурслардан юқори самарадорлик билан фойдаланиш, суғориш режимини илмий асосланган ва табақалашган тарзда олиб бориш орқали қишлоқ хўжалик экинларидан доимо юқори ҳосил олиш мақсадида муайян маъмурий ҳудудларни таксонмик бирликларга (қисмларга ёки булақларга) ажратиб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида саккизта гидромодул округ (Куйиамударё, Чирчиқ — Ангрен, Фарғона, Мирзачўл, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё) ажратилган. Улар, ўз навбатида, ўнлаб зоналарга, зоналар эса областларга, областлар ўз навбатида районларга бўлинади.

Гидромодул районлаштириш асосида ҳар бир вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасида суғориш режими(тартиби) хўжаликлар, яъни қишлоқ хўжалик субъектлари буйича ишлаб чиқилади. Сувдан фойдаланиш лимитлари айнан ана шундай режалаштириш меъёрларига биноан урнатилади. Унда:

- \* умумий суғорма майдонга нисбатан хўжаликда мавжуд бўлган суғориладиган ерлар миқдори (фоиз ҳисобида);
- \* ҳар бир ўсимлик тури учун сарфланиши лозим бўлган сув миқдори (гидромодул районларга ажратилган тарзда);
- \* тавсия этиладиган ер ювиш, захирага суғориш меъёрлари ва уни ўтказиш вақти;
- \* қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ўстириш(вегетация) давридаги суғориш режимининг кенгайтирилган жадвали;
- \* қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишни режалаштириш каби маълумотлар берилган бўлади.

Сув ресурсларидан оқилона, даврий ва самарали фойдаланишни олиб бориш мақсадида қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш режалаштирилади. Мазкур режалаштириш "Сув ва сувдан фойдаланиш туғрисида"ги қонунинг 48-моддаси, "Сувдан фойдаланишнинг ички хўжалик режаларини тузишни олиб боришга доир Йўриқнома" ва "Сувдан фойдаланишнинг умумий тизимини режалаштиришни тузиш ва олиб боришга доир Йўриқнома"га биноан амалга оширилади. Афсуски, ушбу режалаштириш Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Сув бошқармаси маълумотларига кўра, собиқ Иттифоқ даврида ишлаб чиқилган (Тошкент, 1989) қоида ва меъёрлар асосида олиб борилади.

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш режалари Қонунга мувофиқ суғориш, сув чиқариш, суғориш — сув чиқариш (биргаликда) тармоқларидаги, магистрал каналлардаги, сув омборларидаги ва бошқа гидротехник ҳамда сув хўжалиги объектларидаги сувлардан фойдаланиш ишлари, сувдан фойдаланишнинг ички хўжалик ва умумий тизимли режаларга биноан йиллик амалдаги сув билан таъминганликни ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.



Сувдан фойдаланишнинг ички ҳўжалик режаси қишлоқ ҳўжалик субъектларининг сув ресурсларидан экинларни суғоришда фойдаланишни режалаштиришни тузиш тартибини белгилайди. У эса, ўз навбатида, қишлоқ ҳўжалик ширкати, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, боғдорчилик ва узумчилик уюшмалари каби субъектларнинг етиштирилиши кутилаётган қишлоқ ҳўжалиги экинларининг сувга бўлган талабини инобатга олиш, суғориладиган ерларни тайёрлаш, бошқа ноқишлоқ ҳўжалик мақсадларида сувдан фойдаланиш меъёрларини ўрнатиш учун хизмат қилади.

Ҳўжаликлараро ишловчи мелиоратив қурилмалар (коллектор, дренажлар)да сувдан фойдаланиш ва улардаги сув режимини тартибга солиш ички ҳўжалик ва умумий тизимли режаларга мувофиқ олиб борилади.

Қишлоқ ҳўжалик экинларни етиштирувчи ҳўжаликлар томонидан тузилган ички сувдан фойдаланиш режалари Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг ҳавза бошқармалари билан келишилиб, маҳаллий туман ҳокимият органлари томонидан тасдиқланиши керак бўлади. Ушбу ҳолат қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг ҳуқуқий асосини яратиш ва такомиллаштиришга оид 1998 йил апрель ва август ойларида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг махсус XI ва XII сессияларида ҳамда 2000 йил 15 декабрь II чақириқ 4-сессиясида қабул қилинган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга биноан амалга оширилади.

Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштирувчи субъектларнинг сувдан фойдаланишнинг умумий тизимли режалари ҳавзалар бўйича 2003 йил тузилган бошқарув органлари билан мувофиқлаштириш ва туман, вилоят республика марказий ҳокимият органлари томонидан тасдиқлаш асосида амалга оширилади.

Суғориладиган ерларда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш учун сувдан махсус равишда фойдаланилади. У учун суғориладиган ерларда турли хил аҳамиятга молик гидротехник иншоотлар қурилади, мелиоратив шохобчалар яратилади ҳамда шу каби турли сув олиш, суғориш, оқизиш ва ташлаш мосламалари қурилади.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 49-моддасига биноан, ердан фойдаланиш мулкчилиқнинг қайси шаклида бўлишидан қатъи назар, сув фонди ерларидан, суғориладиган ерлар доирасидаги ҳўжаликлараро гидротехник иншоотлардан, ер ости сув чиқаргичлардан ягона сув ҳўжалиги тизими сифатида фойдаланилади. Мазкур иншоотлар давлат мулки ҳисобланилади ва уларни миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан хусусийлаштириш, яъни бошқа мулк шаклига ўтказиш мумкин эмас.

Дарёлар, магистрал ва бошқа сув ҳўжалиги объектларининг соҳил бўйи минтақалари, ер ости суви чиқариш санитария муҳофаза

теграларининг I ва II пояслари табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари учун ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 48-моддасида кўрсатилганидек, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатётган объектлар, жумладан, қишлоқ хўжалик объектлари ҳам, фалляти чекланиши, тухтатиб қўйилиши, тугатилиши ва узгартирилиши давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ваколатланган табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади. Мазкур Қонуннинг 49-моддасига биноан, қонунбузарлик оқибатлари орқали сув ресурсларига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти ҳуқуқбузар шахсларга юклатилади.

1992 йил 7 апрель Вазирлар Маҳкамасининг 174-сонли "Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувини муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалик мақсадларида сувларни ишлатиш тартиби белгиланади.

Суғориладиган ерларда деҳқончилик учун сув олиш лимитлари гидромодул районлаштириш, ички ва умумий тизимдаги режаларда белгиланган йиллик меъёрлар асосида амалга оширилади. У қўзда тутилмаган ҳолатлар, яъни сув ресурсларининг захираланиши ёки унинг халқаро миқёсда тақсимланиш меъёри ўзгарган тақдирда, ижроия давлат марказий ва маҳаллий ҳокимликлари қарорларига мувофиқ ўзгартирилади.

Сув олиш ва унинг ҳисоб-китобини юритиш рўйхатдан ўтказилган сув манбаларидан (хўжалик каналларининг бош иншоотларидан, қудуқлардан, насос станциялари ва бошқа сув олиш гидротехник иншоотлардан) сув ажратиш жойларида турган сув хўжалиги (2003 йилдан ҳавза сув бошқармалари) органи билан тузилган шартномага мувофиқ олиб борилади.

Ўзбекистонда суғориш сувининг етишмаслиги ер соти сувлари билан бир қаторда оқинди сувлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш заруратини келтириб чиқармоқда. Лекин улардан фойдаланишда ҳамшиша экологик талабларнинг бажарилиши талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигида ерларни оқинди сувлар орқали суғориш «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 51-моддаси, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 19 ва 24-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги 385-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида сувдан чекланган миқдорда фойдаланиш бўйича вақтинчалик Йўриқнома"га, биноан амалга оширилади. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига кўра,

оқова сувлардан қишлоқ ҳужалигида фақатгина сув олиш иншоотлари ўрнатилган ва сувдан махсус фойдаланишга рухсатномалари бўлган ҳужаликларгагина фойдаланишга берилади. Сув олишнинг чекланган миқдорлари сув ҳужалиги органлари томонидан сув манбаларининг тахмин этилган ва серсувлик даражасини ҳисобга олган тарзда қишлоқ ҳужалигида сувдан фойдаланувчилар учун йилига 2 мартаба белгиланилади. Ушбу сув олиш тартиби шартномага бинонан ва мазкур Қарорнинг 4-бандига мувофиқ белгиланган шартларда амалга оширилади.

Оқинди сувлардан қишлоқ ҳужалигида фойдаланиш учун махсус Табиатни муҳофаза қилиш давлат органлари, Давлат санитария ва ветеринария назорати органларининг рухсатини олиш лозим бўлади.

Саноат, коммунал ҳужалик корхоналари ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотлар тупроқ унумдорлиги ва етиштириладиган қишлоқ ҳужалик маҳсулотларига зарарли таъсир қилувчи сувларни қишлоқ ҳужалик ерларини суғориш учун беришлари тақиқланади.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланиб бораётган Ўзбекистон Республикасида сувдан қишлоқ ҳужалигида фойдаланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглашиб бормоқда. Собиқ Иттифоқ даврининг сув қонунчилигида давлат аграр соҳасида фаолият юргизувчи совхозлар, илмий тадқиқот муассасалари, тажриба участкалари, синов ва мослаштирувчи корхоналарнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқлари бошқа нодавлат ҳужаликларига нисбатан устиворлика эга бўлган. Қишлоқ ҳужалик ишлаб чиқаришининг давлат тасарруфидан чиқарилиши (қишлоқ ҳужалигида 2003 йилга келиб 98% дан ортиқ ҳужаликлар мустақил фаолият юритувчи турли мулк шаклидаги ҳужаликлардан иборат бўлди) улар ўртасида сув-ер ресурсларидан тенг ҳуқуқлик асосида фойдаланиш имкониятини яратди.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 32 ва 34-моддаларидан келиб чиққан ҳолда *қишлоқ ҳужалиги мақсадларида сувдан фойдаланувчилар:*

- сув объектлари қандай, яъни қишлоқ ҳужалик маҳсулотларини етиштириш, шўрини ювиш, яҳоб сувини бериш каби мақсадларда берилган бўлса, шу мақсадларда фойдаланиш;
- шўрини ювиш, захира сувини тўплаш, суғориш ва бошқа мелиоратив ишларни амалга ошириш учун тегишли иншоотларни қуриш ва чора-тадбирларни ўтказиш каби ишларни амалга ошириш;
- ишлатилиш арафасида турган, ишлатилаётган сув сифатини ва миқдорини текшириб бориш;
- қонунларда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда (масалан, қутилмаган қурғоқчилик, сув тошиш, гидротехник иншоотнинг фалокатга учраши каби форс-мажор ҳолатларда)

шартнома бўйича олинмай қолган сув учун товон тўланишини талаб қилиш;

- сув объектларидан фойдаланиш бўйича қонунда тақиқланмаган бошқа ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ушбу ҳуқуқлари қонунлар билан муҳофаза қилинади, ҳуқуқлар бузилган тақдирда, улар қонунларда назарда тутилган тартибда тикланиши лозим. Қонунларда кўзда тутилган ҳолларда (давлат, жамият ва халқаро ҳамжамият манфаати учун) сувлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ҳуқуқлари чекланиши мумкин.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 35 ва 50-моддаларига мувофиқ, сувдан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланаётган субъектлар зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

- ◆ сувлардан фақатгина белгиланган мақсадларда, миқдорда ва тартибда фойдаланишлари;
- ◆ сувдан фойдаланиш лимитлари, режалари, қоидалари, меъёрлари ва режимларига риоя этишлари;
- ◆ вертикал(тик) дренажларни инobatга олган ҳолда, фойдаланишнинг барча турлари учун ишлатилаётган сувни ҳисобга олиб боришлари;
- ◆ ички хўжалик суғориш, сув чиқариш ва коллектор тармоғи ҳамда ундаги иншоотларни ва сув чиқариш ҳудудларини техник жиҳатдан ишга яроқли ҳолда сақлашлари;
- ◆ мелиорация қилинган ерларни комплекс реконструкция қилишлари ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда усимликларини суғориш, шунингдек, яйловларга сув чиқаришнинг мақбул режими сақлашлари;
- ◆ сувни тежайдиган технологиялар ва илғор техникани жорий этиш орқали суғоришнинг услуб ҳамда усулларини такомиллаштиришлари;
- ◆ қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув мониторинги асосида салбий жараёнларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этишлари;
- ◆ белгилаб олинган аниқ мақсадларга мувофиқ, фойдаланилаётган сувларнинг самарадорлигини оширишлари шарт.

Ундан ташқари, қишлоқ хўжалиги мақсадларида сувдан фойдаланувчилар хўжаликлараро мелиорация ва ирригация тармоқларини ишга яроқли ҳолда сақлаб туриш учун қонунларда белгиланган тартибда ирригация ва мелиорация ишларини бажаришга жалб этиладилар.

Солиқ кодексининг 149-моддасига биноан қишлоқ хўжалик товар маҳсулотини етиштирувчи юридик шахслар шўрланган ерларни ювиш мақсадида сувдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ле-

кин ушбу бепул фойдаланиш тартиби тасдиқланган ички ҳужалик режалари асосида амалга оширилиши талаб этилади.

Қишлоқ ҳужалик корхоналарининг суғорма ерлардан оқилона фойдаланишни ташкиллаштириш ва ер кадастри талабларига мос равишда тупроқ унумдорлигига эришишлари учун турли хил фито-мелиоратив чора-тадбирларни амалга оширишлари керак бўлади. Масалан, Ўзбекистонда шамол эрозияси хавфи бўлган суғориладиган ҳудудларда (Республикамызда уларнинг майдони 1 млн.га дан ошиқроқ) ихота дарахтзорларини ташкил этиш асосий тупроқ-мелиоратив чоралардан ҳисобланилади. Кучли жарланган ёки емирилган 300 минг га воҳа ерларида сув эрозияси жараёнларининг олдини олиш учун ўрмон-фитомелиоратив ҳимоя теғраларини ташкил этиш илмий ва амалий жиҳатдан ўз исботини топган. Хуллас, суғориладиган ва қишлоқ ҳужалиги экинлари билан банд бўлган ерларнинг унумдорлигини сақлаб қолиш, агросаноат, агрохизмат ва қишлоқда яшайдиган аҳолининг кундалик фаолиятини барқарорлаштириш мақсадида қишлоқ ҳужалиги мақсадларидаги ер фондида ўрмонлар, дарахтзорлар ( жумладан, ихота дарахтзорлари), кўчатзорлар ташкил этиш экологик тадбирлар кўламига киради.

Ташкил этилган ўрмонлар, дарахтзорлар ва кўчатзорларни суғориш «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 47, 50, 51, 52-моддаларида кўрсатилган қоидалар ва меъёрлар асосида олиб борилади. Уларда ҳам гидромодул районлаштириш асосида ички ва умумий тизимдаги режалар ишлаб чиқилади, тегишли ҳужжатлар тузилади ва ҳудди шундай процессуал тартибда тасдиқдан ўтади.

Жамоа боғлари, экинзорлари ва томорқа ерларни суғоришда сув объектларидан фойдаланиш **иккиламчи даражада сувдан фойдаланиш объекти**, деб қаралади. Лекин ушбу ерларда Республикамызда етиштирилаётган қишлоқ ҳужалик майда товар маҳсулотининг (мева, сабзавот, полиз экинлари, кўкат ва гулларнинг) 80—85 фоизи олинади. Шунинг учун ҳам қонунда иккиламчи даража қилиб белгиланган суғорма ерларни сув билан таъминлаш ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади ва экологик жиҳатдан асосланиши талаб этилади.

Жамоа боғлари ва экинзорлари ҳамда томорқа ерларини сув билан таъминлаш 1993 йил 3 августда қабул қилинган "Сувдан фойдаланиш лимитлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг 11-сонли қарори асосида олиб борилади. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 53-моддасига кўра, бундай ерларни сув билан таъминлаш ҳужаликларнинг сув ажратиш жойларида (ҳужалик тақсимлагичнинг ёки каналнинг бош гидротехника иншоотида) бирламчи сувдан фойдаланувчилар билан шартнома тузиш орқали амалга оширилади.

**Бирламчи сувдан фойдаланувчи қишлоқ ҳужалик кооперативи (ширкат), фермер ва деҳқон ҳужаликлари, илмий ва тажриба муассасала-**

ри ўз ички ҳужалик ва умумий тизимли сувдан фойдаланиш режалари жамоа боғлари ва экинзорлари ҳамда ёрдамчи томорқа ерлари-ни суғориш учун керак бўладиган сув миқдорини курсатиб ўтишлари зарур. Уларда иккаламчи суғорма ерлар майдони, экин турлари, гидромодул районлаштиришда талаб этиладиган ва сув режимини белгиловчи барча меъёрий ҳужжатлар берилиши лозим.

Бирламчи сувдан фойдаланувчи ҳужаликлар, жумладан, қишлоқ ҳужалик кооперативлари (ширкатлар), деҳқон ва фермер ҳужаликлар ҳамда бошқа қишлоқ ҳужалик корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари, фуқаролар ҳужаликлари аҳамиятга молик сув объектларидан сув олишни кўпайтириш ёки камайитириш мақсадида ўз режаларини ўзгартиришлари тақиқланади. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасида курсатилганидек, ушбу иншоотлардан фойдаланувчи субъектлар иншоотларининг хавфсиз даражада ишлашини бузишлари, муваққат тўсиқлар, насос станциялари ва бошқа иншоотларни қуришлари тақиқланилади. Ҳуқуқбузар шахслар эса келтирилган моддий ва маънавий зиённи қоплашлари шарт ҳамда қилмишнинг ижтимоий хавфлиликка қараб, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 55-моддаси, «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига биноан каналлар, тўғонлар, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотлари, тунеллар, турли табиий офат ва техноген фалокатга қарши ўрнатилган гидротехник иншоотлар устидан тракторлар, транспорт воситалари ва чорва молларини ҳайдаб ўтиш тақиқланади. Уларда кўчат ёки экинларни етиштириш мақсадида обикор деҳқончилик қилиш, рухсат этилмаган барча ҳужалик ишларини олиб бориш тақиқланади. Қонунбузар шахслар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 76-моддасига (сув ҳужалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикаслантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш), Жиноят кодексининг 193-моддасига (экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш) биноан юридик жавобгарликка тортиладилар.

2003 йил 1 сентябрда бўлиб ўтган Халқаро Душанба Форумида тоза сув бўйича Марказий Осиё давлатларининг барқарор ривожланиш Ташаббуси қабул қилинди. Унда мазкур минтақада тоза сувдан фойдаланиш ва унга эга бўлишнинг куйидаги асосий вазифалари белгиланиб олинди:

- ✓ 2010 йилда суғориладиган ерлар учун сувдан самарасиз фойдаланишни 20 фоизгача пасайтириш;
- ✓ ичимлик сувидан кундалик истеъмол қилиш меъёрини шаҳарда ҳар бир киши учун 200 литрга, қишлоқда 100 литргача тушириш;

- ✓ водопровод тармоқлари орқали сув таъминотини шаҳарда 99 фоизгача, қишлоқда эса 60 фоизгача кўпайтириш;
- ✓ саноатдан қайтмайдиган сув сарфи салмоғини 30—40 фоизгача камайтириш.

«Сув ва сувдан фойдаланиш туғрисида»ги қонуннинг 25-моддасида Республикамизда сув объектлари, аввало, аҳолининг ичимлик сувига ва маиший эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланишга берилишига алоҳида урғу берилган.

Очиқ сув ҳавзаларидан аҳолини соғломлаштириш ва ижтимоий-маиший мақсадларда сувдан фойдаланиши, яъни дарёлар, куллар, булоқлар, сув омборлари ва бошқалардан махсус иншоотлар ва техник воситаларсиз фойдаланишлари — аҳолининг сувдан умумий фойдаланишлари деб аталади ҳамда у бепул амалга оширилади. Аҳолининг сувдан умумий фойдаланиши энг кўп тарқалган сувдан фойдаланиш тури ҳисобланади ва унга кишиларнинг сувдан ичимлик суви сифатида фойдаланишлари ва уй ҳайвонларининг сувга бўлган эҳтиёжларини қондириши, овқат тайёрлаш, чўмилиш, кир ювиш, хонаки ва маданий ўсимликларга сув кўйиш каби фаолият турлари киради.

Умумий ва махсус сувдан фойдаланиш масаласи кўрилганда, асосий диққат коммунал хўжаликнинг водопровод тармоқларидаги ичимлик ва техник сувдан фойдаланишга қаратилади. Бундай муносабатлар эса фуқаролик ҳуқуқининг предмети ҳисобланади ва у доимо ўзгариб туради. Масалан, пойтахтда водопровод ва канализациялар орқали сувдан фойдаланиш нормаларининг сўнги тарифи Тошкент шаҳар ҳокими аппарати Молия бош бошқармасининг 2003 йил 6 май 478—ТГ—2003 сонли буйруғи билан қабул қилинди ва у 2003 йил 1 июлдан амалга тадбиқ этилди. Мазкур Қарорга биноан аҳоли сувдан водопроводлар орқали фойдаланишлари учун ҳар 1 м<sup>3</sup> га 22 сўм 00 тийин; канализациялар орқали эса 1 м<sup>3</sup> га 10 сўм 50 тийин миқдорида пул тўлайдилар. Аҳолининг сувдан ичимлик ва маиший мақсадларда фойдаланиш учун тўлов миқдорини ўрнатиш жуда мураккаб жараён бўлиб, у бир қатор маиший ва хўжалик ҳолатларни инобатга олган ҳарзда ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ичимлик сувига бўлган эҳтиёжнинг 80% ер ости сувлари ҳисобига амалга оширилади. Ичимлик сувининг умумий истиқболли баҳосининг республика бўйича меъёри 17 км<sup>3</sup> ни ташкил этади. Ҳозирги кунда ўртача йиллик истеъмол қилиш 10 км<sup>3</sup> ни ташкил этмоқда, жумладан, маиший-хизмат зарурати учун 3 км<sup>3</sup> дан кўпроқдир. Келажакда эса бундай имкониятлар янада камаяди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий вилоятларини ичимлик суви билан таъминлаш имконияти етарли даражада, деб бўлмайди. Бундай ҳолат Жиззах ва Қашқадарё вилоятла-

рида ҳам юзага келиши мумкин. Чунки ушбу вилоятларда 1 литр ичимлик суви таркибида сувда енгил эрувчан тузларнинг миқдори 1,5—3 грамм ва ундан ҳам ортиқ миқдорни ташкил этмоқда. Улар экологик хавфсиз ичимлик суви даражасида эмас.

Республиканинг бошқа вилоятларида чучук ичимлик сувининг захираси ҳозирча етарли, лекин улар ҳам камая бормоқда.

Ер ости ва устки сув ресурсларини сақлаш, уларнинг захираларини кўпайтириш учун ерларни мелиорация қилиш ва қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашнинг давлат дастурлари ишлаб чиқилган ва уларни амалга татыбиқ қилишнинг комплекс тадбирлар ражаси ишлаб чиқилмоқда.

Янги ва реконструкция қилинган корхоналар ва бошқа ҳўжалик объектларини жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва ишга туширишда ҳамда сувнинг сифатига салбий таъсир қилувчи янги технологик тизимларни жорий қилишда аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилувчи талабларга риоя қилиш, биринчи навбатда, маиший ва ичимлик сувга бўлган талабни қондириш ўта муҳим масала ҳисобланади. Бунда, албатта, кўйидаги экологик чораларни назарда тутмоқ лозим:

- сув объектларидан фойдаланиш учун олинадиган ва уларга қайтариб ташланадиган оқова сувларни ҳисобга олиш;
- сувни ифлосланиш, турли хил чиқиндилар билан ифлосланиб, унинг йўлини тўсувчи ҳолатлардан муҳофаза қилиш;
- сувнинг салбий таъсирининг олдини олиш;
- ерларнинг намини зарур миқдорда ушлаб туриш ва зах босишдан асраш;
- ерни эрозион жараёнлардан асраш;
- сувларни муҳофаза қилувчи қулай табиий шароитларни ва ер усти ландшафтларини сақлаб қолиш.

Сувнинг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектлар қуриладиган жойларни белгилаб олиш «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, маҳаллий ҳокимият бошқарув органлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш, Санитария назорати, Геология ва минерал ресурслари ҳамда бошқа органлар билан келишган ҳолда ЎзР № 421—1, 25 04. 97— рақамли бошқарув ҳужжатиға мувофиқ олиб борилади.

Сувнинг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни қуриш лойиҳаларини келишиб олиш тартиби давлат экспертизасидан ўтказиш орқали амалга оширилади. Давлат экспертизаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Табиатни муҳофаза қилиш, Геология ва минерал ресурслар ҳамда бошқа давлат органлари билан ЎзР № 421—1, 25.04.02 — рақамли бошқарув ҳужжатиға мувофиқ белгиланади.



Сувнинг буғланиши ва ифлосланиши ёки зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олувчи қурилмалар билан таъминланмаган янги ва таъмирланган корхоналар, цехлар, агрегатлар, коммунал ва бошқа объектларни ишга тушириш Қонуннинг 15-моддасига биноан қуйидаги ҳолатларда ман этилади:

— лойиҳаларда назарда тутилган ерларнинг сув босиши, захланиши, ботқоқланиши, шўрланиши ҳамда тупроқ эрозиясининг олдини олиш тадбирлари амалга оширилмагунча суғориш ва сув билан таъминлаш тизимларини, сув омборлари ва каналларини ишга тушириш;

— тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, сув тўпланадиган ва бошқа иншоотларни қуриб битказмай туриб, зах қочириш тармоқларини ишга тушириш;

— тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ балиқларни сақлаб қолиш қурилмалари бўлмаган сув олиш иншоотларини ишга тушириш;

— тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ тошқин сувлари ва балиқларни ўтказиб юборадиган қурилмалар тайёр бўлмаган гидротехника иншоотларни ишга тушириш;

— ер ости сув заҳиралари тасдиқланмаган гуруҳли сув олиш иншоотларини ишга тушириш;

— сувни тартибга солувчи қурилмалар билан таъминламай туриб ва тегишли ҳолларда санитария муҳофазаси теғраларини белгиламай туриб, сув чиқариш учун бурғиланган қудуқларни ишга тушириш тақиқланади. Шунингдек, сув омборларини тўлатиш, лойиҳада кўрсатилгандек тайёр қилиб қўйиш тадбирлари амалга оширилмагунга қадар сув билан тўлдириш тақиқланади.

Қонуннинг 17-моддасида сув объектларида сувни муҳофаза қилиш теғралари ва соҳил бўйларида қилинадиган ишларни бажариш тартиби ўрнатилган. Унга биноан сув объектларининг соҳил бўйларида сув объектларининг булганиши, ифлосланиши ва камайиб кетишининг олдини олиш; уларнинг мақбул сув режими ва тегишли ҳолатини сақлаб туришга мулжалланган сувни муҳофаза қилиш теғралари ва қиргоқ бўйи минтақаларида муайян теғралар ажратилади.

Сувнинг таркибига таъсир этувчи сув объектларидаги сувни муҳофаза қилувчи зоналар ва қиргоқ бўйларидаги теғраларда қурилиш, ўзан тубини чуқурлаштириш ва портлатиш ишлари, фойдали қазилмалар ва сув ўсимликларини олиш, кабеллар ва бошқа коммуникациялар ўтказиш, дарахтларни кесиш, пармалаш, қишлоқ хўжалиги ишлари ва бошқа хил ишлар ЎзР 421— 1, 25.04.97— рақамли бошқарув ҳужжатлари асосида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ва бошқа органлар билан келишган ҳолда олиб борилади. Сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи барча ишлар қонун талабларига мувофиқ равишда, илмий асосланган меъёр ва қоидалар асосида

қишлоқ хужалиги, ўрмон хужалиги ҳамда коммунал хужалигининг манфаатларини инобатга олган тарзда олиб борилади.

Алоҳида давлат аҳамиятидаги ёки илмий ва маданий қимматга эга бўлган сув объектларидан фойдаланиш Қонуннинг 20-моддасига биноан, қисман ёки тўлиқ ман этилиши мумкин. Чунки, ушбу объектлар ҳар бир давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва экологик хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим элементи ҳисобланилади.

Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларига оид барча дастурларини ҳаётга татбиқ қилиш (жумладан, Қишлоқнинг 2000 йилгача бўлган ижтимоий инфраструктурасининг ривожланиш Дастури, Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва газ билан 1995—2000 йилларга таъминланиш Режаси) ичимлик сувидан фойдаланишни 2001 йилга келиб, қишлоқ жойларда 72 фоизга оширди. XX асрнинг 90-йилларида бу рақам атиги 52 фоизни ташкил этган, холос.

Қонуннинг 43-моддасида ичимлик ва манший мақсадлардан бошқа мақсадларда ер ости сувларидан фойдаланиш, қоидага биноан, ман этилади. Лекин ер усти чучук сув захиралари бўлмаган ҳудудларда Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ, лимит асосида рухсат этилади. Бу рухсатномани Табиатни муҳофаза қилиш, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмиталари органлари томонидан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилиши мумкин.

Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонуннинг 57-моддасига асосан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари табиий офат, авариялар рўй берган тақдирда ва бошқа фавқулодда ҳолатларда, шунингдек, корхона водопровод сувини белгилаб қўйилган миқдордан ошиқ сарф қилиб юборган тақдирда ичимлик сувидан саноат мақсадлари учун фойдаланишни чеклашлари мумкин. Истеъмол суви категориясига киритилган чучук ер ости сувларини ишлаб чиқарувчи техник мақсадлар учун сарф қилиш қатъиян ман этилади. Лекин ер усти сув манбалари йўқ ҳудудларда ичимлик ёки фойдали сувлар даражасига киритилмаган ер ости сувлари (чучук, минерал, термал) белгиланган тартибда техник мақсадларда ишлатилиши мумкин.

Қонуннинг 74-моддасига биноан, сув объектларига оқинди сувларни оқизишга рухсат этилади, агарда улар табиатни муҳофаза қилиш ва санитария назорати органлари томонидан белгилаб қўйилган даражада тозалаб берилса. Қонунда кўрсатилган қоидалар бузилса, оқава сувларни ташлаш чекланади, тўхтатилади ёки тақиқланади. Аҳолининг соғлиғига хатарли ҳолларда, оқинди сувларни ташлаш тўхтатилади ва ҳатто ишлаб чиқариш объекти фаолияти тўхтатиб қўйилиши мумкин.

«Сув бор ерда ҳаёт бор», дейди доно халқимиз. Шунинг учун ҳам уни экологик-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ҳозирги ва келажак авлодларимиз олдидаги бурчимиздир.

**Қайтариш учун савол ва топшириқлар**

?

1. Сув ресурсларини нима учун экологик-ҳуқуқий муҳофаза этиш зарур?
2. Сув объектларига нималар киради?
3. Сувга оид муносабатларда умумий ва махсус давлат бошқарув органларининг функциялари қандай?
4. Сувларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини келтиринг.
5. Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари нималардан иборат?
6. Сувдан фойдаланувчиларга қандай мажбуриятлар юклатилади?
7. Марказий Осиёда сув муаммолари ва уларнинг экологик-ҳуқуқий ечими қандай?
8. Қандай сув объектлардан фойдаланиш Ўзбекистонда халқаро-ҳуқуқий нормалар асосида тартибга солинади?
9. Ичимлик ва маиший хизматда сувдан фойдаланиш бирламчи (приоритет) норма сифатида қаралади.
10. Жиноят кодексида сувга оид ҳуқуқбузарликлар учун қандай санкциялар ўрнатилган?
11. Қишлоқ хужалигида сувдан фойдаланиш талабларини айтиб беринг.
12. Сувдан фойдаланиш меъёрлари борми?

Ер ости бойликлари ер усти бойликларини белгилайди.

Рокфеллер

## XI боб. ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

### 1. ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ

*Ер ости бойликлари нисбий тушунча бўлиб, меъёрий ҳужжатларда у нафақат тупроқ остидаги, балки ер юзаси ва сув объектлари тубида, яъни ер қаърида жойлашган минерал моддалардир. Минерал — ер юзида ва қаърида физик ва кимёвий жараёнлар натижасида вужудга келган, кимёвий таркиби ва физик хусусиятлари жиҳатдан деярли бир хил бўлган жинс (модда)<sup>1</sup>. Шундай қилиб, минералнинг тупроқ ёки тупроқ ҳосил қилувчи она жинсдан фарқи унинг кимёвий таркиби (кимёвий элементлар сони ва унинг ўзаро бирикмаси) ва физик хусусиятлари (сув ва температура режими, катта-кичиклиги, синиши, қаттиқлиги) билан фарқ қилади. Масалан, тошқумир — 97% гача углероддан ва қолгани эса учувчи моддалардан таркиб топган. Иссиқлик бериши 7200—8750 ккал/кг. Оҳақтош — карбонли бирикма, физик хусусиятларидан бири — сувда эрувчанлиги ва унинг натижасида катта миқдорда энергия ажратиб чиқарадиган жинслиги.*

Айрим мутахассислар<sup>2</sup> ер ости бойликларини «ер ости қазилмалари» деб ҳам юритадилар. Лекин бу фикрга тулик қушилиб бўлмайди. Чунки сайёрамизда учрайдиган 3 минг турдан ошиқ минералларнинг атиги 200—300 хил тури инсон фаолиятида «қазилма» бойлик сифатида ишлатилади, холос. Ундан ташқари, минераллар нафақат иқтисодий, балки экологик ва маданий-соғломлаштириш вазифаларини ҳам бажаради.

*Ер ости бойликларининг экологик функцияси — экологик тизимда турувчи, ер устининг табиий фундаменти, тупроқ ва уларни ҳосил қилувчи она жинсларнинг таркиб топшишидаги минерал асоси эканлиги. Минералнинг кимёвий, физик ва биологик емирилиши натижасида она жинслар ҳосил бўлади ва тирик организмларнинг фаолияти натижасида улар тупроққа айланади. Бундай табиий жараён ер ости минералларининг экологик тизимларда иштирок этишини таъминлаб беради.*

*Ер ости бойликларининг иқтисодий функцияси — инсонларнинг кундалик ҳаётидаги (энергетика, қурилиш, sanoat ва ҳ.к. жабҳаларида) моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадидаги минерал хом ашёлиги.*

<sup>1</sup> Энциклопедик луғат. 1-том. — Т.: ЎСЭБР, 1987. — 522-б.

<sup>2</sup> Х. Т. Турсунов. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. — Т.: Саодат РИА, 1997, 5-б.

*Ер ости бойликларининг маданий-соғломлаштириш функцияси — ер қаъри ва минералларнинг фойдали хусусиятларини инсонларнинг дам олиши ва саломатлигини тиклашда ишлатилиши.*

Ер ости бойликларининг ўзига хос томонларидан бири уларни тугалланадиган ва қайта тикланмайдиган табиий ресурслар тоифасига киришидир. Агарда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қайта тикланиш даври бир неча дақиқадан бир неча ўн йилларни, тупроқ — юзлаб йилларни, сув — 10 йилдан 5000 йилни ўз ичига олса, минералларнинг тикланиш даври юз минглаб ёки миллионлаб йилларни талаб этади. Инсоният тарихида бу жараён жуда узоқ муддатли давр бўлгани учун ҳам, биз уларни тикланиш имконияти йўқ ёки тикланмайдиган табиий ресурслар тоифасига киргизамиз.

Бизга маълумки, айрим минераллар (қум, тош, тошқумир ва ҳ.к.) ер усти ва сув остида ҳам учрайди. Лекин уларнинг аксарияти (90% дан ортиғи) ер қаърида учрагани учун ҳам, биз шартли равишда уларни — «ер ости бойликлари» деб атаймиз. Улар нафақат табиий ресурс сифатида, балки табиий бойлик (объект) сифатида ҳам қаралиб, уларни муҳофаза қилиш эса экологик тизимларнинг ҳаракатини сақлаб қолиш демакдир.

Ўзбекистонда ер ости бойликларидан 100 дан ортиғи минерал ресурслар сифатида ишлатилиб келинмоқда. Уларнинг молиявий потенциали 3,3 трлн. йиллик қазиб олишнинг иқтисодий кўрсаткичи 5,5 млрд. АҚШ долларига тенгдир. Шунинг учун ҳам минерал хом ашё бизнинг асосий бойлигимиз ҳисобланади. Улардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деган асарида Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг минерал хом ашё базаси бўлгани ва ундан ўта шафқатсизларча — «таги йўқ бочка» каби фойдаланганликларини алоҳида таъкидлаб ўтган. Натижада улар экологик тизимларнинг бузилишига, «ой ландшафти»га ўхшаш чиқинди моддалар тепаликларини пайдо қилишга, радиоактив хавфли теграларни вужудга келтиришга сабаб бўлганини айтиб ўтган. Эндиликда бундай қайта тикланмайдиган захиралардан қатъий мезон асосида фойдаланиш, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш чоғида исрофгарчиликка йўл қўймаслик керак. Бунинг учун эскирган қайта ишлаш ва қазиб олиш ускуналарини янги технологиялар билан алмаштириш, реконструкция қилиш зарур. Тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта яроқли ҳолга келтириш талабларини амалий қўллаш лозим.

Юқорида келтирилган ва давлатимизнинг ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилишдаги давлат сиёсатини амалга оширмоқ учун, авваламбор, ушбу муносабатларни тартибга солидиган ҳуқуқий-меъорий замин яратмоқ керак. Чунки ёш ва мустақил

Республикамиз эндиликда ўз минерал бойликларига ўзи эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Ун уч йиллик мустақиллик даврида Ўзбекистонда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид бир қатор қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Лекин, бу билан жамиятдаги ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий замини яратилди, деб бўлмайди. Мустақил Республикамиз бозор муносабатларига ўтиб борар экан, табиий бойликлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш узғариб, такомиллашиб бораверади. Энг асосийси, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқий меъёрларни амалиётда қўллаш механизмини тулиқ ишлаб чиқишдир. Акс ҳолда қонунларимиз «тишсиз» бўлиб қолиши ва жамиятда ҳуқуқий негилизм ҳолати вужудга келиши мумкин.

*Ер ости бойликларининг ҳуқуқий ҳолати — ер ости бойликларини муҳофаза қилиш, минерал хом ашёдан ўта самарадорлик билан фойдаланиш ва бунинг натижасида бузилган табиий комплексларни қайта тиклашда юзага келадиган муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши.*

Ўзбекистон Республикасида ер ости бойликларининг ҳуқуқий ҳолати Конституцияда белгиланган императив нормалар ва унинг асосида ишлаб чиқилган умумлаштирилган нормалар (Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида, Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида...), кодификацияланган (Ер кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Фуқаролик кодекси...) ва ихтисослаштирилган (Ер ости бойликлари тўғрисида, Концессиялар тўғрисида...) қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

*Ер ости бойликларидан ҳуқуқий фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир ижтимоий муносабатлар ушбу ҳуқуқ тармоғининг предмети*дир. Ер ости бойликларини ҳуқуқий тартибга солиш мазмуни рухсат берувчи, олдини олувчи ва тақиқловчи ҳуқуқий меъёрлар орқали уларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан ўта самарадорлик билан фойдаланишдир.

## 2. ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗАЛАШНИНГ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЛАБЛАРИ

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофазалашнинг экологик-ҳуқуқий талаблари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50, 54 ва 55-моддаларида императив шаклда ўз аксини топган. Уларга биноан, ҳар бир фуқаро ёки мулкдор атроф табиий муҳитга (жумладан, ер ости бойликларига) нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиши ва улардан оқилона фойдаланиши зарур. Ушбу шартлар кенгайтирилган тарзда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда берилган бўлиб, унга мувофиқ (18-модда) ер ости бойликларидан юри-

дик ва жисмоний шахслар қуйидаги экологик талаблар асосида фойдаланишлари мумкин: қазилма бойликларни қазиб олишда минерал хом ашёдан комплекс ва оқилона фойдаланиш таъминланса; атроф табиий муҳит ва ер ости бойликлари ифлосланишининг олди олинса; фойдаланилган ер участкаларини рекультивация (қайта тиклаш ёки бузилган ерларни қайта маданийлаштириш ишлари) қилинса; қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан табиий қайта тикланишга эришилса.

*Умумлаштирилган экологик-ҳуқуқий талаблар ихтисослаштирилган ҳолда* янги таҳрирдаги<sup>1</sup> 2002 йил 13 декабрь «Ер ости бойликлари» ва 1995 йил 30 августдаги «Концессиялар тўғрисида»ги қонунларда ўз аксини топган ва улар қуйидагилардан иборат:

- \* тоғ-кон саноатидаги ишларни (қидирув, ковлаш ва рекультивация қилиш) ер қаъридан фойдаланиш лойиҳасига мувофиқ олиб бориш ва уни экологик экспертизадан ўтказиш;
- \* ер қаърини тула-тукис урганиш, ер ости бойликларидан оқилона ва комплекс фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш;
- \* конларнинг фойдали қазилмалар мўл участкаларини танлаб ишлатиш, минерал хом ашё қазиб олиш ва уни қайта ишлашда фойдали қазилмаларнинг нормативдагидан ортиқ нобудгарчилигига йўл қўймаслик;
- \* ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг зарарли таъсиридан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш;
- \* ер ости бойликларидан фойдаланиш чоғида бузилган ер участкаларини улардан кейинчалик бошқа мақсадларда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш;
- \* ичимлик суви сифатида фойдаланиладиган сув тўплаш ва ер ости сувлари тўпланадиган майдонларда тоғ-кон саноати ва маиший чиқиндиларнинг йиғилиб қолишига йўл қўймаслик;
- \* алоҳида илмий ва маданий қимматга молик ер ости бойликлари участкаларини давлат қуриқхоналари ёхуд табиат, ёки маданият ёдгорликларига мўлжаллаб ажратиб олиш;
- \* чет эллик инвесторлар ер ости бойликларидан фойдаланиш давомида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ишларни экологик жиҳатдан бехатар олиб боришлари ҳамда ер усти ёхуд ер ости участкаларини босқичма-босқич бехатар қилиб қайтариб беришлари ва қонун-ҳужжатларда назарда тутилган бошқа экологик-ҳуқуқий чора-тадбирларни олиб бориш.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдаги экологик-ҳуқуқий талаблар бевосита ёки билвосита «Чет эл инвестициялари», «Мулкчилик», «Сув ва сувдан фойдаланиш», Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш

<sup>1</sup> Эски таҳрирдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган.

тўғрисида»ги қонунлар, Ер кодекси, Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кончилик ташлама-ларини фойдали қазилма конлари ишлаб чиқиш учун бериш тартиби тўғрисида», «Қазиб олинган ва қазиб олиш жараёнида йўқотилган фойдали қазилмаларнинг захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчилар ҳисобидан ўчириш тартиби тўғрисида», «Фойдали қазилмаларни ишлаб чиқиш пайтида ер ости бойликларини муҳофаза қилишнинг ягона қоидалари»га бағишланган қарорларда акс эттирилган.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган ер остидаги бойликлардан фойдаланишдаги экологик-ҳуқуқий талабларнинг моҳияти ва вазифаларига кўра 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) ер ости бойликларини тулиқ ва комплекс ҳолда ўрганиш орқали уларни ишлатиш ёки консервация қилиш орқали муҳофазалаш;
- 2) минерал хом ашёларни қидириш, қазиб олиш ва рекультивация қилишни фақатгина ихтисослаштирилган давлат органлари назоратида олиб бориш ва уларни амалга ошириш давомида атроф табиий муҳитнинг бошқа объектларига зарар етказмаслик;
- 3) ишлатилган конларни ёки уларни эксплуатация қилиш давомида ер участкаларини ўз вақтида рекультивация қилиб бориш;
- 4) ноёб турдаги минерал бойликларни ва уларнинг комплексларини алоҳида муҳофаза қилиш тартибини ўрнатиш.

### 3. КОНЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамаойилидан бири — давлатнинг бош ислохотчилигидир. Давлат ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб берар экан, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳозирги замон талабларига мос тушадиган сиёсий йўлини ишлаб чиқиши ҳамда уни изчиллик билан амалга ошириши керак. Чунки «ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ҳозирги бозор — давлат томонидан тартибга солиб туриладиган бозордир»<sup>1</sup>.

Кончилик муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш вазифалари Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг II бобига биноан қуйидагилардан иборат:

- ✓ ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ва муҳофаза қилиш, минерал ресурслардан оқилона, комплекс фойдаланиш, улар билан боғлиқ бўлган ишларни бехатар юритишга доир меъёрлар ва қоидаларни белгилаш;
- ✓ минерал хом ашё базасини ривожлантиришни таъминлаш;

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. — Т.: «Ўзбекистон». 1994. — 37-б.



- ✓ фойдали қазилмаларнинг асосий турларини қазиб олишнинг ҳозирги пайтдаги ва истиқболга мўлжалланган ҳажмларини белгилаш;
- ✓ ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўловларни белгилаш ва ундириш;
- ✓ ер ости бойликлари кадастрини ўтказиш, мониторингини олиб бориш;
- ✓ ер ости бойликларини муҳофазалаш ва улардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини ўрнатиш ва ҳ.к.

Юқориди санаб ўтилган вазифаларни бажаришда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлат органларининг ўзи тўғрисидаги қонунлар ёки низомларига мувофиқ кончилик муносабатларини тартибга солиб туради. Уларнинг ваколатлари моҳияти ва мазмунига кўра 2 катта гуруҳга: умумий ва махсус бошқарув ваколатидаги давлат органларига ажратилади.

**Умумий бошқарув ваколатидаги давлат органларига** Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари киради. **Махсус давлат бошқарув органлари** ўз навбатида — комплекс, соҳалар ва функционал бошқарув органларига ажратилади.

Ер ости бойликларининг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Конституциямизнинг 78-моддаси ва 1994 йил 22 сентябрдаги ўзи тўғрисидаги конституциявий қонуннинг 4-моддасига биноан **Олий Мажлис** қуйидаги ваколатларга эга:

- ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонунларни ишлаб чиқади, қарорлар қабул қилади ва уларнинг ижросини назорат қилишни ташкиллаштиради;
- унга ҳисобот берувчи Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси орқали ер ости бойликларидан фойдаланишда экологик хавфсизликни таъминлашнинг комплекс назоратини тартибга солиб туради;
- давлатнинг ер ости минерал хом ашё базасидан фойдаланиш дастурларини қабул қилади, бу борада ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини тасдиқлайди;
- минерал ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларни жорий қилади ва уларга оид имтиёزلарни белгилайди;
- кончилик саноатини ривожлантириш бўйича бюджет харажатларини қабул қилади;
- ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича битимларни ратификация (тасдиқлайди) ҳамда денонсация (барвақт тўхтатади) қилиш каби ишларни амалга оширади.

Олий Мажлис томонидан 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири Республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришда тоғ-кон саноатига чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг ҳуқуқий асосини яратди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ, **Президент** — ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасидаги ички ва халқаро сиёсатни белгилайди; ушбу соҳадаги ишлар фуқароларнинг экологик хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмаслигига кафиллик беради; ер ости минерал хом ашёдан фойдаланиш ва унинг муҳофазасига доир қонунларни имзолайди ҳамда фармон, фармойиш ва қарорлар қабул қилади; экологик талафот кўрган тоғ-кон саноатининг ҳудудлари бўйича фавқулодда ҳолат жорий этади ва шу каби бошқарув масалаларни ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамаси** давлатимизнинг ижро этувчи органи сифатида Конституциямиз, ўзи тўғрисидаги ва Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 8-моддасига кўра, бир қатор ўта муҳим вазифаларни бажаради:

- ✓ ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонунлар ижросини таъминлайди;
- ✓ ер ости бойликлари кадастрини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- ✓ кончилик ва у билан боғлиқ бўлган инқирозли ҳолатни барта раф этади, ер остида бўлаётган табиий офатларнинг (эндоген жараёнларни) келиб чиқиш сабабини аниқлайди ҳамда уларнинг экологик хавфсизлик даражасини таъминлашнинг чоратадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- ✓ ер ости бойликларидан самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ҳамда қайта тиклаш (рекультивациялаш) бўйича тарғибот, ўқув, таълим ва малака оширишни йўлга қўяди;
- ✓ минерал хом ашёлардан фойдаланиш тартибини тасдиқлайди ва шунга ўхшаш ўз ваколати доирасида фаолият юритади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги «Кончилик ташла-маларини фойдали қазилма конларини ишлаб чиқиш учун бериш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида «Зарафшон — Ньюмонт», «WMC Зормитан ЛТД», «Ньюмонт — Ўзбекистон ЛТД — Мицун» каби қўшма корхоналар совет давридан қолган кончилик чиқитларини қайта бойитиш орқали турли қимматбаҳо рангли металлларни олмоқдалар. Чет эл фирмаларининг 15 йиллик муддатда ва қулай ҳуқуқий негизда ишлаши тоғ-кон саноатига юқори унумдорликка эга бўлган технологияларнинг кириб келишига сабаб бўлмоқда.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида кончилик муносабатларини тартибга солишда, собиқ Иттифоқдан тубдан фарқли ўларок,

*маҳаллий давлат бошқарув органларининг* фаолиятида тулақонли намоён бўла бошлади. Конституциямиз, «Маҳаллий давлат ҳокимияти ва Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ улар шаҳар, туман ва вилоят аҳамиятига молик бўлган кончилик муносабатларини тартибга солишда фаол иштирок этмоқдалар. Улар:

- \* ер ости ва усти минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш, уларни экологик хавфсизлик даражасини таъминлаш бўйича ҳудудий бошқарув дастурларни ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар;
- \* ер ости бойликлари кадастрини ва мониторингини амалга оширадилар ҳамда уларга биноан маҳаллий тўловларни ундириб оладилар;
- \* кончилик саноатидан чиққан чиқитларни ташлаш, кўмиш учун рухсатномалар берадилар ва уларни бекор қиладилар;
- \* маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қурилиш, тоғкон саноати корхоналарининг экологик фаолиятини назорат қиладилар ва асосли равишда уни тўхтатиб қўядилар ҳамда Конституцияга ва бошқа қонунларга зид бўлмаган ҳуқуқий-экологик тадбирларни олиб борадилар.

*Давлатнинг ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишдаги махсус ваколат тизимидаги комплекс бошқарувни Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш инспекцияси, Фавқулодда ҳодисалар бўйича вазирлик олиб боради.* Ушбу давлат органлари мулк шаклидан қатъи назар, ер ости бойликларидан фойдаланилаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятларини инсон саломатлиги ва атроф-муҳит ҳолатига безарар олиб бораётганларини бошқариб ва назорат қилиб туради.

Бизларга маълумки, ер ости бойликларидан бир қатор халқ ҳужалиги соҳаларида ҳам фойдаланадилар. Шунинг учун ҳар бир соҳада ўзининг бошқарув ва назорат бўлинмалари мавжуд бўлиб, давлатнинг махсус бошқарув органларига ёрдам бериш учун улар махсус кўринишдаги *соҳавий бошқарув* ваколатига эгадирлар. Уларга *Ўзсаноатқурилиш, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Мудофаа, Автомобиль йўллари вазирликлари* каби давлат органлари киради.

Давлат бошқарув органларининг махсус бошқарув тизимида *функционал* ваколатга эга бўлган давлат идораларининг ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солишдаги аҳамияти каттадир. Масалан, алоҳида муҳофаза қилишга молик тоғ саноатига қарашли объектларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳарбийлаштирилган идоралари томонидан қуриқла-ниши, улардаги ҳўжалик ишларининг бехатар олиб борилишига ва

оқибатда, экологик инқирозли ҳолатнинг олдини олишга олиб келмоқда. *Давлат стандартлаштириш ва метеорология қўмитаси* ўз функционал вазифасига кўра, минерал хом ашёларни қидириш ва қазиб олишларнинг халқаро экологик стандартларга мос келишини тартибга солиб туради. *Солиқ инспекцияси* эса ўз ваколати доирасида ер ости ва усти минерал бойликларидан фойдаланганлик ёки бу фойдаланиш давомида атроф-муҳитни ифлослантирганликлари учун хўжалик юритувчи субъектлардан солиқлар ва тўловларни ўз муддатида ундириб олиши орқали табиатга етказилган зарарни молиявий қоплашга имкон яратади. *Ҳуқуқни муҳофаза қилиш давлат идораларининг* функционал бошқарув вазифалари ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қонунчилиги бузилишининг профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда кончилик қонун ҳужжатларини бузганларга нисбатан жазо чораларини қўллашдан иборатдир.

#### 4. ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ

*Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (республика аҳамиятига молик объектлар учун) лицензия (рухсатнома)си асосида юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин.* Ер ости бойликларидан фойдаланиш муддатлари «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига мувофиқ *муддатли ва муддатсиз* бўлиши мумкин. Агарда фойдаланиш муддати олдиндан белгиланиб қўйилмаган бўлса, у муддати чекланмаган ҳисобланади. Аксинча, агарда ер ости бойликларидан фойдаланиш лицензияда белгилаб қўйилган бўлса — чекланган бўлади. Масалан, чет эл юридик ва жисмоний шахсларга «Концессиялар тўғрисида»ги қонуннинг 3, 15, 17-моддаларига биноан танлов ва аукцион ўтказиш орқали 15 йил муддатга, Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ер ости бойликлари фойдаланиш учун берилди. Заруриятга қараб бу муддат муайян даврга, лекин 15 йилдан оширмаган тарзда, узайтирилиши мумкин.

*Ер ости бойликларидан фойдаланишнинг олти тури мавжуд:*

- 1) геологик жиҳатдан ўрганиш;
- 2) фойдали қазилмаларни ковлаб олиш;
- 3) техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш;
- 4) фойдали қазилмалар билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш; чиқиндиларни сақлаш ва кўмиб ташлаш;
- 5) алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо қилиш;
- 6) нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябон материалларни тўплаш.

*Геологик ўрганиш учун бериб қўйиш* Қонуннинг 25-моддасида белги-ланган тартибда тасдиқланган ер қаърини геологик ўрганиш лойиҳа — схема ҳужжатларига биноан амалга оширилади. Ер қаърини геоло-гик жиҳатдан ўрганишга доир экологик экспертиза талаб қилмайди-ган ишлар рўйхати Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси то-монидан тасдиқланади.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи махсус лицензия-лар асосида амалга оширилади. Бунинг учун ер ости минерал бой-ликлардан фойдаланиш мақсади, кон жойлашган майдон, техно-ген ҳосилалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган корхона лойи-ҳалари, қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш, зарарли моддалар, радиоактив чиқинди-ларни ва ишлаб чиқариш чиқитларини жойлаштириш ҳуқуқлари бўлиши лозим.

Юридик ва жисмоний шахсларга ер ости бойликларидан фойда-ланишнинг бир йўла бир неча тури учун лицензиялар берилиши мумкин. Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган лицензия Ер ко-дексининг 17-моддасига мувофиқ ер ости бойликларидан фойдала-нувчилар учун ер участкасини ажратишга асос бўла олади. Кон аж-ратмалари Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб бори-лишини назорат қилиш инспекцияси томонидан берилади.

*Фойдали қазилма конларини тажриба-саноат йўсинида ишлатиш* (нефть ва газ конлари бундан мустасно), ер ости чучук сувларини чиқариб олиш, нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтоло-гик қолдиқларни ва бошқа коллекциябоп геологик материалларни тўплаш учун лицензияга мувофиқ бериб қўйиладиган ер ости бой-ликлари участкарига кон ажратмаси талаб қилинмайди.

*Геология ва қидирув ишлари* молиявий таъминланган юридик ва жисмоний шахслар қидириб топилган конни ишлатиш учун лицен-зиялар олишда мутлақ ҳуқуққа эгадирлар.

*Ҳужалик ва рўзғор эҳтиёжлари учун* фойдаланишга ер ости бой-ликларини бериб қўйиш «Ер ости бойликлари тўгрисида»ги қонун-нинг 31-моддаси билан алоҳида белгилаб қўйилган. Унга биноан маҳаллий ҳужалик аҳамияти учун зарур минерал хом ашё ва ер ости сувларини қазиб олиш, ер ости иншоотларини қуриш Вазирлар Маҳкамасининг махсус лицензиясиз, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш учун тайёрланган лойиҳа-лар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг экспертизаси-дан ўтиши лозим.

Аҳоли пунктларида, шаҳар атрофидаги яшил зоналарда, саноат, транспорт, алоқа объектлари, ер ости минерал сувларини чиқариб олиш зоналарида ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар

доирасида ер қаърининг айрим участкаларидан фойдаланиш чеклаб ёки тақиқлаб қўйилиши мумкин.

Ер ости бойликларидан фойдаланувчилар «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 32—33-моддаларига мувофиқ бир қатор ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эгадирлар.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тухтатиб туриш ва тугатиш «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 34-моддасида кўрсатилган ҳолларда ва Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

### Қайтариш учун савол ва топшириқлар

?

1. «Ер ости бойликлари» иборасини тушунтириб беринг.
2. Нима учун ер ости бойликларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш зарур?
3. Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги эски ва янги таҳрирдаги қонунларнинг асосий фарқи нимада?
4. Концессия шартномаси қандай шартнома ҳисобланади?
5. Ер ости бойликларидан фойдаланишни қандай давлат органлари назорат қилади?
6. Кончилик муносабатларига қандай ижтимоий муносабатлар киради?
7. Чет эл инвеститорларига миллий минерал бойликлардан фойдаланишда қандай имтиёзлар берилади?
8. Ер ости бойликларидан фойдаланувчиларга қандай экологик-ҳуқуқий талаблар қўйилади?
9. Ер ости бойликлари қонунчилигини бузганлик учун қандай жавобгарликлар мавжуд?

Инсонлар табиат қонунларига буйсинадилар, ҳаттоки унга қарши борганларида ҳам.  
И. В. Гёте

## ХII боб. ЎСИМЛИК ДУНЁСИНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

### 1. ЎСИМЛИК ДУНЁСИ ВА УНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ

Ўсимлик дунёси тирик организмлар қаторидан жой олган ҳолда экологик тизимларда ўз ўрнига ва аҳамиятига эга. Авваламбор, у тирик организмлар, хусусан, инсон учун ўта зарур кислород ( $O_2$ ) ишлаб берувчи манба ҳисобланади. Ўсимликлар инсон ва ҳайвонот дунёсини фотосинтез жараёни орқали органик озуқа билан таъминлайди (180 млрд. тонна йилига). «Яшил дўстларимиз» атмосфера ҳавосидаги  $CO_2$  ни ютиб, ўзидан  $O_2$  чиқариш ҳисобига, ундаги  $CO_2$ :  $O_2$  ўртасидаги мутаносибликни ушлаб туради. Маълумотларга кўра ўсимлик дунёси йилига 20—30 млрд. тонна углерод ютар экан.

Инсон ўз ҳаёти давомида ўсимлик дунёсига ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Кишиларнинг ижобий таъсири табиий ўсимликлар ўсадиган шароитларни муҳофаза қилиш, йўқолиб кетётган турларини кўпайтириш, маданий ўсимликлар майдонини кенгайтириш, шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш ва ҳоказо. Кишиларнинг ўсимлик дунёсига салбий таъсири — яйлов ва ўрмон майдонларини саноат, транспорт, шаҳар ва қишлоқларга айлантириш, атроф-муҳитни ифлослантириш орқали ўсимликларнинг яшаш муҳитини инқирозий ҳолатга олиб келиш, маданий-оқартув эҳтиёжларни қондириш учун уларни топтаб, юлиб ва кучириб ташлаш кабилар.

Маълумотларга кўра кейинги 200 йил мобайнида ўсимлик дунёси роппа-роса икки баробарга қисқарди. Ундан фойдаланувчи инсонлар сони эса бир неча 10 баробарга кўпайди ва ҳозир 6 млрд. кишидан ортиб кетди. Ер қуррасида учрайдиган 600000 турдан ортиқ ёввойи ўсимлик турларидан Ўзбекистонда бор-йўғи 4000 тури учрайди, холос. Ўсимликларнинг ҳар бирини ўзига хос морфологик ва морфометрик хусусиятлари бор ва табиий ландшафтларга қараб, уларнинг тарқалиш қонуниятлари аниқланади. «Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби»дан олинган маълумотларга кўра<sup>1</sup> кейинги 14 йил ичида 138 тур ёввойи ўсимликлар ноёб ва йўқолиб

<sup>1</sup> Красная книга Узбекской ССР. Том II. Растения. — Т.: «Фан», 1984.; Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. 4-том. Ўсимликлар. — Т.: «Chinor ENK», 1998.

кетиш хавфи остидаги турлар қаторидан жой олди. 1984 йилда уларнинг сони 163 га бўлса, 1998 йилга келиб 301 тагача кўпайди.

Юқорида келтирилган салбий жараёнларга мисоллар инсонларни ва айниқса, давлатларни «яшил дўстларимиз» олдидagi масъулиятни оширишга ундайди. Барча ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаолиятлар вазифасини усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан ўта самарадорлик билан фойдаланиш кўндаланг қилиб кўяди.

Усимлик дунёсини муҳофаза қилишда унинг бир қатор ўзига хос хусусиятларига эътибор қилиш лозим:

*Биринчидан* — усимликлар тунроқда, ер устида, ер остида ва сувда учрайди.

*Иккинчидан* — уларнинг маданий ва ёввойи турлари мавжуддир.

*Учинчидан* — ёввойи усимликлар икки тоифага — ўрмон ва ўрмон ташкил этмаганларга ажратилади. Усимлик дунёсини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этиш йўллари айнан шу 3 хил хусусиятларга эътибор берган тартибда олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги 139-сонли қарори билан тасдиқланган «Биологик ранг-барангликни сақлаш бўйича миллий стратегия ва ҳаракатлар режаси» да усимлик дунёсини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш устувор йўналишлар қаторидан жой олган. Зеро, усимлик дунёси фуқароларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш манбаи экан, давлат ушбу ҳуқуқларни таъминлашнинг кафили сифатида махсус қонунлар қабул қилиш ва унинг ижросини таъминлашни бирламчи масала қилиб қўймоқда.

## 2. УСИМЛИК ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗАЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ

Усимлик дунёси Ўзбекистон Республикасида Экология ҳуқуқининг мустақил объекти сифатида эътироф этилган. Шунинг учун ҳам 1997 йил 26 декабрда Олий Мажлиснинг 1-чақириқ X сессиясида «Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги махсус қонун (қўйида Қонун деб юритилади) қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг 1-моддасига биноан *усимлик дунёси объекти бўлиб табиий шароитда ўсадиган, такрор етиштириш ва генетик фондини сақлаш учун экиб ўстириладиган ёввойи усимликлар ҳисобланади*. Айнан ана шу турдаги усимликларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга оид муносабатлар экологик-ҳуқуқий муносабатлар тоифасига киритилади.


Ўрмонлар Экология ҳуқуқининг мустақил объекти сифатида алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар мазкур рес-



публиканинг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Агарда ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларда иштирок этса ва уларда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, унда халқаро шартнома нормалари устуворликка эга.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш вазифалари 19-расмда кўрсатилган бўлиб, у қонун ҳужжатлари орқали флоранинг тур бўйича таркибини ва генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш учун хизмат қилади.



19-расм. Ўсимлик дунёси объектлари ва уни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш вазифалари.

Ўзбекистон Республикасида ўсимлик дунёси давлат мулки — умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир (Қонун, 3-модда).

*Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус йўналишда олиб борилади.* Умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун бепул амалга оширилади. Қонуннинг 7-моддасига кура, жисмоний шахслар чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотини тайёрлаш ва чорва молларини ўтлатиш каби ҳуқуқларга эгадирлар.

Ўсимлик дунёсидан махсус фойдаланиш юридик ва жисмоний шахсларни ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун ҳақ эвазига рухсатномалар асосида бериб қўйишдир. Махсус фойдаланиш Қонуннинг 7-модда 4-қисмида берилган бўлиб, уларга: овчилик ҳужалиги эҳтиёжлари; техник ва доривор хом ашёни тайёрлаш; озиқ-овқат мақсадлари учун тайёрлаш; дарахт ва буталарни кесиш; илмий-тадқиқотлар олиб бориш; маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш; табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланиш каби фаолият турлари киратилади.

Солиқ кодексининг 31-моддасига мувофиқ, ўсимлик дунёсидан фойдаланишда, янги ташкил қилинган деҳқон ва фермер ҳужаликлари икки йил муддатга, илмий-тадқиқот ва экологик вазифаларни бажарувчи ташкилотлар, маданий-маърифий, тарбиявий ва соғломлаштириш мақсадларини кўзлаган нотижорат юридик шахс мақомидаги жамоа уюшмалари эса тегишли ҳақ тўлашдан озод қилинадилар.

*Ўсимлик дунёсини доимий ва вақтинча (узоқ муддатли — 10 йилгача, қисқа муддатли — 3 йилгача) фойдаланишга бериб қўйилади.* Фойдаланиш нормативлари (Қонуннинг 9-моддасига биноан) Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Республика Фанлар академияси билан келишилган ҳолда ҳамда Қишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги томонидан белгиланади.

*Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар Қонуннинг 10-моддасига кўра қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:*

- бериб қўйиш шартларига мувофиқ фойдаланиш;
- белгиланган тартибда олинган маҳсулотни тасарруф этиш;
- бузилган ҳуқуқларини тиклатиш ва етказилган зарарни қоплатиш.

*Уларга қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:*

- ◆ белгиланган қоидаларга риоя этиш;
- ◆ оқилона фойдаланиш;
- ◆ муҳофаза қилиш ва такрор етиштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- ◆ ёнғин хавфсизлигига риоя этиш, унга қарши чоралар кўриш ва ёнғин чиққан тақдирда уни ўчириш чораларини кўриш;
- ◆ фойдаланганлик учун ўз муддатида ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятга эгадирлар.

Давлатнинг сиёсий, экологик ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш алоҳида бир табиий, техноген ва бошқа хавфсизлик ҳолатлари юзага келган ҳолда, фойдаланувчиларнинг фаолияти давлатнинг умумий ва махсус ваколатланган органлари томонидан чеклаб қўйилиши, тўхтатиб турилиши ёки ман этилиши мумкин.

Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, алоҳида муҳофаза этиладиган айрим табиий ҳудудлар (кўриқхона, кўриқланадиган зоналар, табиат ёдгорликлари)да ўсимлик дунёсидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Қизил китобга киритилган ўсимликлардан фойдаланиш ман этилади. Лекин Қонунда Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан ноёб ва йўқ бўлиб кетаётган ўсимлик дунёсидан фойдаланиш, улар билан савдо қилиш, четга олиб кетиш амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолатда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тақдимномаси ва Фанлар Академиясининг хулосаси керак бўлади.

Ўсимлик дунёсидан фойдаланувчи шахсларнинг умумий ва махсус турдаги фойдаланиш тартиби Қонуннинг 12—18-моддаларида батафсил кўрсатиб ўтилган.

Ҳўш, қандай ҳолларда шахсларнинг ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинади? Унга Қонуннинг 19-моддасида ҳамда бошқа экологик меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган ҳолатлар асос бўлиши мумкин. Масалан:

- ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечилганда;
- белгиланган фойдаланиш муддати тугаганда;
- юридик шахс фаолияти тугатилганда;
- ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни такрор етиштириш қоидалари, нормативлари ва бошқа талаблари бузилганда;
- ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун ҳақ белгиланган муддатда тўланмаганда;
- фойдаланиш таъсирида табиий ўсимликлар туркумида аслига қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар хавфи туғилганда;
- ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда ва ҳоказо.

Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартиби замон талабига мос равишда доимо ўзгариб, такомиллашиб ва ривожланиб бориши табиий ҳолдир.

### 3. ЎСИМЛИК ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланиш, албатта, бир пайтнинг ўзида, юридик ва жисмоний шахслардан, уларни муҳофазалаш чора-тадбирларини қўллашни талаб этади. Ўсимлик дунёсини муҳофазалаш чора-тадбирлари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ва «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 20—24-моддаларида кўрсатилган меъёрлар ва қоидалар асосида олиб борилади. Ушбу *экологик-ҳуқуқий чора-тадбирлар* қуйидагилардан иборат:

*\* санитар-экологик, иқтисодий, маърифий-маданий аҳамиятга молик бўлган ўсимликларнинг тарқалиш майдони (ареали) ва уларнинг миқдорини тартибга солиш.*

Улар шудгорлар, пичанзорлар ва яйловларда табиий суръатларда босиб кетадиган заҳарли, гиёҳванд моддаларни, карантиндаги ўсимликлар, бегона ўтлар ҳамда бошқа ёввойи ўсимликларнинг тарқалиши ва уларнинг миқдорини тартибга солиш ва ўзга табиат объектларига зарар етказмаслик, ўсимлик жамоалари ва улар ўсадиган муҳитнинг сақланишини таъминлайдиган усуллар билан амалга оширилади.

Тарқалиши ва миқдори тартибга солиниши лозим бўлган ёввойи ўсимликларнинг турлари, шунингдек, тартибга солиш қондаси махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан Фанлар Академиясининг хулосалари асосида белгиланади.

1995 йил 31 августда қабул қилинган «Ўсимликлар карантини» ва 2000 йил 31 августдаги «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг асосий вазифаларига, халқ хўжалигига катта зарар етказиши мумкин бўлган, четдан турли йўллар билан кириб келадиган бегона ўтлардан муҳофаза қилиш ҳам киради. Мазкур Қонунлар ёввойи ўсимликларнинг нормал ўсиши ва ривожланишини таъминлаш мақсадида нафақат бегона ўтлар, балки ўсимлик касалликлари ва ҳайвонот дунёсига оид зараркунандалардан ҳам муҳофаза қилиш нормаларини белгилайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонла Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳузурида Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси ташкил этилган ва унга ёввойи турдаги ўсадиган ўсимликларни муҳофаза қилиш ваколати топширилган.

*\* Ёввойи ўсимликларни бошқа жойга кўчириш ва дурагайлаш (ирсий хусусиятлари турлича бўлган ўсимликларни чапиштириш).*

Ўсимликларнинг янги турларини ёввойи флорага кўчириш ва ёввойи ўсимликларни дурагайлаш Фанлар Академияси ва Ўсим-

ликлар карантини бош бошқармасининг хулосаси асосида чиқарилган Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига биноан, фақатгина илмий тадқиқот ва хўжалик мақсадларда, белгиланган тартибда йул қўйилади.

\* *Ботаника коллекцияларини тўплаш* фақатгина давлат ҳисобидан ўтказилади ва илмий, маданий-маърифий, ўқув-тарбиявий ёки эстетик мақсадларни кўзлаган ҳолда амалга оширилади. Ботаника коллекцияларини тўплаш махсус рўхсатномалар асосида юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. Унинг эгалари Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан тасдиқланган ҳисобга олиш, тўлдириб бориш, асраш, сотиб олиш ва сотиш, жўнатиш, чет эллардан олиб кириш ва уларга олиб чиқиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институтида бир миллиондан зиёд ўсимлик нусхаларига эга бўлган гербарий бор. Унда нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёдан келтирилган ва давлат томонидан муҳофаза этиладиган флора коллекцияси тўпланган.

\* *Ўсимлик дунёсининг объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни такрор этиштириш қоида ва меъёрларини замон талабига мос равишда ишлаб чиқиш.*

\* *Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимлик дунёсининг тарқалиш ареалини ёки ўсиш шароитларини алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни яратиш орқали амалга ошириш.* Яъни, ноёб ва йўқ бўлиб кетаётган ўсимлик дунёси объектларида кўриқхона, буюртма кўриқхона, биосфера кўриқхонаси каби хуқуқий мақомдаги муҳофаза теғраларини барпо этиш.

\* *Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишни чеклаш ва тақиқлаш.*

\* *Давлат ва жамоат назоратини ва экспертизасини кучайтириш, тегишли юридик санкцияларни хуқуқбузарларга нисбатан қўллаш механизминини яратиш.*

\* *Илмий-тадқиқот, маърифий-маданий, ўқув-услугий ишларни талаб даражасида йўлга қўйиш ва ижобий натижаларни оммалаштириш ва ҳоказо.*

Бизнингча, ҳар бир табиий объектларни, хусусан, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишнинг экологик-иқтисодий, экологик-хуқуқий, экологик-ижтимоий, экологик-сиёсий механизмларини яратиш айти мундодир.

#### 4. ЎСИМЛИК ДУНЁСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ НАЗОРAT ҚИЛИШ ВА ЖАВОБГАРЛИК

*Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун давлатнинг флористик кадастр-мониторинг-назорат-экспертиза тизимини йўлга қўйиш талаб этилади.* Ушбу талаб нормалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, Экологик экспертиза тўғрисидаги, Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги умумлаштирилган ва ихтисослаштирилган қонунларда белгиланган.

Масалан, *ўсимлик дунёси объектларининг кадастри* ушбу экологик назоратлаш тизимининг биринчи бўғинига кириб, уни олиб бориш тартиби 2000 йил 19 декабрда қабул қилинган «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ўрнатилгандир. Ушбу Қонуннинг 5-моддасига биноан ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастрлар тизимидаги алоҳида бир баҳолаш объекти ҳисобланади.

Ўсимлик дунёси объектларининг кадастри Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан умумлаштирилади ва унда ўсимлик дунёсига оид барча иқтисодий, ҳуқуқий, табиий, информатик ва картографик материаллар берилган бўлади. Кадастр маълумотлари давлат органларига бепул, юридик ва жисмоний шахсларга эса ҳақ эвазига берилади.

Кадастр маълумотларига асосланган тарзда *ўсимлик дунёсининг мониторинги* олиб борилади. Ўсимлик дунёсидан фойдаланувчилар ва уни муҳофаза қилувчиларнинг фаолиятини кузатиб бориш Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда тегишли ҳудудлардаги маҳаллий давлат идоралари томонидан ўтказилади («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ).

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси низомининг 11-моддасига биноан ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга доир экологик-ҳуқуқий муносабатларнинг *давлат назоратини* ушбу давлат органи олиб боради. Давлат назорати мониторинг маълумотларига биноан оператив (режалаштирилмаган) тарзда олиб борилиши ҳам мумкин.

Экологик-ҳуқуқий назорат нафақат Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, яна маҳаллий давлат ҳокимияти назоратчилари томонидан ҳам Қонуннинг 27-моддаси асосида ўтказилади. Ундан ташқари корхона, ташкилот, муассасаларда идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик назоратини олиб бориш Қонунда назарда тутилган.

*Ўсимлик дунёси объектлари бўйича экспертиза* 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонуннинг 12-

моддасига кўра, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг махсус экспертиза гуруҳи томонидан ўтказилади. Бу ҳолатда экспертиза объекти бўлиб ўсимлик дунёсига салбий таъсир этувчи ишлаб турган корхоналар ҳисобланади.

Ягона назорат тизимидаги ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тадбирлари асосида давлат юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан рағбатлантириш ёки жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларнинг бузилиши айбдорларга нисбатан **юридик жавобгарликни** қўллашга асос бўла олади.

Жинойят кодексининг 202-моддасига кўра, ўсимликларнинг доридармон, озиқ-овқат ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлаш, махсус қўриқланадиган табиий ҳудудлардаги ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд олти ойгача қamoқ билан жазоланади. Ўша қилмишлар «Қизил китоб»га киритилган турларни нобуд қилишга, кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан 75 баробаригача жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўсимлик дунёсига етказилган зарарларни қоплаш* 1995 йил 27 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ундириладиган жарима миқдорларини ҳисоблаш таксаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 293-сонли қарори асосида ундириб олинади. Ундирилган зарар маблағлари, агарда ҳуқуқбузарлик Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг инспекторлари томонидан аниқланган тақдирда, Табиатни муҳофаза қилишнинг маҳаллий экологик жамғармаларига туширилади ва ундан Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 майдаги 246-сонли қарори билан тасдиқланган «Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисида»ги Низомга мувофиқ фойдаланилади. Агар мазкур турдаги ҳуқуқбузарлик Ўрмон хўжалиги инспекторлари томонидан аниқланса, республика бюджетига ўтказилади. Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва муҳофазалаш қоидаларини бузган ҳуқуқбузарликлар қўриқхона ёки миллий боғда содир этилса, у қайси инспекция томонидан аниқланишидан қатъи назар, мазкур муассасаларнинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг асосий фаолияти, биологик хилма-хилликни сақлаш мақсадида, ўсимлик дунёсининг камайишига йўл қўймасликдир.

### Қайтариш учун савол ва топшириқлар

?

1. Экология ҳуқуқида қандай ўсимлик дунёси объектлари ажратилади?
2. Биологик хилма-хилликми ёки ранг-барангликми?
3. Нима учун ўсимлик дунёсини экологик-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш керак?
4. Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш кимларга ва қандай талабларда берилади?
5. Ўсимлик дунёсининг ноёб ва йўқ бўлиб кетаётган турлари қасрда берилган бўлади?
6. Қизил китоб ҳуқуқий манба бўла оладими?
7. Ўсимлик дунёсидан қандай мақсадларда фойдаланиш учун руҳсат берилади?
8. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тамойилларини санаб ўтинг.



Экологик муаммолар бошқа хавфсизлик муаммоларидан яширин тарзда кечиши билан фарқланиб туради.

*Ислом Каримов*

## XIII боб. ЎРМОНЛАРНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

### 1. ЎРМОН — АЛОҲИДА ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

*Гарчанд Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида Ўрмон мустақил табиий захира деб ифода қилинмаган бўлса-да, дунёнинг аксарият мамлакатларида у ҳуқуқий жиҳатдан алоҳида тартибга солиш объекти ҳисобланади. Чунки ўрмон ўзининг экологик тизимда тутган муҳим аҳамиятига кўра жуда катта ўзига хос мажмуа ҳисобланади. Ўрмон нафақат ўсимлик дунёси, балки ўрмонларсиз ерларга нисбатан кескин ажралиб турадиган ҳайвонот дунёси, тупроғи, атмосфера ҳавоси ва, ҳаттоки, сувига ҳам эга. Ўрмонларда учрайдиган бўри билан яйловдаги бўри, подзал ўрмон тупроғи билан оч кўнғир рангли чўл тупроғи, кислород билан бойитилган ўрмон ҳавоси билан баланд тоғ ҳавосининг таркибий қисмида фарқ бор, албатта.*

Инсон фаолиятига табиий объектлар ичида энг кўп таъсир қиладигани ҳам айнан ўрмонлардир. Кишилиқ цивилизацияси даврида Ер юзидаги бутун ўрмонларнинг 2/3 қисми кесилиб кетди. Бу эса атмосфера ҳавосидаги кислород ва ис газининг нисбати, тупроқ эрозияси, ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллигига кескин салбий таъсир кўрсатди. Ўрмонларнинг йўқотилиши қишлоқ хўжалиги ерларининг 60% ни халқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетишига олиб келди.

Ўзбекистонда ўрмонлар Европа, Шимолий Америка ёки Амонзонкадаги сингари жуда ранг-баранг ва зич, деб айтолмаймиз. Уларнинг тарқалиши, ўсиши ва ривожланишига қараб, мамлакатимизда *уч минтақа ажратиш олинади — тоғ, чўл ва соҳил ўрмонлари.*

Тоғ ўрмонлари 311 минг гектар ёки ўрмонли ерларнинг 11% ни (204 минг га арчазорлар), 2,7 млн. га чўл ўрмонлари ёки 87% ни (саксовул ва псаммофитлар туркумига кирувчи буталар), 25 минг га ёки 1% дан кам (тўқайзорлар — майда тол, терак ва турли буталар) ўрмонлар мавжуд. Кейинги 100 йил давомида гарчанд ўрмон фонди ерлари кўпайса-да, лекин ўрмонлар майдони 4—5 баробарга камайган<sup>1</sup> ва айниқса, соҳилдаги ўрмонларнинг йўқолиб кетаётгани ачинарли ҳолдир.

Ўрмонлар атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаши, инсонларнинг экологик хавфсизлиги ва маданий бойлиги сифатида алоҳида

<sup>1</sup> Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использования природных ресурсов в Республике Узбекистан». — Т.: «Chinor ENK», 1998. — 143 с.

эътибор билан ҳуқуқий муҳофазаланади. Ўрмонлар турли минтақаларда турли хил функцияларни бажаради. Қалин ўрмонлар билан қопланган минтақаларда *ўрмонлар*, авваламбор, *жамиятнинг иқтисодий талабларини* (Канада, Финляндия, Россия, Белоруссия каби мўътадил иқлимли давлатларда), чиройли манзара ва туризмни ривожлантириш имконияти кенг бўлган ҳудудларда ўрмонлар *жамиятнинг ижтимоий талабларини* (Франция, Испания, Греция, Кипр каби субтропик иқлимли давлатларда), иқлими кескин континентал бўлган ҳудудларда ўрмонлар жамиятнинг *экологик талабларини* (Ўзбекистон, Туркменистон, Мексика, Исроил, араб мамлакатлари) қондиради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ўрмонлар тирик организмлар учун экологик барқарорликни ушлаб турувчи омил сифатида хизмат қилар экан. Улар тирик организм, хусусан, инсонлар учун кислород манбаи, тупроқдаги минерал хом ашё учун органик манба, ерларни емирилишдан сақловчи «қалқон», микроиқлим ҳосил қилувчи «кондиционер», биосферадаги ва ер остидаги намликни бир меъёрда ушлаб турувчи «балансер», минглаб турдаги жонзотлар учун «яшаш макони», қолаверса, гўзал ландшафтларнинг асосий кўрсаткичидир. Ўрмонларнинг ушбу муҳим ижтимоий-экологик кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда, уни Ўзбекистонда қолган ўсимлик дунёсидан ажратилган тарзда алоҳида экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тартиби ўрнатилган.

1999 йил 15 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида «Ўрмонлар асосан *экологик* (сувни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, санитария-гигиена, соғломлаштириш, рекреация), *эстетик* ва бошқа вазифаларни бажаради, чекланган даражадаги фойдаланиш аҳамиятига эга», деб ифодаланган. Ўрмонларнинг мазкур приоритет (бирламчи) функциясига кўра экологик-ҳуқуқий тартиботи ўрнатилади.

## 2. ЎРМОНЛАРГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УМУМИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ўрмонларнинг экологик, эстетик ва ҳўжалик аҳамиятига кўра қонунчилик тизими шаклланади. «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига биноан ўрмонларга оид қонун ҳужжатларининг қуйидаги *вазифалари* белгиланган (аҳамиятига кўра кетма-кетликда берилган):

- ✓ ўрмонларни муҳофаза қилиш;
- ✓ қўриқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш;
- ✓ такрорий қўпайтиришни таъминлаш;
- ✓ ўрмон маҳсулдорлигини ошириш.

Ана шу қонуний вазифалар урмонларни давлат мулки — умум-миллий бойлик сифатида эътироф этиш, улардан оқилона фойдаланиш механизмини яратиш ва давлатнинг алоҳида эътибори билан муҳофазаланиш нормаларини ўрнатишга олиб келди.

Урмонларни экологик-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун давлат ўрмон фонди ажратиб олинади. Урмон тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасига кўра, давлат *урмон фондига барча тоифадаги урмонлар кирди*. Урмон фонди, ўз навбатида, давлат аҳамиятига молик бўлган урмонлардан (давлат ўрмон хўжалигида турган) ва идора, муассаса, ташкилот, корхона ва шу каби юридик шахсларнинг фойдаланишидаги ўрмонларга бўлинади.

2000 йилга келиб, Ўзбекистонда 90 дан зиёд давлат ўрмон хўжалиги мавжуд бўлган. Улардан 70 дан зиёди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Урмон хўжалиги бош бошқармаси қарамоғида, 6 таси давлат кўриқхонаси мақомида. Урмон хўжаликларининг 2 таси доривор ва озуқа ўсимликларини етиштирувчи ва қадоқловчи, 2 таси ўрмон овчилик хўжалиги, 2 таси Зомин ва Угам — Чотқол миллий боғлари, 2 таси хўжалик ҳисобидаги ўрмон участкалари, 2 таси бош ўрмон корхонаси, 1 таси ишлаб чиқариш ўқув марказидадир<sup>1</sup>.

*Давлат ўрмон фондига* — қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардаги дарахт ва уларнинг тўплари, экинзорларнинг ихота дарахтзорлари ва бошқа турдаги бутазор ва дарахтзорлар; темир йўл, автомобиль йўллари, каналлар ва бошқа сув фонди ерларидаги дарахтзорлар; аҳоли пунктидаги дарахтзорлар ва кўкаламзорлаштириш учун экилган ўсимликлар; томорқалардаги ва боғлардаги дарахтлар ва уларнинг тўплами *қирмайди*.

Давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахтзор ва бутазорлар «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш» қонуни ёки бошқа қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

Урмон фондидан ташқари «*Урмон фонди ерлари*» деган алоҳида тушунча бор. Ер кодексининг 8,76-моддаларига мувофиқ *Урмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар ўрмон фонди ерларидир*. Урмон фонди ерларига нафақат ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган, лекин ўрмон хўжалигини юритиш учун берилган ерлар ҳам кирди.

Ер кодексининг 10-моддасига асосан ўрмон фонди ер участкасини ажратиш тартиби амалга оширилади. Ушбу ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш давлат бошқарувида умумий ва махсус йўсинда олиб борилади.

<sup>1</sup> Ф. С. Намозов. Ўзбекистонда ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи. — Т.: НПО Вос-ток, 2000. — 3-б.

Давлатнинг ўрмонга оид муносабатларни тартибга солишнинг умумий ваколати Вазирлар Маҳкамаси, Маҳаллий ҳокимият ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига топширилган.

*Вазирлар Маҳкамасининг* «Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий қўпайтириш» соҳадаги ваколатлари 1993 йил 6 майдаги Ўзбекистон Республикаси «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги ва «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасида белгилангандир.

*Маҳаллий давлат ҳокимиятлари* 1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида», 1994 йил 5 майдаги «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида» ва «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ ўрмонга оид барча муносабатларни бошқа ижтимоий муносабатлар қатори ўзининг ҳудудида ва ваколат доирасида ҳал этиши мумкинлиги кўрсатилган.

*Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси* ҳам давлатнинг ўрмонга оид муносабатларни тартибга солишда умумий ваколатланган органлар қаторидан жой олади. Чунки у нафақат ўрмонларни, шунингдек, барча табиий объектларни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини ўрнатади. Ушбу комплекс экологик назорат функция 1996 йил 26 апрелдаги Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Низомида акс эттирилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, ўрмонга оид барча муносабатларни тартибга солиб турувчи махсус ваколатланган орган ҳисобланади. 2000 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитасини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармасига айлантириш тўғрисида»ги Президент Фармонида биноан ташкиллаштирилган.

Ўрмон хўжалиги Бош бошқармасининг 12 май 2000 йилдаги Низомига биноан, умумлаштирилган тарзда, мазкур бошқармага қуйидаги ваколатлар ва вазифалар юклатилган:

- ✓ Давлат ўрмон қўмитаси тасарруфига кирган ўрмон хўжалигининг барча бўлинмаларига раҳбарлик қилиш ва унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланиш;
- ✓ ўрмон қонунчилиги ижроси устидан давлат назоратини олиб бориш;
- ✓ ўрмон фондини бошқариш, улардан фойдаланиш, уларни тиклаш, қўриқлаш ва муҳофаза қилишни ташкил этиш;
- ✓ ўрмон хўжалигидаги қўриқхона ва миллий боғларнинг ишларини юритиш;
- ✓ давлат ўрмон фондининг ягона техник сиёсатини юритиш;

- ✓ ўрмон фонди мониторингини олиб бориш;
- ✓ ўрмон-мелиоратив чораларини ташкил этиш;
- ✓ ўрмонларни ёнғиндан, кесишдан ва ўрмон қоидалари бузилишининг олдини олиш;
- ✓ қўриқхона ишлари ва овчилик масалаларига доир ишларни ўз ваколати доирасида назорат қилиш;
- ✓ ўрмон хўжалиги корхоналари ва ташкилотларини малакали кадрлар билан таъминлаш.

Мазкур фармондан келиб чиққан ҳолда Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси учун Вазирлар Маҳкамаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистонда ўрмонлар, авваламбор, экологик функцияни бажарар экан, уларни қўриқлаш асосий ҳуқуқий нормалардан бири ҳисобланади. «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасига асосан *ўрмон қўриқчилиги ўрмон хўжалиги корхоналарида ўрмонларни қўриқлаш ва муҳофаза қилишни таъминлайди*. Корхонадаги мансабдор шахс бўлиб ўрмон инспектори ҳисобланади ва унга бир қатор муҳим қўриқлаш ваколатлари берилган.

Ўрмон хўжалигини ташкил этишнинг асосий принциплари, яъни йўналтирувчи қоидалари қуйидагилардан иборат: ўрмонларни ҳимоя этиш, соғломлаштириш ва бошқа фойдали хусусиятларини сақлаш ва кучайтиришнинг афзаллиги; ўрмонлардан оқилона фойдаланиш; уларни такрорий кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, нав таркиби ва сифатини яхшилаш ва ҳоказо. Аммо «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасида акс эттирилган ушбу қоидалар, тўғрироғи, принциплар (афсуски, қоида сифатида эмас) вазифа тариқасида берилган. Уларни умумлаштирилган ҳамда давлат ва ҳуқуқ назариясидан келиб чиққан ҳолда шундай ифода этиш мумкин:

- ✓ ўрмонларнинг экологик жиҳатларининг афзаллиги;
- ✓ ўрмонлардан оқилона фойдаланишнинг мажбурийлиги;
- ✓ давлатнинг ислоҳотчилик функциясини йўқотмаслик ва шу каби қоида тариқасида акс эттирилган нормалар.

Ўрмонларнинг экологик жиҳатларининг афзаллиги принципи «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 3, 15, 26-моддаларида бевосита ва қолган барча моддаларида билвосита тарзда ёритилган. Қонуннинг 15-моддасида ўрмонларнинг экологик функциясини сақлаб қолиш учун 15 хил қўриқланиш тоифалари белгиланган. Масалан, дарё соҳилини эрозиядан сақлайдиган, чала чўл ва чўл минтақасидаги ўрмонлар ва ҳоказо.

Умуман олганда, ўрмон хўжалиги фаолиятини тўғри ташкил этиш учун «Ўрмон тузиш» ишлари олиб борилади. *Ўрмон тузиш* — *ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, ўрмон хўжалиги ва ўрмонлардан фойдаланишнинг оқилона юритилишини таъминлашга қаратилган тад-*

*бирлар тизими.* Ўзбекистонда ўрмон тузишнинг ҳуқуқий асослари Конституциямизнинг 50, 54, 55-моддаларида, «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасида, Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси томонидан 2000 йилда ишлаб чиқилган «Ўрмон тузиш ва лойиҳа-қидирув ишларини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома»да ифодаланган. Уларда ўрмон тузишнинг мақсади ва вазифалари, чора-тадбирлари, норматив ҳужжатлари, бошқичлари, олиб бориш тартиби, ўрмонларнинг турларга ажратилиши, ўрмон таксацияси, баҳоланиши, карта — планларга туширилиши каби масалаларнинг меъёрий қоидалари берилган.

Ўрмон тузиш ишларини олиб бориш ўрмонларни давлат ҳисобига ўтказишга асос бўлади. Агар ўрмон тузиш ишлари ўрмон фондига ўтказилмаган бўлса, Қонуннинг 17-моддасига биноан, ўрмон фондини ҳисобга олиш ва текшириш материаллари асосида, давлат бюджети ҳисобига олиб борилади.

Ўрмон тузиш ва ўрмон фондининг давлат ҳисоби ўрмонларга оид барча кадастр маълумотларини тўплашга хизмат қилади. *Ўрмон кадастри* 2000 йил 15 декабрдаги «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонунга биноан ўтказилади. Ўрмон кадастри давлат бюджети ҳисобига ўтказилгани учун ҳам «Давлат» сўзи қўшиб ишлатилади. У ягона тизим бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлатнинг махсус ташкиллаштирилган органлари орқали олиб борилади.

### 3. ЎРМОНЛАРДАН Фойдаланиш ҲУҚУҚИ

Юқорида биз, ўрмон инсон ҳаётида жуда катта аҳамият касб этиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган эдик. Кишилар ўрмонлардан доимо фойдаланар эканлар, бир пайтнинг ўзида улар ўрмонларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўришга мажбурдирлар.

*Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи деб ўрмонларнинг фойдали хусусиятларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз хўжалик ва бошқа ҳаётий эҳтиёжларини қондиришлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда фойдаланишлари тушунилади.*

Экология ҳуқуқининг принципларидан келиб чиққан ҳолда ва «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 19, 30-моддаларига биноан, ўрмондан фойдаланиш маълум ҳақ эвазига (*махсус фойдаланиш*) ёки бепул (*умумий фойдаланиш*) амалга оширилади. Туловлар миқдори ва уларни ундириш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва унга доимо қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритиб турилади.

Ўрмонлардан фойдаланиш *доимий* ва *вақтинчалик* бўлади. Доимий фойдаланиш учун ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига, вақтинчалик эса (қисқа муддатли — 3 йилгача, узоқ муддатли — 10 йилгача) ўрмон хўжалигига кирмаган юридик

ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ушбу фойдаланиш ҳуқуқи Ўрмон ҳужалиги Бош бошқармасининг бўлинмалари ёки улар ваколат берган ташкилот, муассаса ёки корхоналар томонидан берилади. Ўрмондан махсус фойдаланишга лицензия ёки чипта асосида йўл қўйилади.

«Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддасига мувофиқ, ўрмондан *доимий фойдаланувчилар муайян* ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Ўрмон фонди участкасидан белгиланган тартибда доимий фойдаланувчилар қўйидаги *ҳуқуқларга* эгалар:

- мустақил ҳужалик юритиш;
- сув, ер ва ер ости бойликларидан фойдаланиш;
- йўл очиш;
- ўрмон маҳсулотларини жойлаштириш учун майдончалар жиҳозлаш;
- ишлаб чиқариш ва уй-жой бинолари ҳамда иншоотларини қуриш;
- тайёрланган маҳсулотга ва уни сотишдан олинган даромадга мулкдор бўлиш.

#### **Мажбуриятлар:**

- ◆ ўрмонни муҳофаза қилиш ва қуриқлаш;
- ◆ ўрмондан оқилона фойдаланиш;
- ◆ ўрмонни такрорий (қайта) купайтириш (тиклаш);
- ◆ ўрмоннинг давлат ҳисобини олиб бориш;
- ◆ ўрмондаги барча табиий объектларга зарар етказмаслик;
- ◆ ўрмондан махсус фойдаланганлик учун тўловни ўз вақтида тўлаш;
- ◆ алоҳида муҳофаза этиладиган ўрмон фондига тегишли ҳуқуқий ҳолатни таъминлаш;
- ◆ ўзга фойдаланувчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслик ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

Ўрмондан *вақтинчалик фойдаланувчилар* ўрмон фонди участкасида белгиланган тартибда қўйидаги *ҳуқуқларга* эгалар:

- муддатли ва тегишли фаолият юритиш;
- йўл очиш;
- ўрмон маҳсулотларини жойлаштириш учун майдончалар жиҳозлаш;
- ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини қуриш.

#### **Мажбуриятлар:**

- ◆ ўзларига бериб қўйилган яйловлар, пичанзорлардан оқилона фойдаланиш;
- ◆ ўрмондаги табиий бойликларга салбий таъсир кўрсатмаслик;
- ◆ ўрмондан фойдаланганлик учун тўловни ўз вақтида тўлаб бориш;
- ◆ ўзга шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслик.

Қонуннинг 23-моддасига кўра, давлат ўрмондан фойдаланувчиларнинг қонун билан белгиланган фаолиятларига аралашмаслик, ҳуқуқлари бузилган тақдирда уларни тиклаш ва етказилган зарарни тўла ҳажмда қоплаш мажбуриятини олади. Қонуннинг 24-моддасида белгиланган тартибда ўрмондан фойдаланувчилар ўз ҳуқуқларидан воз кечиши, унинг бекор қилиниши, олиб қўйилиши, маҳрум қилиниши ҳам мумкин.

*Ўрмондан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш учун рухсат берилди:*

- ✓ дарахтзор ва бутазорларни кесиш;
- ✓ қўшимча тарзда фойдаланиш (мол боқиш, пичан ўриш, асал-аричилик, дориворлар тайёрлаш);
- ✓ овчилик эҳтиёжлари учун фойдаланиш;
- ✓ илмий-тадқиқот олиб бориш;
- ✓ маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадлар ҳамда шу каби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда.

Фуқаролар Қонуннинг 30-моддасига биноан, ўрмонда ёввойи доривор ва озуқабоп ўсимликлар, мевалар, қўзиқоринлар йиғишни бепул амалга оширишлари мумкин. Лекин улар ёнғин ва экологик хавфсизликларга риоя этишлари, дарахт ва буталарни синдирмасликлари, ўрмон экинларига шикаст етказмасликлари, ўрмондаги атроф табиий муҳит унсурларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. Давлат чегарасидаги ўрмондан фойдаланиш тартиби Давлат чегараларини ҳимоя қилиш давлат қўмитаси ва Ўрмон ҳужалиги Бош бошқармаси билан биргаликда белгилаган ҳуқуқий тартиби асосида ўрнатилади.

#### 4. ЎРМОНЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ

Ўзбекистонда ўрмонлар, авваламбор, экологик функцияни бажарар экан, уларни қўриқлаш, муҳофаза қилиш, тиклаш, кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, яъни ҳимоялашни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ўта долзарб масаладир.

«Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддасига биноан, *ўрмонларни қўриқлаш* — тегишли давлат органлари томонидан ўрмонлардан ноқонуний тарзда фойдаланиш, уларга зарарли таъсир курсатишдан қўриқлаш.

*Ўрмонларни муҳофаза қилиш* эса уларга зараркунандалар, касалликлар, табиий техноген жараёнлар (эрозия, сел, дефляция, солифлюкция, абразия...)нинг олдини олиш чора-тадбирларини қўллаш орқали олиб борилади. Ушбу ҳуқуқий тартиб Ўрмон ҳужалиги Бош бошқармаси томонидан белгиланади.



*Ўрмонларни тиклаш учун кесилган ўрмон ёки ўрмонсиз ер ўрнига дарахт ва буталар экиш, нав таркибини яхшилаш, уларнинг маҳсулдорлиги ва муҳофазалаш хусусиятини ошириш, генетик фонди ва биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш.*

*Ўрмонларни кўпайтириш ўз ичига дарахтзорларнинг зичлигини ошириш, нав таркибини яхшилаш, қимматли навларни кўпайтириш, бошқа ер фонди тоифаларидан (масалан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан) ўрмон фонди ер тоифасига киритиш каби тадбирларни олади.*

*Ўрмонларнинг маҳсулдорлигини ошириш уларни такрорий кўпайтириш, нав таркибини яхшилаш, ўрмон мелиорацияси ва плантациясини ташкил этиш орқали амалга оширилади.*

Ўрмонларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, юқорида келтирилган тадбирлар билан бир қаторда, Қонуннинг 37—41-моддаларида белгиланган нормалар асосида ҳам олиб борилади. Масалан, ноқонуний равишда қўлга киритилган ўрмон маҳсулотларини (дарахт, буга, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси турлари) олиб қўйилади ёки келтирилган зарар тулиқ қопланади.

Ўрмон фонди ерларида ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга таъсир этадиган корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш, янги технологияларни жорий этишга рухсат берилмайди. Инсонларнинг ўрмонларга салбий таъсир этиши мумкин бўлган барча фаолият тури экологик экспертизадан ўтказилиши ва тегишли давлат органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилиши шарт.

Ўрмон фонди ерларида ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган қурилиш ва портлатиш ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, кабеллар, қувурлар ва бошқа коммуникацияларни ўтказиш, пармалаш ва шу каби ишлар давлат ўрмон хўжалиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ўрмонларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалаш «Ўрмон тўғрисида»ги қонун ҳужжатларининг талабларини бузувчилар фаолиятларини тўхтатиб қўйиш, чеклаш ёки тақиқлаш орқали амалга оширилиши мумкин. Ушбу юридик тусдаги давлат органларининг ҳаракатлари қурғоқчилик, ёнғинлар, кўчмалар, зилзила, тошқин каби табиий ва техноген салбий оқибатлардан ўрмонларни сақлаш мақсадида ҳам қўлланилиши мумкин.

Ўрмонларни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг яна бир жиҳати ўрмонларни муҳофаза қилиш, қуриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтиришни молиялаштириш ҳамда ўрмон ҳуқуқи субъектларини иқтисодий рағбатлантириш орқали амалга оширилади. Бундай ҳолат Экология ҳуқуқида табиатни муҳофаза қилишнинг экологик-иқтисодий механизмини яратиш, деб айтилади.

Ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш доирасида келиб чиқадиган низолар ҳужалик, фуқаролик, маъмурий ва жиноий процессуал тарзда ҳал қилинади ва тегишли ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарликни қўллаш орқали амалга оширилади. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 77—80-моддаларида ўрмон фондида фойдаланиш қоидалари, ўрмонда дарахт ва буталарни кесиб ёки уларни пайҳон қилиш, ёхуд ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш, мансабдор шахс ёки фуқароларга маъмурий жазони қўллашга асос бўла олади. Маъмурий жазо мазкур моддалар бўйича Табиатни муҳофаза қилиш ва Ўрмон ҳужалиги инспекторлари томонидан қўлланилиши мумкин.

### Қайтариш учун савол ва топшириқлар

?

1. Нима учун ўрмон Экология ҳуқуқининг алоҳида бир объекти ҳисобланади?
2. Ўрмонлар қандай функцияларни бажаради?
3. Ўзбекистонда ўрмонлардан фойдаланишнинг приоритет нормаси нимада?
4. Ўрмонга оид қандай экологик-ҳуқуқий муносабат юзага келади?
5. Давлатнинг махсус ўрмон бошқарув ваколати қайси идораларга юклатилган?
6. Ўрмон тузиш деганда нимани тушунасиш?
7. Ўрмонлардан фойдаланиш тартиби ва муддати қандай?
8. «Ўрмон фонди» билан «Ўрмон ер фонди»нинг фарқи борми?
9. Ўрмонларни муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий жиҳатларини келтириб ўтинг.

Ҳар бир жонзоднинг табиатда ўз ўрни ва аҳамияти бор.

*Биологик хилма-хиллик конвенциясидан*

## XIV боб. ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

### 1. ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ ВА УНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ҳайвонот дунёси ўсимлик дунёсидан экологик тизимларда айнан тури ва сонининг кўплиги, яъни биологик хилма-хиллиги (ранг-баранглиги эмас) билан ажралиб туради. Ҳозирги кунда Ер сайёрасида ўсимлик дунёсининг атиги 400 мингдан ортиқ тури маълум бўлса, ҳайвонот дунёсининг 2 млн. га яқин тури мавжуд. Лекин унинг биологик массаси бор-йўғи 2% ни ташкил қилса-да, ҳайвонот дунёси узининг энергетик жараёнларининг жуда юқорилиги билан ажралиб туради. Улар ўсимлик дунёсидан кўра жадал ҳаракатда ва фаол фаолиятда бўлади. Масалан, 1 см<sup>3</sup> тупроқда 1 млн. дан ортиқ майда жониворлар яшайди. Микроорганизмлар ўсимлик дунёси учун зарур бўлган барча минерал моддаларни органик моддаларни парчалаш орқали етказиб беради. Ушбу жараёнда азотни парчаловчи микроорганизмлар ўрнини ҳеч қачон фосфорни парчаловчи организмлар боса олмайди. Ҳар бир минерал модданинг ўзини трансформация қилувчи (ўсимлик озукаси сифатида етказиб берувчи) микроорганизмлари мавжуд. Фақатгина микроорганизмларнинг *хилма-хиллиги орқалигина* тупроқ унумдорлигини таъминловчи ва ўсимлик дунёсини озиқлантирувчи турли зарурий моддалар етказилади. Моддаларнинг парчаланиши эса катта миқдорда иссиқлик энергиясини ажратади. Натижада, тупроқда модда ва энергия алмашувининг жадал суръатдаги жараёни юзага келади.

Модда ва энергия алмашув жараёни нафақат тупроқда, балки ер устида, сув ҳавзаларида ва ҳаттоки атмосфера қобиғида ҳам ҳайвонот дунёси ва унинг турли-туманлиги орқали тез суръатларда кетади. Ўсимлик дунёсининг 10% дан ортиғи ҳайвонот дунёси томонидан истеъмол қилинади ва тупроққа органик модда — гумус сифатида аралаштирилади. Ана шундай аралашишда ҳайвонот дунёсининг аҳамияти каттадир.

XIX—XX асрларда Австралия қитъасида уй ҳайвонларининг кўпайиб кетиши тупроқ юзасида қалин гўнг қатламини ҳосил қилган ва унинг тагидаги ўсимлик иссиқликдан куйиб кетган. Оқибатда ҳосилдор яйловлар камая борган. Экологларнинг ташаббуси билан Жанубий Африкадан гўнгкўнғизларини олиб келишган ва Австралия яй-

ловларида кўпайтиришган. Натижада гўнг жадал суръатларда парчаланиб, чириндига айланган ва тупроқ унумдорлигини оширган, яйловлар ҳам серўт бўлиб кетган.

Тропик ўрмонларда ернинг устини қоплаган ўсимлик дунёсининг қолдиқларини термитлар (чумолилар) тез парчалаб юборадилар. Улар қирилиб ёки камайиб кетса нима бўлишини тасаввур этинг.

Афсуски, Ер юзасида ҳайвонот дунёси сон ва тур жиҳатдан камайиб бормоқда. Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас. Масалан, 1983 йил чоп этилган «Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби»га 63 турдаги умуртқали, 22 турдаги майда жониворлар, 31 турдаги қушлар, 5 хилдаги судралувчилар ва худди шунча турдаги балиқлар киритилган эди. 2003 йилда чоп этилган «Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби»га эса сут эмизувчиларнинг 23 тури, қушларнинг 48 тури, судралиб юрувчиларнинг 16 тури, балиқларнинг 17 тури, ҳалқасимон чувалчангларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 14 тури, бўғимоёқлиларнинг 61 тури киритилди. Фактик маълумотлар ҳайвонот дунёси буйича 20 йил ичида кескин узгарди. Бунга сабаб бўлиб:

*Биринчидан* — «Қизил китоб» мақомининг ўзгариши, олиб борилган махсус муҳофаза чораларининг янгилиниши орқали баъзи турларнинг сон жиҳатдан тикланиши (олақўзан, қум чумчиғи) бўлса, айримларининг камайиши орқали (манул, тяншан тоғ қўйи);

*Иккинчидан* — айнан 80-йиллар давомида собиқ Иттифоқ даврида ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилишга етарли эътибор берилмаганлиги;

*Учинчидан* — табиатда антропоген босимнинг кучайиши туфайли ҳайвонот дунёси яшаш муҳитининг ёмонлашуви.

Ҳайвонот дунёсининг йўқолиб кетишига сабаб бўлиб мутахассислар қуйидаги ўта аҳамиятга мойил муаммоларни кўрсатмоқдалар:

- Орол денгизининг қуриши ва у орқали юзага келган салбий экологик ҳолатлар;
- қўлланиш жараёнининг тоғ олди ҳудудларга кириб келиши;
- суғорма деҳқончилик ва чорвачиликнинг кенгайиши;
- йирик гидротехник иншоотларнинг қурилиши ва сув ҳавзаларининг ифлосланиши;
- тоғ-кон саноатининг жадал суръатларда ривожланиши;
- қонунчилик асосларининг етишмаслиги ва уларни амалда етарли даражада қўлланилмаслиги.

Ҳайвонот дунёси турларини экологик тизимларда сақлаб қолиш нечоғлиқ зарурлигини ҳис этган ҳолда, 1995 йил Ўзбекистон Республикаси «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги халқаро конвенцияга қўшилди. Конвенция талабларини бажариш учун 1998 йил «Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлашнинг миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси» Вазирлар Маҳкамаси томонидан

тасдиқланди. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликда татиб-қилиши Конвенция ва Режани экологик муносабатларни тартибга солишдаги аҳамиятини кескин оширди. Шунинг учун ҳам 1997 йил 26 декабрда «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун халқаро Конвенцияда кўрсатилган барча талабларни ўзида акс эттирган ва халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланган.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда ҳайвонот дунёси ва унинг яшаш муҳитини сақлаб қолиш мақсадида биосфера қуриқхоналари, миллий боғлар, қуриқхоналар ва буюртма қуриқхоналар ташкил қилинди. Божхона давлат қўмитаси ва Табиатни муҳофаза қилиш назорат инспекторларининг ҳуқуқий мақоми оширилди. Махсус маҳаллий ва республика жамғармалари ташкил этилди. Жуда катта миқдорда чет эл сармоялари айнан ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга йўналтирилмоқда.

Ҳайвонот дунёсининг сайёрамызда кундан-кунга камайиб бориши давлат, жамоат ва инсондан унга нисбатан ута эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ҳар бир ҳаракатни илмий асосланган тарзда, ҳуқуқий меъёр ва қоидалар орқали тартибга солинишини талаб этмоқда. Зеро, бу табиий бойлик бизларга ота-боболаримиздан меросга қолган эмас, балки келажак авлодлардан қарзга олингандир.

*Ҳайвонот дунёсини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш — қуруқликда, сувда, атмосферада ва табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган, Ўзбекистонда доимий ёки вақтинча яшайдиган ёввойи ҳайвонларни, шунингдек, илмий ёки экологик мақсадларда ярим эркин шароитда ёки сунъий яратилган яшаш муҳитида боқилаётган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.*

Мақсад эса ҳозирги ва келажак авлод учун ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий йўллар орқали сақлаб қолишга эришишдир.

«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига биноан, ушбу мақсадга эришмоқ учун қуйидаги вазифаларни бажариш талаб этилади:

- ✓ ҳайвонот дунёсининг яшаш шароитларини таъминлаш;
- ✓ уларнинг хилма-хил турларини, табиий галалари бутунлиги ва яшаш муҳитини сақлаш мақсадида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш;
- ✓ ҳайвонот дунёсини тиклаш ва такрор етиштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш.

Ҳайвонот дунёсининг инсон ҳаётида тутган ўрнининг жуда беқиёслигини инobatга олган ҳолда, Ўзбекистонда у давлат мулки — умуммиллий бойлик деб эътироф этилган. Давлат ўзининг умумий ва махсус ваколатланган органлари орқали ҳайвонот дунёсини экологик-ҳуқуқий жиҳатдан бошқаради, тартибга солади ва муҳофазасини таъминлайди.

## 2. ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ ОБЪЕКТЛАРИ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАЛАБЛАРИ

Ҳайвонот дунёсидан унумли фойдаланиш ва унинг муҳофазасини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида мустақил Ўзбекистонимизда бир қатор муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда уларнинг экологик-ҳуқуқий механизми яратилмоқда.

Ҳайвонот дунёсининг экологик-ҳуқуқий жиҳатлари «Табиатни муҳофаза қилиш», «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар», «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш» каби қонунлар, Олий Мажлиснинг «Ноёб ва йўқ бўлиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвон турларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш» (1993), Вазирлар Маҳкамасининг «Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар муҳофазасини кучайтириш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чоралари», «Ўзбекистон Республикасига йиртқич қушлар олиб келинишини ва уларнинг четга чиқарилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарор ва йуриқномаларида тўлиқ акс эттирилган.

Ўзбекистонда барча кўринишдаги ҳайвонлар Экология ҳуқуқининг объекти бўла олмайди.

«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида *Ўзбекистонда экологик-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинадиган ҳайвонот дунёси объектларига қуйидагилар киради:*

1) *келиб чиқиши ҳайвонларга мансуб бўлган сут эмизувчилар, паррандалар, судралиб юрувчилар, қуруқликда ва сувда яшовчи ҳайвонлар, балиқлар, умуртқасизлар ва уларнинг популяциялари;*

2) *ёввойи ҳайвон галалари ёки уларнинг ҳар қандай тўдалари;*

3) *Қизил китобга киритилган камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турлари;*

4) *ёввойи ҳайвонлар яшаш фаолиятининг маҳсулотлари.*

Ўзбекистонда<sup>1</sup> ёввойи турдаги сут эмизувчи ҳайвонларнинг 6 туркуми мавжуд бўлиб, улардан 6 тури ҳашаротхўрлар, 20 тури қўлқанотлилар, 2 тури кўёнсимонлар, 37 тури кемирувчилар, 24 тури йиртқичлар, 8 тури туёқдилардир. Парранда ёки қушларнинг — 424, сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг — 3, судралиб юрувчиларнинг — 59, балиқларнинг — 83, умуртқасизларнинг — 58 тури мавжуд.

Ёввойи ҳайвонлар якка, оила, гала еки тўда бўлиб яшайдилар. Уларнинг бундай ҳаёт кечиришлари минглаб йиллар давомида эволюцион тарзда давом этиб келган. Уларнинг яшаш муҳитининг бузилиши ҳайвонларнинг қирилиб кетишига сабаб бўла олади. Шунинг учун ҳайвонот дунёсини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тартиби уларнинг галалари ва тўдалари ҳамда яшаш фаолиятининг маҳсули (ин ва уялари) бўйича ҳам олиб борилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлашнинг миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси. — Т.: ПРООН, 1998. — 36-б.

Алоҳида муҳофаза этишга муҳтож бўлган ҳайвонот дунёси, яъни Қизил китобга киритилган турларига доир ижтимоий муносабатлар давлатнинг ҳуқуқий жиҳатдан катта эътибор бериш объекти бўлиб ҳисобланади.

Ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш мақсадида Конституциямизнинг 50, 54-моддаларидан келиб чиққан ҳолда ва «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»-ги қонуннинг 5-моддасига биноан *жисмоний ва юридик шахсларга қўйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланган:*

- ҳайвонот дунёси ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш;
- ◆ мазкур масала буйича давлат дастурларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;
- ◆ жамоат экологик экспертизасини ўтказиш;
- ◆ жамоат назоратини олиб бориш;
- ◆ тегишли ахборот олиш;
- келтирилган зарарни қоплаш масаласининг қўйиш.

Ушбу қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг фуқаролар ва уларнинг жамоаларига юклатилиши Ўзбекистонда демократик давлатчилик элементларини шакллантириш ва фуқаролик жамиятини қуришнинг яна бир муҳим йўли ҳисобланади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчи ва уни муҳофаза қилувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан етарли даражада экологик-ҳуқуқий тартибга солиш, унинг назорат тизимини йўлга қўйишга боғлиқдир. Давлатнинг мазкур масалада экологик-ҳуқуқий назорати эса ҳайвонот дунёси кадастри → мониторинги → назорати → экспертизаси тизими орқали олиб борилади.

*Ҳайвонот дунёси кадастри* 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ равишда ягона давлат кадастрлари тизими буйича ўтказилади. Уни Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига биноан, Ер ресурслари давлат қўмитаси қошидаги Геодезия, картография ва давлат кадастрлари бошқармаси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар ҳамда Фанлар Академияси иштирокида олиб борилади.

Ҳайвонот дунёсининг кадастри унинг мониторинги, яъни вақт давомида ўзгариб боришини кузатиш учун асос бўлади. *Ҳайвонот дунёси мониторинги* «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига ва ихтисослаштирилган қонун ости норматив ҳужжатлар асосида олиб борилади. Унда ҳайвонот дунёси объектларини кузатиш давридаги ҳолатга оид маълумотлар тўпланади, умумлаштирилади ва таҳлил этилади. Маълумотлар давлатнинг умумий ва махсус ваколатланган органларига бепул, жисмоний ва юридик шахсларга тулов асосида етказиб берилади.

Ҳайвонот дунёси мониторинги маълумотларига биноан, давлат назорат органларининг фаол ҳаракати йўналишлари аниқланади. *Давлатнинг назорат инспекторлари* ўз ваколат доирасида ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар ва уларни муҳофаза қилувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳужалик ва бошқа фаолиятларини текшириб турадилар. Текшириш Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан идоравий, жамоатчилик ва ишлаб чиқариш назорати ёрдамида амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсини давлат назоратига ойдинлик киритиш, мазкур қонун ҳужжатларида кўрсатилган талабларини бузишнинг олдини олиш, юридик жиҳатдан субъектлар фаолиятини рағбатлантириш ёки жавобгарликка тортиш мақсадида давлат *экологик экспертизаси* ўтказилади. Экологик экспертиза тўғрисидаги қонундан келиб чиққан ҳолда, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мутахассислари ёки уларнинг гуруҳи «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган талаблар асосида хулосалар беради.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга оид асосий талаблар эса мазкур Қонуннинг вазифаларидан келиб чиққан тарзда, унинг 11-моддасида акс эттирилган. Ушбу талабларни бажариш мақсадида яратилган дастур, режа ва иқтисодий рағбатлантиришнинг экологик-ҳуқуқий асослари Қонуннинг 12—13-моддаларида берилгандир.

### 3. ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

*Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар* деб ҳайвонот дунёси объектларининг фойдали хусусиятларидан ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ва тартибда фойдаланишларига айтилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш умумий ва махсус тарзда амалга оширилади. *Умумий фойдаланиш* экология ҳуқуқининг принципларидан келиб чиққан ҳолда бепул амалга оширилади ҳамда кишиларнинг фойда олишга йўналтирилмаган ва инсонларнинг табиий ҳуқуқларидан келиб чиқадиган фаолиятини назарда тутати. Масалан, Қонуннинг 17-моддасида кўрсатилган Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш турлари — илмий, маданий-маърифий, тарбиявий ва эстетик мақсадларда фойдаланиш шулар жумласидандир.

Ҳайвонот дунёсидан махсус фойдаланиш пуллик тўлов ва рухсатномалар асосида амалга оширилади. Уларга: ов қилиш, балиқ овлаш, ҳайвонларнинг фойдали хусусиятларидан тижорат мақсадида фойдаланиш, турли маҳсулотлар олиш, пуллик хизмат кўрсатувчи тадбирлар ўтказиш ҳамда фаолият олиб бориш каби ҳужалик ва бошқа фаолият турлари кириди.



Ҳайвонот дунёсидан фойдаланишда унинг объектларини яшаш муҳитидан ажратиб олиб ёки ажратмасдан амалга ошириши мумкин. Қонуннинг 16-моддасига биноан *ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларга* қуйида келтирилган ҳуқуқлар берилади ва мажбуриятлар юклатилади:

**Ҳуқуқлар:**

- ҳайвонот дунёсини бериб қўйиш шартларига мувофиқ фойдаланиш;
- тутиб олинган ҳайвонот дунёси объектларига ва улардан олинган маҳсулотларга мулкдор бўлиш;
- юридик шахсларга белгиланган тартибда ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш учун рухсатномалар бериш ва шартномалар тузиш;
- ов ва балиқ маҳсулотини қайта ишлаш ва буюмлар ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш ва сотиш;
- сунъий равишда етиштирилиб, табиий яшаш муҳитига чиқариб юборилганларидан фойдаланиш.

**Мажбуриятлар:**

- ◆ фойдаланиш меъёрлари ва муддатларига риоя қилиш;
- ◆ ҳайвонот дунёсини муҳофаза этишни таъминлаш;
- ◆ ҳайвонларнинг табиий галаларининг бузилишига йўл қўймаслик ва фойдаланишга бериб қўйилганларини сақлаб қолиш усуллари қўллаш;
- ◆ ҳайвонот дунёси яшаш муҳитининг бузилишига йўл қўймаслик;
- ◆ ҳайвонлар миқдори ҳамда улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш;
- ◆ ҳайвонот дунёсини тиклаш ва тақрор етиштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш қабилар.

*Ов қилиш — табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган ёввойи ҳайвонларни тутиш мақсадида излаш, изига тушиш ва қувлаб бориш, тутишга интилиш ва тутиш (отиш, тутиб олиш).* Ов қилиш саноат, ҳаваскорлик ва спорт мақсадида олиб борилиши мумкин.

*Балиқ овлаш — балиқ ва умуртқасиз сув ҳайвонларини саноат, ҳаваскорлик ва спорт мақсадида тутиш.*

Ўзбекистонда ов қилиш ва балиқ овлаш тартиби мазкур бобда кўрсатилган Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва овчилик — балиқчилик хўжалиқларини юритиш тўғрисидаги Низом» (1991) ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқчилик қилиш қоидалари» каби меъёрий ҳужжатлар асосида мувофиқлаштирилади.

Ов қилиш ва балиқ овлашда умумҳавфли қуроллар ва усулларни қўллаш, фалокатга учраган ва улар учун табиий бўлмаган шароитда олиб бориш ман этилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш миқдори (квотаси) Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ҳисобга олинади ва Фан-

лар Академиясининг хулосалари асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда ўрнатилади. Ўзбекистонда 50 дан ортиқ ов қилиш ва балиқ овлаш ҳужжаликлари мавжуд. Орол денгизи ва Амударё дельтасида ов қилиш ва балиқ овлашлар 1995 йилдан буён деярли тўхтатилган. Яна бир ҳуқуқий ҳолат — *Қизил китобга киритилган ҳайвонот дунёсини ов қилиш ёки балиқ овлашга руҳсат этилмайди*. Илмий, эстетик ва маърифий-маънавий мақсадларда уларни овлаш марказий махсус бошқарув органларининг руҳсати асосида амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсини овлаш учун лицензиялар олиш ҳар бир жонзоднинг баҳосини белгилаш ҳамда ҳар йили қийматини индексация қилиш орқали амалга оширилади. Ов қилиш ва балиқ ҳўжалигини юритиш Фанлар Академиясининг хулосалари, Ер ресурслари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси каби махсус ваколатланган органларнинг келишуви ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомларга мувофиқ равишда олиб борилади.

Ҳайвонларни бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ва чатиштириш илмий-тадқиқот ва ҳўжалик юритиш Фанлар Академиясининг хулосаси ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг руҳсатномасига биноан амалга оширилади.

Қонуннинг 27-моддасида кўрсатилган қуйидаги ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларнинг *ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқлари бекор қилинади*:

- фойдаланиш зарурати қолмаганда ва ундан воз кечганда;
- фойдаланиш муддати тугаганда;
- тегишли қонун талаблари бузилганда;
- ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш мақсадида уларни фойдаланишдан ажратиб олинганда;
- фойдаланиш ҳуқуқи берилган юридик шахс тугатилганда ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

#### 4. ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ НОРМАЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш меъёрлари ва қоидаларини бузганлик учун юридик жавобгарлик белгиланган. Ушбу жавобгарлик «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 47-моддаси ва «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг IV боб 39-моддаларида кўрсатилган умумий қоидалар ҳамда Меҳнат, Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига мувофиқ амалга оширилади.

Меҳнат кодексининг 181-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар учун *интизомий жазо* санкцияси қўлланилади. Интизомий жазо

бевосита ички меҳнат қоидаларини бузган ва ҳуқуқбузарнинг иш фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳолатлар учун ишлатилади. У уч турдаги, яъни ҳайфсан бериш, иш ҳақининг 30% дан 50% гача иш ҳақидан жарима сифатида ундириш ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиш санкциясини иш берувчи томонидан ходимга қўллаш орқали юзага келади. Интизомий жазо ходимнинг вазифасига (агарда у ички Низом ёки меҳнат шартномасида кўрсатилган бўлса) ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларни кўриқлаш, кўпайтириш ва сақлаш каби мажбуриятлар юклатилган тарзда қўлланилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 214-моддасига биноан, ҳайвонот дунёси объектлари оммавий мулк — республика мулки сифатида эътироф этилган. Ушбу мулкка етказилган зарар *фуқаровий ҳуқуқий жавобгарлик* ҳисобланади. Уларни қоплаш белгиланган таксалар асосида ҳуқуқбузар — жисмоний ва юридик шахслар томонидан туланади. Лекин ҳуқуқбузар фуқаро ёки мансабдор шахсни фуқаролик жавобгарликка тортиш унга нисбатан маъмурий ёки жиноий жазони қўллашдан озод этмайди. Чунки ҳайвонот дунёси объектларига етказилган зарарнинг доимо ҳам ўрнини қоплаш имконияти йўқ ва айбли қилмишнинг олдини олиш ҳамда Конституциямизнинг 55-моддасида кўрсатилган табиий захираларни муҳофаза этиш давлат функциясини амалга ошириш нуқтаи назаридан қаралиши керак.

*Маъмурий ҳуқуқий жавобгарлик* фуқарога ёки мансабдор шахсга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 83, 90, 92, 93, 94-моддаларига асосан амалга оширилади. Мазкур кодекснинг 83-моддасида ўрмон учун фойдали бўлган ҳайвонот дунёси — ҳашаротхўр кушлар, термитлар (чумолилар) ва шу кабиларни йўқ қилишга олиб келган ғайриҳуқуқий айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида) содир этилган шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун қўлланилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 90-моддаси ов қилиш ёки балиқ овлаш ҳамда бошқа турдаги ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жазо санкциясини ўрнатади. Кодекснинг 92-моддаси эса ҳайвонлар яшайдиган муҳитни ва уларнинг кўчиб юриш йўлларини муҳофаза қилиш, зоологик коллекцияларини ташкил этиш, уларни олиб бориш, савдо қилиш ҳамда ҳайвонот дунёсини ўзбошимчалик қилиб кўчириш, иқлимлаштириш ва чатиштириш қоидаларини бузганлар учун қўлланилади. 93-модда Қизил китобга кирган ҳайвонларни тур сифатида сақлаб қолишга зарари етадиган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини мамлакат ичкарисига олиб кирганлар учун қўлланилади. 94-модда эса «Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби»га киритилган ҳайвонот дунёсини йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд уларнинг яшаш муҳити (бошпанаси ва бошқа яшаш жойи)ни йўқ қилиш, ёки бузиш, агарда улар сонининг камайиши, қирилиши ёки яшаш фаолияти-

нинг ўзгаришига олиб келса, ҳуқуқбузарлик куралини мусодара қилиш ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача жарима солишни кўзда тутилади.

Агарда ҳайвонот дунёси объектларига нисбатан қилинган ҳуқуқбузарлик айбли ижтимоий хавфли қилмиш бўлса, у *жиноий жазога* тортиш учун асос бўла олади. Жиноят кодексининг 196-моддасига биноан, атроф-муҳитни ифлослантириш ҳайвон, парранда ёки балиқларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлса ва у суд ҳукми билан айбли қилмиш деб топилса, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Мазкур кодекснинг 199-моддасига биноан эса, ўсимлик касалликлари ва зараркунандалари билан курашиш мақсадидаги кишилар фаолияти ҳайвонот дунёсининг йўқ бўлиб кетишига олиб келса, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 дан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноий жазо Жиноят кодексининг 201-моддаси — зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш, 200-модда — ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш, 202-модда — ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва 204-модда — алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш орқали содир этилган жиноятчилар учун қўлланилади.

Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрларини бузганлар учун юридик жавобгарлик санкцияларини қўллаш нафақат ноқонуний ҳаракатларни жазолайди ва уларнинг олдини олади, авваламбор, ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллигини сақлаб қолишга хизмат қилади.

### Қайтариш учун савол ва топшириқлар



1. Қандай ҳайвонлар экологик-ҳуқуқий муносабат объекти бўла олади?
2. Биологик хилма-хиллик деганда нимани тушунасиз?
3. Қайси қонунларда ҳайвонларни муҳофаза қилиш тартиби ўрнатилган?
4. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш иборасига тушунча беринг.
5. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш нималарга асосан олиб борилади?
6. Балиқ овлаш нима?
7. Ов қилиш ўз ичига нималарни олади?
8. Қандай ҳайвонот дунёсининг турларини овлаш ёки тутиш ман этилади?
9. Ҳайвонот дунёсига келтирилган зарар қай тариқа қопланади?

Ифлосланишнининг олдини олиш унга қарши курашдан арзонроқ ва яхшироқдир.

*АҚШ экологларининг шиори*

## XV боб. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

### 1. АТМОСФЕРА ҲАВОСИ — ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

*Атмосфера* сузи дастлаб Аристотель томонидан ёритилган бўлиб, «атмос» — пар, буғ, «сфера» — шар, қатлам, яъни *ер шарини ўраб турувчи буғсимон қатлам деган маънони англатади*. Атмосфера ҳавоси таркибига ердаги, сувдаги, тоғ жинслари орасидаги ҳаво кирмайди. Тирик организмлар ҳар 10 йилда атмосфера ҳавосини бир сидра тўлиқ ўзлаштириб, ўз организмларидан ўтказадилар

Атмосфера таркибида нафақат кислород, балки ис гази, водород, сув буғлари, нитрат каби ўнлаб учувчи моддалар учрайди. Ундаги ҳар бир модда ўз функциясига эга. Кислород атмосферада оддий ( $O_2$ ) ва озон ( $O_3$ ) тарикасида учрайди. Эркин кислород ( $O_2$ ) ҳаво таркибида 20—21% ни ташкил қилган ҳолда, у асосан денгиз ва океан юзидаги фитопланктон (80%) ва ер устидаги ўсимлик дунёси (20%) дан тўйинади. Унинг физиологик вазифаси тирик мавжудот қонининг ҳаракатини гемоглабинлар ҳисобига айлантриб туришдан иборат. Ундан ташқари кислород халқ ҳужалигининг барча соҳаларида ишлатилади, чунки у кимёвий энг фаол ва ёнишга ёрдам берувчи газ ҳисобланади.

Углерод оксиди (карбонат ангидрид), гарчанд атмосферада 0,03% ни ташкил этса-да, 170 млн. тонна биомасса ҳосил қилишда ва Куёш энергиясини ушлаб туришда хизмати каттадир. Атмосфера ҳавосининг асосий сифат кўрсаткичи айнан  $O_2$ : $CO_2$  нисбатига қараб баҳоланади.

Атмосферада азот — 78 %, аргон — 0,9%, қолган — ксесон, гелий, водород, неон, криптон ва радонлар жуда кам миқдорда учрайди. Водород ( $H_2$ ) табиий радиоактив парчаланишни таъминласа, сув буғлари ( $H_2O$ ) намликни ер шари бўйича бир текисда тарқатади, азот ( $N_2$ ) босимни ушлаб туради, озон ( $O_3$ ) ультрабинафша нурларни тўғридан-тўғри ер юзасига ўтишини ушлаб қолади. Умуман олганда, атмосфера таркибидаги ҳар бир табиий газ ва буғлар маълум бир экологик функцияларни бажаради.

Атмосфера ҳавосида табиий газ ва буғлардан ташқари турли аэрозол ва ионлар ҳам бор. Аэрозол — турли хил бирикмаларнинг ҳиди, сувнинг ҳавоси, булутлар, тутун, қуюн (смог), заҳарли ҳидлар. Ионлар эса радиотўлқинларнинг тарқалиши, магнит бўронларининг

сабабчисидир. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар қаторида олтингугурт (98%), углерод оксиди, азот кўп миқдорни ташкил этади. Атмосфера ҳавоси таркибининг ўзгариши тирик организмлар, хусусан, инсон ҳаётига жуда тез таъсир этади. Шунинг учун ҳам уни иқтисодий-ижтимоий, ҳам сиёсий-маърифий, ҳам ҳуқуқий йўллар билан муҳофаза қилиш долзарб масала ҳисобланади. Атмосфера ҳавосини Экология ҳуқуқининг алоҳида бир объекти қилиб олишга ва унга оид муносабатларни ихтисослаштирилган қонун ҳужжатлари асосида тартибга солишга даъват этади.

1996 йил 27 декабрда мустақил Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. *Қонуннинг мақсади — атмосфера ҳавосини мустақил табиий объект унсури сифатида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш.* Мазкур Қонуннинг асосий вазифалари: атмосфера ҳавосининг таркибини сақлаш; турли хил кимёвий, физик, биологик ва бошқа хил таъсирнинг олдини олиш; давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдир. Атмосфера ҳавоси умуминсоний бойлик ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Мустақил Республикамизда атмосфера ҳавосини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш нафақат ушбу Қонун, балки Табиатни муҳофаза қилиш, Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, Сув ва сувдан фойдаланиш, Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш каби ихтисослаштирилган Корхоналар, Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш тўғрисидаги қонунлар, Ер, Жиноят, Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар каби умумлаштирилган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳуқуқ манбалари асосида олиб борилади.

1981 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунидан 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг бир қатор афзаллик томонлари бор. Авваламбор, янги қонунда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида қаралади. У ўз мазмуни ва моҳиятига кўра, бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамиятининг асосий тамойилларига таянади. Мустақил Республикамиз қонунда атмосфера ҳавоси биринчи бор табиий ресурслар таркибидан жой олган. Аввалгисида эса атмосфера ҳавоси фақатгина табиий объект сифатида қаралган эди, холос. Атмосфера ҳавосига табиий ресурс сифатида қаралишига сабаб бўлиб:

- \* атмосфера ҳавосидан саноат мақсадларида (азот ва кислород хом ашёсидан) фойдаланишлик;
- \* корхоналарнинг маълум бир қоришмани олишда атмосфера ҳавосидан фойдаланиш орқали амалга ошириш;

- \* атмосфера ҳавоси таркибидаги азотдан аммиак олиш ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш;
- \* атмосфера ҳавосидан иссиқлик утказиш, эфирга радиотелефон ва телевизион тулқинлар тарқатиш манбаи сифатида фойдаланиш;
- \* атмосфера ҳавосидан иссиқлик электростанцияларида, саноатнинг ёқилғи қозонларида, автомобилларда ёниш манбаси сифатида фойдаланиш кабилар.

Хуллас, ҳозирги замон фан-техникасининг ривожланиши даврида атмосфера ҳавоси муҳофаза объекти билан бирга фойдаланувчи ресурсга айланди. *Янги қонун айнан атмосфера ҳавосидан оқилона фойдаланиш жиҳатларини ҳам тартибга солади.*

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш туғрисида»ги қонун нафақат инсонларнинг тоза ҳавога эга бўлиш ҳуқуқи, балки бутун тирик мавжудотлар учун асосий яшаш макони ва уларнинг ҳам яшаш муҳити эканлигини эътироф этилишидадир. Чунки фуқароларнинг экологик хавфсизлиги тирик организмларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг хавфсизлиги билан бевосита боғлиқдир. Майда ёки нозик жониворлар инсонларга нисбатан атмосфера ҳавосининг ўзгаришига жуда таъсирчан бўлишади, ҳаттоки уларнинг яшаб кетишига қараб атмосфера ҳавосининг ҳолати «диагностика» қилинади. 2003 йил март ойидаги Ироқ — Америка урушида кимёвий қуролларнинг ишлатилганлиги ҳақидаги дастлабки маълумотларни кабутарларнинг хатти-ҳаракатига қараб аниқлашган. Шунинг учун ҳам янги Қонунда атмосфера ҳавосига физик, кимёвий, биологик ва бошқа хил инсон фаолиятининг таъсир этиш стандартлари ва меъёрлари айнан бутун тирик организмларнинг тоза ҳавога талаби нуқтаи назаридан ўрнатилган.

## 2. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

*Атмосфера ҳавосининг ўзига хос хусусияти — доимо ҳаракатда бўлиши ва уни бирон-бир субъект томонидан мулк сифатида ўзлаштира олиш имкониятининг йўқлиги.* Шунинг учун ҳам «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш туғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида у давлат мулки деб эътироф қилинмаган. Атмосфера ҳавоси — умуминсоният бойлиги, десак асло муболаға бўлмайди. Экология ҳуқуқининг бошқа манбаларидан фарқли, унда кўпроқ халқаро ҳуқуқ нормаларини акс эттириш мақсадга мувофиқлиги ҳам айнан ўшандадир.

Конституциямизнинг 50-моддаси ва мазкур Қонуннинг 4-моддасига кўра, фуқаролар ўз ҳаёти давомида қулай атмосфера ҳавосига эга бўлиш ҳуқуқи ва уни сақлаш соҳасида императив мажбуриятга эгадирлар. Давлат ўзининг ваколатланган органлари (Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат

ҳокимияти) орқали атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш стандартлари ва меъёрлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади. Агарда кишиларга салбий таъсир кўрсатувчи атмосфера ҳавоси стандарти Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўрнатилса, иқлим, озон қатлами ва бошқа ҳаво стандартлари Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ўрнатилади. Атмосфера ҳавоси сифатининг нормативлари Давлат стандартлари бошқармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қуйидаги кўрсаткичлар бўйича белгиланади:

- атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ва атроф табиий муҳит объектлари (тирик организмлар) учун йўл қўйиладиган даражада тупланиши;
- физик омиллар атмосфера ҳавосига акустик, электромагнит, ионлаштирувчи ҳамда бошқа хил зарарли таъсир кўрсатишининг инсон ва атроф табиий муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган даражалари;
- айрим минтақалар ёки экологик инқирозли ҳудудлар учун алоҳида нормативларнинг белгиланиши ҳам мумкинлигини Қонун алоҳида эътироф этади. Чунки Орол ва Орол бўйи, Сурхондарёнинг шимолий ҳудудларида атмосфера ҳавосида туз, фенол, фтор ва углерод оксидининг кўпайиши тегишли моддалар бўйича атмосфера ҳавосини ифлослантириш нормативларини жуда қаттиқ меъёрланишига сабаб бўлади.

Доимий манбалардан атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш нормативлари алоҳида ўрнатилади. Уларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Ўзбекистонда атмосферага 150 турдаги ифлослантирувчи моддалар чиқарилади. Хавфлилик даражасига қараб улар классларга ажратилади. 1-класс моддаларига: оғир металлар, ванадий, бензапирен, озон, мишьяк ва шу кабилар кирди. 2000 йилга келиб доимий зарарли таъсир кўрсатиш манбалари 1971 тоннага етган. Тозалагичларнинг 85% нормал ҳолда фаолият юритмоқда. Қолганларида уларнинг ўрнатилиши ёки янгиси билан алмаштирилиши талаб этилади.<sup>1</sup>

Янги қонуннинг ўзига хос томонларидан яна бири атмосфера ҳавосидан фойдаланишга доир нормативларнинг ўрнатилишидадир. Ушбу фойдаланиш нормативлари кучма манбалар, доимий ифлослантирувчи манбалар, физик омиллар бўйича алоҳида ўрнатилган. Нормативларнинг энг юқори кўрсаткичлари атмосфера ҳавосининг табиий таркибининг ўзгаришига олиб келмайдиган даражада белги-

<sup>1</sup>Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан». — Т.: «Chinor ENK», 2002. — с. 29.



ланади. Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативлари корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида тасдиқланади.

Кўчма манбалардан атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш нормативлари Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгилаб қўйилади. Айниқса, бу ўринда янги қонун автомобиль, трактор, трамвай, троллейбус, самолёт, поездлар томонидан чиқариладиган товушларга биринчи бор алоҳида эътиборни қаратган. Ривожланган Ғарб мамлакатларида ҳаракатдаги техника манбаларининг товуши уни миллий ҳудудда юриши, учиши ва сузишга рухсат берилишини белгиловчи бош меъёрдир. Ушбу талабларга жавоб бериш учун ҳам Ўзбекистон шовқинсиз ЎЗДЭУ автомашиналарини ишлаб чиқмоқда, А—300, Боинг—474 каби самолётларни сотиб олмоқда. Улар барча экологик нормативларга жавоб беради ва дунёнинг барча чеккаларида ушбу техникалардан фойдаланиш имконини яратади.

Доимий ифлослантирувчи манбалардан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ҳамда биологик организмларни чиқариш ва фойдаланишни тартибга солиш Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилладиган рухсатномаларга биноан йўл қўйилади.

Қонуннинг 14-моддасида барча турдаги ёқилғи ва ёнилғи-мойлаш материалларини стандартлаштириш талаби ўрнатилган. Бу деган сўз Энергетика вазирлигига қарашли иссиқлик станциялари иситиш ва саноат қозонларида ёқилғини ишлатишни «Ўзнефтьгаз» корпорацияси билан келишган тарзда, муайян стандартларга мувофиқ равишда олиб боради. Ёқилғи ва ёнилғи-мойлаш материалларининг талаби Фарғона ва Шўртангаз заводларида жаҳон стандартларига мослаштирилиши шарт. Стандартларни ўрнатиш ва назорат қилиш жуда серчиқим тадбир бўлиб, у мазкур корхоналар томонидан Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишган тарзда олиб борилади. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маълумотларига кўра, шаҳар ва аҳоли пунктларида атроф-муҳитнинг ифлосланиши, авваломбор, ёқилғи материаллари сифатининг ёмонлиги ва мотор ёқилғисининг таркибида олтингуруртнинг кўплигида, деб хулосаланган. Яқин келажакда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи этилсиз ёқилғиларни ишлаб чиқариш ниятида. Ана ўшанда Европа, Япония, Америкада бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам атмосфера ҳавоси нисбатан мусаффолашади, деган ниятдамиз.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида мустақил республикаларнинг пайдо бўлиши, уларда яхши амалларнинг кўпайиши билан бир қаторда, ноэкологик оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Бунга мисол қилиб ривожланган мамлакатлардан келтирилган эски автомобиль паркиннинг тўпланиши ва уларни носоз эксплуатация қилиниши. 1997 йилдан бошлаб, ушбу ҳолат Ўзбекистон учун қўлланилмади. Биринчи

навбатда, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда четдан олиб кириладиган машиналарга катта талабларнинг қўйилиши (15-модда) ва божхона тўловларининг кўпайтирилиши. ИИВ, ДЙҲХББ ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси республика ҳудудида халқаро стандартларга мос равишда автомобилларга оид экологик нормаларни татбиқ қилишга киришган.

Суверен Ўзбекистон Республикасининг экологик қонунчилигида катта ўзгаришлар содир бўлди. Чунки Асака, Самарқанд, Урганч шаҳарларида енгил ва юк автомашиналари, Тошкентда эса самолёт, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарила бошланди. Қонуннинг 16-моддаси айнан транспорт ва бошқа қатнов воситалари ҳамда қурилмаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг экологик талабларини ўрнатди. Ушбу талабларга жавоб бермайдиган техник воситаларни ишлаб чиқариш тақиқланади. Худди ана шундай экологик талаб бундан буён автосервис хизматлари учун ҳам қўлланиладиган бўлди (17-модда). Автосервисларда, албатта, атмосферага чиқарилувчи газларни ва овозни текшириш бўйича диагностик ва тузатиш асбоблари ҳамда мутахассисларнинг бўлиши талаб этилади. Қонуннинг 22-моддасида транспорт магистралларида автомобилларни назорат қилиш учун юридик асос яратилди. Бу норма ҳам атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг халқаро стандартларига мос тушади.

### 3. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАЛАБЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Навоий, Қўқон, Чирчиқ, Наманган, Бухоро каби унлаб шаҳарларида йирик кимёвий, нефт-кимёвий, газ-кимёвий корхоналар мавжуд. «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида кимёвий моддаларни ишлаб чиқарувчи ва улардан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар учун йўл қўйиладиган нормативлар белгиланган, уларни назорат қилиш усуллари ва экологик-таксокологик паспортларини Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда ишлаб чиқирилиши кўрсатилган. Ишлатиш тақиқланган ёки ишлатишга яроқсиз булиб қолган ҳар қандай кимёвий моддаларнинг зарарсизлантирилиши, борларини эса халқ хўжалигида ва айниқса, қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг қаттиқ меъёрлари ўрнатилиши талаб этилади. *Янги Қонун атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш мақсадида осмондан туриб (самолёт ёки вертолёт каби учувчи воситалар ёрдамида) дефоляция ёки дезинтоксикация қилишни тақиқлайди.*

Озон қатламини муҳофаза қилишга доир Вена конвенцияси ва озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреал протоколига

қушилган Ўзбекистонда, озон қатлами Атмосфера ҳавосини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг махсус объекти сифатида қаралади. Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, озонни бузувчи моддалар бўлган буюмлардан фойдаланувчи ва уларни таъмирловчи корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар бундай моддаларни ҳисобга олиши ва озон учун хавфсиз моддалар билан алмаштирилишини таъминлашлари лозим. Бу ўринда фреон моддаси ишлатиладиган музлатгич ва кондиционерларни таъмирловчи маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ишини тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этади.


Илгарилари ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олиш, техноген ташландиқларни сақлаш ишларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талаблари ўрнатилмаган эди. Янги таҳрирдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг IV боби 35, 40-моддаларига биноан, ер қаъридан ва унинг ҳосилаларидан фойдаланишда, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига олиб келувчи ишларнинг тақиқланиши, масъулиятли шахсларнинг эса мажбуриятлари қонун билан тартибга солиниши белгилаб қўйилган. «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, шаҳар ва аҳоли пунктлари ҳамда уларнинг атрофида техноген ҳосилаларни ташкил этиш ва ташландиқ чиқитларни жойлаштириш ман этилади. Аҳоли сони ва иқлим шароитларига кўра, аҳоли пунктларида тегишли майдонларда муҳофаза зоналари ўрнатилади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда янги Қонун барча ҳужалик фаолияти, агарда у атмосфера ҳавосига таъсир этиши мумкин бўлса, экологик сертификацияланади. Экологик сертификациялаш кашфиётлар, ихтиролар, саноат намуналари, техника ва технологияларни жорий этиш пайтида ҳам қўлланилади. Бу талаб Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият олдидаги бурчи ҳисобланади.

Корхона, ташкилот ва муассасалар атмосфера ҳавосини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида 20-расмда баён этилган талабларни бажаришга мажбурдирлар. Акс ҳолда уларнинг фаолиятлари тўхтатилиши, бекор қилиниши ва ҳуқуқбузар шахслар тегишли юридик жавобгарликка тортилишлари мумкин.

#### 4. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ КАФИЛЛИК МЕХАНИЗМИ

Юқорида келтирилган атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид экологик-ҳуқуқий талабларни амалга ошириш учун давлат муайян кафиллик механизмини яратади. *Кафиллик механизмига атмосфера ҳавосига етказилган зарарни қоплаш учун туловларни ундириш → давлат ҳисобини олиб бориш → мониторингни ташкиллаштириш → назоратни ўрнатиш → ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортиш → халқаро мажбуриятларни бажариш киради.*



20-расм. Юридик шахсларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишдаги мажбуриятлари.

Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатган корхона, муассаса ва ташкилотлар, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларда эса жисмоний шахслар ҳам Солиқ қонунчилигига биноан *экологик солиққа* тортиладилар. Унинг ставкаси Солиқ кодексининг 112-моддасига биноан, ишлаб чиқариш таннархининг бир фоизли ставкаси бўйича тўланади. Ундан ташқари, ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган, Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган Ўзбекистон ҳудудида атроф-муҳитга ифлослантувчи моддаларни ташлаш (оқизиш) ва чиқиндиларни жойлаштирганлиги учун тўловлар белгиланади. Ушбу тўлов ва солиқларнинг аксарият қисми атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга сарф қилинади. Лекин экологик солиқ ва тегишли тўловларни тўлаш Қонуннинг 25-моддасига кўра корхона, муассаса ва ташкилотларни атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид ишларни бажаришдан ва табиатга етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Атмосфера ҳавосига етказилган зарарни қоплаш ва тегишли экологик-ҳуқуқий чораларни олиб бориш ушбу табиий объект бўйича *давлат ҳисобини юритишни* талаб этади. Давлат ҳисоби:

1) атмосфера ҳавосининг ҳолатига зарарли таъсир кўрсатаётган ёки зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган объектлар;

2) фойдаланилаётган атмосфера ҳавоси ҳажмлари;

3) атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантувчи моддалар, биологик организмлар, иссиқхона газлари ва озонни бузувчи моддаларнинг турлари ва ҳажмлари;

4) физик омиллар кўрсатадиган зарарли таъсирининг турлари ва ҳажмлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ягона тизимда олиб борилади.

Атмосфера ҳавоси ҳолатини кузатиш, у ҳақдаги ахборотни тўплаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш истиқболини белгилаш (мониторинг-ни олиб бориш) Ўзбошгидромет томонидан тегишли давлат идораларининг фаол иштирокида амалга оширилади. *Мониторинг* маълумотлари давлатнинг умумий ва махсус ваколатланган органларига бепул бериледи ва улар *давлат назоратини* утказишда асос бўлиб хизмат қилади. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан махсус назоратни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигида Санитария ва гигиена бўйича давлат инспекцияси, Ички ишлар вазирлигида Экологик назорат инспекциялари томонидан олиб борилади. Улардан ташқари «Табиатни муҳофаза қилиш туғрисида»ги қонуннинг 32-моддаси, мазкур Қонуннинг 29-моддаси ва тегишли ихтисослаштирилган қонун ҳужжатларига биноан, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратини олиб бориш назарда тутилган.

Атмосфера ҳавосига оид қонун ҳужжатларидаги талабларни бузган шахсларга нисбатан *интизомий, фуқаровий, маъмурий ва жиноий жазо турлари қўлланилади*.

Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда 85—89-моддалар бўйича бевосита, 70, 78, 79, 82, 84, 91, 95, 96-моддалар бўйича билвосита равишда атмосфера ҳавосига салбий таъсир этганлари учун фуқаро ва мансабдор шахсларга маъмурий жазо қўлланилади. Агарда қилмиш ижтимоий хавфли бўлса, яъни кишилар ҳаётига хуруж қилса ёки унга сабабчи бўлса, Жиноят кодексининг 193—196-моддаларида акс эттирилган жазоларни қўллашга асос бўла олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юридик ва жисмоний шахсларнинг атмосфера ҳавосини бузиш оқибатида етказилган зарар ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплашлари айбдорларни интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортишдан озод этмайди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти тариқасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид тўртта Конвенцияга имзо чеккан. Уларни бажариш орқали давлатимиз умуминсоният мулки бўлмиш атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга катта ҳисса қўшади, деб ўйлаймиз.

### Қайтариш учун савол ва топшириқлар



1. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун қайси бир ҳаво муҳофазасининг ҳуқуқий нормаларини ўрнатади?
2. Қандай кўрсаткичлар бўйича атмосфера ҳавоси сифати аниқланади?
3. Собиқ Иттифоқ ва мустақиллик давридаги «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг асосий фарқи нимада?
4. Давлат стандартлари қайси турдаги объектлар бўйича ўрнатилади?
5. Атмосфера ҳавосининг қайси бир ўзига хос жиҳатларини инобатга олган тарзда ҳуқуқий нормалар ўрнатилади?
6. Давлатнинг махсус ваколатланган бошқарув органларининг функцияларини санаб утинг.
7. Атмосфера ҳавосини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш талаблари нималардан иборат?
8. Юридик шахсларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишдаги мажбуриятлари қандай?
9. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг кафиллик механизми деганда нимани тушунаси?

Табиат ўз қонунларига мувофиқ ҳаракат қилади, инсонлар эса — қонунлар тўғрисида ўз тасаввурига мувофиқ.

*Август Леш*

## XVI боб. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

### 1. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

Маҳаллий, регионал ва миллий экологик хавфсизликни таъминлаш учун туман, вилоят ёки республика миқёсида экологик районлаштириш олиб борилади. Экологик районлаштиришда муайян ҳудудларни, уларнинг атроф табиий муҳит ҳолати ва келажак истиқболларига қараб бўлиб чиқилади. Бўлинган контурларда халқ, миллат ёки давлатнинг табиий генофондини сақлаш ёки маълум бир экологик мақсадларни кўзлаган ҳолда алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ажратиб олинади.

*Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар деб тарихий-маданий, сиёсий ва экологик мақсадларни кўзлаган ҳолда давлатнинг алоҳида эътибори билан қўриқланадиган ҳудудларга айтилади.* Улар уч кўринишда намоён бўлади: алоҳида муҳофаза этиладиган *тарихий-маданий ҳудудлар* — тарихий ёдгорликлар, ансамбль ва архитектура мажмуалари, тарихий аҳамиятга мойил боғлар; алоҳида муҳофаза этиладиган *сиёсий ҳудудлар* — ҳарбий ва ўқув полигонлари, давлат чегараси ёки атом ядроси билан ишловчи корхоналар атрофи каби тегралар; алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар.

*Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар деб экологик, маданий-соғломлаштириш, илмий, эстетик, рекреацион (дам олиш) мақсадларни кўзлаб, давлатнинг алоҳида эътибори билан қўриқланадиган табиий ҳудуд ва объектларга айтилади.* Уларга ер участкалари, ер қаъри, сув кенгликлари, ўрмонлар ва миллий табиий меросга кирувчи аниқ бир табиий объектлар кириши мумкин.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар нафақат ўзларининг табиий хусусиятларининг ноёблиги, балки ўзга ҳудудларнинг экологик барқарорлигини таъминлашда ҳам катта аҳамият касб этади. Масалан, Чотқол — Угам тоғ тизмасида қўриқхоналарнинг ташкил этилишидан мақсад, ноёб табиат бойлигини сақлаш билан бир қаторда, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида яшовчи деярли 3 миллиондан ортиқ аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаб берувчи дарёларнинг тўйиниш манбаларини (қор ва музликлар, булоқлар ва чашмалар) сақлаб қолишдир.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг экологик-ҳуқуқий ҳолатига қараб, уларни ижтимоий-экологик, қўриқхона-экологик, иқтисодий-экологик хилларга ажратилади (21-расм).



21-расм. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар ва объектларни экологик-ҳуқуқий ҳолати бўйича таснифлаш.



*Ижтимоий-экологик хил* — аҳолининг маданий-соғломлаштириш ва рекреацион мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкиллаштирилган, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар. Бу деган сўз, аҳолининг саломатлиги ва унинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини муайян ҳудудларда ижтимоий-экологик муҳофаза қилиш мақсадида, уларда алоҳида бир ҳуқуқий ҳолатни ташкил этиш.

*Қуриқхоиа-экологик хил* — илмий, эстетик ва маданий-оқартув мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкиллаштирилган, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва объектлар. Табиий меросни сақлаб қолиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, илмий ва репродуктив (қайта тиклаш) масалаларни ҳал қилиш, аҳолининг ўз гузал ва бетакрор диёрига бўлган меҳрини уйғотиш, табиат гузалликларидан баҳра олиш ва Ватанни севиш каби вазифаларни бажариш мақсадида ташкиллаштирилган ва алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлган ҳудудлар ва табиат ёдгорликлари.

*Иқтисодий-экологик хил* — давлатнинг иқтисодий қудратининг барқарор ривожланишига хизмат қилувчи табиий объектларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкиллаштирилган ҳудудлар ва объектлар. Ифлосланмаган ёки кимёвий моддалар билан заҳарланмаган сув ҳамда ноёб ва қимматбаҳо конлар нафақат инсонларга ижтимоий ёки экологик мақсадларда, балки қишлоқ хўжалигини суғориш суви билан таъминлаш, балиқ хўжалигини юритиш, қимматбаҳо минерал бойликларни сақлаш ва уларни давлат равнақи учун хизмат қилдириш мақсадларини ҳам кўзлайди.

## 2. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИНГ УМУМИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Барча хилдаги алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга хос бўлган ҳуқуқий қоидалар ва меъёрлар мавжуд. Ушбу ҳуқуқий нормалар 1993 йил 7 майдаги Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, Табиатни муҳофаза қилиш, Сув ва сувдан фойдаланиш, Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунлар, Ер, Жиноят, Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Меҳнат кодекслари каби ўнлаб қонунлар ва қонун ости меъёрий ҳужжатлар орқали тартибга солинади. Барча Экология ҳуқуқи манбаларининг асосий мақсади ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий талабларини қондирувчи қимматли табиат мажмуаларини ва ёдгорликларини ҳуқуқий муҳофаза қилишдир.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ва объектлар миллий бойлик ва умумхалқ мулки ҳисобланади. Фақатгина дендрология, ботаника ва ҳайвонот боғларини ташкил этиш, уларда экологик-

ҳуқуқий талабларни жорий қилиш махсус «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, ушбу 3 турдаги табиий-антропоген ташкиллаштирилган объектлар бошқа шакллардаги мулк бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Ер кодексининг 8-моддасига биноан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари алоҳида бир ер тоифасига ажратилди. Солиқ кодексининг 101-моддаси 3-бандига кўра, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар — давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, буюртма қўриқхоналар (ов қилишга мўлжалланган заказниклардан ташқари), табиат ёдгорликлари, ихота дарактзорлари ер участкалари ер солиғидан озод қилинади. Уларда белгиланган мақсаддан ташқари барча фаолият тақиқланади. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда фойда олиш мақсадида хўжалик фаолияти юритиладиган бўлса, у ҳолда ер солиғи ва ижара ҳақи ундириб олинади.

1999 йил 20 августдаги «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг IV бобига мувофиқ, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда фавқулодда вазиятлар (сув тошқини, zilзила, кучиш ва ҳ.к.) рўй берган тақдирда, уларнинг ҳуқуқий ҳолатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, махсус ваколатланган вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар ва идоралар амалга оширадilar. Давлат назоратини эса Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси олиб боради.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар уларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош схемаси ёки Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудий мажмуа схемасига мувофиқ барпо этилади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ушбу тасдиқланиш тегишли ер майдонини захиралаш (ажратиш) тўғрисидаги қарор қабул қилинишига асос бўла олади. Захираланган ер майдонида хўжалик фаолияти тўхтатилади ёки чекланади.

«Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига кўра, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастрларининг ягона тизимида туради. Уни юритиш тартиби 1998 йил 10 мартда Вазирлар Маҳкамасининг 109-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга» мувофиқ ўтказилади. Ушбу кадастрда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми, географик жойлашиши, миқдор ва сифат кўрсаткичлари, экологик, илмий, маърифий

ва бошқа хил аҳамияти тўғрисидаги, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади. Тегишли давлат кадастри Геодезия, картография ва давлат кадастрлари бош бошқармаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси билан биргаликда амалга оширилади.

Ўзини ўзи бошқарув идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни йўлга қўйишда, экологик, маърифий, маданий тадбирларни ўтказишда давлат органларига ҳамкорлик қилишлари мумкин.

### 3. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ИЖТИМОЙ-ЭКОЛОГИК ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРУВЧИ ҲУДУДЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Шундай қилиб, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ижтимоий-экологик хили, фуқароларни бехатар атроф табиий муҳитни юзга келтириш орқали, уларнинг бевосита экологик ҳуқуқларини таъминлаб беради. Уларга — курорт табиий ҳудудлар, табиий соғломлаштириш ҳудудлари, рекреацион ва ҳимоя теғралар, дендрология, ҳайвонот ва ботаника боғлари киради.

«Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 24—25-моддаларига биноан, Ўзбекистонда **курорт табиий ҳудудларга** инсонларни даволаш ва саломатлигини тиклаш хусусиятларига, минерал манбаларга, даволовчи балчиқ қатламларига, қулай иқлим шароитлари ва бошқа табиий шарт-шароитларга эга бўлган зоналар киради. Улар маҳаллий ёки республика аҳамиятига молик бўлиши мумкин. *Маҳаллий аҳамиятга молик курортлар* маҳаллий давлат ҳокимиятининг Касаба уюшмалар федерацияси кенгаши ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма тақдимномасига биноан қабул қилинган Қарори асосида ташкил этилади. *Республика аҳамиятига молик курортлар* Вазирлар Маҳкамаси, Республика касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма Тақдимномасига биноан ташкил этилади.

*Табиий соғломлаштириш ҳудуди* уч хил бўлади: 1) даволаш хусусиятига эга бўлган манбалар; 2) санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйлари; 3) санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйлари атрофидаги (туташ) ҳудудлар.

Даволаш хусусиятига эга бўлган иссиқ ва минерал сув манбалари ҳамда балчиқ қатламлари бор жойларда ҳар қандай хўжалик фаолиятини юритиш тақиқланади. Уларда фақатгина даволашни таъминлаб берувчи иншоотлар қуриш мумкин, холос. Санаторийлар,

пансионатлар ва дам олиш уйлари теғраларида уларни ташкил этиш ва фаолият юритишдан бошқа хўжалик фаолияти тақиқланади. Бу ерда тиббиёт ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари бошқа аҳолининг яшаши ман этилади. Улар атрофидаги ҳудудларда даволаш манбаларига ва атроф-муҳитга зарарли таъсир этмайдиган фаолият юритишга руҳсат этилади.

**Рекреация теғралари** — туризм ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун қулай географик ва иқлим шароитларига эга ҳудудлар. Рекреация теғралари маҳаллий давлат ҳокимияти Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тақдимномасига биноан қабул қилинган қарор орқали ташкил этилади. Уларда туризм ва аҳолининг дам олишига халақит бермайдиган, чекланган тарздаги, хўжалик фаолияти юритишга руҳсат этилади.

**Ботаника боғи** — ўсимлик термалари (коллекциялари)ни тузиш, тулдиритиш ва асраш, илмий, ўқув-таълим ишларини олиб бориш йўли билан маҳаллий ва жаҳон миқёсидаги ўсимликлар мажмуаларининг нодир ва муайян туркумга хос турларини махсус яратилган шароитда асраш, ўрганиш, иқлимлаштириш, кўпайтириш ҳамда улардан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида ташкил этилган боғ.

Тошкент ботаника боғи илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади. У республикада ягона ботаника боғи бўлиб, унда 1647 турдаги Шарқий Осиё, Узоқ Шарқ, Шимолий Америка, Қрим-Кавказ, Ўрта Осиёга хос ўсимликлар 40 гектардан ошиқ майдонда жойлаштирилган.

**Дендрология боғи** — илмий, маданий, рекреация ва бошқа йўсинда ғоят самарали фойдаланиш учун дарахтлар, буталарнинг ҳар хил турларини ҳамда улардан таркиб топган дарахтзор ва бутазорларни махсус яратилган шароитда асраш, ўрганиш мақсадида ташкил этилган боғ. Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган дендрология боғи илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

**Ҳайвонот боғи** — экологик таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш, ҳайвонларнинг нодир экзотик ва маҳаллий турлари экспозицияларини яратиш, уларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш, ёввойи ҳайвонларни ўрганиш ҳамда уларни тутқунликда кўпайтиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган боғ. Умумдавлат аҳамиятига молик ҳайвонот боғи маданий-маърифий йўналишдаги табиатни муҳофаза қилиш муассасаси ҳисобланади. Ҳайвонот боғида ҳайвонларнинг кўчма экспозицияларини ташкил этиш, жониворларни озуқа билан таъминлаш учун ёрдамчи хўжаликлар барпо этишга руҳсат берилади.

Ўзбекистонда Тошкент ва Термиз ҳайвонот боғлари мавжуд. Пойтахтдаги ҳайвонот боғида 124 турдаги ҳайвонот дунёсининг турлари сақланмоқда.

#### 4. ҚҶРИҚХОНА — ЭКОЛОГИК ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРУВЧИ АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ҲУДУДЛАР ВА ОБЪЕКТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

*Қуриқхона — экологик вазифаларни ўтовчи алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларга — қуриқхоналар, миллий боғлар, буюртма қуриқхоналар (заказниклар), табиат ёдгорликлари, қуриқланма (оралиқ) тегралар киреди.* Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуннинг II бўлимига мувофиқ, уларда аксарият ишлар давлат томонидан молиялаштирилган тарзда олиб борилса, «давлат» сўзи қўшиб ишлатилади.

*Қуриқхона — оддий ва ноёб табиий мажмуалар, ўсимликлар ҳамда ҳайвонларнинг ирсий фондларини сақлаб қолиш ва ўрганиш, табиий жараёнлар ва ҳодисалар ўзгариши устидан мониторинг ўтказиш мақсадидаги илмий-тадқиқот муассасаси.* Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Қонуннинг II бўлим 10—14-моддаларига мувофиқ қуриқхона ҳудуди тўлиқ ва бир умрга ҳўжалик фаолияти юритишдан тортиб олинади ҳамда доимий фойдаланиш учун муассасаларга бепул берилади. Қуриқхона ер фондиди ижарага бериш тақиқланади. Улар Ўзбекистонда махсус экологик функцияларни бажаргани учун давлат тасарруфида туради.

Давлат қуриқхоналари Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади. Уни бошқариш эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган давлат органлари орқали амалга оширилади. Қуриқхона қайси идоранинг тасарруфида бўлишидан қатъи назар, шу идора Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият юритади.

Ўзбекистонда 9 та давлат қуриқхоналари мавжуд бўлиб, улар 209,6 минг га ерни қамраб олган. Қуриқхоналардан бири (Чотқол тоғ-ўрмон) давлат биосфера қуриқхонаси мақомини олган.

*Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфида — Чотқол тоғ-ўрмон биосфера қуриқхонаси (Тошкент вилоятида), Ҳисор тоғ-арча қуриқхонаси (Қашқадарё вилоятида). Қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳузуридаги Ўрмон ҳўжалиги бош бошқармаси тасарруфида Зомин тоғ-арча (Жиззах вилоятида), Бадай — Тўқай текислик-тўқай (Қорақалпоғистон Республикасида), Қизилқум қумли-тўқай (Бухоро ва Хоразм вилоятларида), Зарафшон текислик-тўқай (Самарқанд вилоятида), Нурота тоғ-ёнғоқ (Жиззах вилоятида), Сурхон тоғ-ўрмон (Сурхондарё вилоятида) қуриқхоналари ҳамда Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тасарруфида — Китоб геологик қуриқхонаси фаолият юритмоқда.*

Давлат қуриқхоналари юридик шахс мақомидаги давлат муассасаларидан ҳисобланиб, уларнинг маблағлари давлат бюджетидан, таш-

қари, илмий, маданий-маърифий, реклама-ноширлик, ундириб олинган зарар ва жарима пулларидан, фуқаро ва юридик (жумладан, хорижий) шахсларнинг беғараз ёрдамларидан ва бошқа хил тушум ва йиғимлардан иборат бўлиши мумкин. Қуриқхона ҳудудларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кўпайтириш, кучириб келтириш ва иқлимлаштириш тақиқланади. Қуриқхоналарда илмий ишларни олиб боришга рухсат берилади. Уларда илмий институтларга хос бўлган барча фаолият тури ўз Низомларига мувофиқ равишда олиб борилади. Лекин «Табиат солномаси»ни юритиш мажбурий ҳисобланади.

*Давлат биосфера қуриқхонаси* — қуриқхонанинг бир тури бўлиб, улардаги барча ишлар халқаро ҳуқуқ норма талаблари даражасида олиб борилади. Чунки унда Ер курраси бўйича кишилар ҳужалик ва бошқа фаолиятларини ЮНЕСКОнинг дастурига асосан атроф-муҳитга бўлган таъсирини ўрганиш ва уни кузатиб бориш (глобал мониторинг юритиш)га оид вазифалар бажарилади. Биосфера қуриқхонасида халқаро стандартларга мос равишда учта зона — қуриқхона ядроси, буфер (муҳофаза) теграси ва халқаро кузатиш шохобчаларига эга бўлган биосфера полигони бўлиши талаб этилади.

Чотқол тоғ-ўрмон биосфера қуриқхонаси Марказий Осиё табиатининг энг гўзал масканларидан бири бўлиб, унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 262-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида ташкиллаштирилади.

*Давлат миллий боғи* — табиатни муҳофаза қилиш муассасаси бўлиб, улар алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қимматга эга бўлган ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, рекреация, маърифий-маданий, илмий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган табиий мажмуа.

Давлат миллий боғлари юридик шахс мақомида фаолият олиб боровчи муассаса бўлиб, у ҳам давлат бюджетидан ва ўз мақомига қура юргизилаётган рекреация, туризм-экскурсия, реклама-ноширлик каби даромадлардан ҳамда турли йўсиндаги беғараз ёрдам пулларидан йиғилган маблағлар ҳисобига ўз моддий базасини шакллантиради.

«Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига қура давлат миллий боғи таркибида — қуриқхона тегралари, рекреация, ҳужалик ва ўзга йўсиндаги фойдаланиш тегралари, тарихий-маданий объектларнинг муҳофаза тегралари бўлиши мумкин. Лекин миллий табиат боғида унинг мақсадини бажаришга зид бўлган ва экологик ҳолатини ёмонлаштирувчи барча фаолият тури тақиқланади. Тегишли вазифаларни бажариш учун керак буладиган йул ва иншоотлар қуриш, хизмат кўрсатиш инфраструктурасини ташкил этиш фаолияти экологик экспертизадан ўтган тақдирда рухсат этилади.

Ўзбекистонда Зомин ва Угам — Чотқол миллий боғлари фаолият юритмоқда. Халқаро табиатни сақлаш кенгашининг (IUCN) таснифига қура, миллий боғлар 2-даражали муҳофаза зоналарига киритилган.

*Давлат буюртма қуриқхонаси* — табиатнинг айрим таркибий қисмлари, яъни ўсимлик, ҳайвонлар ва қушлар ёки табиатнинг айрим бўлаги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд. Буюртма қуриқхоналар доимий ва вақтинчалик бўлади. Уларни ташкил этиш Вазирлар Маҳкамаси (республика аҳамиятига моликлари) ва Вилоят ҳокими (маҳаллий аҳамиятга моликлари) қарори билан амалга оширилади.

Буюртма қуриқхоналар уларнинг мақсади ва қўйилган вазифаларни бажаришига қараб:

- ✓ алоҳида қимматга эга бўлган табиий ландшафтлар ва мажмуаларни асраш ва тиклаш учун мўлжалланган *ландшафт*;
- ✓ жонсиз табиатнинг қимматли объектлари ва мажмуаларини асраб қолиш учун мўлжалланган *гидрологик* (ботқоқ, қўл, дарё);
- ✓ қимматли, нодир ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва жониворлар турларини асраб қолиш ва тиклаш учун мўлжалланган *биологик* (ботаник ва зоологик);
- ✓ айрим қазилма бойликлар ва уларнинг мажмуини асраб қолиш учун мўлжалланган *палеонтологик*;
- ✓ табиий келиб чиққан нодир ноёб ва нодир рельеф шакллари-ни асраб қолиш учун мўлжалланган *геоморфологик*;
- ✓ нодир геологик ва минерологик ҳосилалар ва тузилмаларни асраб қолиш учун мўлжалланган *геологик* турларга ажратилади ва уларга тегишли ҳуқуқий мақом берилади.

Буюртма қуриқхоналар ташкил этилган ҳудудларда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ўз ҳуқуқларини вақтинчалик тўхтатиб турадилар. Ҳудуддаги ташкилот, муассаса ва корхоналар буюртма қуриқхона талабларига риоя этишлари шарт. Унинг иш тартиби Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамаси ёки вилоят ҳокими тасдиқлаган Низом асосида олиб борилади.

Ўзбекистонда 9 та давлат буюртмаҳонаси мавжуд бўлиб, улардан Арнасойдан бошқа ҳаммаси — Қорақўл, Сайғоқ, Судочье, Сармиш, Қорақир, Қарнобчўл, Қўшрабод, Денгизқўл Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфидадир.

*Давлат табиат ёдгорликлари* — экологик, илмий, эстетик, маданий жиҳатдан ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмас, қимматли, келиб чиқиши табиий бўлган объектлар.

Маҳаллий ҳоким қарори билан табиий объектлар давлат табиат ёдгорлиги деб эълон қилиниши мумкин. Улар жойлашган ер участкаси ер эгалари ва фойдаланувчилардан тортиб олинмайди. Табиат ёдгорликлари қайси корхона, ташкилот ва муассаса ҳудудида бўлса, ўшаларга уларни муҳофаза қилиш вазифаси юклатилади. Диний ташкилотлардаги табиат ёдгорликлари алоҳида шахсларга фойдаланиш учун ёхуд ижарага берилиши мумкин.

Ўзбекистонда табиат ёдгорликлари бор-йўғи 35 км<sup>2</sup> майдонда жойлашган бўлиб, улар Табиатни муҳофаза қилиш, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси каби давлат идораларининг тизимида туради. Табиат ёдгорликлари жумласига ноёб кўринишдаги тошлар, ландшафтлар, дарахтлар, буталар, шаршара каби табиий объектлар кирали.

##### **5. ИҚТИСОДИЙ-ЭКОЛОГИК ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРУВЧИ АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ХУДУДЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**

*Иқтисодий-экологик характердаги алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари), қўриқланма (оралиқ) тегралар, балиқ хўжалиги тегралари, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари киреди.*

*Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари)га дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, коллекторлар ҳамда бошқа сув объектларининг узанларига тўташ сувларни муҳофаза қилиш ҳудудлари киреди.* Ушбу иқтисодий-экологик вазифаларни ўтовчи ҳудудларни ташкил этишдан мақсад, юқорида санаб ўтилган, гидрографик объектларни ифлосланишдан, булғанишдан, саёзланишдан, лойқаланишидан, нурашдан ҳамда энг мақбул сув маромини (режимини) сақлаб туришдан иборат.

Сувни муҳофаза қилиш минтақаларининг иш тартиби ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўладиган тегралар (дарё увалари, оқизикли адирлар, тоғ ён бағрининг этаклари)га ҳам тааллуқлидир. Уларнинг ҳуқуқий ҳолати Вазирлар Маҳкамасининг тасдиғидан ўтган табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идораларининг тақдимида биноан белгиланган тартибда ўрнатилади.

Сирдарё, Амударё, Зарафшон каби халқаро сув объектларини муҳофаза қилиш теграларининг ҳуқуқий ҳолати манфаатдор давлатлар уртасида тузилган шартномалар асосида ўрнатилади.

Аҳоли пунктлари ер фондида ер тузиш ва ерларни текислаш чоғида сув объектларини муҳофаза қилиш тегралари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идоралари билан келишиб олиниши талаб этилади.

Сувларни муҳофаза қилиш минтақаларининг ҳуқуқий ҳолати алоҳида сув объектлари ёки сув ҳавзалари бўйича умумлаштирилган тарзда белгиланади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 мартдаги 80-сонли «Қашқадарё вилояти Қашқадарё дарёсининг сувини муҳофаза қилиш ва дарё атрофидаги минтақаларни ўрнатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ унинг ҳуқуқий ҳолати ўрнатишдан. 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Республика сув ҳавзаларида сувни муҳофаза қилиш тартиби ўрнатишдан.

Сувни муҳофаза қилиш теграларида хўжалик фаолиятини юритиш қатъий чекланади, аҳоли пунктларида эса санитария муҳофазаси минтақаси белгилаб олинади ва унда ҳам сувга салбий таъсир



кўрсатувчи ҳўжалик фаолияти юритиш тақиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 401-сонли «Зарафшон дарёси сув ҳавзасида экологик ва санитар-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ушбу дарё атрофида жойлашган аҳоли пунктларининг ҳуқуқий ҳолати белгиланган.

Сувни муҳофаза қилиш теграларида «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида кўрсатилган барча ҳўжалик фаолияти тақиқланади.

**Кўриққонна (оралиқ) ёки буфер тегралар** — *ижтимоий-экологик ва кўриққонна-экологик турдаги алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга табиий техноген жараёнларнинг салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида ташкиллаштирилган зоналар.* Уларда ҳўжалик фаолиятини қай тартибда олиб бориш, уларга қайси бир минтақаларнинг кириши Табиатни муҳофаза қилиш давлат идоралари билан келишилган ҳолда, марказий ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасдиғига биноан ўрнатилади. Ушбу тартиб кўриққонна, буюртма кўриққонна, табиат миллий боғи, табиат ёдгорликлари ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларни ташкил этиш билан бир вақтда ўрнатилади.

**Балиқ ҳўжалиги тегралари** — *нодир ва йўқолиб кетаётган балиқ турлари ҳамда бошқа сув ҳайвонларини муҳофаза этиш ва кўпайтириш мақсадида, шунингдек, балиқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув объектлари ёки уларнинг бир қисми.* Уларнинг ҳуқуқий ҳолати табиатни муҳофаза қилиш ва сув ҳўжалиги идораларининг тақдимига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади. Мазкур теграларда ҳам балиқ ҳўжалигини юритишга зид бўлган барча ҳўжалик фаолиятини юритиш ман этилади.

2002 йил 16 январь Вазирлар Маҳкамасининг 23-сонли «Ер ости чучук сув манбалари ҳосил бўлиш теграларига алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақомини бериш тўғрисида»ги қарори **ер ости сувларини ҳосил бўлиш жойлари бўлган дарё водийлари, конус — винослар, тоғ олди шлейфларини** алоҳида ҳуқуқий мақомини белгилади. Лекин ушбу алоҳида муҳофаза этиш объекти қонун билан алоҳида эътироф этилмаган. Дунё тажрибаси эса бундай ҳуқуқий ҳаракатларни маъқуллайди ва айниқса, иссиқ иқлимли, сув муаммоси кескин бўлган минтақалар учун бу масала ўта долзарбдир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти миқёсида ер ости чучук сувларни муҳофаза қилиш ҳудудлари Чирчиқ — Оҳангарон (Тошкент вилояти), Чимён — Аували, Сох (Фарғона вилояти), Норин (Наманган вилояти), Ош — Араван (Андижон вилояти), Китоб — Шаҳрисабз (Қашқадарё вилояти), Зарафшон (Самарқанд вилояти) дарё ҳавзалари бўйича ўрнатилиб олинган. Республика бўйича ер-ости сувларини муҳофаза қилиш теграларининг сони 19 тага етди. Улардан 11 тасига республика, 8 тасига маҳаллий аҳамиятга молик алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тавсия этилди.

**Ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари** — бағоят қимматли ва нодир ўсимликлар турларининг ирсий фондиди муҳофаза этиш ва сақлаб қолиш, шунингдек, ўрмон фонди майдонларида қўриқхоналар, миллий боғлар ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларнинг иш тартибини таъминлаш мақсадида ташкиллаштирилган ҳудудлар. Уларнинг ҳуқуқий мақоми маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари табиатни муҳофаза қилиш ва ўрмон ҳужалиги идораларининг тақдимига биноан белгиланади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир муносабатлар билан боғлиқ низолар умумий суд ёки ҳужалик судларида кўриб чиқилади. Улардаги алоҳида бир табиий объектларга оид низолар тегишли махсус қонунларда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартиби бузилганда, унинг ким томонидан, қандай ҳолларда ва келтирилган зиённинг катта-кичиклиги, ижтимоий хавфлилигига қараб интизомий, фуқаровий, маъмурий ва жиноий жазо қўлланилиши мумкин. Ҳуқуқбузарликлар «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддасида батафсил кўрсатиб ўтилган.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳолатига зарарли таъсир кўрсатаётган корхона, ташкилот, цех, қурилмаларнинг фаолияти, то ушбу зарарли оқибатлар бартараф этилгунга қадар тўхта-тиб турилади ёки чеклаб қўйилади. Агарда ушбу зарарли фаолиятни бартараф этиш имконияти бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолияти тўхтатилади.

### Қайтариш учун савол ва топшириқлар



1. Нима учун айрим ҳудуд ва объектларни давлат алоҳида эътибор бериб қўриқлайди?
2. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд тушунчасини таърифланг.
3. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни таснифлаб беринг.
4. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга хос бўлган қандай умумий ҳолатларни айтиб бера оласиз?
5. Биосфера қўриқхонаси билан қўриқхонанинг қандай фарқи бор?
6. Буюртма қўриқхона турларини санаб беринг.
7. Нима учун Ўзбекистонда кўпгина алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга «Давлат» сўзи қўшиб ишлатилади?
8. Сув муҳофазаси теғраларида экологик талаблар ким томонидан ўрнатилади?
9. Қандай боғлар турли мулк шаклида бўлиши мумкин?
10. Жиноят кодексининг нечанчи моддасида қандай жиноий жазо санкцияси алоҳида муҳофаза этиш тартибини бузганлик учун қўлланилиши баён этилган?

Табиат устидан ғалаба —  
инсон фалокатидир.

*Экологик манифест*

## XVII боб. АНТРОПОГЕН ЎЗГАРГАН ҲУДУДЛАРНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

### 1. АНТРОПОГЕН ЎЗГАРГАН ТАБИЙ МУҲИТНИ ЭКОЛОГИК- ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ, АСОСИЙ ТУРЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Қўпгина юридик адабиётларда мутахассислар Экология ҳуқуқининг объектини — табиий объектлар, табиий ресурслар ва табиий комплексларга<sup>1</sup> ёки интеграллашган, дифференциациялашган (табақалашган) ва алоҳида муҳофаза этиладиган<sup>2</sup> ҳамда халқ ҳўжалиги бўйича тармоқлашган объектларга ажратадилар. Лекин ушбу муаллифларнинг ўзлари Экология ҳуқуқининг объекти бўлиши учун атроф табиий муҳит элементи, авваламбор, табиий келиб чиққан, экологик тизимнинг таркибига кирган, инсонларнинг иқтисодий, экологик, маданий, ижтимоий, сиёсий талабларини қондира оладиган ва яшаш муҳити сифатини таъминлаб бера оладиган бўлиши керак, деб тўғри таъриф берганлар. Албатта, ҳуқуқ орқали ушбу табиий объектлар амалдаги қонунлар билан тартибга солиш имкониятига эга бўлиши зарур<sup>3</sup>.

Экология ҳуқуқи объектларига нисбатан берилган бундай юридик таъриф бизни ҳам қониқтиради. Лекин, ушбу тушунчадан келиб чиққан ҳолда, табиатни муҳофаза қилиш ва уларни ҳуқуқий бошқариш тизимини халқ ҳўжалиги соҳалари бўйича ишлаб чиқиш, табиат қонуниятларига, яъни экологик тизимларнинг «комплекслилики» хусусиятига мос тушмай қолади. Ундан ташқари, саноат, транспорт, энергетика ва бошқа халқ ҳўжалиги тармоқлари экологик қонунлар объекти эмас, балки экологик назорат ва экспертиза объекти бўлиб қолиши мумкин, холос. Шунинг учун ҳам экологик қонунлар, анъанага кўра, аниқ бир Экология ҳуқуқининг объектлари ёки уларнинг комплекслари бўйича ишлаб чиқилади ва жамиятдаги экологик муносабатлар ана шу объектлар бўйича тартибга солинади.

Ў бобда таърифланган табиат ва жамият қонуниятларини уйғунлаштириш талабларини инобатга олиб, биз Экология ҳуқуқининг алоҳида тартибга солиниши керак бўлган объектларидан бири қилиб антропоген ўзгарган атроф табиий муҳитни оламит.

<sup>1</sup> Б. В. Ерофеев. Экологическое право России. — М.: Юрист, 1996. 624 с.

<sup>2</sup> В. В. Петров. Экологическое право России. — М.: Изд. БЕК, 1997. 557 с.

<sup>3</sup> А. Н. Нигматов. Экология ҳуқуқи: схемалар ва тушунчаларда. — Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1999. 148-б.

*Антропоген ўзгарган табиий муҳит* — кишиларнинг хўжалик фаолияти жараёнида маълум бир ҳудуд, тегра ёки зоналарда тубдан ўзгарган атроф табиий муҳит ҳолати. Ўзбекистон учун бу ҳудуд ёки зоналарни келтириб чиқарувчи ва уларга таъсир этувчи омиллар мажмуасига қараб — шаҳар, саноат ва аграр (қишлоқ хўжалиги) теграларига ажратиш мумкин. Бу ҳудуд, тегра ёки зоналарда табиат элементлари (ер, сув, атмосфера ҳавоси, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси)нинг сон ва сифат кўрсаткичлари, морфологик (ташқи) ва морфометрик (ўлчамли) белгилари ўзига хос тарзда намён бўлади.

Масалан, атропоген ўзгарган табиий ҳудудларда атмосфера ҳавоси бошқа кам таъсирланган атроф табиий муҳитга нисбатан 10—15 баробар кўпроқ ифлосланади. *Саноат теграларида* ҳаво таркибида заҳарли ис газининг кўпайиши асосан металлургия (30—40%) ва кимё саноати (15—20%), транспорт (10—15%) таъсирида юзага келса, *шаҳарларда* эса ис газининг асосан транспорт (60—80%), оғир саноат (15—20%), кимё саноати (5—10%) таъсирида ифлосланади. *Аграр теграларда* тупроқларнинг морфологик (кўзга ташланадиган ташқи) кўриниши 1—1,5 метр чуқурликкача тубдан ўзгарган ва янги тип ҳосил қилган бўлади. Қишлоқ жойларда тупроқлар пестицид, гербицид, минерал ўғитлар; шаҳарларда маиший ахлат; саноат теграларида саноат чиқиндилари ҳисобига ифлосланади. Саноат тегралари тоифасига кирувчи атом электростанциялари атрофидаги сув, тупроқ ва атмосфера ҳавосида радиоактив элементлар миқдори шаҳарларга нисбатан бир неча ўн баробар кўп бўлади, лекин ис газининг миқдори электростанция атрофида аграр теграларга тенглашган, шаҳарларга нисбатан эса бир неча ўнлаб баробар кам бўлади.

Шундай қилиб, антропоген ўзгарган муҳитларда экологик ҳолат ўзига хос бўлгани учун ҳам уларда экологик-ҳуқуқий муҳофазалаш чоралари турлича бўлишни талаб этади. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш нормалари ҳар бир антропоген ҳудуд бўйича алоҳида шаклланиши ва хўжалик юритишнинг экологик талаблари дифференциал (табақалашган) тарзда амалга оширишни тақозо қилади. Чунки шаҳарларда ис газининг миқдори атмосфера ҳавосида юқори даражада бўлгани учун ҳам автомобиллардан чиқаётган тутун таркибида  $\text{CO}$ нинг рухсат этилган миқдори 1,5 эмас, балки ундан ҳам камроқ бўлиши, чўл ёки тоғли минтақаларда эса  $\text{CO}$  — 2,0 ёки ундан ортиқ бўлишигача рухсат этилади. Экологик жиҳатдан нобоб шаҳарларда автомашиналардан чиқаётган тутунни нафақат  $\text{CO}$  кўрсаткичи бўйича, балки  $\text{CH}$  ва  $\text{NO}$  кўрсаткичлари бўйича ҳам олиш халқаро экологик талаблар даражасида бўлур эди.

Шаҳарларнинг катта-кичиклиги, ифлосланганлик даражаси, иқлим шароитларига қараб, киши бошига тўғри келадиган яшил майдон юзаси, шаҳарсозликнинг экологик талабларига биноан 5—

10 м<sup>2</sup> дан то 25—30 м<sup>2</sup> гача оширилиши — иссиқ иқлимли Ўзбекистон шароитида инсонларнинг қулай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаб беришга ўз ҳиссасини қўшади, деб ўйлаймиз.

## 2. ШАҲАРЛАРДА АТРОФ ТАБИИЙ МУҲИТНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЛАШ

Инсоният илмий-техник инқилобининг оқибатларидан бири урбанизациядир (лотин тилида «urbanus» — шаҳарлик), яъни саноат ва аҳолининг шаҳарларда мужассамлаша бориши. Айниқса, бу жараён иқтисодий ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, уларда аҳолининг 70—80 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. Натижада, уларда атроф табиий муҳитга бўлган антропоген босим бошқа ҳудудларга нисбатан бир неча бор юқоридир.

Шаҳарларда атроф табиий муҳитнинг антропоген ўзгарганлик даражаси, авваламбор, унинг катта ёки кичиклигига, саноатлашганлиги ва уларнинг фаолият йўналишларига, маиший хизмат кўрсатиш даражасига ва транспорт тармоқларининг инфраструктурасига боғлиқ.

Ер кўррасида 170 дан ошиқ миллионер (аҳолиси 1 млн. кишидан ортиқ бўлган) шаҳарлар мавжуд. Аҳолишунослик фанининг қоидаларига биноан, катта шаҳарларга аҳолиси 0,5 млн. дан ошиқ бўлган аҳоли пунктлари киришини инобатга оладиган бўлсак, йирик шаҳарларнинг сони 2—3 баробарга ошиб кетади. Ундан ташқари, катта шаҳарлар бирон-бир ҳудудда ўзаро қўшилиб кетадиган бўлса, мегаполис (грекчада «megas» — катта, «polis» — шаҳар)ларни ҳосил қилади. Масалан, Нью-Йорк мегаполисида 17 млн. киши, Мехико, Токио, Москва, Қоҳира каби мегополисларда ҳам шунга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ўзбекистоннинг Тошкент ва унинг атрофидаги шаҳарларида 3 млн. га яқин аҳоли яшайди. Шаҳарлар сони бизда 60 йил ичида 120 тага қўлайган ва уларда аҳолининг 30% дан ортиғи истиқомат қилади.

Аҳолининг шаҳарларда компакт ҳолда яшаши саноат тармоқларини ривожлантиришга ижобий таъсир қилиши билан бир қаторда атроф табиий муҳитнинг экологик хавфсизлик даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шаҳарларда тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ва ер ости бойликларидан фойдаланиш ўта юқори даражада бўлгани учун ҳам, уларда табиий объектларнинг ҳолати тулиғича антропоген ўзгарган кўринишдадир. Шаҳарларда табиий жараёнлар кишиларнинг ҳўжалик фаолияти билан узвий боғлангандир.

Экологик тизимларда нафақат биологик ёки кимё, балки физик ўзгаришлар (электромагнит майдон тебранишлари) ҳам ўта кучайган равишда намоён бўлади.

Илмий тадқиқот натижаларига кўра, шаҳарларда қуёш радиацияси 15% гача камроқ ер юзасига етиб келади. Ёмғир, дўл ва қорлар 10% гача кўпроқ ёғади, туман 30—100% гача кўпроқ тушади. Ка-

салликлар, айниқса, юқумлилари, шаҳарларда бошқа ҳудудларга нисбатан бир неча баробар кўп рўйхатга олингандир. Шаҳарларда атмосфера ҳавосининг кескин ёмонлашуви туфайли аҳоли ўпка раки касалликлари билан қишлоқдагиларга нисбатан 40 бараваргача, юқумли касалликлар билан эса 2 бараваргача кўпроқ хасталанадилар. Шаҳардаги шовқин шаҳарликларда асаб касалликларини қишлоқ аҳолисига нисбатан 75% гача кўпайтириб юборган. Н. К. Комилованинг маълумотларига кўра<sup>1</sup> Бухоро вилояти шаҳарларида аҳолининг қон ва қон томир, психик бузилиш, асаб тизими ва нафас олиш йуллари хасталиклари қишлоқ жойлардаги аҳолига нисбатан 10—15% га юқоридир.

Шаҳарларда аҳолининг концентрациялашуви ва айниқса, юқори малакали ишчи кучининг кўплиги у ерда саноатнинг барча турларининг ривожланишига сабаб бўлади. *АҚШнинг Табиатни муҳофаза қилиш агентлиги шаҳарларда саноат тармоқларини экологик хавфсизлик даражаси бўйича 2 турга ажратади: биринчи турга — атмосфера ҳавосига йилига 100 тоннадан ортиқ ҳажмда чиқитларни чиқарувчи корхоналар: тоғ-кон бойитиш комбинатлари, кўмир бойитиш фабрикалари, кокс заводлари, қўнғир кўмир ишлаб чиқарувчи заводлар, нефть маҳсулотларини сақлаш ва ташиш (ҳажми 47,7 млн. литрдан кўп бўлса), кимё, металлургия, мис ва алюмин заводлари, қўрғошин, цинк ва қоғоз-целлюлоза комбинатлари; иккинчи турга — кўпроқ сувларни ифлослантирувчи корхоналар: ёғочни қайта ишлаш, қоғоз ва целлюлоза комбинатлари, текстиль, тери ошлаш ва неорганик (бўёқ, сиёҳ, минерал ўғит) ва органик кимё маҳсулотлари (пластмасса, сунъий материаллар, ёғ-совун, пестицид, гербицид) ишлаб чиқарувчи корхоналар, фармацевтика, резина, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, машинасозлик ва металлургия саноати тармоқлари корхоналари кирди.*

Шаҳарларда атроф-муҳит ҳолатига сезиларли равишда таъсир қилувчи омиллардан бири — маиший коммунал хизмат хўжалиги. Унинг атроф-муҳитга экологик таъсири шаҳарларнинг канализация ва сув таъминоти, иситишнинг марказлашганлик даражасига тўғри пропорционалдир. Марказлашган коммунал хизмат тармоқларининг йўқлиги табиий объектларнинг ифлосланишига ва, оқибатда, санитар-эпидемиологик ҳолатнинг кучайишига сабаб бўлади. Маиший коммунал хизматнинг яна бир экологик кўрсаткичи қаттиқ турдаги ахлатларни йиғиш ва уларни утиллаштириш масаласининг ечилганлигидадир. Ўзбекистон бўйича йилига 30 млн. м<sup>3</sup> маиший чиқитлар чиқади ва улар шаҳар атрофидаги резервуарларга ташланади. Лекин бу чиқитларнинг 1/10 қисми шаҳарларда қолиб кетмоқда. Маиший

<sup>1</sup> Н. К. Комилова. Сабаб ва оқибат ёки аҳоли саломатлигининг мустаҳкамлиги нималарни тақозо қилади// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 19-сон, 1998, 51—53-б.

чиқитларни ажратиш, сақлаш, қайта ишлаш ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш ҳанузгача йўлга қўйилмаган муаммолардан биридир. Бу масалани ижобий ҳал қилишда Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан олиб борилаётган — маиший ахлатларни йиғиш шохобчаларини ташкил қилиш ва уларни навларга ажратиш бўйича чора-тадбирлар мақтовга сазовордир.

Шаҳарларда атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатиш бўйича транспорт соҳаси асосий ўрин эгаллайди. Автомобиль транспортининг умумий транспорт воситалари (темир йўл, ҳаво транспорти, метрополитен...) ичидаги салмоғи Ўзбекистонда 70—85% ни ташкил этади. Экологик тоза ҳисобланган электротранспорт (троллейбус, трамвай, метрополитен, электровоз...) салмоғи умумий транспорт воситалари бўйича атиги 7—10% ни ташкил этади, ҳолос. Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосининг ифлосланишига катта таъсир кўрсатаётган транспорт тармоқларидан бири — авиация. Улар ҳавода углеводород, азот ва углерод оксидларининг кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда. Лекин кейинги пайтда А—300, «Боинг» тоифасидаги самолётлар билан авиапаркларни тўлдириш бундай салбий ҳолатнинг камайишига олиб келди.

Шундай қилиб, *шаҳарларда атроф табиий муҳитга антропоген омилларнинг таъсир даражаси ва тури бошқа антропоген ўзгарган теграларга нисбатан ўзига хос қурилишда намоён бўлади*. Мутахассисларнинг фикрича, **шаҳарларда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш талаблари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:**

- \* санитар ва эпидемиологик ҳолатни яхшилаш;
- \* хўжалик фаолиятининг экологик хавфсизлик даражасини таъминлаш;
- \* ахлат ва маиший чиқитларни қатъий меъёрлаш ва уларни утиллаштириш;
- \* шовқинсизликни таъминлаш;
- \* кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришни йўлга қўйиш;
- \* транспортда алтернатив энергия (электр, қуёш энергияси, водород ёқилғиси, моторсиз транспорт...) туридан кенг фойдаланиш;
- \* экологик технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш;
- \* яшил муҳофаза теграларини барпо қилиш;
- \* саноат ва энергетика корхоналари, аэропортларни шаҳар чеккасига олиб чиқиш;
- \* қурилиш ишларини табиий компонентларга кам таъсир этадиган қилиб олиб бориш ва рекультивация (қайта тиклаш) талабларига риоя этиш;
- \* маиший ва саноат сувларини тозалаш ва уларни иккиламчи ишлатиш чораларини жорий этиш;

*\* бино ва иншоотларни (айниқса ута зарарли корхоналарда) жойнинг сейсмик талабларига қараб лойиҳалаш, қуриш ва ҳоказо.*

2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 4, 6, 8-моддаларида кўрсатилганидек, жамият, давлат ва шахсларнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатларини инobatга олган ҳолда, ҳужалик ва бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга етказадиган зарарли таъсирга йул қўймаслик, экологик ҳолатни яхшилаш талаби ўрнатилган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбуриятлари белгиланган.

Шу кунда Ўзбекистон шаҳарларида табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий талаблари Табиатни муҳофаза қилиш, Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, Шаҳарсозлик кодекси, Ер кодекси, Сув ва сувдан фойдаланиш, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, Чиқиндилар, Давлат санитария назорати, Автомобиль йўллари, Давлат кадастрлари, Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқуллодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва шулар асосида қабул қилинган қонун ости норматив ҳужжатларда ўз аксини топган ва улар орқали тартибга солиб турилади.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг мақсадига айрим объектлар (жумладан, шаҳарлар) табиатини муҳофаза қилиш, уларда яшайдиган фуқароларни қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлаш ҳам киради (1-модда). Бундай кафолатни шаҳарларда *Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳри, шаҳар қўмиталари, шаҳарча ва шаҳар таркибига кирувчи туман маҳаллий давлат идоралари* амалга оширадилар. Шаҳарсозлик кодексининг 18-моддасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси шаҳарларда табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёсатни олиб боради, табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни баҳолаш, улардан фойдаланганлик ва ифлослантирганлик учун тўловларнинг ягона тартибини белгилайди, табиий офатлар ва йирик авариялар ёки экологик танг вазиятлардан аҳолини сақлаш ва уларни бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқади. Экологик ўқув-тарбия ва маориф тизимини яратади ва ушбу йўналишдаги мамлакатимиз аҳамиятига молик экологик чора-тадбирларни олиб боради.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси ва шаҳарсозлик кодексининг 19—20-моддаларига биноан маҳаллий давлат бошқарув органлари Тошкент шаҳри ва унинг туманлари, Республикаимиз шаҳар тоифасига кирувчи аҳоли пунктлари ҳокимликлари ўз ҳудудларида: табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилайдилар; табиий ресурсларни кадастрлаш, моддий-техника таъминотини йўлга қўйиш, субъектларнинг табиатдан фойдаланиши, уни ифлослантириш, унга чиқитларни чиқариш ва



утиллаштириш тартибини белгилайдилар; улар фаолиятини чеклаш, ман қилиш, тўхтатиш, тўловларни ундириш ва бошқа қонунларда кўзда тутилган ваколатларни ҳам ўтайдилар.

Шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси идоралари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимидаги орган бўлиб, у Республика Давлат қўмитасининг «Тасдиғи» ва шаҳар ҳокимининг «Келишуви» билан қабул қилинадиган Низомларига биноан фаолият юргизадилар ва шаҳар халқ депутатлари, бошқа маҳаллий идоралар билан мувофиқлашган тарзда иш олиб борадилар. Шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси идоралари ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорлари тегишли ҳудудда ҳамма субъектлар учун мажбурий ҳисобланади.

Шаҳарларда халқ ҳўжалик тармоқлари фаолиятининг атроф табиий муҳитга ва аҳолига салбий таъсирини камайтириш ҳамда табиий ресурсларни тиклаб боришни кафолатловчи нормативлар ва стандартлар билан белгилаб қўйиш жуда муҳим ҳуқуқий чора ҳисобланади. Экологик нормативларни шаҳарларда маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, саноатда ишларни бехатар олиб боришни назорат қилиш ва кон назорати бўлинмалари ўзларига берилган ваколатларга мувофиқ олиб борадилар. Бу нормативларга биноан шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасалар, фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг атроф-муҳитга салбий таъсир этиши мумкин бўлган энг юқори даражаси ёки рухсат этилган меъёри (ПДК, ПДВ, ПДС, ПДХВ...) аниқланади. Бундай чегараланишлар шаҳарларда ПДК (*заҳарли моддалар концентрациялашувининг энг юқори кўрсаткичи*) атмосфера ҳавоси ва сувлар учун олинади. Моддаларнинг атмосфера ҳавоси ёки сувда инсон организмда ҳеч қандай патологик ўзгаришларга олиб келмайдиган даражаси СН 245—71 рақамли Инструкцияда ПДК санитар нормаларининг 160 хил модда ва 35 турдаги комбинацияларда атмосфера ҳавоси ифлосланиш даражасининг рухсат этилган меъёри бўйича белгиланган. Масалан, углерод оксиди бўйича ифлослантириш меъёри суткасига  $1,0 \text{ мг/м}^3$ , ҳаракатда бўлмаган объектлар учун —  $20 \text{ мг/м}^3$  га тенгдир.

ПДВ — шаҳарларда маълум бир корхона ёки ташлаш манбаи бўлган субъектлар томонидан *зарарли моддаларни чиқариш миқдори*. У СН—369—71 бўйича амалга оширилади ва ГОСТ 17.2.3.02—78 бўйича ҳисобланади. Агарда маълум бир объектда 2 ва ундан ортиқ ташлагич манбалари (вентиляция ва энергетик қурилма) бўлса, бу корхона учун ПДВнинг умумий кўрсаткичлари белгиланади. Ҳар бир ПДВ бўйича ташлаш инвентаризацияси (паспорти) тузилади. Унда ташландиқларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича маълумотлар, чиқитларни тозалаш усуллари ва экологик технологияларни такомиллантиришнинг йўллари берилган бўлади. Бу паспортларни ҳар 5 йилда алоҳида

бир қабул қилинган шаклларни тўлдириш асосида қайта кўриб чиқилади. Худди шундай жараёнлар Давлат стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан ПДС (оқоваларнинг энг юқори кўрсаткичи), ПДХВ (кимёвий моддаларни ишлатишнинг энг юқори миқдори) ва бошқа меъёрий кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқилади ва шаҳар санитария-эпидемиология хизмати томонидан тасдиқланади.

Шаҳарларда алоҳида бир табиий объектлардан фойдаланиш дифференциал қонун, маҳаллий бошқарув ва назорат органларининг қабул қилган меъёрий ҳужжатлари орқали тартибга солинади.

Шаҳар худудидаги ерлар Ер кодексининг 8-моддасига биноан аҳоли пунктлари ерлари фондига киради. Шунинг учун ҳам уларни алоҳида муҳофаза этиш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос тартиби бор. Ушбу қонуннинг 59-моддасига биноан шаҳар ерлари қуйидаги тоифаларга ажратилади: қурилиш; умумий фойдаланиш; қишлоқ хўжалиги; дарахтзорлар; саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадга мўлжалланган ерлар; алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар; сув фонди ерлари; захира ерлар.

Биз аграр тегралардаги ерлардан самарали фойдаланиш деганда, ушбу ерлардан юқори ҳосил олиш ва тупроқ унумдорлигини сақлашни тушунсак, *шаҳарлардаги ерлардан оқилона фойдаланиш деганда эса, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини илмий асосланган тарзда, жой планировка мажбуриятларига биноан олиб боришни тушунамиз*. Шаҳар ерлари шаҳарсозлик, ер тузиш ҳужжатлари бўйича чегараланади ва улардан мақсадли фойдаланиш учун рухсатномалар берилади. *Фойдаланувчилар эса Ер кодексининг II боб, 79—82-моддаларида белгиланган ерларни муҳофаза қилишнинг қуйидаги экологик талабларига риоя этишлари шарт:*

- ◆ объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, қуриш ва улардан фойдаланишда ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган янги технологияларни жорий этиш чоғида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси рухсатномаларини олиш;
- ◆ ҳар бир хўжалик жараёнини экологик экспертизадан ўтказиш;
- ◆ яшил майдон, дов-дарахтларни иложи борида сақлаб қолиш;
- ◆ рекультивация қилиш;
- ◆ маиший ва саноат чиқитларини ташлайдиган резервуарлар ташкил этиш ва ҳ.к.

Шаҳарсозлик кодексининг 29-моддасида кўрсатилганидек, шаҳарларда аҳолини жойлаштиришда атроф-муҳит ҳолатини мўътадиллаштириш мақсадида:

- \* алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар;
- \* сув объектларини муҳофаза қилиш зоналари;
- \* рекреацион ҳудудлар;
- \* экстремал табиий-иқлим шароитларига эга бўлган ҳудудларни ташкил этиш белгиланган.

Шаҳарларни ривожлантириш лойиҳаларида, албатта, экологик хавфсизликни таъминловчи талабларни инобатга олиш, аҳоли пунктлари режаларида аҳоли сонига қараб, санитар-гигиеник меъёрларни ўрнатиш талаб этилади. Шаҳарсозлик кодексининг VI бобида шаҳар атрофи асосан экологик ва санитар функцияларни бажарувчи зоналардан иборат бўлиши приоритет (бирламчи) норма тариқасида ўрнатилган. Мазкур қонуннинг VII — яқунловчи бобида экологик, рекреацион, санитар-гигиеник тадбирлар давлат бюджети, буюртмачилар, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилиши ифодаланган.

Шаҳарларда уй-жой, корхона, иншоот ва бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириш мобайнида аҳолининг ичимлик сувга бўлган ҳамда маиший эҳтиёжларини қондириш талабларини биринчи навбатда инобатга олиш шарти билан сувдан фойдаланишлари «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг II-моддасида баён этилган. Ушбу қонун бўйича айланма ҳаракатдаги сувларнинг буғланиши, ифлосланиши ва камайиб кетишининг олдини олиш, сув объектларининг бошқа табиий объектларга зарар етказишига йўл қўймаслик, шўрланиш, зах босиш ва қуриб қолишдан муҳофаза қилиш талаблари қўйилади.

Тоза ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш мақсадида катта шаҳарларда, хусусан, Тошкентда маиший хизмат ва ичимлик сувидан фуқароларнинг фойдаланиш лимитлари, «Сувсоз» трестлари 1999 йил январига келиб жон бошига 9,9 м<sup>3</sup>/ойига ёки 118,8 м<sup>3</sup>/йилига сув сарфи меъёри белгиланган. Лимитдан ортиқча фойдаланган шахслардан сувнинг ҳар бир метр кубига 64% устама нархлар тулаш орқали амалга оширилади.

Сувдан ва умуман табиий ресурслардан фойдаланишни чеклаш барча ривожланган мамлакатларда қабул қилинган меъёр бўлиб, бу тадбир табиий бойликлардан самарали фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Греция, Исроил каби мамлакатлар қонунчилигида сувлардан самарали фойдаланиш ўта қаттиқ бошқарув ва назорат остига олинган тадбир бўлиб, у чучук сувнинг захираси, саноат тармоқлари ва аҳолининг зичлиги билан боғлиқ ҳолда олиб бориладиган масалалар тоифасига киради.

Шаҳар ва аҳоли пунктларида, унинг атрофидаги яшил муҳофаа теграларида Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ ер қаърининг айрим участкаларидан фойдаланиш чекланган ёки таъқиқлангандир.

Шундай қилиб, шаҳарларда экологик хавфсизликни таъминлаш ўзига хос ҳуқуқий бошқарув ва назорат тизимини шакллантиришни тақозо этади.

### 3. АГРАР ТЕГРЛАРДА АТРОФ-МУҲИТНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАЛАШ

Ўзбекистон Республикаси аграр мамлакат бўлиб, аҳолисининг 60%га яқини қишлоқ жойларда истиқомат қилади, ишлаб чиқариш салоҳиятининг 1/3 қисми ва ташқи савдонинг 55% қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг ҳар иккитасидан бири аграр саноатдадир. Шунинг учун ҳам Президент И. А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 8 февралдаги ҳисобот йиғилишида, Олий Мажлиснинг 1997 йил 25 декабрь, 1998 йил 30 апрель X—XI сессияларида қишлоқ хўжалигида туб ислохотларни ўтказиш зарурлиги, унинг натижаси эса мамлакатимиз ҳаётини белгилловчи қадам эканлигини ўқтириб ўтган.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон, қадимдан деҳқончилик қилиб келинадиган ўлка ҳисобланади. Туб аҳолининг тирикчилиги ҳам, ташқи дунё билан ўзаро муносабатлари ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва улардан тайёрланган маҳсулотлар ҳисобига амалга оширилган. Чор Россияя ва собиқ Иттифоқ даврида, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмидан то шу кунгача аграр соҳа майда ва ўрта қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқаришдан йирик товар ишлаб чиқарувчи хўжаликларига айлантирилди. Мустақиллик давригача Туркистон ўлкаси мустамлака ўлка бўлиб, СССРнинг Европа қисмидаги корхоналарга пахта, тери, ипак толаси, мева маҳсулотлари каби хом ашё маҳсулотлари етказиб берар эди. XX аср бошида Ўзбекистонда 1,7—1,8 млн. га суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлар майдони шу асрнинг 80-йилларига келиб 4,3 млн. гектарга етди. Қишлоқ хўжалик мақсадларида ўзлаштирилаётган ерлар аввалига табиий иқлим шароити ўта қулай бўлган ҳудудлар — Чирчиқ, Оҳангарон, Зарафшон, Сурхон — Шеробод, Қашқадарё, Қуйи Амударё, Ўрта Сирдарё воҳалари, Фарғона водийларида амалга оширилди. Аҳолининг энг зич бўлган майдонлари ҳам айнан шу аграр теграларда жойлашди.

Кундан-кунга кўпайиб бораётган аҳоли ва аграр саноат талаби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини экстенсив тарзда ошириб боришга мажбур этмоқда. Атроф табиий муҳитга, айниқса, аграр ҳудудларда ерга бўлган антропоген босим даражаси жуда кучайиб кетди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг экстенсив усулини (экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот миқдорини ошириш) танлаган собиқ Иттифоқда табиий объектларнинг экологик ҳолати кескин ёмонлашиб кетди. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра<sup>1</sup> кейинги бир аср мобайнида шўрланган ерлар майдони 2 млн. гектарга, шамол ва сув эрозиясига учраган ерлар 3—3,5 млн. гектарга етди, ким-

<sup>1</sup> Г. А. Талипов. Земельные ресурсы Узбекистана и проблемы их рационального использования. Т., 1992., Т. А. Старцев, Я. К. Козел. Итоги Советской ирригации в Средней Азии. — Т., 1934., А. Раззоков. Сув ва ҳаёт. — Т.: «Меҳнат», 1981.

ёвий ифлосланиш бутун суғорма ер фондининг 75—80% ни ташкил қилди. 25—28 млрд. куб метрни ташкил қилаётган оқова ва ташландиқ сувлар Амударё ва Сирдарёларни, охир-оқибатда эса, Орол денгизи сувларининг шурланганлик даражасини 2—3 баробарга, зарарли моддалар — пестицид, гербицид, азот, фосфор, калий элементларининг миқдорини рухсат этилган меъёрдан (ПДК) 3—4 баробарга кўпайиб кетишига сабаб бўлди. Далаларни дорилашнинг «аэро» усули аграр тегралардаги ёввойи ёки маданий ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, атмосфера ҳавосининг сифатига, одам организми учун хавfli бўлган токсикан (зарарли) моддаларнинг сувларда кўпайишига олиб келди. Янги ўзлаштирилган типик бўз тупроқларда учрайдиган ва унинг унумдорлиги ҳақида морфологик кўрсатма берадиган ёмғир чувалчанги миқдори тупроқнинг ҳар бир метр кубда 300—1200 дан 1—2 донагача тушиб кетди ёки умуман учрамайдиган бўлиб қолди.

**Аграр тегралар** — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан банд бўлган ҳудудлар. Аграр теграларда юзага келган салбий экологик ҳолатлар кишиларнинг ҳаётига кескин таъсир қилади. Ю. Шодиметовнинг маълумотларига кўра<sup>1</sup>, пестицидлар кенг қўлланадиган ҳудудлардаги аҳоли орасида нафас олиш, эндокрин, юрак-қон томир, жигар касалликлари, камқонлик, ақлий етишмовчилиги бўлган болалар туғилиши, рак ва гинекология касалликлари бошқа ноаграр ҳудудлардагидан 2—3 мартаба кўп учрайди. Қишлоқ жойларда 14 ёшгача бўлган болаларда темир моддаси етишмайдиган камқонлик, фаол сил касаллиги, вирусли гепатит (сарик касаллик) ва юқори нафас йўлларига микроблар ўтирадиган касалликлар тез-тез кузатилиб турилди. 1980 йилларга келиб пестицидлардан 80 тагача уткир ва 60 тагача сурункали заҳарланиш қайд этилган.

Бу эса, аграр теграларда антропоген таъсирнинг кучайишига олиб келмоқда. **Антропоген босим натижасида юзага келган салбий экологик ҳолатни 3 гуруҳга ажратиш мумкин.**

**Биринчи гуруҳга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқаришининг негизи бўлган табиий объектларнинг бузилиши:** а) турғунлик йилларида пахта яккаҳоқимлиги ва алмашлаб экишнинг йўлга қўйилмаганлиги оқибатида тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетиши; б) тупроқларнинг шўрланиши, эрозияга учраши (сувдан ювилиши), дефляциялашуви (шамол орқали учирилиши), ботқоқлашуви, ифлосланиши, агрокимёвий ва агрофизик кўрсаткичларининг ёмонлашуви, микроорганизмларнинг камайиб кетиши, кимёвий таркибининг бузилиши; в) сув таъминотининг бузилиши ва суғорма сувлар кимёвий таркибининг ёмонлашуви; г) фойдали организмларнинг (чанглатадиган, зарарли ҳашарот кушандалари, санитар ҳайвонлар) қирилиб кетиши; д) табиий яйловлар ишлаб чиқариш қобилятининг пасайиши; е) чўлла-

<sup>1</sup> Ю. Шодиметов. Ижтимоий экологияга кириш. — Т.: «Ўқитувчи», 1994. — 171—172-б.

ниш ва табиий геодинамик (сурилма, жарланиш, ўпирилиш, чўкиш, дегиш, солёфлюкция, абразия) жараёнларининг ортиб бориши.

*Иккинчи гуруҳга экологик салбий оқибатларнинг кучайишини кўрсатиш мумкин.* Бу нафақат қишлоқ хўжалигига, балки атроф-муҳитнинг бузилиши натижасида бошқа халқ хўжалиги соҳаларига зарар етишидир. Мисол учун, гидрографик объектлар (кўл, дарё, сув омборлари, коллектор-дренажлар)нинг ифлосланиши ва улардаги ҳайвонот дунёсининг камайиши; ўрмон ва тўқайзорларнинг камайиб кетиши; ёввойи турдаги ҳайвонот ва усимлик дунёси яшаш муҳитининг торайиб қолиши; атмосфера ҳавосининг таркибида туз, чанг, оғир металл каби кимёвий моддаларнинг кўпайиб кетиши; овчилик ва балиқчилик хўжалигининг оқсаб қолиши; кўриқхона ва буюртма кўриқхона сингари алоҳида муҳофаза талаб этадиган ҳудудларнинг муҳофаза тартибининг бузилиши ва ҳоказо.

*Учинчи гуруҳга инсонлар яшаш муҳитининг аграр теграларда ёмонлашувини олсак бўлади.* Бунинг натижасида собиқ Иттифок даврида XX асрнинг 70—80-йилларига келиб қишлоқ аҳолисининг ўртача умр кўриш даври 3—5 йилга қисқарган.

Юқорида келтирилган салбий оқибатларнинг 3 гуруҳи давлатнинг аграр сийсатидаги иқтисодий талаблар билан экологик талабларни ўзаро уйғунлашган ҳолда олиб боришни талаб этади. Шунинг учун ҳам Президент И. А. Каримов ўзининг «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти — тукин ҳаёт манбаи» деган асарида «Деҳқончилик маданиятини кўтариш тупроқ ҳолатининг яхшиланиши ва атроф-муҳитнинг ифлосланишининг олдини олиши учун керак»<sup>1</sup>, деб бекор айтмаган. Бу ўринда жамиятдаги аграр муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини яратиш замон талабидир. Мазкур долзарб муаммонинг қонуний асоси 1998 йил апрель-майда булиб утган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида қишлоқ хўжалигига оид қабул қилинган бир қатор қонунларда уз аксини топди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экологик хавфсизликни таъминлаш учун, авваламбор, аграр теграларни Экология ҳуқуқининг алоҳида бир антропоген ўзгарган ва ўзига хос «объекти» деб қарашни тақозо қилади. Аграр теграларда жамиятдаги муносабатларни ҳуқуқий бошқариш концепциясини ишлаб чиқиш талаб қилинали ва ушбу қарашлар тизими давлатнинг миллий хавфсизлик концепциясининг асосий элементларидан бири булиб қолишини таъминлаш даркор.

Ш. Х. Файзиев<sup>2</sup> тадқиқотларида қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик қоида ва талабларига асосланган ижтимоий муносабатларни

<sup>1</sup> «Халқ сузи». 26 декабрь 1997 йил.

<sup>2</sup> Ш. Х. Файзиев Конституционные проблемы обеспечения экологической безопасности в Республике Узбекистан // Независимость и мировоззрение: реальность и философские проблемы возможностей развития. Часть II. — Т.: «Фан», 1993.

ҳуқуқий тартибга солиш давлат ва ҳуқуқнинг вазифаси деб қаралиши тўғри талаб этилгандир. Муаллиф қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик талаблари Конституциямизнинг алоҳида бир «Давлатнинг экологик сиёсати» бўлимида акс этиши кераклигини ёқлаб чиққан. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунида «Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик талаблари» деган алоҳида бир модда киргазилиши жуда ҳам мақсадга мувофиқлигини кўрсатиб ўтган.

Аграр теграларда табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маърифий, сиёсий ва ҳуқуқий чоралари мавжуд. Улардаги экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий чораларини 2 гуруҳга ажратиш мумкин. *Биринчиси*, хўжалик юритишнинг экологик меъёрларини ишлаб чиқиш ва амалий татбиқини таъминлаш; *иккинчиси* — антропоген бузилган теграларни соғломлаштирувчи меъёрларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга кенг татбиқ қилиш.

Ҳар иккала ҳуқуқий гуруҳ чора-тадбирларининг, авваламбор, конституциявий асосини яратиш керак бўлади. Хўжалик юритишнинг салбий-экологик оқибатларининг олдини олишнинг конституциявий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI боб 50-моддасида фуқароларнинг атроф табиий муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбуриятидан келиб чиқади. Бозор муносабатларига ўтиш даврида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида юзага келаётган барча турдаги мулкдорлар ўз мулкидан фойдаланишларида атроф-муҳит ҳолатига зарар етказмасликлари шарти қўйилган (54-модда). Давлатга (55-модда), жумладан, маҳаллий ҳокимиятларга (100-модданинг 5-банди) табиий захираларни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилиш мажбурияти юклатилади. Лекин жамиятнинг экологик хавфсизлигини, хусусан, аграр теграларда экологик инқирознинг олдини олишнинг конституциявий асослари Бош қомусимизнинг алоҳида бир «Давлатнинг экологик сиёсати» бобида акс этгани маъқул, деб мутахассислар фикр билдирмоқдалар. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига эса «Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик талаблари» деб номланган алоҳида бир модда киргазилиши жуда ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Акс ҳолда, халқ хўжалигимизнинг етакчи соҳаси бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экологик талаблар етарли даражада намоён бўлмаслиги мумкин.

1998 йил 18 мартдаги Президент Фармонида биноан тасдиқланган «1998—2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш Дастури»да деҳқончилик тизимини ривожлантириш учун ердан оқилона фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини таъминлаш учун: тупроқ унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини қўллаш; ердан фойдаланиш, сифатини аниқлаш ва баҳолашни тартибга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш; экин майдонлари тузилма-

сини мақбуллаштириш, туманларда қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни ихтисослаштириш; ноанъанавий қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш кўзда тутилган эди.

Дастурнинг Қишлоқ хўжалигини кимёвийлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимида ҳеч қандай экологик талаблар назарда тутилмаган. Экологик хавфсиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари белгиланмаган.

Ерларни ирригация ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларида ҳам янги ерларни ўзлаштиришнинг экологик талаблари ёки эски техноген бузилган ерларнинг илмий асосда қайта тиклаш талаблари баён этилмаган. Ваҳоланки, ҳар йили қишлоқ хўжалигидаги сугорма ер фондидан бошқа халқ хўжалиги мақсадлари учун 15—20 минг гектар ер ажратилмоқда. Бундай йўқотувнинг ўрнини қоплаш мақсадида шўрланган, ботқоқланган, эрозияга учраган аграр тегралардаги ташландиқ майдонларни ўзлаштириш ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Бизга маълумки<sup>1</sup>, республикамызда 0,5 млн. гектардан ошиқ жарланган ва техноген бузилган ерларни қишлоқ хўжалик оборотига қайтарса бўлади. Лекин мелиоратив тадбирлар қонунчиликда ўзига хос меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалигида ўзаро молия ва кредит муносабатлари, ҳисобга олиш ва ҳисоботни такомиллаштириш бўлимида экологик чора-тадбирлар учун қўшимча бюджет таъминоти ва имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилмаган. Экологик рағбатлантиришнинг иқтисодий механизми кўрсатилмагандир.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда ортиқча меҳнат потенциалидан, қулай табиий-иқлим ва минерал хом ашё ресурсларидан нафақат иқтисодий, ижтимоий, маърифий, маданий балки экологик-эстетик назардан унумли фойдаланиш кўрсатилмагандир.

Хулоса қилиб айтганда, 1999—2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури асосан аграр теграларда иқтисодий масалаларнинг ечимини топишга қаратилган бўлиб, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг принципи — «Иқтисод билан экологик тадбирларни ўзаро уйғунлашган ҳолда олиб бориш»ни инобатга олмаган эди. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларнинг мақсади<sup>2</sup> қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги ва аграр саноатининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш. Халқ фа-

<sup>1</sup> А. Н. Нигматов. Овражная эрозия и техногенно-нарушенные земли Узбекистана: сельскохозяйственные, экологические, правовые аспекты их мелиорации. — Т.: Академия МВД, 1996. — С. 138.

<sup>2</sup> И. А. Каримов. Деҳқончилик тараққиёти — фаровонлик манбаи. — Т.: «Ўзбекистон», 1994.



ровонлигининг энг асосий кўрсаткичларидан бири — экологик хавфсиз муҳитда соғ-саломат яшашдир.

Юқорида айтиб ўтилган Дастур асосида қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларида, хусусан, Ер кодекси, Қишлоқ ҳўжалик кооперативи (ширкат ҳўжалиги), Фермер ҳўжалиги, Деҳқон ҳўжалиги тўғрисидаги, Давлат ер кадастри ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 299, 300-сонли қарорларида табиий бойликлардан самарали фойдаланиш ва экологик талаблар қишлоқ ҳўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига киргизилгандир.

2000 йил 25 майдаги Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қарорлари тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, ҳар бир тадбиркор (жумладан, фермер ва деҳқон ҳўжалиги) ўз фаолиятида экологик талабларга риоя этиши шарт, акс ҳолда унинг фаолияти тўхтатилиши (48-модда) ва у жавобгарликка тортилиши (51-модда) мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Агарда тадбиркорлар (жумладан, қишлоқ ҳўжалигида фаолият юргизаётганлари) сувдан самарали фойдалансалар, маҳаллий давлат ҳокимиятлари томонидан рағбатлантириш меъёрларини (V боб) қўллашлари ҳам инobatга олинган. Бундай ижобий-ҳуқуқий усулни қўллаш мамлакатимиз қонунчилигида экологиялаштиришга томон қўйилган катта қадамдир.

Афсуски, «Фермер ҳўжаликлари тўғрисида»ги қонундан фарқли «Деҳқон ҳўжаликлари тўғрисида»ги қонунда (27-модда) деҳқонларнинг ноэкологик ҳаракатлари улар фаолиятининг тўхтатилишига асос бўлиши инobatга олинмаган. Деҳқон ҳўжалиги майда қишлоқ ҳўжалик товар ишлаб чиқаришга ва унча катта бўлмаган (0,35 гектаргача) ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Лекин уларнинг сони ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида тутган салмоғи бўйича аграр саноатда етакчи ўринни эгаллашини инobatга оладиган бўлсак, деҳқон ҳўжаликларини тугатишга сабаб бўлиб экологик талаблар ҳам олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Аграр саноат қорхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва кооперативлари (ширкат ҳўжаликлари)нинг принципларидан бири ерларни муҳофаза қилиш ва тупроқ унумдорлигини оширишни таъминлашдир. 1998 йил 30 апрелдаги Қишлоқ ҳўжалик кооперативи (ширкат ҳўжалиги) тўғрисидаги қонунга мувофиқ, аграр теграларда экологик талаблар фақатгина ерларгагина қўлланилади, холос. Лекин у ҳамма ҳўжалик фаолияти жабҳасида ва ҳамма табиий объектлар бўйича олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам аграр тегралар бўйича ёки унга бевосита ёхуд билвосита таъсир этиши мумкин бўлган қонун ҳужжатларида экологик талабларнинг алоҳида боб ёки модда қилиб берилиши экологик хавфсизликни таъминлашда катта аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Ер кодексининг асосий мақсади — ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, табиий хусусиятларини асраш ва яхшилашдир. Ер эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш воситасидир ва шунинг учун ҳам ундан, авваламбор, қишлоқ хўжалигида фойдаланишлик Кодексда кўзда тутилган. Кодекснинг 2-моддаси 6-бандига биноан, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принципларидан бири — ерга ва бутун атроф табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш ва экологик хавфсизликни таъминлашдир. Ушбу принцип Давлат бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари доирасида ҳам акс эттирилгандир. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ягона сиёсатини олиб боради, маҳаллий ҳокимиятлар ўз ҳудудларида экологик тадбирларни ишлаб чиқадилар ва уларнинг амалга оширилишини назорат қиладилар.

Ер кодексининг Ер тузиш, Ерга бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари ва мажбуриятларида экологик талаблар алоҳида банд сифатида берилган. Кодекснинг 6-бобида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришнинг асосий омилларидан бири ерни ҳақиқий эгаларига бўлиб бериш эканлиги аниқ қилиб кўрсатилган. Ерларни қишлоқ хўжалигида муҳофаза қилишнинг мазмуни (11-боб) ва тартиби (79-модда) ирригация, мелиорация ва бошқа қишлоқ хўжалик иншоотларини қуриш, лойиҳалаш ва улардан фойдаланишга оид экологик талаблар (80—81-модда) ва бу талабларни ўз муддатида бажарганлар учун иқтисодий рағбатлантириш йўллари (82-модда) кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўрсатилганидек, аграр теграларда фаолият юргизаётган субъектлар экологик хавфсиз муҳитга таъсир этувчи ноқонуний битимлар тузгани; унумдор ерларни ўзбошимчалик билан эгаллагани; турли саноат, маиший ва якка тартибда уй-жой қурганлиги; тупроқ унумдорлигини ёки кадастр маълумотларининг кескин равишда ёмонлашиб кетишига сабаб бўлувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар қилгани; атроф-муҳит ва ерларни кимёвий ифлослантирганликлари ёки физик бузганлиги; заҳарли модда ва бирикмаларни сақлаш, ташиш ва қўллаш талабларини бузганлиги натижасида ерларнинг сифат кўрсаткичларини ёмонлаштириб юборганлиги учун Жиноят кодексининг 193—197, 201, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65—69, 8, 91, 95, 96, Фуқаролик кодексининг 111, 173, 214, 231, 516, 517, 541, 542, 551 ҳамда Ер кодексининг 90, 91-моддаларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Аграр теграларга *ер ресурсларидан ташқари, зарар етказиш мумкин бўлган табиий объектлар — сув ресурслари, ёввойи турдаги ҳайвонот, ўсимлик дунёси ва уларнинг яшаш муҳити ҳам кирради.*

Сув ресурсларидан қишлоқ ҳужалигида асосан суғориш ҳамда чорва молларини ичимлик суви билан таъминлашда фойдаланилади. Фойдаланишдаги экологик талаблар сувларнинг камайиб кетиши, булғаланиши ва ифлосланишининг олдини олишга қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг XIII бобига мувофиқ, қишлоқ ҳужалиги ҳуқуқи субъектлари сувдан махсус фойдаланишлари мобайнида ер ости ва усти сувларидан фойдаланишнинг экологик талабларига қатъий риоя этишлари, сувларни суғориш, оқизиш давомида ортиқча сув утказувчанлик (филтрация) ва бугланишга йўл қўймаслик шартлари зикр этилган.

Аграр теграларда гидротехник, маиший, саноат, маданий ва бошқа иншоотларни қуриш мобайнида сувдан, айниқса, чучук сувдан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлаш, уларни ифлосланиш, заҳарланиш ҳамда тупроқларнинг ювилиш, шўрланиш, ботқоқланишига сабаб бўлувчи оқибатларнинг олдини олиш чораларини кўришлари шарт. Сув қонунчилиги Ўзбекистонда сув объектларини аграр теграларда ифлослантириши, бузилиши ва ёмонлашувига олиб келиши мумкин бўлган объектларни лойиҳалаш, ишга тушириш, қуришни ман қилади. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг БҲ 118.00277 19.5—91<sup>1</sup> — «Сув объектларига ташландиқ сувлар билан оқизиш меъёри лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва рўйхатлаш тартиби»; БҲ 118.0027714.50—95 — «Чорвачилик комплексларида сувларни муҳофаза қилишнинг давлат назорати бўйича методик қўлланма»; БҲ 118.0027714.6—92 — «Сувлардан махсус фойдаланишга рухсат бериш ва келиши тартиби» каби бошқарув ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Лекин бу бошқарув ҳужжатларнинг давлат стандарти қилиб қанузгача собиқ Иттифоқ даврида ишлаб чиқилган ГОСТ 17.1.3.04—82 — «Ер ости ва усти сувларининг пестицидлардан ифлосланишини муҳофаза қилиш талаблари»; ГОСТ 17.1.3.11—84 — «Минерал ўғитлардан ер ости ва усти сувларининг ифлосланишини муҳофаза қилиш талаблари»; ГОСТ 17.1.3.13—86 — «Ер усти сувларининг ифлосланишидан муҳофаза қилишнинг умумий талаблари»; ГОСТ 17.4.3.05—86 — «Сугориш ва ўғитлашда оқова сувлар ва уларни ётқизиқларига қўйиладиган талаблар»; Сан II и Н № 4630—88 — «Ер усти сувларини ифлосланишидан муҳофаза қилишнинг санитар қоидалари ва меъёрлари» каби меъёрий ҳужжатлар амал қилмоқда. Республика экологик комплекс бошқарув органларига бу меъёрий ҳужжатларни замон талабига ва аграр теграларда юзага келган экологик вазиятга қараб қайта кўриб чиқиш муддати келди, деб ўйлаймиз.

Амалдаги экологик қонун ҳужжатларига мувофиқ<sup>1</sup> чорвачилик комплексларининг катта-кичиклигига қараб, уларнинг агрофидаги сани-

<sup>1</sup> Бошқарув ҳужжати ва унинг рақами.

тар зоналар чегараси 3 километргача бўлган ҳалқани қамраб олади. Балиқчилик ҳавзалари атрофидаги ҳимоя зоналари эса қишлоқ ҳўжалиги минтақаларида 2 километргача бўлиши керак. Агарда бу зоналарда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириладиган бўлса, тупроқ ва маданий ўсимликларни ўғитлаш ёки кимёвий моддалар ишлатиш ёғ-мой, органик ва минерал ўғит ёки бошқа кимёвий моддаларни сақлаш учун омборлар қуриш, чорвачилик комплексларини барпо қилиш ва улардан чиқадиган органик ўғитларни сақлаш қатъиян ман қилинади.

Аграр теграларда табиий турдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларда кўрсатилганидек, ҳар бир субъектдан максимал даражада биологик генофондни сақлаб қолишга ҳаракат қилишларини талаб қилади. Мелиоратив иншоотлар қуришда балиқларни муҳофаза қилиш қурилмаларини ташкил этиш, шоли, бугдой, беда каби қишлоқ ҳўжалиги ўсимликларини йиғиштириб олиш даврида ёввойи турдаги қуш ва ҳайвонларни сақлаб қолиш чораларини қуриш кўзда тутилган.

Лекин мутахассисларнинг маълумотларига кўра, аграр теграларда 30—70% табиий турдаги ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш, мелиорациялаш ва маданий ўсимликларни етиштириш даврида нобуд бўлмоқда. Шунинг учун ҳосилни механизациялар ёрдамида йиғиштириб олиш пайтида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва улар ҳосилни механизмлар ёрдамида йиғиштириб олишни дарё, ўрмон ёки табиий сақланган жойлардан бошламаслик, ҳайвонларни шу томонларга кўчиб ўтиш имконини берувчи нормалар билан тўлдириш зарур. Амалдаги экологик қонунчилик қишлоқ ҳўжалик корхоналари томонидан табиатга етказилган зарарни қоплаш бўйича талабларни қўйса-да, лекин ҳанузгача аниқ бир илмий асосланган бошқарув, назорат ва экспертиза ҳужжатларининг йўқлиги ажабланарли ҳолдир.

1981 йилда қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонундан фарқли 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган шу номдаги миллий қонунимизда атмосфера ҳавосини табиий ресурс сифатида қараб, уни муҳофаза қилиш нафақат инсонлар, балки ҳимоясиз табиий турдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун кераклиги инобатга олинган. Янги қонунга мувофиқ (18-модда) аграр теграларда кимёвий моддаларни, айниқса пестицид, гербицид, дефолантлар ва минерал ўғитларни самолётдан туриб сепиш ман қилинади. Уларни фақатгина ердан туриб ишлатиш мумкин. Бу эса атроф-муҳитни аграр теграларда соғломлаштиришга томон қўйилган катта ҳуқуқий қадамдир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторлар каби манбаларнинг сувини муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги Низомини тасдиқлаш тўғрисида ВМнинг 1992 й. 174-сонли қарори.

#### 4. САНОАТ ЗОНАЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАЛАШ

Экологик ва иқтисодий талабларни маълум бир иқтисодий кенгликларда амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш ва амалий татбиғини йўлга қўйиш жамияттаги экологик муносабатларни тартибга солишнинг энг самарали воситасидир. Ана шундай иқтисодий кенгликлардан бири саноат зоналаридир. *Саноат зоналари — ноқишлоқ ва ноўрмон хўжалик саноат тармоқлари жойлашган ва ишлаб чиқариш фаолияти юргизиладиган ҳудудлар.* Бундай теграларга саноат тармоқлари ёки уларнинг мажмуаси, яъни машинасозлик ва металлургия корхоналари, нефть-газ саноати объектлари, енгил ва озиқ-овқат корхоналари, энергетика объектлари (АЭС, ГЭС, ГРЭС, ТЭС), тоғ-кон, кимё, қурилиш саноатига қарашли завод, фабрика ва корхоналарни аҳоли пунктларидан четга олиб чиқилган зоналари киради.

*Саноат зоналарида, биз юқорида айтиб ўтганимиздек, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, бузилиши ва экологик хавфсизлик талаблари бошқа антропоген ўзгарган объектларга нисбатан ўзига хос бўлиб, уларда экологик-ҳуқуқий талаблар қуйидагилардан иборат:*

- \* технологик жараёнларнинг камчиқитли ва чиқитсизлигини таъминлаш;
- \* ифлослантириш ва заҳарланишни камайтириш ҳамда зарарли моддаларни нейтраллаштириш (хавфсизлантириш);
- \* энергиянинг альтернатив турларидан кенг фойдаланиш;
- \* экологик хавфсиз маҳсулотлар чиқариш;
- \* тозалагич технологияларини доимо такомиллаштириб бориш ва уларни давлат назоратида ушлаб туриш;
- \* илмий-технологик жараёнларни кенг татбиқ қилиш ёки табиий ресурслардан жуда юқори даражада самарадорлик билан фойдаланишни йўлга қўйиш ва ҳоказо.

Бундай экологик-ҳуқуқий даражадаги талаблар саноат зоналаридаги корхоналарнинг ҳамма ишлаб чиқариш босқичларида режалаш, лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш, ишга тушириш ва табиатга таъсири бўлган янги технологияларни жорий қилиш жараёнини қўллашни тақозо қилади.

Саноат зоналари ёки уларда бирон-бир саноат корхонасини жойлаштиришни режалаштириш халқ хўжалигининг соҳавий ёки умумий иқтисодий ривожлантириш дастурларида экологик хавфсизлик талабларини инobatга олиш билан бошланиши керак.

Саноат корхоналарини жойлаштиришнинг асосий назорат ҳужжатларидан бири бўлиб, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг Соҳавий, Ҳудудий ёки Бош схемалари ҳисобланади. Бу схемалардан саноат корхоналарини лойиҳалаш муассасалари табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг рухсат этилган меъёрларини инobatга олган ҳолда амалга оширила-

ди. Агарда лойиҳаланаётган саноат корхонаси шу зонадаги экологик меъёр талабларига жавоб бермаса, лойиҳалаш тўхтатилиши лозим<sup>1</sup>.

Саноат корхоналарини қуриш вақтида қурилиш ташкилотлари лойиҳадаги экологик ва санитар талабларни билишлари ва уларга тула эътибор беришлари керак. Шу билан биргаликда, лойиҳачилар — авторлик назоратини, қурувчилар — қурилиш назоратини, тиббиёт хизматчилари — санитар назоратини амалга оширишлари шарт. Агарда санитар ва экологик талаблар қурилиш давомида бузиладиган бўлса, давлат назорат органлари уларни бартараф этиш шартларини кўриб чиқишлари, керак бўлса қурилиш ишларини тўхтатиб қўйиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича лойиҳа ва қурилиш ишларини қайта кўриб чиқишни талаб қилишлари мумкин.

Кўпгина демократик мамлакатлар қонунчилигида саноат корхоналарини жойлаштириш ва қуришда жамоат бирлашмалари ва маҳаллий аҳолининг фикрларини инобатга олиш кўзда тутилган. Жамоатчилик талаби билан Европада шимолий дарёлар жанубга оқизилмайдиган бўлди, Қрим ярим оролининг курортлар теграсида Қрим АЭС қурилиши, Германия ва Бельгиянинг экологик инқирозли ҳудудларида ТЭСлар қурилиши тўхтатилди.

Саноат объектарини қуриш жараёнида энг кўп учрайдиган ноэкологик ҳаракатлар — лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш ва қурилиш ишларини арзонлаштириш ёки инфляциян жараёнларни олдиндан белгилашда «смета» кўрсаткичларининг тўғри келмаслиги оқибатида экологиялашган технологияларни ўрнатмаслик.

Саноат зоналарида корхоналарни ишга туширишдан аввал, уларни экологик экспертизадан ўтказиш шартлари Экологик экспертиза тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ саноат корхоналарининг ишга туширилиши экологик хавфсизликни таъминлаб бериш имкониятига эга бўлмаса, яъни лойиҳада кўзда тутилган тозаловчи ва чиқитларни зарарсизлантириш иншоотлари қонун ҳужжатларидаги меъёрларга тўғри келмаса, бундай саноат объекти ўз фаолиятини бошлай олмайди. Корхоналарни қабул қилиш комиссияси таркибида, албатта, экологик ва санитар-эпидемиологик назорат органлари мутахассисларининг қатнашувини таъминлаш даркор. Комиссия раси ва аъзоларининг шахсий жавобгарликлари Жиноий ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда алоҳида белгилангандир.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 41-моддасида корхоналар, ташкилотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатишга доир экологик талаблар белгиланган. Лекин мазкур моддада ҳўжалик юргизиш вазифаси юклатилган саноат ёки бошқа турдаги корхоналарни ишга тушириш бўйича муҳим талаблар назарда тутилмаган.

<sup>1</sup> Справочник эколога-эксперта. — Т.: Госкомприрода, 1997.— с. 441.

Ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналарга экологик гувоҳномалар бериш «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 46-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Экология ёки гигиена гувоҳномасига эга бўлмаган, шунингдек, ҳўжалик юритиш давомида белгиланган экологик-санитар мезонларни бузган корхоналар хом ашё ва материаллардан фойдаланиши, технология жараёнларини жорий этиши ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариши ман этилади. Экологик гувоҳномалар бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Саноат зоналарида табиий ресурслардан фойдаланиш лимитлари ва меъёрлари, атроф-муҳитга етказилган зарарларни корхоналар томонидан қоплашнинг ҳуқуқий нормалари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг IV, V, XI бобларида келтирилган бир қатор моддалар ва қонун ости норматив ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Саноат зоналарида экологик талабларни ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бузганларга, авваламбор, иқтисодий жавобгарлик чораларини қўллаш (МЖТК 50-модда), бу ҳуқуқбузарликлар бир неча бор такрорланса ёки бир маротаба қўпол равишда бузилса, юридик жавобгарликнинг жиноий жазо турларини қўллаш кўзда тутилган.

### Қайтариш учун саволлар



1. Атропоген ўзгарган табиий ҳудуд деб нимага айтамыз?
2. Нима учун аттропоген ўзгарган ҳудудларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш йўллари алоҳида олиб борилади?
3. Қандай ҳуқуқ манбалари орқали шаҳарларда экологик талаблар ўрнатилади?
4. Шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талаблари нималардан иборат?
5. Экологик-ҳуқуқий меъёрлашни табақалашган тарзда ўрнатса бўладими?
6. Аграр теграларда экологик муносабатларни тартибга солишда нималарга эътибор қаратилади?
7. Қандай антропоген жараёнлар қишлоқ ҳўжалигида салбий экологик оқибатларга олиб келмоқда?
8. Фермер ва деҳқон ҳўжаликларига оид маҳсус қонунларда қандай экологик-ҳуқуқий талаблар қўйилган?
9. Саноат зоналарида меъёрлаш қоидалари қандай?
10. Атропоген ўзгарган ҳудудлар бўйича ўрнатилган қандай юридик жавобгарликларни биласиз?

Табиат қонуниятлари жамият қонуниятларига буйсинмаслиги, маъмурий-ҳудудий чегараларга эса итоат этмаслиги мумкин.

Н.А.Н.

## МАХСУС ҚИСМ

### ХVIII боб. АТРОФ-МУҲИТНИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

#### 1. АТРОФ-МУҲИТНИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Табиатни муҳофаза қилиш туғрисидаги қонуннинг 4-моддасидаги экологик принциплардан бири «Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, минтақалараро ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш»дир. Чунки табиатда содир бўлаётган жараёнлар ва ҳодисалар, жамиятдагидан фарқли, на маъмурий ва на табиий чегарани биледи. Қирғизистонда Сирдарё ирмоқларининг радиоактив моддалар билан ифлосланиши, сўзсиз, Ўзбекистон ва Қозоғистон республикаларида атроф-муҳитга ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Чернобиль ёки Орол денгизи экологик фожиалари нафақат Шарқий Европа ёки Марказий Осиё, балки бутун Ер қуррасидаги инсонларнинг «яшаш ҳуқуқи»нинг зарурий элементларидан бири бўлган экологик хавфсиз муҳит ҳолатига салбий таъсир этмоқда. Шунинг учун ҳам Президент И. А. Каримов БМТнинг 48, 50, 55-сессияларида сўзлаган маърузаларида Орол муаммосини халқаро миқёсда ҳал қилишни таклиф этди ва унинг салбий оқибатларини нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё ҳамжамияти учун таҳдид солаётган долзарб глобал масала қилиб кўрсатди.

Экология ҳуқуқи манбаларининг бошқа ҳуқуқ соҳасидаги манбалардан фарқи ёки ўзига хос томони — миллий экологик қонунларда халқаро-ҳуқуқий меъёрларини кўпроқ акс этганлигидадир.

*Атроф-муҳитни халқаро муҳофаза қилиш деб инсонларнинг экологик хавфсиз муҳити ва давлатларнинг барқарор меъёрда ривожланишини таъминловчи халқаро ҳуқуқ принциплари, нормалари ва муносабатлари йиғиндисига айтилади.*

Атроф-муҳитни халқаро миқёсда муҳофаза қилиш XIX асрнинг бошларида юзага келди. Аввалига бу масала икки давлат ўртасидаги табиий объектлардан тенг ҳуқуқли фойдаланиш кўринишида намоён бўлган. Бундай экологик муносабатлар икки давлат ўртасида тузилган умумий шартномалар таркибидан жой олган. 1913 йил 17—19 ноябрда Швейцариянинг Берн шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференция экологик муаммоларни халқаро ҳуқуқнинг махсус масалалари тоифаси даражасига кўтарди.



Шундай бўлса-да, инсоният тарихида экологик муаммолар XX асрнинг ўрталаригача фақатгина маҳаллий ёки миллий масалалар доирасидан ўрин олган эди. 1970 йилларгача давлат ва жамият хавфсизлигига ёки уларнинг барқарор ривожланиши ва инсон ҳуқуқларига глобал таъсир қилувчи муаммолар туркумига фақатгина ҳарбий ва сиёсий масалалар киритилган, холос. XX асрнинг учинчи чорагида, яъни Иккинчи жаҳон уруши якунланиши ва БМТнинг тузилиши халқаро хавфсизликка таҳдид солаётган масалалар жумласига экологик муаммоларни ҳам киритди. Шу асрнинг 50—60-йилларида «совуқ уруш» оқибатида Ер қуррасидаги инсонлар ҳаётига тажовуз солаётган уч муаммо — ядро тўқнашуви, ёппасига тарқалувчи касалликлар ва учинчи ўринда экологик муаммолар қўйилган бўлса, 70-йилларга келиб экологик муаммо ва уларни ҳал қилиш масаласи етакчи ўринни эгаллаб олди.

*Халқаро миқёсда экологик хавфсизликни таъминлаш — атроф-муҳит сифатини тирик организмлар учун етарли даражада ушлаб турадиган, қайта тиклайдиган ва ошириб борадиган халқаро муносабатларни шакллантиришни тақозо қилади.* Экологик хавфсизликни таъминлаш учун эса, албатта, бутун дунё мамлакатлари ва халқларининг бир меъёрга ривожланиши, экологик сиёсат тизимида давлатларнинг интеграцияланишини талаб қилади. Бу борада БМТ, давлатлараро ва нодавлат ташкилотларнинг эгаллаган ўрни ва уларнинг экологик масалаларининг ечимини топишдаги аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда.

XXI аср бўсағасида инсонларнинг экологик онг ва тафаккурида кескин ўзгаришлар даври бўлди, десак муболаға бўлмайди. Эндиликда экологик муаммо ҳар бир инсоннинг қалбидан жой олиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида масъулият ҳиссини уйғотмоқда. Лекин бу ҳиссиёт амалда ўз ифодасини топа олмаяпти. Одамзоднинг ягона яшаш макони — Ер қурраси эканлиги, атроф табиий муҳит эса унинг «ўтирган дарахтининг шохи» эканлиги, бу шохни инсоният ўз фаолияти натижасида секин-асталик билан арралаётганлигини англаб олишнинг ўзи катта экологик ютуқдир. Кейинги қадам эса халқаро-ҳуқуқий меъёрларга асосланган ҳолда экологик маданият ва маърифатни ўстириш, давлат бошқарув ва назорат тизимида экологик талабларни «бирламчи масалалар» туркуми даражасига кўтаришдир.

Инсониятнинг экологик тафаккурининг шаклланишига сабабчи бўлган экология фанининг юзага келиши ва бу соҳадаги илмий изланишларнинг кенг қамровли олиб борилиши ҳамда атроф-муҳит ҳолати бўйича кўпгина маълумотларни ошқора қилинишидир. Сунгги вақтлар халқаро «гранд» учрашувларида айнан инсон ҳуқуқлари ва уни таъминлаб берувчи асосий омиллардан бири бўлган экологик хавфсизлик масаласи уларнинг кун тартибидан асосий ўрин олди. Ҳатто

1999 йил октябрь ойида АҚШнинг Гавайи штатида бўлиб ўтган Халқаро ёшлар Конгрессида қабул қилинган қарорга биноан бутун дунё ёшлари олдига қўйилган 3 асосий долзарб вазифалардан бири — экологик муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этиш, деб белгиланди. Қолган икки вазифа ўқиш ва миллий можароларни барта- раф қилишдан иборат.

Ҳозирги замон халқаро *экологик ҳамкорлик* уч йўналишда амалга оширилмоқда:

1) атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг давлатлараро ва миллат-лараро ҳамкорлиги ҳамда улардаги ижобий тажрибаларни кенг тар-ғиб қилиш;

2) минтақада (регионда) ёки чекланган зоналарда табиатни му-ҳофаза қилишнинг илмий асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалий татбиқ қилиш;

3) глобал экологик муаммоларнинг ечимини топишда халқаро ҳамжамиятнинг универсал йўлларини ишлатиш.

Атроф-муҳит муҳофазаси халқаро миқёсда нафақат экологик та-лаблар, балки ижтимоий, сиёсий, иқтисодий талабларни ҳам ўз ичига қамраб олган ҳолда шаклланади. Лекин, назарий жиҳатдан қараган-да табиатни муҳофаза қилиш меъёрлари фақатгина халқаро эколо-гик муносабатларни инobatга олиши керак. Чунки экологик муам-молар дунёвий муаммолар — инсон ҳуқуқлари, иқтисодий, энерге-тик, ядро уруши, озик-овқат, таълим каби муаммолар билан узвий боғлангандир. Улар миллий экологик муносабатлар билан бевосита ёки билвосита алоқадорликда бўлгани учун ҳам маҳаллий, регио-нал, глобал масалалар қаторидаги ягона муаммолар тизими сифати-да қаралади.

Агар ўтган XX асрга бир назар ташлайдиган бўлсак, унда нақадар кескин ва катта узгаришлар даври бўлди, дейиш мумкин. Бу фоний дунёда инсон тарихи 5 млн. йилга тенг бўлса, ўтган аср қолган аср-ларга татигулик босқич бўлди, десак асло муболаға бўлмайди. Чунки XX асрда дунё икки — социалистик ва капиталистик лагерга бўлин-ди, икки жаҳон уруши деярли ҳамма инсоният цивилизациясига салбий таъсир кўрсатди, ёппасига қирғин келтирувчи қурооллар яра-тилди ва ишлатилиб кўрилди, оммавий касалликлар юзага келди, қайта қуриш орқали Дунёнинг сиёсий харитасида янги давлатлар юзага келди. Ҳа, бу аср мисли кўрилмаган фан ва техника ютуқлари, иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги муваффақиятлар билан бир қаторда, салбий тусдаги сиёсий, ижтимоий, экологик инқирозларга ҳам олиб келди. XXI асрда ушбу хатоларни қайтариш асло мумкин эмас, чун-ки 3-жаҳон уруши, янги қуроолларни ишлаб чиқариш ва глобал миқёс-даги экологик муаммоларни келтириб чиқариш инсонларнинг «қиймат қойим» кунини яқинлаштириши ҳеч гап эмас.


Президентимиз И. А. Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», деб бежиз айтмаганлар. Чунки инсон тарихдан сабоқ чиқаради. Эришган ютуқларини ривожлантиради, қўйилган хатоларни қайтармасликка ҳаракат қилади. Биз ҳам экологик жиҳатдан тарихга бир назар ташлаб кўрамиз ва тегишли хулосалар чиқаришга ҳаракат қаламиз.

XX асрнинг 60-йилларида, яъни «совуқ уруш» даврида бутун инсоният ва, айниқса, халқаро ҳамжамиятнинг ташвиши асосан ядро урушининг олдини олишга қаратилган эди. «Қариб инқирози»дан сўнг ядро қуролига эга бўлган давлатлар бир нарсага — атом, нейтрон, водород бомбаларни ишлатиш Ер қуррасида ҳаётнинг тугашига олиб келиши, бу урушда мағлубларнинг ҳам, ғолибларнинг ҳам бўлмаслиги муқаррар эканлигига бутун дунё ҳамжамияти иқдор бўлди.

Инсонлар кўзига кўринмайдиган, лекин оқибати урушдан ҳам хавфли бўлган экологик муаммо юзага чиқди. Чунки XX асрнинг 70-йилларига келиб инсоният тарихи мобайнида Ер қуррасида 2/3 қисм ўрмонлар кесилиб кетди, 6 млрд. га унумдор тупроқлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқазиб юборилди, ер юзасидан кунига бир турдаги ҳайвон ёки ўсимлик дунёси йўқ бўлиб борди, 70 фоиздан ортиқ сув манбалари ифлосланди, атмосферада ис газининг миқдори 20 млн. тоннага кўпайди, озон туйнуги АҚШ майдонига тенг бўлган кенгликда очилиб қолди. Натижада жаҳон аҳолиси орасида ёппасига тарқалган аллергия, СПИД, юқумли ва сурункали касалликлар, ўпка йўли ва рак касалликлари кўпайиб кетди. Туғилаётган болаларда мутантлик хусусиятлари пайдо бўла бошлади.

Атроф табиий муҳитнинг инқирозли ҳолати ундан чиқиб кетиши йўлини излашга ундади. Ривожланган мамлакат ва ҳудудларнинг ўзидагина экологик муаммоларни ҳал қилиш имконияти бўлмади. Чунки Орол, Чернобил каби экологик инқирозлар таъсири Марказий Осиё ёки Украина маъмурий чегарасида қолиб кетмади. Улар бутун дунё ҳамжамиятига экологик зарар келтира бошлади. Ҳаттоки, Оролнинг қуриган юзасидан учган туз Норвегия ўрмонларидан топила бошланди, Чернобил АЭСнинг радиоактив ифлосланиши Германиягача бўлган ҳудудни заҳарлади.

1970 йил дунёга машҳур кишилардан иборат бўлган «Рим клуби» аъзолари илк бор «*Ўсиш чегараси*» номли Маърузани эълон қилишди (22-расм). Маърузада Сайёрамизда кишиларнинг ресурсларга бўлган талабларини қондириш масаласи қўйилган эди. Улар инсониятга кўпроқ хавф туғдираётган муаммо — экологик муаммо эканлигини уқтиришди. Шундан сўнг, «атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» масаласи 1972 йил Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Халқаро Конференциясининг шиорига айланди. Стокгольм Конференцияси халқаро ҳамжамиятнинг дунёқарашига туб ўзгаришлар ясади. Чунки ундан бошлаб давлатлар ўртасида муҳокама қили-



22-расм. Экологик муаммолардан барқарор ривожланиш муаммоларига томон.

наётган барча масалалар ичида экологик муаммоларнинг ечимини топиш глобал миқёсда хавфсизликни таъминлашнинг асосий омили сифатида қараладиган бўлди.

Стокгольм Конференцияси (22-расмда кўрсатилган) 5 та муҳим қарор ва ҳужжатларни қабул қилди. Масалан, «*Стокгольм декларацияси*»да атроф-муҳитни миллий, регионал ва халқаро миқёсда муҳофаза қилишнинг 26 принципи кўрсатилди. Улардан бирида «Ҳар бир инсон қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқига эга, унинг сифати эса инсонларни муносиб ҳаёт кечиришга ва тараққиётга эришадиган даражада бўлиши керак» дейилган.

«*Тадбирлар режаси*» 109 банддан иборат бўлиб, унда давлатлар ва халқаро ҳамжамият ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ташкилий, сиёсий, иқтисодий масалалари ёритилган.

*Стокгольм Конференцияси тавсияномасига* биноан БМТнинг Бош ассамблеяси халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури — *ЮНЕП ташкилотини* тузди. Унинг қароргоҳи Кениянинг пойтахти Найроби шаҳрида жойлаштирилди.

1975 йил Хельсинки шаҳрида Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик кенгаши бўлиб ўтди. Унда Европанинг 35, АҚШ ҳамда Канаданинг давлат раҳбарлари «*Якуний ҳужжат*»га имзо чекишди. «Якуний ҳужжатда» экологик хавфсизлик илк бор миллий ва халқаро хавфсизликнинг асосий элементи сифатида қаралди. Президентимиз И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деган асарида экологик муаммоларни эътироф этди ҳамда бошқа миллий хавфсизлик омиллари — терроризм, диний экстремизм, коррупция, маҳаллийгарчиликдан фарқини очиб берди.

1984 йил БМТ қошида *Халқаро атроф-муҳит ва ривожланиш комиссияси* иш бошлади. Унга Норвегиянинг атроф-муҳит вазири, кейинчалик ушбу давлатнинг премьер министри Гро Харлем Брундтленд бошчилик қилди. Шунинг учун ҳам бу Комиссияни — «Брундтленд комиссияси» (Brundtland Commission) деб аташар эди. 1987 йил ушбу Комиссия «*Бизнинг умумий келажагимиз*» номли ўз иш Ҳисоботини БМТ га тақдим этди ва шу асосда инглиз тилида китоб нашр этилди.

«Бизнинг умумий келажагимиз»да янги «*Барқарор ривожланиш концепцияси*» яратилди. Концепциянинг асосий мазмуни бир нарсага эътиборни қаратди, яъни «*Экологик муаммоларни ижтимоий-иқтисодий муаммоларсиз, халқаро атроф-муҳитнинг муҳофазасини эса локал, миллий ва регионал барқарор ривожланишсиз амалга ошириш мумкин эмас*»лигини исбот қилиб берди. Чунки социал — экологик — иқтисодий ривожланиш ягона занжирда туради ва уларнинг ҳар бири «занжир ҳалқалари» ҳисобланади, дея эътироф этилди. Ночор ва камбағал одам, оила ёки давлат ҳеч қачон табиий бойликларни асраш-

ни уйламайди. Уларда истеъмолчилик психологияси авж олади. Табиатдан улар ўзига озиқ-овқат, хом ашё ва бошпана учун ётоқ қидириши бугунги кунга келиб ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

1992 йилда Жанубий Американинг энг йирик шаҳри — Рио-де-Жанейрода БМТнинг (айнан Брундтленд концепциясига мос равишда) махсус «*Атроф-муҳит ва ривожланиш*» буйича Конференцияси чақирилди. Унга 172 мамлакатдан, жумладан, 130 расмий давлат делегацияси ташриф буюрди. Ўзбекистон делегациясини И. А. Каримов бошқарди. Бизнинг фикримизча, тарихда илк бор экология ва ривожланишга оид энг йирик анжуман айнан Риода бўлиб ўтди. Чунки унда халқаро аҳамиятга молик 5 та катта ҳужжатлар қабул қилинди (22-расмга қаранг). «*Рио — 92 декларацияси*» атроф-муҳит муҳофазасини барқарор ривожланиш орқали ҳал қилишнинг 27 та принципини белгилаб берди. Улардан бирида: «Барқарор ривожланишда инсон ҳақида ғамхўрлик бош масала, улар табиат билан уйғунликда соғлом ҳаёт кечириш ва унумли меҳнат қилиш ҳуқуқига эгадирлар», дейилади.

4 та бўлим, 40 та боб ва 300 бетдан ортиқ ҳажмдаги «*XXI аср кун тартиби*»да (23-расм) барқарор ривожланиш ва атроф-муҳит муҳофазасига доир дастурлар келтирилган. Халқаро миқёсда қандай ижтимоий фаолият тури, қай усулларда, қай миқдорда ва кимнинг кўмаги орқали ҳал қилиниши кераклиги батафсил ёритиб берилди. Ер қуррасидаги барча кишилар, давлатлар ва халқаро ҳамжамиятлар учун XXI асрнинг дастурий амали айнан шу ҳужжатда кўрсатиб ўтилди ва кўпчилик давлат раҳбарлари томонидан тан олинди.

«Рио — 92» да «*Ўрмонларни муҳофаза қилиш Баёноти*» қабул қилинди. Унда ўрмонларни муҳофаза қилиш атроф-муҳит ҳолатини сақлашда қандай аҳамият касб этиши ва халқаро ҳамжамият, хусусан, давлатларнинг ўрмонларни сақлашдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилди.

Мазкур Конференцияда иккита — *Биологик хилма-хиллик ва Иқлимнинг ўзгариши тўғрисида халқаро конвенциялар* қабул қилинди.

*Биологик хилма-хиллик буйича Конвенция* АҚШ ва Англия каби ривожланган мамлакатлардан ташқари кўпгина давлат раҳбарлари томонидан имзоланади. Айрим ривожланган мамлакатлар томонидан ушбу Конвенциянинг имзоланмаганлиги сабаби унда биотехнология ва генетик инженериядан жуда катта даромад олаётган давлатлар генетик фондга бой бўлган давлатлар билан фойдани бўлишиш масаласи турар эди. Бу ўринда Тянь-Шаннинг ёввойи лолалари-ю, тропик ўрмонларнинг жуда хилма-хил ўсимлик ва ҳайвонот дунёси миллат бойлиги эканлигини ёддан чиқармаслик керак.

Ўзбекистон Республикаси Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенцияни 1996 йил 7 майда ратификация қилди ва уни амалга ошириш мақсадида 1997 йил 26 декабрда «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ва «Ҳайвонот дунёси-



23-расм. Халқаро экология ҳуқуқи манбаи бўлган «XXI аср кун тартиби»нинг мазмуни.

ни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларни қабул қилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги махсус қарори билан «Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлашнинг миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси» белгиланиб олинди. Чунки тирик организмлар экологик тизимларда жуда катта функцияларни бажардилар. Масалан, 1 см<sup>3</sup> тупроқда 1,5 миллионгача микроорганизмлар яшайди. Улар «тупроқ санитарии» вазифасини ўтайдилар. Чунки улар тупроққа тушган органик моддани парчалаб, минерал моддаларга айлантириб берадилар. Минерал моддалар эса ўсимлик дунёси учун озуқага айланади. Шу тариқа экотизимларда «озуқа занжири» юзага келади, у ўз навбатида, модда ва энергия алмашинуви жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди. Ҳеч қачон азотни ишлаб берувчи микроорганизмлар ишини фосфор ёки калий каби минерал моддаларни ишлаб берувчи микроорганизмлар бажара олмайдилар. Шунинг учун ҳам улар ранг-баранг эмас, хилма-хил бўлишлари керак.

«*Иқлимнинг ўзгариши тўғрисида рамкали Конвенция*»ни ҳам Ўзбекистон парламенти ратификация қилди. 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», 2002 йил 5 апрелдаги «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунларда иқлимни ўзгартирувчи хўжалик фаолиятини қаттиқ меъёрлаш нормалари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси 1998 йилдан бошлаб «*Ер Хартияси*» ҳамда «*Минг йиллик декларацияси*»ни тайёрлашда фаол иштирок этди. Бу иккита оламшумул аҳамиятга молик халқаро ҳужжат 2002 йил 26 август — 4 сентябрь кунлари Йоханнесбург шаҳрида Бутунжаҳон Саммитининг ўтказилишига асос бўлди. «*Барқарор ривожланиш*» Саммитида (уни «Рио+10» деб ҳам номлашади) атроф-муҳитни давлат ва халқаро ҳамжамиятнинг барқарор ривожланиш концепциясининг бир қисми сифатида қарашни маъқул деб топишди.

Йоханнесбург Бутунжаҳон Саммитининг бошқа, Лиссабон, Истамбул, Будапешт саммитлардан фарқи, унда нафақат давлатларнинг расмий делегатлари, балки нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, саноатчилар ва тадбиркорларнинг 40 мингдан зиёд «армияси» фаол иштирок этди. БМТ томонидан тузилган ташкилий қўмита Саммитга «*Бутунжаҳон барқарор ривожланиш Саммитининг қарорларини бажариш Режаси*» ва «*Сиёсий декларация*»ни тайёрлади. Муҳокама қилинган Режада 151-параграф, яъни «Жамоатчиликни қарорлар қабул қилишдаги қатнашуви» ўтмай қолди. Умуман эса Режа ва Декларация Саммитда қабул қилинди. Уларда «Рио—92» даги барқарор ривожланишнинг умумжаҳон кўрсаткичлари универсал тарзда эмас, балки аниқ бир қитъалар ва регионлар (Африка, Лотин Америкаси ва Кариб бассейни, Осиё ва Тинч океани, Фарбий Осиё)



ҳамда кичик ороллар буйича олинди. Барқарор ривожланишнинг «Йоханнесбург — 02» декларациясида атроф-муҳит масаласи унга батамом «сингдириб» юборилди. Масалан, 2002 йил 4 сентябрда қабул қилинган «*Сиёсий декларация*»да БМТнинг бош мақсади бўлиб, жаҳондаги барча мамлакатларни бир меъёрда молиялаш, қачонки глобаллаштириш ижтимоий — иқтисодий — экологик муаммоларни ҳал қилиш барқарор ривожланиш омилига айлансин.

Йоханнесбургдаги Саммитда барқарор ривожланишни амалга оширишда давлатларнинг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, ҳуқуқий-демократик давлат куриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, институционал масалалар, қашшоқликка қарши кураш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг усуллари ва йўллари акс эттирилди. Саммитнинг яна бир ўзига хос томони, 200 дан ортиқ регионал барқарор ривожланиш ташаббусини муҳокама қилиш бўлди. «*Марказий Осиёда барқарор ривожланиш ташаббуси*»да эса қуйидаги принциплар региондаги ҳар бир давлатнинг мустақил «Барқарор ривожланиш Режа ва Стратегияси»ни ишлаб чиқишнинг услубий қўлланмаси сифатида таклиф қилинди:

- ✓ барқарор ривожланишнинг асосий принципларини миллий қонунчилик ва ривожланиш дастурларига татбиқ қилиш;
- ✓ ўз барқарор ривожланиш моделини яратиш;
- ✓ марказий бошқарувдан локал (маҳаллий) бошқарувга томон ҳаракат қилиш;
- ✓ барқарор ривожланишнинг узлуксизлигини кафолатлаш;
- ✓ яқин, ўрта ва узоққа мўлжалланган барқарор ривожланиш режа ва стратегияларни узвий боғлаш;
- ✓ режа ва дастурларнинг бажарилишини қаттиқ даврий меъёрлаш;
- ✓ ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилишда аҳолининг кенг оммаси, ўзини ўзи бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлар ва саноатчиларнинг фаол иштирокини таъминловчи шароитлар яратиш;
- ✓ қўйилган вазифаларни бажаришнинг мониторинги (кузатуви), назорати ва жавобгарлигини таъминлаш;
- ✓ давлат молия фаолиятининг «очиқлиги»ни таъминлаш;
- ✓ барқарор ривожланишни баҳолашнинг ўзига мос ва халқаро стандартлардан келиб чиқадиган индикатор (кўрсаткич)ларини ишлаб чиқиш.

Замонамизнинг энг кенг тарқалган дунёқарашларидан бири бўлмиш — барқарор ривожланиш концепцияси ва унинг мақсадига эришишда маҳаллий, миллий, регионал ва курравий миқёсда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ўзининг ҳиссасини қўшади, деб ўйлаймиз.

## 2. АТРОФ-МУҲИТНИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ

Биз юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир ҳуқуқ соҳаси жамиятдаги муайян муносабатларни тартибга солишда аниқ қоида-принципларга ёндашади. Миллий қонунчиликни ишлаб чиқиш ва шакллантиришда бу принциплар ҳар бир миллат ёки давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маърифий-маданий, миллий ҳолати ва анъаналарига асосланган тарзда белгиланса, халқаро ҳуқуқда эса икки ва ундан ошиқ миллат, халқ ёки давлатларнинг умумий манфаатларига, инсон ҳуқуқларига ёндашади.

*Халқаро принциплар* — халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ субъектларининг бошқарув қоидалари.

*Халқаро экологик принциплар* — халқаро ҳамкорлик иштирокчиларининг, яъни субъектларининг, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва халқаро экология ҳуқуқи объектларидан фойдаланиш борасидаги муносабат қоидалари. Бу қоидалар халқаро ҳуқуқ нормалари заминда ётиши ва ўзаро муносабатларни ҳуқуқий меъёрлаш ҳамда ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқишда йўналиш берувчи кўрсатма тарзида хизмат қилиши керак.

БМТ Низомининг 2-моддасида кўрсатиб ўтилган ва унинг ҳамма аъзолари учун мажбурий ҳисобланган халқаро муносабат принциплари халқаро экологик принципларнинг асоси ҳисобланади. Халқаро экологик принциплар Стокгольм, Рио-де-Жанейро, Йоханнесбург конференцияларининг декларацияларида, Европада хавфсизликни таъминлашнинг яқуний Хельсинки ҳужжатида ва Умумжаҳон табиат Хартиясида ва шу каби халқаро ҳуқуқ манбаларида ўз аксини топган.

**Халқаро экологик-ҳуқуқий принципларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:**

1. *Табиий ресурсларга давлат суверенитетлиги.* Бу принцип БМТ Бош Ассамблеясининг 1962 йил 14 декабрь «Табиий ресурсларга нисбатан ажралмас суверенитет», сўнгра, Стокгольм (1972) конференциясининг декларацияларида ўз ифодасини топган. Мазкур принципга биноан ҳар бир халқаро ҳуқуқ субъекти халқаро муносабатларда ўз табиий бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни миллий қонунчилик асосида олиб бориш ҳуқуқига эга, яъни ҳар бир мустақил давлат учун ўз табиий бойликларини нафақат эгаллаш, фойдаланиш, балки тасарруф қилиш ҳуқуқидан тўла фойдаланиш имконияти очиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги, — деб таъкидлаган эди И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деган асарида, — авваламбор, жуда бой хом ашё ва табиий бойликларидан ўзи билганича фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлишидадир.

Бундай фойдаланиш чор Россияси, сунгра собиқ Иттифоқ давридаги экстенсив, яъни пала-партиш ва чала-ярим эмас, балки мустақиллик даврида интенсив тарзда, яъни юқори даражада самарадорлик билан амалга оширилмоқда. Миллий манфаатлар миллий қонунчилик асосида ҳимоя қилина бошланди ва техноген бузилган ландшафтларни қайта тиклаш талабларини кенг жорий қилиш имконини берди. Чунки ҳар бир давлатнинг табиий ресурсларга бўлган суверенитетлиги, унинг халқи ва фуқароларининг яшаш ҳуқуқини таъминлаш, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги буюк масъулият — миллий экологик хавфсизликни таъминлаш ҳиссини татбиқ қилиш имконини берди. Туркистон ўлкаси, сунгра Урта Осиё республикалари чор Россияси ёки собиқ Иттифоқнинг меҳнат тақсироти ёки иқтисодий ривожланиш тизимидаги узлуксиз таъминот ва прогрессив ўсиш талабларини қондиришда табиий хом ашё ва арзон меҳнат ресурслари ўлкаси бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам бу «чекка ўлка» XXI аср бусағасида экологик инқирозли ҳудудлар тоифасига кириб қолган эди.

2. *Давлатлар ўз юридикциясидаи ташқаридаги атроф-муҳитга зарар етказмаслик.* Бу принцип XX асрнинг 60-йилларида оддий бир халқаро ҳуқуқ меъёри сифатида ишлатилган бўлса, 1972 йил Стокгольм конференциясида халқаро экологик ҳамкорликнинг асосий қоидалари тоифасига киргазилди. БМТнинг Низомига биноан, ҳар бир давлат ёки халқаро ҳуқуқ субъекти ўз ҳудуди ёки назорат доирасидаги ҳаракатлари ўзга ҳудуд ёки давлат назорат доирасида турган ҳудудларга зарар етказмаслиги керак ва бу учун улар жавобгардирлар. Бунга мисол қилиб Тожикистондаги алюмин заводининг шимолӣ Сурхондарёга келтираётган зарарини олсак бўлади. Ифлослашиш нормаси рухсат этиладиган меъёрдан 7,2 баробар кўпдир.

3. *Инсонларнинг экологик ҳуқуқининг афзаллиги.* Бу принцип бевоқифа инсон ҳуқуқларидан биридир. Чунки Ер юзидаги барча инсонлар, уларнинг ирқий, миллий, диний, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, яшаш ҳуқуқига эгадирлар. Яшаш ҳуқуқи эса инсон ҳуқуқларининг бирламчи омилдир. БМТ Низомининг учинчи хат боши 1-моддасига биноан, халқаро ҳамкорликни давлатлар «инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилишлари ва уларни рағбатлантиришни ривожлантиришлари» асосида олиб боришлари керак<sup>1</sup>.

4. *Ҳамма босқичда экологик назоратлаш* принципи юқорида санаб ўтилган халқаро-ҳуқуқий қоидаларнинг амалий татбиғини кузатиб бориш ва кафолатловчи институтлар тизимини яратишни талаб қилади. Агарда халқаро экологик ҳамкорлик меъёрларининг амалий татбиғи унинг қатнашчилари ёки учинчи бир ваколатли идоралар томонидан назорат қилинмаса, ҳар қандай халқаро ҳужжат декларатив курунишда

<sup>1</sup> Международное право в документах. — М.: «Юрист», 2001.

намоён бўлади ва улар қоғозда қолиб кетади. Бундай халқаро назорат институтининг универсал тарзда БМТнинг ЭКОСОС, ЮНЕП, ЮНЕСКО, ТМХИ, ЖССТ, ХДК, МАГАТЭ каби умумий ёки махсус масалалар бўйича тузилган ташкилотлар ёки регионал тарздаги — ОБСЕ, АДА, АБТ, АДТ, АСЕАН каби ташкилотлар томонидан олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизнинг фикримизча, Марказий Осиё минтақасида махсус ваколатли давлатлараро экологик ташкилотни тузиш (масалан, «Туркистон — бизнинг уйимиз», «Турк эконazorат», «Туркистонда экологик хавфсизлик») ва унинг қошида иштирокчи давлатлардан назорат, тергов ва суд органларини барпо этиш замон талабидир.

5. *Экологик ахборот алмашуви эркинлиги* принципи халқаро ҳамкорлик қатнашчиларидан ўз миллий чегараларида юз бераётган атроф табиий муҳитнинг салбий ўзгаришлари ҳақида вақтида ахборот бериб боришни назарда тутати. Чунки экологик жараёнлар маъмурий чегарани «тан олмайди» ва улар қўшни мамлакатнинг экологик хавфсизлик даражасига салбий таъсир этиши мумкинлигини эътироф этади. Ўз пайтида ва тезкор олинган ахборот экологик хавфнинг олдини олиши ҳамда уни биргаликда ёки халқаро ҳамжамият ёрдамида бартараф қилиш имконини беради.

6. *Ўзаро экологик консультациялаш* принципи бундан олдинги ахборотлаш принципининг давоми. Консультациялаш ёки маслаҳатлашиш принципи юзага келган экологик инқироз ҳолатининг кенг ёйилишининг олдини олиш, уни бартараф қилишнинг халқаро стратегик мақсад ва тактик вазифаларини аниқлаб олиш, унга қарши курашишнинг чора-тадбирлар кўлами ва йўллари аниқлаштиришга имкон беради.

7. *Экологик инқирозли ҳолатда давлатларнинг ўзаро ёрдам кўрсатиш* принципи давлатларнинг ўзаро гуманитар ёрдам кўрсатиш ва оқибатда ўз миллий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар тоифасига киради. Марказий Осиёда вужудга келган «Орол муаммоси»ни ҳал қилишда 100 дан зиёд давлат ёки нодавлат ташкилотларнинг иштирок этиши ва кейинги 10 йил мобайнида уларнинг юз миллионлаб АҚШ доллари миқдорига бизларга моддий ёрдам кўрсатишлари бундай олижаноб принципни амалда қўлланилаётганига далил бўла олади.

8. *Ҳуқуқий-экологик низоларни тинчлик билан ҳал қилиш* принципи халқаро ҳуқуқ субъектлари орасида ушбу низолар орқали атроф табиий муҳитга янада кўпроқ зарар етказувчи «совуқ уруш»ларнинг ёки ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олишга қаратилгандир. Замон талаби — ҳар қандай салбий жараёнларни дипломатик воситалар орқали ҳал қилиш ва давлатларнинг бутун кучини ҳар қандай урушларга эмас, балки инсонларга хавф солаётган экологик инқирозларга сарф қилишларини даъват қилишидир.

9. *Экологик муаммоларни барқарор ривожланиш орқали ҳал қилиш.* Бу принцип «Рио—92» Конференциясининг декларациясида ўз аксини топган бўлиб, у давлатлар ва регионлар миқёсида ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муаммоларни экологик муаммолар билан бир пайтнинг ўзида комплекс ечишни талаб этади.

**Атроф-муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш манбалари** — моддий нуқтаи назардан бутун дунё ҳамжамияти аъзоларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишдаги хоҳиш ва иродалари акс этган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар.

Расман эса **атроф табиий муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш манбаи** деб халқаро экологик муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар йиғиндисига айтилади.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга шартнома, келишув, конвенция, резолюция, хартия, декларация, қарор (протокол)лар киради. Айрим ҳолларда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга давлатларнинг ички қонунларини ҳам киритадилар, қачонки миллий қонунлар халқаро ҳуқуқ меъёрларига нисбатан атроф-муҳит муҳофазасини кўпроқ таъминлаб бера оладиган бўлса. Нима бўлганда ҳам миллий қонунчилик, бизнинг фикримизча, тўлиғича халқаро-ҳуқуқий манба бўла олмайди. Фақатгина маълум бир халқаро ҳуқуқ субъекти бўлмиш давлатлар ҳудудида экологик талабларга кўпроқ жавоб берадиган нормалар қўлланиши мантиқан тўғри деб топилгандир.

Атроф табиий муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилишда марказий ўринни **резолюциялар** эгаллайди. Чунки БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияларида давлатларнинг халқаро ҳамкорликдаги экологияга оид асосий нормалари ва ҳаракат қоидалари акс этган. «Резолюция» лотин тилида «ҳал қилиш», яъни маълум бир йиғин (съезд, комитет, конференция, симпозиум...)ларнинг хулосаловчи ёки ҳал қилувчи қарорлари.

Халқаро-экологик муносабатларда кўпинча «хартия» сўзи ишлатилади. **Хартия** грекчада «қоғоз», яъни қоғозга битилган оммавий ва сиёсий ҳужжат маъносидан ишлатилади. 1982 йил 28 октябрда БМТ Бош Ассамблеяси 37-сессиясида қабул қилинган «Умумжаҳон табиатни муҳофаза қилиш хартияси»да халқаро экологик ҳуқуқнинг 24 принципи қабул қилинган ва унга биноан БМТга аъзо мамлакатлар ўзининг миллий экологик қонунларини уларга мослаштиришлари талаб этилади.

Халқаро ҳуқуқда амалдаги миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ талабларига мослаштириш «имплементация» дейилади. БМТнинг мустақил субъекти бўлмиш *Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятга дадил қадамлар билан кириб борар экан, ҳуқуқ соҳасида унинг олдида 3 катта вазифа туради: 1) мамлакатда демократик бошқарувни барпо этиш ва барқарор ривожланишни таъминлаб берувчи*

ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш; 2) миллий қонунчиликни халқаро принципларга мослаштириш; 3) қонун меъёрларини ҳаётга таъбиқ қилиш механизмини яратиш.

1990 йил 21 ноябрь «Янги Европа учун Париж хартияси»да (1993 йил 27 ноябрдан Ўзбекистон ҳам қўшилган) ва 2000 йил Ер хартиясида экологик хавфсиз муҳитни таъминлаш ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг бурчи эканлиги алоҳида таъкидланган.

**Шартнома** — сиёсий аҳамият касб этувчи ва бошқа сиёсий, иқтисодий, маърифий-маданий масалалар қатори атроф-муҳит муҳофазасига оид халқаро меъёрларни ўзида акс эттирувчи ҳужжат. Шартномалар XX асрнинг иккинчи ярмида кенг тарқалган халқаро ҳуқуқ манбаи бўлиб, улар умумий, регионал ва икки томонлама тузилиши мумкин. Дунёда 300 дан зиёд экологик муносабатларни ўзида қамраб олган халқаро шартномалар мавжуд. Уларнинг ичиди энг салоҳиятлилари умумий турдаги «Европа хавфсизлигини таъминлашнинг яқиний шартномаси» (1975 йил), «Атмосфера, космик фазо ва сувда ядро қуролларини синашни тўхтатиш тўғрисида» (1963 йил), «Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида» (1968 йил) каби халқаро шартномалардир.

Икки томонлама Ўзбекистон—Қозоғистон, Ўзбекистон—Тожикистон, Ўзбекистон—Қирғизистон, Ўзбекистон — Туркменистон республикалари ўртасида тузилган шартномаларда атроф-муҳитни биргаликда муҳофаза қилиш (жумладан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш)га қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби халқаро ҳуқуқий меъёрлар белгиланиб олинган.

Шартнома муайян йўналишдаги халқаро муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлса, у «конвенция» деб аталади. **Конвенция** — латин тилида «шартнома», «шарт», «келишув» деган маънони англатади. Конвенция икки ва ундан ортиқ халқаро табиий объектларни муҳофазалаш ёки улардан биргаликда фойдаланишни назарда тутса — *комплекс-экологик*, маълум бир турдаги халқаро табиий объектдан фойдаланишни назарда тутса — *ресурс-экологик* конвенция деб аталади.

*Комплекс-экологик конвенцияларга* БМТнинг ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан 1972 ва 1973 йилларда қабул қилинган «Бутунжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш» ва «Йўқолиш хавфида турган ёввойи турдаги фауна ва флора турларини савдо қилиш» конвенциялари киради.

*Ресурс-экологик конвенцияларга* 1979 йили Боннда қабул қилинган «Кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш», 1985 йили Венада қабул қилинган «Озон қатламини ҳимоя қилиш» каби экологик шартномалар киради.

*Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг мустақил субъекти сифатида 10 дан зиёд экологик конвенцияларга қўшилган, жумладан:*

1993 йил 14 майда «Иқлимга таъсир этишни чегаралаш»;

1995 йил 13 октябрда «Саҳроланишга қарши кураш»;

1995 йил 15 июнда «Африка — Осиё қитъаларида кучиб юрувчи қушларни муҳофаза қилиш»;

1996 йил 7 майда «Биологик хилма-хиллик»;

1996 йил 7 майда «Хавфли чиқитларни ташиш ва уларни йўқо-тиш».

Қабул қилинган конвенцияларни амалий татбиқ қилиш учун бир қатор қонунлар, давлат дастурлари, лойиҳалар ишлаб чиқилган ва уларнинг ҳуқуқий механизми яратилмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласида мустақил Республикамиз дипломатик муносабатларда кўпроқ икки ва кўп томонлама *келишувларни* қўлламоқда. 1996 йил 8 майда Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ва 1997 йил 11 декабрда Хитой Халқ Республикаси ўртасида табиатни муҳофаза қилишга доир келишувларга имзо чекилган. Худди шундай масаладаги келишувлар Ўзбекистон — Германия, Ўзбекистон — Нидерландия Қироллиги, Ўзбекистон — Венгрия, Ўзбекистон — Словакия, Ўзбекистон — Исроил, Ўзбекистон — Люксембург ва Ўзбекистон — Европа Иттифоқи билан имзоланган. Ҳамдўстлик мамлакатлари — Украина, Қозоғистон, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Грузия республикалари билан Ўзбекистон икки томонлама, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон республикалари ўртасида эса кўп томонлама атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасида келишув мавжуд.

1992 йил 8 февралда Москвада қабул қилинган МДҲ мамлакатлари орасидаги келишувнинг 2-моддасига биноан, Олий даражадаги томонлар қатнашчилари (Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон республикалари) ўз ҳудудларида:

- \* атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатларини, экологик ҳуқуқий меъёрларни ҳамда стандартларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;
- \* табиий ресурслар ва улардан оқилона фойдаланишнинг сон ва сифат кўрсаткичларининг ҳисобини олади ҳамда экологик мониторингни олиб боради;
- \* атроф табиий муҳит ва ресурслар ҳолати, уларнинг ўзгариб бориши ҳақида самарали давлат назоратини ўрнатади;
- \* жонли ресурсларни такрор ишлаб чиқариш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва уларни тиклаш бўйича тадбирлар қабул қилади;
- \* кўриқхоналар, буюртма кўриқхоналар, миллий боғлар ва бошқа алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ҳамда комплексларни ривожлантиради, улар атрофидаги теғраларда ҳўжалик ва бошқа инсон фаолиятини чеклайди;

- \* ўз ҳудудларида хўжалик ва бошқа фаолиятларнинг экологик оқибатларини ҳар томонлама баҳолаб боради;
- \* табиий офат, экологик фалокат ва инқирозларнинг олдини олиш учун керакли бўладиган махсус кучларни ҳамда воситаларни ташкил қилади ва уларнинг фаолиятини ушлаб туради.

Халқаро экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда *декларация* (лотин тилида — эълон қилиш, тушунтириш), яъни маълум бир ташкилот, давлат ёки партияларнинг асосий принцип ва меъёрларини тантанали равишда эълон қилиш ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Уларга мисол қилиб, 1986 йил 4 октябрда БМТнинг «Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисида», 1969 йил 11 декабрь — «Ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт», 1975 йил 10 ноябрь — «Илмий-техник ривожланишдан тинчлик ва инсон фаровонлиги йўлида фойдаланиш», «Стокгольм — 72», «Рио — 92», «Йоханнесбург — 02» каби декларацияларни келтириш мумкин.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир халқаро муносабатларни тартибга солишда *меморандиум* (лотин тилида — нимани тушунтирмақ керак) — дипломатик мулоҳазалар предмети бўлган масалаларни акс эттирувчи ҳужжат, *қайднома* — асосий шартномага қўшимча қилинадиган ҳужжатларнинг ҳам жуда катта экологик аҳамияти бор.

### 3. АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ОБЪЕКТЛАРИ

*Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро-ҳуқуқий объекти* — халқаро ҳуқуқ субъектларининг экологик муносабатлар предмети бўлган табиий объектлар, яъни ўзининг хусусияти, жойланиши ва аҳамияти нуқтаи назаридан бирон-бир давлат юрисдикциясида кирмайдиган ёхуд назоратида бўлмайдиган ва шунинг учун ҳам икки ва ундан ортиқ мамлакатлар ёки халқаро ҳуқуқ субъектлари мулки бўлган табиий унсурлар. Мисол тариқасида Амударё ва Сирдарёларни кўрсатиш мумкин. Улар ўз табиий хусусиятларига ва аҳамиятига кўра, Экология ҳуқуқининг объектидир. Лекин икки азим дарёлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш фақатгина Ўзбекистон Республикаси томонидан амалга оширилмайди. Чунки бу дарёлар Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон республикаларидан бошланади ва қўшни Қозоғистон, Туркманистон республикаларидан оқиб ўтади. Мазкур дарёларнинг юқори қисмидаги сувларни ифлослантириш ёки сув режимини ўзгартириш, албатта, улар оқиб ўтадиган пастдаги давлатларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бундай объектлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш халқаро ҳуқуқ манбалари орқали амалга оширилади.

Халқаро экологик-ҳуқуқий объектларнинг икки тури: халқаро-ҳуқуқий муҳофазалаш ва халқаро-ҳуқуқий табиий ресурслар мавжуд.



*Халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектига* ҳаво бассейни, фазо, дунё океани, Антарктика, кучиб юрувчи ҳайвонлар ва қушлар кирази. *Халқаро-ҳуқуқий табиий ресурсларга* имплементация қилинган миллий қонунлар асосида муҳофаза қилинадиган ва улардан фойдаланадиган табиий объектлар кирази. Уларга икки ва ундан ортиқ мамлакатлар ҳудудларида жойлашган дарёлар, қўллар, денгизлар ҳамда Халқаро Қизил китобга киритилган ноёб ва йўқ бўлиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳаво бассейнига Ернинг атмосфера қатлами кирази. Гарчанд унинг муҳофазаси миллий қонунлар билан ҳам тартибга солинса-да, лекин атмосфера қатламидаги иқлим ресурслари доимо циркуляция (айланма ҳаракат)да бўлгани учун ҳам бу қатламдаги барча жараёнлар ҳеч қандай маъмурий чегарага бўйсунмайди ва халқаро ҳуқуқ асосида тартибга солинади.

*Ҳаво бассейнининг халқаро муҳофазаси асосан тўрт йўналишда амалга оширилади:*

- 1) иқлим ва об-ҳавога салбий таъсирнинг олдини олиш;
- 2) атмосфера ҳавосини ифлослантиришни давлатлараро тарқалишининг олдини олиш ва бартараф қилиш;
- 3) озон қатламини емирилишдан муҳофазалаш;
- 4) атмосфера ҳавосини назоратлаш ва тозалаш борасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

*Фазо* — ҳаво бассейнидан фарқли, бирон-бир давлат юридикциясига кирмайдиган халқаро ҳуқуқ объекти ҳисобланади. Бу ўринда 1963 йил БМТ Бош Ассамблеясининг «Космик кенгликдан фойдаланишда давлатлар фаолиятининг ҳуқуқий принциплари Декларацияси» ва 1967 йилдаги «Фазо кенглиги, Ой ва бошқа осмон жинсларидан фойдаланиш ва уларни тадқиқ қилишда давлатлар фаолиятининг принциплари тўғрисида»ги келишувларни мисол қилиб олсак бўлади. Бу халқаро меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, фазо умуминсоният бойлиги ҳисобланади, ундан фойдаланиш фақатгина тинчлик йўлида амалга оширилади ҳамда фазони ифлослантириш ва унга салбий таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди. Аммо ҳозирги кунда фазони «забт этган» мамлакатлар ундан милитаристик йўлда фойдаланишни тўхтаётганлари йўқ. Фазода минглаб ҳарбий-шпион фазо кемалари учиб юрибди. Космосда 3,5 млн. дан ошиқ турли кўринишдаги фазовий чиқитлар мавжуд ва улар эркин ҳаракатладир.

*Дунё океанлари* Ер шарининг 2/3 қисмини банд этган ҳолда, бутун сувларнинг 97%ини ўзида мужассамлаштирган. Улар нафақат арзон ва қулай транспорт йўли, балки озиқ-овқат маскани ва Ердаги ҳаётни ушлаб турувчи етакчи омил ҳамдир. Чунки атмосфера ҳавосидаги 70—80 % кислород океанлардаги фитопланктонларнинг фо-

тосинтез жараёнларида қатнашуви орқали юзага келади. Дунё океани сувнинг экологик тизимдаги катта айланиши жараёнида фаол қатнашади ва у «тозаловчи фильтр» бўлиб хизмат қилади. Дунё океанларидан фойдаланиш муайян давлатнинг юридикциясига кирмайди ва шунинг учун ҳам унинг муҳофазаси халқаро-ҳуқуқий меъёрларнинг амалий самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

*Дунё океанларини ҳуқуқий муҳофазалаш шу кунда қуйидаги турт йўналишда олиб борилмоқда:*

- 1) кимёвий ва радиоактив моддалардан, нефть ва нефть маҳсулотларидан океанлар ифлосланишининг олдини олиш;
- 2) ҳарбий мақсадларда океанлардан фойдаланишни тўхтатиш;
- 3) океан фаунаси ва флорасини сақлаб қолиш, қайта тиклаш ва такрорий ишлаб чиқариш;
- 4) океан ресурсларидан ута самарадорлик билан фойдаланиш.

1963 йилда қабул қилинган «Атом қуролини синовдан ўтказишни уч сферада тақиқлаш тўғрисида»ги шартномага биноан, ҳеч бир давлат океанда ўз қуролларини синаши мумкин эмас. 1954, 1962, 1969, 1971, 1972 йилларда қабул қилинган дунё океанини муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор конвенция ва қайдномаларга биноан, кемалардан инсон ва умуман жонли мавжудотга таъсир қилувчи нефть ва бошқа маҳсулотларни оқизиш ва ташлаш қатъиян ман қилинади, уларга етказилган моддий ва маънавий зарар учун эса жавобгарлик белгиланган. Келтирилган зарарни иқтисодий қоплаш мақсадида халқаро нормаларга мувофиқ ҳар бир кема ва компаниялар сугурталаниши ҳамда молиявий ҳужжатга эга бўлишлари керак.

1990 йилдан бошлаб АҚШ денгиз портларига фақатгина икки қаватли корпусга эга бўлган нефть танкерларининг киришига рухсат берилди. Чунки денгиз ва океанларнинг ифлосланишида нефть танкерларининг «хизмати» жуда каттадир. Масалан, 1973 йили талафотга учраган «Амоко Казус» супертанкеридан 220 минг тонна, 1989 йили Испания супертанкеридан 217 минг тонна нефть океанга оқизилган. 1989 йил Аляска қирғоқларида денгиз рифларига урилган «Экасон Валдиз» кемасидан оқизилган нефтни тозалаш учун 2 млрд америка доллари сарф қилинган. 1967 йилда Либерия танкери фалокати Англия ва Франция давлатларининг 180 километрлик масофада қирғоқ бўйини ифлослантирган.

Океанлар учун яна бир катта хавф туғдираётган ифлосланиш омили — радиоактив чиқитларни океанларга ташлаш ва жойлаштириш. Атом флоти ва атом саноати йўлга қўйилган мамлакатлар томонидан йилига минглаб тонна миқдорида ута хавфли бўлган радиоактив чиқитлар дунё океанларига ташланмоқда.

*Антарктика — ҳеч қайси бир давлат юридикциясига кирмайдиган ва халқаро-ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солиб туриладиган Ер*

*куррасидаги энг совуқ, олтинчи қитъа*. Бу қитъани муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш «Антарктика тўғрисидаги шартномага кўра» (1959 йил) олиб борилади. Шартномага биноан Антарктикадан илмий мақсадларда эркин фойдаланилади ва ҳарбий йўналишдаги ҳар қандай ҳаракатлар бу қитъада ман қилинади. Ундаги денгиз ва қуруқлик ҳайвонларидан фойдаланиш ва улар муҳофазасига доир махсус «Антарктика ҳавзасидаги ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конвенцияга мувофиқ амалга оширилади. БМТ нинг ЮНЕП ташкилоти Антарктикадаги экологик муносабатларни тартибга солишни кузатиб боради.

**Халқаро Қизил китоб** 1972 йили ноябрь ойида бўлиб ўтган БМТ ЮНЕСКО ташкилотининг конференциясида қабул қилинган «Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конвенцияга мувофиқ тузилди. Унда Ер куррасида ноёб ва йўқолиш хавфи остида турган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларининг биологияси, тарқалиши, йўқолиб кетиш сабаблари ва муҳофаза қилиш чоралари кўрсатиб ўтилган.

Халқаро табиатни қўриқлаш иттифоқи Қизил китоб учун маълумотларни 1949 йилдан бошлаб туплади ва уни 1966 йили «Red Data Book» номи билан инглиз тилида чоп этди. У доимо тўлдириб борилади ва инглиз тилида чоп этилади. XX асрнинг 80-йиллари бошига келиб, сут эмизувчиларнинг 236, қушларнинг 485, судралиб юривчиларнинг 141, балиқларнинг 194 турлари халқаро Қизил китобга киритилди. Ҳозирги кунда уларнинг сони 2 бараваргача кўпайган.

Халқаро Қизил китобга киритилган флора ва фауна дунёси турлари қайси бир мамлакат ҳудудида яшашидан қатъи назар, уларнинг халқаро муҳофаза қилиниши ва халқаро ташкилотлар томонидан назорат остида бўлиши шарт. Кўчиб юривчи ҳайвонлар ва қушларнинг вақтинчалик яшаш макони бўлган ботқоқ, қўл, дарё ёки ландшафтлар алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий объектлар тоифасига киргизилишини халқаро ҳуқуқий нормалар талаб қилади. ЮНЕСКОнинг «Кишилар ва биосфера» халқаро дастурига мувофиқ, Ўзбекистонда янги кўринишдаги Чотқол биосфера қўриқхонаси ташкил этилди.

**Бўлинадиган табиий ресурсларга** доимо ёки вақтинчалик икки ва ундан ортиқ мамлакатлар ҳудудларида жойлашган денгиз (Болтиқ, Охота, Хитой), дарё (Дунай, Сирдарё, Амударё) ва кўллар (Буюк кўллар, Каспий, Орол) киради.

Бўлинадиган табиий ресурсларни ҳуқуқий тартибга солиш, асосан, ундан манфаатдор мамлакатлар ўртасидаги тузилган шартномаларга таянган ҳолда амалга оширилади. Ушбу меъёрий ҳужжатларда, одатда, улардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, уларга оид низоларни ҳал қилиш, тўловлар, такрорий ишлаб чиқариш

масалалари акс этади. Бошқарув органи сифатида турли шаклдаги экологик комиссия ёки комитетлар тузилади. Масалан, Орол кули ва унинг ҳавзаси бўйича Марказий Осиё давлатларининг «Оролни қутқариш» доимий комиссияси ишлаб турибди. 1995 йил БМТнинг Орол ҳавзасига бағишланган махсус халқаро конференциясида «Нуқус декларацияси». 1997 йил 28 февралда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Алмати учрашувида «Алмати декларацияси» қабул қилинди ва «Орол денгизини қутқариш» халқаро жамғармаси ташкил этилди. Марказий Осиё давлатлари (Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон республикалари)нинг жамғармага йиллик бадаллари мамлакат бюджетининг 0,3% миқдорида белгиланди.

Орол денгизи сувини тўйинтириб турувчи икки дарё — Амударё ва Сирдарёлар ҳам халқаро ҳуқуқ объекти ҳисобланади. Улардан фойдаланишни тартибга солишни «Бассейнлар бўйича комиссиялар» кўриб чиқадилар ва ҳар йили, шароитга қараб, халқаро ҳуқуқ субъектларининг фойдаланиши бўйича аниқ бир меъёрий ҳужжатларни қабул қиладилар.

#### 4. ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК ТАШКИЛОТЛАР, КОНФЕРЕНЦИЯЛАР ВА ЖАМҒАРМАЛАР

Умуминсоният қадриятларидан бири бўлмиш Ер қуррасидаги атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва халқаро табиий ресурслардан самарали фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экологик ташкилотлар, муассасалар ва идоралар ўзларининг фаолият доирасига қура универсал ва регионал (минтақавий) турларга ажратилади.

**Универсал халқаро экологик ташкилотлар** — *фаолият доирасига қура турли тоифадаги, сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш йўналишидаги ҳамда дунёнинг барча минтақалардаги давлатларнинг экологик муносабатларини тартибга солишга қаратилган халқаро ташкилотлари*. Уларга БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари киради.

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)** — 1945 йилнинг 25 октябридан буён фаолият юргизиб келаётган энг нуфузли халқаро давлатлараро ташкилот бўлиб, у ўз олдига давлатлар ўртасида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, мустақамлаш ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадини қўяди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи БМТ Низомидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

**Бош Ассамблея** — БМТнинг энг олий тоифадаги органларидан бўлиб, у халқаро масалаларга доир ҳамма долзарб масалаларни кун тартибига киргизади. Кейинги 20—30 йил мобайнида Бош Ассамблеянинг кун тартибига кўпинча экологик масалалар ҳам киргизилган бўлиб қолди. Бош Ассамблея атроф-муҳит муҳофазасига доир муаммолар юзасидан унга аъзо давлатлар ва Хавфсизлик Кенгашига

тегишли тавсиялар беришга ҳақлидир. Шунинг учун ҳам Бош Ассамблея сессияларида йирик жамоат, давлат ва сиёсий арбобларнинг маърузаси тингланади ҳамда унга мувофиқ хулосалар қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48, 50, 55-сессияларида сўзлаган нутқларида жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини Орол денгизининг қуриб бораётганлигига ва унинг оқибатида келиб чиқаётган экологик инқирозли ҳолатга қаратди. 1995 йил 18—20 сентябрда Тошкентда ушбу ташаббусга мувофиқ, БМТ раҳбарлигида Орол муаммоларига бағишланган халқаро конференция утказилди.

БМТнинг экологик тадбирлари унинг асосий органлари ёки ёрдамчи идоралари орқали амалга оширилади. Бош Ассамблея қошидаги БМТнинг *Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС)* муайян турдаги аниқ вазифаларни бажаради. Улар тоифасига экологик масалалар ҳам киради. Экологик масалалар унинг раҳбарлиги остидаги қўмита ва комиссиялар вазифасига юклатилган. Табиий бойликлар қўмитаси экологик вазифаларни бажаришда алоҳида ўрин тутди. ЭКОСОС узининг қўмита ва комиссиялар фаолияти натижаларини умумлаштириб, Бош Ассамблеяга тавсияномалар беради ва конвенциялар тайёрлайди, ўз ваколат доирасида халқаро экологик конференциялар чақиради, ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда экологик битимлар тузади.

Аниқ бир турдаги экологик масалаларни **БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотлари** олиб боради. Ихтисослаштирилган ташкилотлар БМТ Низомининг 57-моддасига мувофиқ, давлатлар ўртасида тузилган битимлар орқали ташкил этилади ва ўзларининг таъсис ҳужжатларига биноан, бевосита ёки билвосита экологик масалалар билан 63-моддасида кўрсатилган қоидаларга асосланган ҳолда фаолият олиб боради. БМТ қошида фаолият кўрсатаётган 16 дан зиёд ихтисослашган ташкилотдан қуйидагилари атроф табиий муҳит муҳофазасига доир масалалар билан бевосита шуғулланади.

**БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП)** 1972 йил 15 декабрда ташкил топган. ЮНЕП нинг учта бўлими — бошқарувчилар Кенгаши, атроф-муҳит муҳофазасини мувофиқлаштирувчи Кенгаш ва атроф-муҳит Жамғармаси мавжуд. Ҳал қилувчи масалалар бошқарувчилар Кенгаши томонидан қуриб чиқилади ва амалга оширилади. Унинг кун тартибига саккиз йўналишдаги масалаларни ҳал қилиш қўйилган:

- ✓ атроф-муҳит санитарияси, аҳоли пунктларида кишилар саломатлиги;
- ✓ ер ва сув муҳофазаси, чулланишнинг олдини олиш;
- ✓ океанларни муҳофаза қилиш;
- ✓ табиат, ёввойи ҳайвонлар ва генетик ресурслар муҳофазаси;
- ✓ энергетик муаммолар;

- ✓ экологик ўқув ва тегишли мутахассисларни тайёрлаш;
- ✓ табиий ресурслар савдоси, иқтисоди ва технологиялари;
- ✓ халқаро ва миллий қонунчиликни кодификациялаш ҳамда унификациялаш.

ЮНЕП ва айрим ривожланган мамлакатлар кўмагида Ўзбекистон Республикасида Биологик хилма-хилликни сақлашнинг миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси ва 10 дан зиёд миллий экологик қонунлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда экологик ахборот тизими — ЮНЕП/ГРИД — АРЕНДАЛ (Норвегия) лойиҳаси тайёрланди.

Ўзининг экологик функциялари билан ЮНЕП га яқин бўлган БМТ ташкилотларидан бири — *маданият, фан ва маориф масалалари бўйича халқаро ташкилот (ЮНЕСКО)*. ЮНЕСКО 1948 йил ташкил топган ва ўз Низомига мувофиқ, у атроф табиий муҳит муҳофазасига доир қуйидаги масалаларни ҳал қилишда фаолият юргизади:

- ✓ *100 дан ортиқ мамлакатлар иштирок этадиган халқаро экологик дастурларга раҳбарлик қилади.* Шулар каторида Ўзбекистон Республикасида фаолият юргизиб келаётган «Инсон ва биосфера» (МАН), Табиат муҳофазасига доир халқаро маориф дастури, Халқаро гидрологик дастур (1995 йилдан буён ЮНЕСКО ва Германия фан ва технологиялар вазирлиги лойиҳасига биноан Орол денгизи атрофидаги ер усти ва ости сувларини баҳолаш ва моделлаштириш ишлари олиб борилмоқда) ва ҳоказо;
- ✓ *табиий объектлар муҳофазасини ҳисобга олади ва ташкил этади.* Шунга асосан, Ер қуррасининг турли бурчакларида биосфера қўриқхоналари ташкил этилган. Биосфера қўриқхоналарини ташкил этиш, уларда атроф-муҳитга инсон фаолиятининг таъсир қилиш даражасининг мониторингини олиб бориш ЮНЕСКОнинг универсал дастури асосида амалга оширилади. Ўзбекистон ҳудудида 1995 йилдан буён Чотқол тоғ ўрмон биосфера қўриқхонаси халқаро ягона биосфера қўриқхоналар тизимида иштирок этиб келмоқда. Аммо унинг фаолияти ЮНЕСКО дастурининг 3 табақали теғралаш бўйича қўриқхона ишини ташкил қилиш талабига ҳанузгача жавоб бермайди. Биосфера қўриқхонаси ҳудуди — қўриқхона, буфер (ҳимоя) ва ядро теғраларига ажратилмаган. Қўриқхонадаги бундай ташкилий ишларни амалга ошириш маълум даражада молиявий қўллаб-қувватлашни тақозо қилади.

*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)* энг биринчилар катори (1946 йил)да тузилган БМТ нинг ташкилоти бўлиб, у атроф-муҳитнинг салбий ўзгариши натижасида инсон саломатлиги ҳолати, уни сақлаш ва мустаҳкамлашга ўз фаолиятини қаратади. ЖССТ қуйидаги экологик вазифаларни амалга оширади:

- ✓ атроф табиий муҳитнинг санитар-эпидемиологик мониторингини олиб бориш;

- ✓ атроф-муҳит ҳолатига қараб, кишиларда касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши бўйича маълумотлар тўплаш ҳамда уларни умумлаштириш;
- ✓ атроф-муҳитнинг санитар-гигиеник экспертизасини олиб бориш ва унинг сифатига баҳо бериш;
- ✓ шаҳарларда инсон саломатлиги масалаларини тадқиқ қилиш;
- ✓ рекреацион табиий минтақалар ва уларда аҳолининг ҳордиқ чиқариш чора-тадбирларини олиб бориш.

**Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)** 1945 йилда тузилган бўлиб, унинг қароргоҳи Рим шаҳрида. ФАОнинг экологик фаолияти халқаро табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш орқали Ер юзиде ортиб бораётган аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш. ФАОнинг саъй-ҳаракати орқали «Дунё тупроқ картаси» тузилган. «Умумжаҳон тупроқ картаси» қабул қилинган, аҳолини жойлаштириш, озиқ-овқат муаммолари, саҳроланишга қарши кураш, сув ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш мавзусидаги бир қатор халқаро анжуманлар утказилмоқда.

**Ҳукуматлараро денгиз кенгаши ташкилоти (ХДК)** 1948 йилда тузилган бўлиб, унинг қароргоҳи Лондон шаҳрида. ХДК дунё океани ва денгизларда сув транспортдан фойдаланишнинг экологик хавфсизлик даражасини таъминлаб беришда фаол иштирок этмоқда ҳамда уларнинг ифлосланишига қарши кураш бўйича бир қатор конвенциялар ишлаб чиққан. Бу ташкилот уз таркибига 100 дан зиёд мамлакатларни бирлаштириб, денгиз сувлари муҳофазасига доир асосий халқаро принципларни ўрнатади ва унинг сиёсатини олиб боради.

**Жаҳон метеорологик ташкилоти (ЖМТ)** 1947 йилда тузилган бўлиб, унинг қароргоҳи Женева шаҳрида. ЖМТнинг мақсади инсонларнинг хўжалик фаолиятини сайёрамиз иқлимга таъсир кўрсатиш даражасини тадқиқ қилади ва уларга оид материаллар тўплайди. У атроф-муҳитнинг глобал мониторинг тизими (АМГМТ) бўйича ЖМТ, ЖССТ, ФАО, ЮНЕСКО ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият юргизади. Бу тизимни ЮНЕП ташкилоти мувофиқлаштириб туради.

АМГМТ ҳаракатдаги 5 дастурни мувофиқлаштириб туради:

- ✓ атмосфера ҳавоси ҳолатининг мониторинги;
- ✓ ифлослантирувчи моддаларни узоқ масофаларга кучириш;
- ✓ инсон саломатлиги;
- ✓ дунё океанлари;
- ✓ қуруқликдаги ресурсларни тиклаш.

Ўзбекистон Республикаси АМГМТ дастури бўйича тузилган «Иқлимнинг ўзгариши тўғрисида»ги конвенцияга 1993 йилдан бошлаб аъзо. Ҳозирги кунда ушбу Конвенцияни 59 мамлакат ратификация қилган. 1996 йил 12—14 ноябрда Тошкент шаҳрида утказилган

ушбу Конвенция бўйича семинар йиғилишида қуйидаги масалалар кўриб чиқилди:

- иқлимнинг ўзгариши тўғрисидаги Конвенция билан Марказий Осиё давлатлари ва нодавлат ташкилотларини таништириш;
- Конвенцияга қўшилмаган мамлакатларни жалб қилиш;
- Марказий Осиё давлатларига БМТ, хусусан, ЮНЕП нинг ёрдам кўрсатиш йулларини аниқлаш;
- Ўзбошгидромет ва бошқа республикалар гидрометеорологик хизматларидан арид (қуруқ) иқлим шароитларида иқлимга сафоат таъсирини аниқлаш методикаларини такомиллаштириш.

БМТнинг *Табиий офатларни бартараф этишга ёрдам кўрсатиш бўйича бюроси (ЮНДРО)* турли давлатлар ва ташкилотларга табиий офат натижасида юзага келган экологик инқироз ҳолатида ёрдам кўрсатишни ташкиллаштиради ва олиб боради. Бюро Ер юзида содир бўлаётган табиий офатлар бўйича маълумотлар банкига ва ҳар бир салбий экологик жараённинг олдини олишнинг аниқ тадбирларини қўллаш тавсияномаларига эга.

1948 йилда ташкил топган *Табиат ва табиий ресурсларни муҳофазалашнинг халқаро иттифоқи (ТМХИ)* нодавлат ташкилот бўлиб, у 100 дан зиёд давлат ва 500 дан зиёд нодавлат ташкилотларни аъзо қилиб олган. ТМХИнинг асосий вазифаси унга аъзо бўлиб кирган мамлакатлар ва уларда фаолият юргизаётган ташкилот, бирлашма, уюшма ва фуқароларнинг экология соҳасида ҳамкорлигини янада ривожлантиришдир.

ТМХИ ташкилоти қуйидаги масалалар бўйича фаолият юргизади:

- ✓ табиий ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда экотизмларни сақлаб қолиш;
- ✓ ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларини ҳамда табиий ёдгорликларни сақлаб қолиш;
- ✓ қуриқхона, резервация, миллий боғларни ташкил қилиш;
- ✓ экологик ўқувни ташкиллаштириш.

ТМХИ ташаббуси билан Ер юзасида ноёб, йўқ бўлиб кетаётган ёки йўқолиш хавфида бўлган ўсимлик ва ҳайвон турлари бўйича «Халқаро Қизил китоб» тузилган ва унга доимо қўшимчалар киритилиб борилади. «Табиатни муҳофаза қилишнинг Бутунжаҳон стратегияси» дастури ишлаб чиқилган ва бунга асосан Ўзбекистонда «Биологик хилма-хилликни сақлаб қолишнинг миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси» ишлаб чиқилган.

*Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ)* — 1957 йилда ташкил этилган давлатлараро ташкилотдир. Агентликнинг Низомига биноан, унинг мақсади атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга эришишга кўмаклашиш ва уни назорат қилиш. МАГАТЭ 34 та мамлакат номидан қатнашадиган бошқа-



рувчилар Кенгаши орқали қуйидаги экологик масалаларни кўриб чиқади:

- ✓ атом электростанцияларни қуриш ва ишлатиш қоидаларини ишлаб чиқиш;
- ✓ ишлаб чиқариш ёки лойиҳадаги атом электростанцияларнинг экологик хавфсизлигини экспертиза қилиш;
- ✓ атом қурилмалари ва материалларини атроф-муҳитга таъсири-ни баҳолаш;
- ✓ радиацион хавфсизлик меъёрларини белгилаш;
- ✓ турли атом қурулларини синаш, унга тайёрлаш ёки лаборатория синовларини ўтказиш бўйича мониторингни олиб бориш.

МАГАТЭ талабига итоат этмаслик БМТ Бош Ассамблеяси Хавфсизлик Кенгаши қарорига биноан, Ироқ ва Эронга нисбатан қўлланилган ёки қўлланилаётган сиёсий ва иқтисодий санкциялар орқали қарши кураш чорасини татбиқ этиши мумкин.

Атроф-муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилишда минтақавий (регионал) ташкилотларнинг аҳамияти жуда катта. Чунки улар ҳар бир минтақанинг аниқ экологик ҳолатини, миллатларнинг азалий яқинлигини, экологик инқирозларнинг бир-бирига жуда тезлик билан таъсир қилишини ҳамда уларнинг диний, маърифий ва маданий яқинлигини инобатга олади.

**Регионал ташкилотларга** — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ), Араб давлатлари лигаси (АДЛ), Африка бирлиги ташкилоти (АБТ), Америка давлатлари ташкилоти (АДТ), Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН), Давлатлараро экологик Кенгаш (ДЭК), Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича Кенгаш ва шу каби минтақавий ташкилотлар киради.

**ОБСЕ**га барча Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада ва МДХ давлатлари аъзодирлар. Ушбу нуфузли регионал ташкилот 1972—1975 йилларда Хельсинки шаҳрида бўлиб ўтган уч босқичли учрашувлар ва музокаралар натижасида 1975 йил 1 августдан фаолият юргиза бошлаган. ОБСЕнинг мақсадларидан бири унга аъзо мамлакатлар доирасидаги ҳудудларда экологик хавфсизликни таъминлаш ва бу соҳада улар ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш. Хельсинкида имзоланган Якуний ҳужжатга мувофиқ ҳар қандай глобал масалалар бўйича унинг қоидаларини бажаришни назоратлаш ва муҳокама қилиш мақсадида учрашувлар ўтказилиб турилади.

1995 йил 10—14 ноябрда Тошкент — Ургенч шаҳарларида ОБСЕнинг атроф-муҳитни тиклаш бўйича семинари бўлиб ўтди. Семинарда БМТнинг ЮНЕП, ПРООН, ЖССТ, МАГАТЭ, МДХ, Жаҳон банки ҳамда ОБСЕга аъзо 20 та мамлакат, жумладан, Ўзбекистон ҳам қатнашди. Семинар қарорида Марказий Осиё республикаларида инсон ҳуқуқларининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган эколо-

гик хавфсизликни тулақонли таъминлаш учун зарур бўлган тадбирлар белгиланиб олинди.

**Араб давлатлари лигаси (АДЛ)** 1945 йилда ташкил қилинган бўлиб, 21 та араб мамлакатлари ва Фаластин Озодлик ташкилотининг табиий ресурсларидан (айниқса нефтдан) келишган ҳолда фойдаланиш ва соғлиқни сақлашнинг экологик масалаларини кўриб чиқади.

**Африка бирлиги ташкилоти (АБТ)** 1963 йилда Аддис-Абебада бўлиб ўтган конференцияда ташкил этилган. Ушбу регионал ташкилот 50 дан зиёд Африка қитъасидаги мамлакатларни ижтимоий, иқтисодий, маърифий, маданий, ҳарбий масалаларда бирлаштириб туради. АБТ да экологик муаммолардан ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг хилма-хиллигини сақлаб қолиш бўйича миллий боғлар ташкиллаштириш ва уларни муҳофаза қилишнинг ягона режаси ишлаб чиқилган.

**Америка давлатлари ташкилоти (АДТ)** 1947 йили Рио-де-Жанейрода ташкил топган бўлиб, унга 27та Лотин Америкаси давлатлари ва АҚШ аъзо. АДТ таркибида атроф-муҳит муҳофазасига доир ихтисослашган ташкилот мавжуд бўлиб, унинг асосий мақсади Америка қитъасидаги биологик хилма-хилликни сақлашдир.

**Давлатлараро экологик кенгаш (ДЭК)** 1992 йил 8 февралда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) раҳбарларининг Москвада бўлиб ўтган кенгашида тасдиқланган. Ўзбекистон унинг тула ҳуқуқли аъзоси сифатида собиқ Иттифоқ мамлакатлари билан атроф-муҳитни муҳофаза қилишни келишиб олган. ДЭК мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларини кўзлаб фаолият юргизади.

ДЭК га аъзо 10 давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Келишувга мувофиқ (1-модда), унинг аъзолари ўз ҳудудлари учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқадилар ва шу асосда ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, молиявий замин яратадилар ҳамда ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

1993 йил март ойида Қозоғистоннинг Қизилўрда шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиёдаги беш давлатнинг Олий даражадаги учрашувида **Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш** ва унинг Ижроия қўмитаси ҳамда Оролни қутқариш Халқаро фонди ташкил этилди. 1994 йил Нукус, 1995 йил Ташқовуз ва 1997 йил Алмати шаҳрида БМТнинг иштирокида бўлиб ўтган учрашувларда Нукус ва Алмати декларациялари қабул қилинди. Ушбу учрашувларда Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш режалари ишлаб чиқилди. Кенгашнинг таклифи ва БМТнинг ҳомийлигида 1998 йилни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йили деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг таклифига биноан Марказий Осиё минтақаси — экологик ва ядровий хавфсизлик минтақаси деб эълон қилинди ва бу регион ядро қуролидан холи тегра ҳисобланиладиган бўлди.

Атроф-муҳит муҳофазасига доир фаолият юргизаётган ташкилотлардан ташқари, доимий равишда, экологик йўналиш бўйича ташкиллаштирилаётган ва ўзининг экологик ҳаракатига кўпгина давлатларни жалб қилаётган **халқаро конференцияларнинг** атроф-муҳит муҳофазасидаги аҳамияти жуда каттадир. Улар орасида 1972 йил атроф-муҳит бўйича БМТнинг Стокгольм конференцияси, 1975 йил Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши, 1986 йил ОБСЕ давлатлари бошлиқларининг Вена учрашуви, 1992 йил БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро конференцияси, 1999 йил ЕХҲТнинг Истамбул Саммити, 2002 йил Йоханнесбург Саммити алоҳида ўринда туради.

**Халқаро экологик жамғармалар (фондлар)** — табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитнинг санитар ва гигиеник ҳолатини яхшилаш ва экологик дастурларни молиявий таъминлаш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экологик ташкилотлар. Фаолият юргизиш ва амалий ҳаракат қилиш кўламига кўра, улар умумжаҳон, регионал ва регионлараро турларга ажратилади.

**Умумжаҳон экологик жамғармаларга** БМТнинг ЮНЕП ташкилоти қошидаги «Атроф-муҳит жамғармаси»ни олсак бўлади. Бу жамғарма ўзининг молиявий маблағларини БМТга аъзо давлатларнинг бадал тўловларидан, халқаро табиий объектлардан давлатларнинг махсус фойдаланганлик учун йиғилган тўловларидан, халқаро Гаага суди қарорига биноан, атроф-муҳитга етказилган зарарларни халқаро экология ҳуқуқи субъектлари томонидан иқтисодий қоплаш бўйича тўловлардан, юридик ва жисмоний шахслардан тушган хайриялардан ва турли-туман лотерея, шоу, спорт ўйинлари каби тадбирлардан тушган пул йиғимларидан тўлдириб боради. Унинг маблағлари фақатгина атроф-муҳит муҳофазаси ва санитар-эпидемиологик ҳолатини яхшилашга йўналтирилади. Бу жамғарма орқали Марказий Осиё мамлакатларига 1994—2000 йиллар мобайнида бир неча юзлаб миллионлик АҚШ долларидан Оролни қутқариш бўйича молиявий ва моддий ёрдам кўрсатилган.

**Регионлараро экологик жамғармалар** турига Минск шаҳрида қароргоҳи бўлган, МДХ мамлакатлари орасида ташкил қилинган ва Халқаро Иқтисодий Кенгаш (ХИК) давлатларининг бадал тўловлари асосида ташкил қилинган «Халқаро экологик жамғарма» киради. Унинг низом капитали 60 млн. рублдан иборат. Йилига унга аъзо мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси, ялпи миллий даромаднинг 0,05% миқдоридан пул маблағларини ўтказиб турадилар. Жамғарма ХИК давлатларининг ўзаро Келишувига биноан (1-модда) тузилган Миллий экологик дастурларни молиялаб туради.

ХИКнинг кейинги йилларда ўтказган Олий даражадаги учрашувларида халқаро экологик жамғарма томонидан молиявий ёрдам кўрса-

тиш керак бўлган қуйидаги объектлар аниқланди: Чернобиль зонаси, Амударё ва Днепр ҳавзалари, Балхаш кўли, Қора, Азов, Каспий денгизлари, Орол бўйи теграси.

Марказий Осиё минтақасида жуда фаол ҳаракат юргизаётган регионал жамғарма — *халқаро «Экосан» жамғармаси*. Нодавлат нотижорат Экосан ташкилоти 1992 йил Тошкент шаҳрида тузилган бўлиб, ҳозирги кунда унинг 3 миллиондан ошиқ аъзоси, 34 та мамлакатда 63 бўлинма ва ваколатхоналари бор.

Экосан — грекча «экос» ва «санос» сўзларидан ташкил топган бўлиб, экология ва саломатлик деган маънони англатади. Унинг мақсади ва вазифалари Марказий Осиё давлатларида долзарб ижтимоий-экологик муаммоларни тадқиқ қилиш, илмий концепцияларни ишлаб чиқиш ва даставвал бажарилиши керак бўлган муаммоларга тадқиқотларни йўналтириш, илмий асосланган экологик сиёсатни ишлаб чиқиш, экологик хавфсизликнинг ягона тизимини яратиш, экологик ўқув, онг ва маданиятни шакллантириш, ягона регион учун иқтисодий-экологик тизимни тузиш борасида давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар, олимлар ва мутахассисларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдир.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Қизилўрда учрашувида 1993 йил 4 январда *Оролни қутқариш халқаро жамғармаси* ташкил қилинди. Жамғарма давлатлараро ташкилот бўлиб, унинг маблағи иштирокчилари (Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон республикалари)нинг йиллик бадал туловлари орқали ташкил қилинади. Бадал тулови ҳар бир иштирокчи мамлакат учун бюджетнинг 0,3% миқдоридан белгиланган. Унинг ижроия қўмитаси тузилган бўлиб, жамғарма Раиси уч йиллик муддатга, кетма-кетлик асосида, бирон-бир давлат Бош вазирининг биринчи ўринбосари даражасида сайланади. Жамғарма Президенти эса бир йиллик муддатга давлат раҳбарларидан сайланади. Оролни қутқариш халқаро жамғарманинг асосий мақсади Орол денгизи атрофидаги экологик инқирозли ҳолатни юмшатиш ва аҳолининг санитар-гигиеник ҳаёт тарзини яхшилашдан иборат.

## 5. АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ

Мазкур дарсликнинг II боби — Экология ҳуқуқининг махсус қисмида, биз атроф-муҳитни халқаро ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан бир қаторда, айрим ривожланган ва (ёки) ижтимоий-иқтисодий мавқеи Ўзбекистонга яқин бўлган давлатларда экологик муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга оид институтларни кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топган эдик. Чунки дунё тажрибасини ўрганмай туриб, экология соҳасида катта муваффақиятларга эришиш анча-мунча вақтни олиб қўйиши мумкин.

**Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)** — иқтисодий-ижтимоий-экологик жиҳатдан энг ривожланган мамлакатлардан бири. Христофор

Колумб томонидан забт этилгандан буён унда жуда кескин экологик ўзгаришлар бўлган. Европаликлар ва ўзга қитъалардан кучиб келганлар уни 200 йил ичида «табиат қуриқхонасидан» «антропоген ахлат»га айлантириб юборди. XX асрнинг бошларига келиб, АҚШ да на бизонлар ва на мустанглар қолган эди. Ўрмонларнинг 1/3 қисқариб, ер ости бойликлари қитъага бойиш мақсадида келган кишилар томонидан аёвсизларча йуқ қилиб ташланди. Атроф-муҳитни ифлослаш буйича АҚШ дунёда ҳаммани ярим йўлда қолдириб кетган эди.

1908 йил Президент Теодор Рузвельт АҚШнинг табиат муҳофазасига оид биринчи миллий конференциясини чақирди. 1909 йил *Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси* ва 1915 йил *Америка экологлар жамияти* тузилди.

Лекин табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан ўта самарадорлик билан фойдаланиш 1970 йилдан бошланди. Президент Ричард Никсон ташаббуси билан Табиатни муҳофаза қилиш Агентлиги ташкил этилди. Агентлик Сенатга «Тоза ҳаво тўғрисида», «Йуқолиб бораётган биологик турлар тўғрисида» ва шу каби кўплаб қонунларни тавсия этди. Худди шу пайтдан бошлаб давлатнинг федерал органлари халқ хўжалигининг барча соҳаларини экологиялаштиришни уюштирдилар. Ҳеч бир давлат органи, жисмоний ёки юридик шахс АҚШда «экологик аризасиз» фаолият юргиза олмайдиган бўлиб қолди.

Экологик қонунчилик жараёни *Сенат* ва унинг махсус — *Атроф-муҳит буйича ва Жамоат ишлари буйича комитетлари*да амалга оширилади.

*Ички ишлар вазирлиги* миллий боғларни, балиқ хўжалиги теграларини ва табиий бойликларни асрашни ўз зиммасига олган. Айнан ИИВ табиий бойликлар миллий реестрини олиб боради, атроф муҳофазасига доир дастурларни ишлаб чиқади. Дам олиш ва рекреацион ҳудудларга доир экологик режаларни техник жиҳатдан амалга оширишни таъминлайди.

*Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Агентлиги* атроф табиий муҳитнинг ифлосланишини камайитиришда барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва штатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиради, экологик турдаги илмий фаолиятларни ташкиллаштиради, давлат стандартларини ишлаб чиқади ҳамда экологик қоидаларга риоя этилишини таъминлайди. Агентлик АҚШда, Солиқ қўмитаси каби, ўта кучли давлат органи ҳисобланади ва унда 20000 дан ортиқ мутахассислар ишлайди. Улар «Ифлосланишнинг олдини олиш унга қарши курашдан арзонроқ ва яхшироқдир» деган принципга амал қиладилар.

АҚШ *Штатлари ва регионлари*да махсус *Табиатни муҳофаза қилиш бошқармалари* фаолият юритадилар. Улар ўз фаолиятларини федерал вазирликлар ва агентликлар билан келишган ҳолда олиб борадилар.

АҚШда табиий ресурслардан саноат мақсадларида фойдаланиш жуда қимматга тушганлиги сабабли, ушбу бизнес соҳиблари табиий ресурсларни чет мамлакатлардан олиб келишга ҳаракат қиладилар.

Табиатни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишда «Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг миллий сиёсати тўғрисида»ги қонун алоҳида ўрин эгаллайди. Бу Қонунга биноан, 1970 йил 1 январдан бошлаб, федерал бошқарув даражасида ҳар бир фуқаро (Президентдан бошлаб) табиатга муносабатини белгиловчи «ариза» ёзади ва унга нисбатан ўз ҳаракатининг юридик асосини яратади. Ушбу «ариза»га амал қилмаслик ҳуқуқбузарларга оператив тарзда жуда катта миқдордаги маъмурий ёки жиноий жазо санкцияларини қўллашга асос бўла олади.

АҚШ экологик қонунчилигининг узига хос томони қонунларнинг жуда кўп моддалардан иборат бўлиши ва ҳамма тегишли экологик муносабатларни қамраб олиши, «Отанга бор, онангга бор» каби бошқа қонун ости норматив ҳужжатларга деярли йўналтирилмаганлигидир. Шунинг учун ҳам қонунлар узоқ муддатда тайёрланади ва ҳажми жуда катта бўлади.

АҚШда экологик муносабат объектларидан ички сувларни ифлосланишдан сақлаш; денгиз муҳитини муҳофазалаш; қаттиқ чиқиндилар ва заҳарли моддаларни зарарлантириш, кучириш, утиллаштириш ва қайта ишлашга алоҳида эътибор берилади. Ўнлаб ихтисослаштирилган қонунлар, дастурлар, режалар ва ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган.

**Россия Федерацияси (РФ)** АҚШ каби федератив давлат, лекин унда Экология ҳуқуқи бирмунча бошқачароқ. Россияда табиий объектларга нисбатан давлат ва муниципал мулкчилик ўрнатилган. Давлат мулки марказий федератив органлар ва федератив субъектлар томонидан бошқарилади. Муниципал мулк эса маҳаллий узини ўзи бошқарув органлар тасарруфига берилган. Лекин Конституция ва ихтисослаштирилган экологик қонунчилик манбалари табиат объектларига хусусий ва бошқа мулкчилик шакллари ҳам ўрнатган.

Россия Федерациясида *юридик шахс ва фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб — ер участкалари* (РФ Конституциясининг 36-моддаси), *алоҳида жойлашган ёпиқ сув объектлари* (РФ Сув кодексининг 40-моддаси), *фуқаро ва юридик шахсларнинг хусусий мулкчилигида жойлашган дарахт ва буталар* (РФ Ўрмон кодексининг 20-моддаси) ҳисобланиши мумкин.

РФда махсус экологик бошқарув функцияси, АҚШникидан фарқли, федерал, республика, ўлка, вилоят муниципал табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан комплекс тарзда олиб борилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фақатгина экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга нисбатан қарши кураш функ-

цияларини амалга оширади. Умумиқтисодий, умумсиёсий ва умум-экологик вазибаларни бажарувчи табиий объектлар федерал органларнинг бошқарув функциясига киритилган.

РФнинг Экология ҳуқуқида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир турли йўналишлар, дастурлар ва концепциялар жуда кўп. Экологик-ҳуқуқий ҳолат айрим олимларнинг фикрига кўра, фақатгина табиий комплекслар, табиий ресурслар ва ноёб организмларга нисбатан ўрнатилиши керак деса<sup>1</sup>, айримлари<sup>2</sup> — экологик тизимлар (маҳаллий, регионал ва миллий) бўйича ўрнатилишини ёқлаб чиқадилар; бошқалари<sup>3</sup> — халқ ҳужалиги объектлари бўйича ўрнатилишини маъқул кўрадилар. Шунинг учун бўлса керак, 100 дан ортиқ Экология ҳуқуқига доир ўқув дарсликлари ва қўлланмалари чоп этилган. Яна бир ҳолатга эътибор бериш керак, экологик ўқув умуммажбурий ҳисобланилади ва ҳар йили юзлаб имтиҳонга тайёрланиш китоблари нашрдан чиқади. Умуман олганда, РФ да экологик таълим кейинги вақтда яхши йўлга қўйилмоқда.

**Япония.** Қуёш чиқиш юртида экология, хусусан, экология ҳуқуқи алоҳида аҳамият касб этади. Чунки аҳолисининг кўплиги ва майдонининг кичиклиги японларни атроф-муҳитга бўлган муносабатини қадимдан шакллантириб келган.

XX асрнинг 70—80-йилларида қабул қилинган атроф-муҳит муҳофазасига оид бир қатор қонунлар экологик муносабат принциплари ва механизмини ўрнатган. Улар жумласига, «Корхоналарни жойлаштириш тўғрисида» (1972), «Экологик экспертиза тўғрисида» (1981), «Портлар ва гавнлар тўғрисида» (1972), «Сув ҳавзаларининг сифатини яхшилаш тўғрисида» (1972)ги қонунлар киради. Шундай қилиб, японларнинг миллий экологик ҳуқуқи манбаларида нафақат атроф-муҳит муҳофазасига доир нормалар, стандартлар, меъёрлар ва қоидалар, яна уларни ҳаётга татбиқ этиш усуллари ва йўллари ҳам берилади.

Экологик экспертизани ўтказиш Япония қонунчилигида маҳаллий давлат бошқарув органларига топширилган. Давлат аҳамиятига молик экспертизани Атроф-муҳит бўйича агентлик, Атроф-муҳит бўйича бошқармалар ўтказадилар. Уларнинг функцияларига: қурилиш лойиҳаларининг мазмуни; табиатни муҳофаза қилиш иншоотларининг турлари; худудларнинг табиий-географик хусусияти; табиатни муҳофаза қилиш технологиялари; экологик муаммоларнинг бирламчилиги; истиқболни белгилаш моделларига доир маълумотларни йиғиш ҳам киради.

Японияда халқаро экологик муносабатларни тартибга солиб турувчи махсус давлат органлари фаолият юритади. Улар ривожланаёт-

<sup>1</sup> Н. В. Кузнецов. Экологическое право (схемы и комментарии), — М.: Юриспруденция, 1999 — 160 с.

<sup>2</sup> Б. В. Ерофеев. Экологическое право России. — М.: Юристь, 1996 — 624 с.

<sup>3</sup> В. В. Петров. Экологическое право России. — М.: Изд. БЕК—537 с.

ган мамлакатларга ёрдам бериш лойиҳаларини ҳам ишлаб чиқади-лар ва амалий ёрдамни амалга оширишни назорат қиладилар.

**Канада.** Табиати гузал бўлган шимолий мамлакатлар қаторидан жой олган Канаданинг давлат рамзи сифатида «уч заранг барги» олинган. Экологик тадбирлар давлатнинг иқтисодий режалаштириш ва қарорларни қабул қилиш жараёни билан биргаликда олиб борилади.

Канадада табиатни муҳофаза қилиш масаласи, асосан, унинг провинциялари орқали амалга оширилади. Ҳар бир провинциянинг экологик муносабатларни тартибга солувчи махсус қонунлари мавжуд бўлиб, улар маҳаллий бошқарув субъектларнинг қаттиқ назоратида туради.

Экологик қонунчилик умумий ва махсус ваколатланган давлат органларидан атроф-муҳитга оид маълумотларни доимий бериб туриш, жамоатчилик билан мулоқотда бўлиш, тафтиш маълумотларини оммавий ахборот воситаларида чоп этиб туриш мажбуриятини юклайди. Юристар эса бундай фаолиятни экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг энг прогрессив усули, дея эътироф этишмоқда.

Канада дунёда энг «экологиялаштирилган давлатлар» қаторидан жой олган бўлиб, биргина ўрмонларни муҳофаза қилишдаги «Яшил режа» халқаро ҳамжамият учун намуна тариқасида олинади. Бу дастур ўрмонларни муҳофаза қилмоқчи бўлган давлатларга моддий ёрдам кўрсатишни ҳам назарда тутаяди. Бу деган сўз давлат бюджети ўзга давлатларда экологик муносабатларни тартибга солишга ёрдам беришни ҳам кўзда тутаяди.

## 6. ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК ЖАВОБГАРЛИК

**Халқаро ҳуқуқ субъектларининг экологик жавобгарлиги** — зарарли ёки хилоф ҳаракатлари, уларнинг ўз иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, технологик, рекреацион ва шу каби хўжалик фаолиятлари натижасида келиб чиқадиган атроф-муҳит муҳофазасига зид бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликларидир.

Агарда давлатлар, халқаро ташкилотлар ва трансконтинентал корпорациялар фаолиятлари БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари ёки регионал экологик ташкилотлар томонидан белгиланган атроф-муҳит ҳолати ҳуқуқий меъёрлар доирасида бўлса, бу ҳолат ушбу субъектларнинг Ер табиати олдидаги иқтисодий-экологик жавобгарлигини юзага келтиради. Бу уларнинг табиат, қолаверса, келажак авлодлар олдидаги моддий ва маънавий жавобгарлиги, дейиш мумкин. Мазкур жавобгарлик эса иқтисодий-экологик жавобгарлик дейилади.

**Халқаро экологик-иқтисодий жавобгарлик** — табиатга етказилган зарарни қоплаш юзасидан амалга ошириладиган иқтисодий тадбир бўлиб, унинг иштирокчиларининг умумжаҳон, регионал ёки субрегионал турдаги экологик жамғармаларга мунтазам равишда тўланадиган бадал (молиявий) тўловлари. Лекин ҳеч қандай ҳолларда ва ҳеч қандай



сабаб-оқибатларда бундай экологик бадал тўловлари умуқиқтисодий ёки умуқиқтимой кўринишдаги жамғармалар орқали амалга оширилмаслиги керак. Чунки умумий «қозонга» тушган ош «экологик чўмичга» илинмай қолиши ҳам мумкин.

Ўзбекистон иқтисодий-экологик жавобгарлик буйича бадал тўловларини БМТ қошидаги глобал, МДХнинг регионал ва Марказий Осиё давлатларининг Оролни кутқариш жамғармаларига маълум бир белгиланган фоиз асосида ўтказиб туради ва бу билан у атроф табиий муҳитга етказилган моддий зарарни иқтисодий-экологик жавобгарлик нуқтаи назаридан қоплаб туради.

Космик фазони ўзлаштиришга оид дастурларни бажарувчи айрим давлатлар, бирлашмалар ва халқаро ташкилотлар 1972 йилда қабул қилинган «Космик кемалар орқали космик фазога зарар етказиш» конвенциясининг 2-моддасига биноан табиатга етказилган зарарни қоплашлари керак бўлади.

*Халқаро экологик-ҳуқуқий жавобгарлик* — халқаро экологик объектлардан универсал, регионал ва икки давлат ўртасида белгиланган халқаро-ҳуқуқий меъёрлардан ошириб фойдаланиш ёки уларни бузиш орқали атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш орқали келиб чиқадиган ва халқаро ҳуқуқ субъектларига қўлланиладиган ноқулай моддий ва сиёсий шароитларнинг мажбурий кечинмаси ёки уларнинг юридик жазога тортилиши.

Юридик жавобгарликнинг ноқулай моддий кечинмаси ёки моддий жавобгарлиги деганда, биз экологик зиён кўрган давлатларга ёки давлатлар юрисдикциясида бўлмаган экологик объектларга (халқаро экологик ташкилотлар орқали) етказилган зарарни молиявий (репарация), натурал ҳолда (реституция) ёки алмаштириш (субституция) орқали қоплашни тушунамиз.

Халқаро экологик-ҳуқуқий жавобгарликнинг моддий қоплашининг «ресторация» усулини, яъни муайян табиий объектни ёки моддий объектни ҳуқуқбузар субъект томонидан тўлиқ тиклаб бериш санкциясини қўллаш ҳам мумкин. Масалан, тупроқ унумдорлигини тиклаш, сувни тозалаб бериш ёки эрозия оқибатида бузилган бинонинг халқаро ҳуқуқ субъекти томонидан тиклаб берилиши.

Миллий экологик жавобгарликдан халқаро экологик жавобгарликнинг асосий фарқи уларда қўлланиладиган санкциялардадир. Халқаро ҳуқуқ субъектларини озодликдан маҳрум қилиш, кам иш ҳақи тўланадиган вазифага тушириб қўйиш, мол-мулкни мусодара қилиш, маъмурий жазога тортиш имконияти бўлмаганлиги учун ҳам жазо санкцияларининг ўзгача турларини қўллашни тақозо қилади.

Халқаро экологик-ҳуқуқий жавобгарликда айбдорларга нисбатан ноқулай сиёсий кечинмаларни қўллаш санкцияси ҳам мавжуд. Жазо тури халқаро ташкилотлар ёки уларнинг судлов органларининг

қарорларига мувофиқ амалга оширилади. Айбдор деб топилган халқаро субъект халқаро ташкилотлар сафидан чиқарилади ёки уларга нисбатан турли кўринишдаги ёки шаклдаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, ҳарбий, экологик «бойкот» эълон қилинади. Бунга яққол мисол қилиб БМТнинг Ироқ Республикасига нисбатан бир неча йил мобайнида қўлланилган иқтисодий «бойкот»ни олсак бўлади. 2000 йил февраль ойида Россия Федерациясига қарашли «Волга — Дон» мазут ташувчи дарё кемаси Босфор бўғозида Ироқ хом ашёсини олиб кетаётганда ушланиди ва ёқилғи конфискация қилинди ҳамда кема қарашли компанияга катта жарима солинди. Ироқ Республикаси урушни тартиб қилиш ва ядро қуролини яратиш орқали табиатга ва инсон ҳаётига тажовуз қилаётган ҳаракатлари учун, халқаро Гаага суди қарори билан сиёсий санкцияга тортилди. Аммо юриспруденцияда қўлланиладиган асосий принциплардан бири «Ҳуқуқбузарликлар учун жазонинг муқаррарлиги» халқаро-экологик жавобгарликда ҳанузгача тулиғича қўлланилмаяпти, десак тўғри бўлади.

Энг нуфузли халқаро судлов органи — *БМТнинг халқаро Гаага суди* 1945 йил БМТ билан бир вақтда фаолият юргиза бошлади. Судьялар Бош Ассамблея томонидан 5 йил муддатга сайланадилар. БМТ Низомининг 99-моддасига биноан Гаага суди Хавфсизлик Кенгашига, халқаро экологик масалалар, жумладан, экологик хавфсизликни сақлашга доир ҳар қандай масалаларни кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, Ер куррасида давлатлар ёки трансконтинентал компаниялар томонидан содир этилаётган экологик ҳуқуқбузарликларнинг бор-йўғи 7—8 фоизи халқаро судлов органлари томонидан кўриб чиқилмоқда. Ваҳоланки, уларнинг ҳаммаси ҳам етарлича жавобгарликка тортилмаяптилар, натижада атроф-муҳитга етказилаётган зарарни қоплаш узоқ муддатга чўзилиб кетмоқда.

Гаага судидан ташқари бир қанча регионал ва субрегионал тоифадаги халқаро судлар мавжуд. Улар 200 дан зиёд икки ва кўп томонлама имзоланган шартнома ва келишувлар бўйича халқаро экологик жавобгарлик санкцияларини қўллашлари мумкин. Бунда давлатлар ўзларининг миллий қонун меъёрларини ёки халқаро ташкилотларнинг Низомларини «рўқач» қилиб кўрсатишлари асло инobatга олинмаслиги керак. Чунки, халқаро экология ҳуқуқи принципига биноан, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда халқаро ҳуқуқий-меъёрий нормалар миллий нормаларга нисбатан устуворликка эгадир. Ундан ташқари, халқаро шартнома ва келишувларда экологик-ҳуқуқий жавобгарлик кўпинча инobatга олинмайди, агар олинган бўлса ҳам давлатларнинг у ёки бу табиий объектлари муҳофазасига қаратилган, холос. Шунинг учун ҳам халқаро экологик-ҳуқуқий жа-

вобгарлик меъёрлари бирламчи меъёрлар тоифасига киритилмайди ва ҳуқуқбузарларни юридик жавобгарликка тортиш учун етарли асос бўла олмайди.

МДҲ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида тузилган бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда юридик жавобгарликни қўллашнинг аниқ бир меъёрий тури майдон ёки макон буйича кўрсатиб ўтилмаган. Ҳанузгача экологик-ҳуқуқий манба сифатида жавобгарлик Конвенциялари имзоланган эмас. Моддий ёки сиёсий санкциялар тури, миқдори ва уларнинг ундирилиши ёки қўллаш механизми йўқ. Регионал ва глобал миқёсда жазони амалга оширувчи назорат, инспекция ва судлов органларини тузиш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, инсонларнинг ягона яшаш макони бўлган Ер сайёрасининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бирон-бир давлат, ташкилот ёки уюшмаларнинг саъй-ҳаракатларидан бошланган ва халқаро ҳамжамиятнинг изчил экологик сиёсатини ишлаб чиқиш, унинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизмини яратиш орқали амалга оширилади. Барқарор ривожланишга эришиш замонамизнинг энг долзарб экологик муаммолари ечимини топишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

### Қайтариш учун савол ва топшириқлар



1. Атроф-муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда нима ни тушунасан?
2. Барқарор ривожланиш концепциясининг мақсадини айтиб беринг.
3. Стокгольм ва Рио-де-Жанейро конференцияларида қандай халқаро ҳужжатлар қабул қилинди?
4. Атроф-муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш принципларини санаб ўтинг.
5. Миллий ҳуқуқ манбалари билан халқаро ҳуқуқ манбаларининг фарқи нимада?
6. Конвенция қандай шартнома тури ҳисобланади?
7. Қандай табиий унсурлар халқаро ҳуқуқ объекти бўлади?
8. Антарктика қитъасидан фойдаланиш ҳуқуқи қандай?
9. Халқаро экологик ташкилотларнинг турларига мисоллар келтиринг.
10. Россия Федерацияси, АҚШ ва Ўзбекистон Республикасидаги экологик бошқарувни солиштиринг.
11. Халқаро экологик жавобгарликда қандай жазо санкциялари қўлланилади?
12. Ресторация нима?

## ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

## УМУМИЙ ҚИСМ БЎЙИЧА

1. «Экология» сўзи грекчада нима ни англатади?

- A) организмлар ҳақидаги фан
- B) ер ҳақидаги таълимот
- C) табиат ҳақидаги билим
- D) уй, яшаш жойи ҳақидаги таълимот
- E) табиат ҳақидаги таълимот

2. Илк бор фанга «Экология» сўзини ... олиб кирган?

- A) Чарльз Дарвин
- B) Абу Наср Форобий
- C) Эрнст Геккель
- D) Абу Али ибн Сино
- E) Алберт Эйнштейн

3. Табиат ва жамият уртасида қандай муносабат шакллари мавжуд?

- A) оддий
- B) оддий-иқтисодий
- C) иқтисодий
- D) экологик
- E) ҳамма жавоб тўғри

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг қайси бир асариде экологик муаммолар миллий хавфсизлик омилли сифатида атроф-илича ёритилган?

- A) «Биздан обод ва озод Ватан қолсин»
- B) «Тарихий хотирасиз келажак йўқ»
- C) «Ўзбекистон XXI асрга интиломқда»
- D) «Деҳқончилик тараққиёти — фаровонлик манбаи»

E) «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»

5. Экология ҳуқуқи предмети бу ... ?

- A) экологик-ҳуқуқий муносабатлардир
- B) экологик муносабатлардир
- C) иқтисодий-экологик муносабатлардир
- D) иқтисодий-ижтимоий муносабатлардир
- E) ижтимоий муносабатлардир

6. Экологик концепцияларга қайси бир дунёқарашлар киреди?

- A) публицистик
- B) натуралистик
- C) истеъмолчилик
- D) алармизм
- E) B, C, D

7. Нима учун экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарур?

- A) иқтисодий ривожланиш учун
- B) халқаро алоқаларни тиклаш учун
- C) атроф-муҳитни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалаш учун
- D) ҳокимиятнинг бўлиниш принципини таъминлаш учун
- E) ахлоқ-одоб нормаларини тартибга солиш учун

8. Экология ҳуқуқи ... фанлар тармоғига киради.

- A) ижтимоий
- B) иқтисодий
- C) ҳуқуқий
- D) экологик
- E) C ва D

9. Экология ҳуқуқининг мақсади ... ?

- A) табиатни асраш
- B) табиий ресурслардан оқилона файдаланиш
- C) бузилган экотизимларни тиклаш
- D) ҳозирги ва келажак авлодларни тоза атроф-муҳитга бўлган таълабини қондириш
- E) ҳамма жавоб тўғри

10. Ўзбекистонда Экология ҳуқуқи қачондан бошлаб ўқув предмети сифатида қараладиган бўлинди?

- A) 1960 йиллардан
- B) 1970 йиллардан
- C) 1950 йиллардан
- D) 1980 йиллардан
- E) 1990 йиллардан

11. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида нечта модда бевосита экологик нормалар ҳисобланади?

- A) 4
- B) 3
- C) 5
- D) 2
- E) 6

12. Экологик принцип нормалари бу ... нормалардир.

- A) жазоловчи
- B) меъёрловчи
- C) тақиқловчи
- D) руҳсат берувчи
- E) қондаларни белгилловчи

13. Экологик-ҳуқуқий муносабат объектига нималар киради?

- A) табиий ресурслар
- B) табиий комплекслар

C) ноёб ва йўқ бўлиб кетаётган организмлар

- D) насли йўқолиб бораётган уй ҳайвонлари
- E) A, B, C

14. Экология ҳуқуқининг объекти бўлиши учун табиий объектлар қайси белгиларга эга бўлиши талаб этилади?

- A) табиий келиб чиққан
- B) экологик тизимларда туриши
- C) A, B
- D) инсон томонидан яратилганлиги
- E) қонун билан тартибга солина олинмаслиги

15. «Табиатни муҳофаза қилиш тугрисида»ги қонун қачон қабул қилинган?

- A) 1992 йил 8 декабрь
- B) 1993 йил 9 декабрь
- C) 1992 йил 9 декабрь
- D) 1993 йил 8 декабрь
- E) 1994 йил 8 декабрь

16. Экологик-ҳуқуқий муносабат субъектлари ... бўлиши мумкин?

- A) жисмоний шахслар
- B) юридик шахслар
- C) ҳамма
- D) давлат органлари
- E) A, B, D

17. Экологик муносабатлар қандай усуллар орқали тартибга солинади?

- A) иқтисодий
- B) ижтимоий
- C) сиёсий
- D) маърифий
- E) тўғри жавоб йўқ

18. Конституциямизга биноан табиий ресурслар ...

- A) давлат мулкидир
- B) жамоат мулкидир
- C) умумхалқ мулкидир
- D) умуммиллий бойликдир
- E) C, D

19. «Алоҳида муҳофаза этила-  
ган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги  
қонун қачон қабул қилинган?

- A) 1991 йил 5 май
- B) 1991 йил 6 май
- C) 1991 йил 7 май
- D) 1992 йил 6 май
- E) 1992 йил 7 май

20. Экологик-ҳуқуқий механизм  
бу ... дегани.

- A) экологик бошқарув
- B) экологик тартибга солиш
- C) экологик мурасалаш
- D) A, B, C
- E) тўғри жавоб йўқ

21. Экологик экспертиза тўғриси-  
даги қонун қачон қабул қилинган?

- A) 1997 йилда
- B) 1998 йилда
- C) 1999 йилда
- D) 2000 йилда
- E) 2001 йилда

22. Экология ҳуқуқининг махсус  
қисмида қайси бир ҳуқуқий инсти-  
тутлар кўриб чиқилади?

- A) экологик жавобгарлик
- B) халқаро экология ҳуқуқи
- C) ерларни экологик-ҳуқуқий тар-  
тибга солиш
- D) A, B, C
- E) тўғри жавоб йўқ

23. Чиқиндилар тўғрисидаги қо-  
нун борми?

- A) ҳа
- B) йўқ
- C) лойиҳаси бор
- D) бекор қилинган
- E) тўғри жавоб йўқ

24. Ихтисослаштирилган Эколо-  
гия ҳуқуқи манбаларига қуйдагилар  
киради.

- A) мулкчилик, ижара, лизинг тўғ-  
рисидаги қонунлар
- B) мулкчилик, экологик экспертиза,  
ижара тўғрисидаги қонунлар

C) ер, ўрмон, сув ва сувдан фой-  
даланиш тўғрисидаги қонунлар

- D) A, B
- E) A, C

25. Уй ҳайвонлари экологик му-  
носабат объекти бўла оладими?

- A) ҳа
- B) йўқ
- C) қисман
- D) тўғри жавоб йўқ
- E) A, C

26. Экологик қонунларни қабул  
қилади.

- A) Олий Мажлис
- B) Вазирлар Маҳкамаси
- C) Президент
- D) Олий ҳўжалик суди
- E) маҳаллий давлат ҳокимияти  
органлари

27. «Қизил китоб» Экология ҳу-  
қуқининг манбаи бўла оладими?

- A) ҳа
- B) йўқ
- C) қисман
- D) агарда Олий Мажлисда тас-  
диқланса
- E) тўғри жавоб йўқ

28. «Ер кодекси» қачон қабул  
қилинган?

- A) 1993 йилда
- B) 1995 йилда
- C) 1997 йилда
- D) 1998 йилда
- E) 1999 йилда

29. Ўзбекистонда қандай табиий  
объект турли мулк шаклида бўлиши  
мумкин?

- A) қуриқхона
- B) миллий боғ
- C) дендралогия боғи
- D) ҳайвонот боғи
- E) C, D

30. Қайси бир табиий комплекс фақатгина давлат мулки бўлиши қонунда кўзда тутилган?

- A) биосфера қуриқхонаси
- B) буюртма қуриқхона
- C) миллий боғ
- D) рекреацион тегралар
- E) ҳамма жавоб тўғри

31. Мулк ҳуқуқида табиий объектлардан қайси бирини ўзлаштириб бўлмайди?

- A) ерни
- B) атмосфера ҳавосини
- C) ер ости бойликларини
- D) ўсимлик дунёсини
- E) ҳайвонот дунёсини

32. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинган?

- A) 1998 йил 6 май
- B) 1997 йил 6 май
- C) 1995 йил 6 май
- D) 1994 йил 6 май
- E) 1993 йил 6 май

33. Конституциямизга мувофиқ фуқаролар атроф табиий муҳитга ... муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

- A) эҳтиёткорона
- B) оқилона
- C) аёвсиз
- D) авайлаб
- E) A, B

34. ... давлатнинг умумий экологик бошқарув органларига киради.

- A) Вазирлар Маҳкамаси
- B) Олий Мажлис
- C) Маҳаллий давлат ҳокимияти
- D) Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
- E) A, B, C

35. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ... назоратни амалга оширади.

- A) соҳавий
- B) комплекс

- C) идоровий
- D) маҳаллий
- E) регионал

36. ... давлатнинг махсус экологик бошқарув органига кирмайди.

- A) Ер ресурслари давлат қўмитаси
- B) Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
- C) Олий Мажлис
- D) Президент девони
- E) A, B

37. «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ... қабул қилинган.

- A) 1995 йил 27 декабрда
- B) 1996 йил 27 декабрда
- C) 1997 йил 27 декабрда
- D) 1998 йил 27 декабрда
- E) 1999 йил 27 декабрда

38. Президент экологик қонунларни бажарилишини ...

- A) назорат қилади
- B) кузатади
- C) кафолатлайди
- D) тартибга солади
- E) текширади

39. Экологик кадастрга қайси кадастр турлари киради?

- A) ер кадастри
- B) сув кадастри
- C) ер ости бойликлари кадастри
- D) урмон кадастри
- E) ҳамма жавоб тўғри

40. Кадастр француз тилида бу ... дегани.

- A) баҳолаш
- B) рўйхатлаш
- C) кузатиш
- D) назоратлаш
- E) хулосалаш

41. «Экологик мониторинг тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинган?

- A) 1996 йилда
- B) 1998 йилда

- C) 1999 йилда  
D) 2000 йилда  
E) тўғри жавоб йўқ

42. Экологик назорат турларига ... назорати кирди.

- A) давлат  
B) жамоат  
C) нодавлат  
D) A, C  
E) A, B, C

43. Экологик экспертиза қайси давлат органи томонидан утказилади?

- A) Ер ресурслари давлат қўмитаси  
B) Саноатда ва қончиликда ишларни беҳатар олиб бориш агентлиги  
C) Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси  
D) Ички ишлар вазирлиги  
E) Ташқи ишлар вазирлиги

44. «Экосан» бу ... дир.

- A) халқаро жамғарма  
B) маҳаллий жамғарма  
C) республика жамғармаси  
D) вилоят жамғармаси  
E) регионал жамғарма

45. Давлат бош экологик эксперти ким?

- A) Президент  
B) Бош вазир  
C) Бош прокурор  
D) Олий суд раиси  
E) тўғри жавоб йўқ

46. Автомашиналардан чиқаётган СО миқдори меъёрдан ошиқ бўлса, ҳайдовчи қандай жавобгарликка тортилади?

- A) жиноий  
B) маъмурий

- C) ижтимоий  
D) фуқаровий  
E) тўғри жавоб йўқ

47. Экологик-ижтимоий жавобгарлик қонуларда ўрнатиладими?

- A) йўқ  
B) қисман  
C) ҳа  
D) B, C  
E) агарда табиий ресурслардан фойдаланишга доир бўлса

48. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда табиий муҳитни муҳофаза қилишга доир нечта модда белгиланган?

- A) 30 та  
B) 34 та  
C) 32 та  
D) 36 та  
E) 40 та

49. Жиноят кодексига экология соҳасидаги жиноятлар учун нечта жазо тури қўлланилади?

- A) 3 та  
B) 4 та  
C) 5 та  
D) 6 та  
E) 7 та

50. Жиноий жавобгарлик экология соҳасида кимларга нисбатан қўлланилади?

- A) мансабдор шахсларга  
B) фуқароларга  
C) ходимларга  
D) юридик шахсларга  
E) жисмоний шахсларга



## АЛОҲИДА ҚИСМ БҮЙИЧА

51. Ер ресурслари давлат қўмитаси қачон ташкил топган?

- A) 1992 йилда
- B) 1994 йилда
- C) 1996 йилда
- D) 1998 йилда
- E) 2000 йилда

52. Ер Экология ҳуқуқида ... объект сифатида қаралади.

- A) комплекс
- B) интеграл
- C) дифференциал
- D) A, B
- E) B, C

53. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ерга оид қандай муносабатларни тартибга солади?

- A) соҳавий
- B) идоравий
- C) комплекс
- D) хўжалик юретишга оид
- E) ҳеч қандай

54. ... ерларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишга қиради.

- A) бўлиб бериш
- B) тоифаларга ажратиш
- C) участкаларга бўлиш
- D) ҳисобини олиш
- E) тўғри жавоб йўқ

55. Ерларни муҳофаза қилиш тadbирлари қайси қонунда берилган?

- A) Ер кодекси
- B) Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун
- C) Жиноят кодекси
- D) Фуқаролик кодекси
- E) A, B

56. Ердан оқилона фойдаланганлар учун қонун бўйича ....

- A) ер тулови имтиёзи берилади
- B) моддий рағбатлантирилади

- C) қўшимча ер участкаси берилади
- D) имтиёзли кредитланилади
- E) ҳамма жавоб тўғри

57. Қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ер фонди ... аҳамият касб этади.

- A) бирламчи
- B) иккиламчи
- C) учламчи
- D) туртламчи
- E) ҳеч қандай аҳамият касб этмайди

58. Табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар нимадан озод қилинади?

- A) солиқдан
- B) бошқарувдан
- C) тартибга солишдан
- D) муҳофазалашдан
- E) оқилона фойдаланишдан

59. Экологик талабларни бажармаслик шахсларни юридик жавобгарликка тортишга асос бўла оладими?

- A) ҳа
- B) йўқ
- C) фақат жиноий
- D) қисман
- E) фақат интизомий

60. Фақатгина тупроққа қандай хусусият хос?

- A) минерал таркибнинг борлиги
- B) органик таркибнинг мавжудлиги
- C) унумдорлик
- D) қонун билан тартибга солиш
- E) ҳеч қайсиси

61. Сувлардан фойдаланишнинг приоритет нормаси қайси бири?

- A) саноат мақсадларида
- B) қишлоқ хўжалигида

- C) *тоғ-кон саноатида*  
 D) *транспортда*  
 E) *ичимлик суви ва маиший хизматда*

62. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун сув фондини неча тоифага ажратади?

- A) 3  
 B) 4  
 C) 5  
 D) 6  
 E) 7

63. Ер ости сувларидан фойдаланишнинг махсус бошқаруви қайси давлат органига топширилган?

- A) *Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига*  
 B) *Ер ресурслари давлат қўмитасига*  
 C) *Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига*

D) *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига*

E) *Саноатда ва кончиликда ишларни бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига*

64. Сувнинг ҳолатига таъсир қиладиган иншоотлар ва техник қурилмаларни қўлламай фойдаланиш ... фойдаланишга киради.

- A) *хусусий*  
 B) *умумий*  
 C) *махсус*  
 D) *идоровий*  
 E) *соҳавий*

65. Орол денгизи — ... ҳуқуқ объекти.

- A) *миллий*  
 B) *регионал*  
 C) *маҳаллий*  
 D) *халқаро*  
 E) *тўғри жавоб йўқ*

66. Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун неча модда ва неча бобдан иборат?

- A) *XXV боб, 120 та модда*  
 B) *XXIX боб, 119 та модда*  
 C) *XXV боб, 119 та модда*  
 D) *XXIX боб, 120 та модда*  
 E) *XXIX боб, 118 та модда*

67. Сув қонунчилигига оид юридик жавобгарлик қандай ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади?

- A) *сув объектларини ўзбошимчалик билан эгаллаш*  
 B) *сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш*  
 C) *дарёларни ифлослаш*  
 D) *сувдан хўжасизлик билан фойдаланиш*  
 E) *ҳамма жавоб тўғри*

68. Янги таҳрирдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун ... йилда қабул қилинди.

- A) 1994  
 B) 1998  
 C) 2000  
 D) 2001  
 E) 2002

69. Ер ости бойликлари қайси функцияни бажаради?

- A) *экологик*  
 B) *иқтисодий*  
 C) *соғломлаштириш*  
 D) *A, B*  
 E) *A, B, C*

70. «Концессиялар тўғрисида»ги қонун қандай муносабатларни тартибга солади?

- A) *чет эллик инвесторга мол-мулкни беришга оид*  
 B) *чет эллик инвесторга сувни беришга оид*  
 C) *чет эллик инвесторга ер ости участкасини беришга оид*

D) чет эллик инвесторга ер участкасини беришга оид  
E) A, C, D

71. Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш жисмоний ва юридик шахсларга қандай муддатга берилади?

- A) узоқ муддатга, 50 йилгача  
B) қисқа муддатга, 10 йилгача  
C) узоқ ва қисқа муддатга, 10 йилгача  
D) муддатсиз  
E) узоқ ва қисқа муддатга, 3—10 йил ва 3 йилгача

72. Ўрмонлар Ўзбекистонда қандай приоритет функцияни ўтайди?

- A) иқтисодий  
B) ижтимоий  
C) экологик  
D) эстетик  
E) маърифий

73. «Ўрмон тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинган?

- A) 1999 йил 26 декабрда  
B) 1999 йил 27 декабрда  
C) 1999 йил 26 августда  
D) 1999 йил 15 апрелда  
E) 1999 йил 27 августда

74. Ўрмон фонди билан ўрмон фонди ерлари деган ибораларда фарқ борми?

- A) бор  
B) деярли йўқ  
C) йўқ  
D) бир хил маъно англатади  
E) синоним ҳисобланади

75. Биологик хилма-хиллик тўғрисида қандай . . . қабул қилинган?

- A) қонун  
B) қарор  
C) фармон  
D) кодекс  
E) ҳеч бири қабул қилинмаган

76. Табиий эркин ҳолатда яшайдиган ҳайвон галалари ва инлари Экология ҳуқуқининг объекти була оладими?

- A) йўқ  
B) қисман була олади  
C) була олади  
D) галалари була олади  
E) инлари була олади

77. «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинган?

- A) 1996 йил 26 декабрда  
B) 1996 йил 27 декабрда  
C) 1996 йил 26 августда  
D) 1997 йил 26 декабрда  
E) 1997 йил 27 декабрда

78. Атмосфера ҳавосига . . . ҳам киради.

- A) тупроқдаги ҳаво  
B) сувдаги ҳаво  
C) тропосферадаги ҳаво  
D) стратосферадаги ҳаво  
E) C, D

79. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга . . . киради.

- A) тарихий ёдгорликлар  
B) ҳарбий полигонлар  
C) қадимий обидалар жойлашган ерлар  
D) маъмурий-ҳудудий қисмлар  
E) тўғри жавоб йўқ

80. Қайси бир комплекс муҳофаза этиладиган объект халқаро мониторинг шохобчасига киради?

- A) қўриқхона  
B) буюртма қўриқхона  
C) биосфера қўриқхонаси  
D) миллий боғлар  
E) дендрология боғлари

81. Курорт табиий ҳудудлар нечта теграга ажратилади?

- A) 2  
B) 3

- C) 4
- D) 5
- E) 6.

82. Табиат ёдгорликлари жойлашган ерлар хўжалик оборотидан чиқариладими?

- A) йуқ
- B) чекланган тарзда
- C) чиқарилмайди
- D) қисман
- E) ҳамма жавоб тўғри

83. Антропоген ўзгарган ҳудудларга . . . киради.

- A) аҳоли пунктлари ва шаҳарлар
- B) саноат тегралари
- C) ўрмонлар

- D) аграр тегралар
- E) A, B, D

84. Шаҳарсозлик кодекси қачон қабул қилинган?

- A) 2000 йил 15 апрелда
- B) 2001 йил 15 апрелда
- C) 2002 йил 15 апрелда
- D) 2002 йил 4 апрелда
- E) 2001 йил 4 апрелда

85. Халқаро экология ҳуқуқи объекти бўлиб . . . ҳисобланади.

- A) Сирдарё
- B) Амударё
- C) Зарафшон дарёси
- D) Сурхандарё
- E) ҳамма жавоб тўғри

### МАХСУС ҚИСМ БЎЙИЧА

86. Орол декларацияси қайси шаҳарда қабул қилинган?

- A) Қизил Ордада
- B) Алматида
- C) Тошкентда
- D) Нукусда
- E) Ашхабодда

87. Халқаро экология ҳуқуқи манбаларига . . . киради.

- A) қонунлар
- B) фармонлар
- C) фармойишлар
- D) конвенциялар
- E) йуриқномалар

88. Қайси халқаро конференция ёки саммит атроф-муҳит бўйича ўтказилган?

- A) Рио-де-Жанейро, 1992 йил
- B) Стокгольм, 1972 йил
- C) Йоханнесбург, 2002 йил
- D) Хельсинки, 1975 йил
- E) Истамбул, 1999 йил

89. Қайси халқаро ташкилот универсал тоифадаги экологик вазифаларни бажарувчи ташкилот ҳисобланади?

- A) ЮНЕСКО
- B) ЮНЕП
- C) ФАО
- D) МАГАТЕ
- E) ҳамма жавоб тўғри

90. Янги Европа учун Париж хартияси қачон қабул қилинган?

- A) 1990 йил 21 ноябрда
- B) 1991 йил 21 ноябрда
- C) 1992 йил 21 ноябрда
- D) 1993 йил 21 ноябрда
- E) 1994 йил 21 ноябрда

91. Халқаро ҳуқуқ объектларига қайси бир табиий объектлар киради?

- A) океан
- B) ўсимлик дунёси
- C) сув
- D) ер ости бойликлари
- E) B, C

92. ЮНЕП — . . . .

A) БМТнинг озиқ-овқат бўйича дастури

B) БМТнинг фан ва маданият бўйича ташиклоти

C) БМТнинг саломатлик бўйича дастури

D) БМТнинг экология ва саломатлик бўйича дастури

E) БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури

93. Халқаро экологик-ҳуқуқий жавобгарлик . . . турдаги жазо санкцияларини белгилаши мумкин.

A) интизомий ва жиноий

B) фуқаровий ва интизомий

C) иқтисодий ва интизомий

D) сиёсий ва иқтисодий

E) иқтисодий ва фуқаровий

94. Халқаро экология ҳуқуқида моддий жавобгарлик . . . орқали қопланади.

A) репарация

B) реституция

C) субституция

D) ресторация

E) ҳамма тури

95. Қайси давлат қонунчилигида ерга нисбатан хусусий мулкчилик ўрнатилган?

A) Ўзбекистон

B) Россия Федерацияси

C) Туркменистон

D) Озарбайжон

E) Тожикистон

96. Барқарор ривожланиш концепцияси кимнинг раҳбарлигида ишлаб чиқилган?

A) Г. Х. Брундтланд

B) М. С. Горбачев

C) Ж. Буш

D) Г. Киссенжер

E) Б. Бхутто

97. Халқаро экология ҳуқуқи принциплари бу . . . қоидалари демакдир.

A) юриш-туриш

B) халқаро муносабат

C) ташиф буюриш

D) ташиқлаштириш

E) яшаш

98. Барқарор ривожланиш нима?

A) дастур

B) режа

C) концепция

D) халқаро ҳужжат

E) ҳамма жавоб тўғри

99. Дунёвий экологик муаммоларни . . . миқёсда ҳал этса бўлади.

A) глобал

B) регионал

C) маҳаллий

D) қитъавий

E) ҳавзавий

100. Барқарор ривожланиш концепцияси давлатларнинг қайси соҳадаги йўналишларига тавсиялар беради?

A) иқтисодий

B) экологик

C) ижтимоий

D) тарихий

E) A, B, C

## ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИГА ОИД АСОСИЙ АТАМА ВА ИБОРАЛАР Л У Ф А Т И

### *Аграр тегралар*

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан банд бўлган алоҳида бир экологик-ҳуқуқий ҳолатга муҳтож зоналар (ҳудудлар).

### *Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар*

тарихий-маданий, сиёсий, ижтимоий ва экологик функцияларни бажарувчи алоҳида ҳуқуқий ҳолат ҳамда давлат эътиборидаги ҳудудлар ва объектлар.

### *Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар*

экологик, маданий-соғломлаштириш, илмий, эстетик, рекреацион (дам олиш) функцияларни бажарувчи алоҳида ҳуқуқий ҳолат ҳамда давлат эътиборидаги табиий ҳудудлар ва объектлар.

### *Антарктика*

ҳеч қайси бир давлат юридикциясига кирмайдиган ва халқаро-ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солиб туриладиган Ер қуррасидаги энг совуқ, олтинчи қитъа.

### *Атмосфера ҳавоси*

қонун билан муҳофаза этиладиган, Ер шарини ўраб турувчи газ ва буғлардан иборат бўлган ҳаво қатлами.

### *Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши*

инсонларни ўраб турувчи табиий муҳит унсурларининг экологик-ҳуқуқий талаблардан ортиқ меъёрда физик ва кимёвий жиҳатдан ўзгариши.

### *Атроф табиий муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш манбаи*

халқаро экологик муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар йиғиндиси.

**Атроф-муҳитни халқаро-хуқуқий муҳофаза қилиш**

инсонларнинг экологик хавфсиз муҳити ҳамда давлатларнинг барқарор ривожланишини таъминловчи халқаро хуқуқ принциплари, нормалари ва муносабатлари йиғиндиси.

**Балиқ овлаш**

балиқ ва умуртқасиз сув ҳайвонларини саноат, ҳаваскорлик ва спорт мақсадида тутиш.

**Балиқ ҳўжалиги тегралари**

нодир ва йўқолиб кетаётган балиқ турлари ҳамда бошқа сув ҳайвонларини муҳофаза этиш ва қўпайтириш мақсадида, шунингдек, балиқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув объектлари ёки уларнинг бир қисми.

**Ботаника боғи**

ўсимлик термалари (коллекциялари)ни тузиш, тўлдириш ва асраш, илмий, ўқув-таълим ишларини олиб бориш йўли билан маҳаллий ва жаҳон миқёсидаги ўсимликлар мажмуаларининг нодир ҳамда муайян туркумга хос турларини махсус яратилган шароитда асраш, ўрганиш, иқлимлаштириш, қўпайтириш, шунингдек, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида ташкил этилган боғ.

**Давлат биосфера қўриқхонаси**

қўриқхонанинг бир тури бўлиб, улардаги барча ишлар халқаро хуқуқ норма талаблари даражасида олиб борилади.

**Давлат буюртма қўриқхонаси**

табиий мажмуалар ёки уларнинг айрим бўлақларини асраш, қўпайтириш ва тиклаш мақсадида унинг олдида қўйилган вазифаларни бажарувчи муддатли ҳудудлар (акваториялар).

**Давлат ер назорати (инспекцияси)**

маҳаллий ҳокимият ва давлатнинг махсус ваколатли органлари томонидан ер муносабати қатнашчилари (субъектлари)нинг ер участкаларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза

қилишга доир фаолиятларини текшириш.

### *Давлат миллий боғи*

табиатни муҳофаза қилиш муассасаси ҳисобланган алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қимматга эга бўлган ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, рекреация, маърифий-маданий, илмий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган табиий мажмуа.

### *Давлат табиат ёдгорликлари*

экологик, илмий, эстетик, маданий жиҳатдан ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмас, қимматли, келиб чиқиши табиий бўлган объектлар.

### *Давлатнинг экологик бошқаруви*

ўз ваколат доирасида давлат бошлиғи, ҳокимияти ҳамда ижро этувчи давлат органлари ва уларнинг экологик муносабатларни тартибга солишдаги фаолияти.

### *Дендрология боғи*

илмий, маданий, рекреация ва бошқа йўсинда гоёта самарали фойдаланиш учун дарахтлар, буталарнинг ҳар хил турларини ҳамда улардан таркиб топган дарахтзор ва бутазорларни махсус яратилган шароитда асраш, ўрганиш мақсадида ташкил этилган боғ.

### *Декларация*

маълум бир ташкилот, давлат ёки партияларнинг асосий принцип ва меъёрларини тантанали равишда эълон қилишга йўналтирилган халқаро ҳужжат.

### *Ер назорати*

ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга оид ер қонун ҳужжатлари талабларини юридик, жисмоний шахслар томонидан бажарилишини давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда ваколатланган идоралар ва шахслар томонидан текшириш.



***Ер ости бойликларининг  
экологик функцияси***

экологик тизимда турувчи, ер устининг табиий фундаменти, тупроқ ва уларни ҳосил қилувчи она жинсларнинг таркиб топишидаги минерал асоси.

***Ер ости бойликларининг  
маданий-соғломлаштириш  
функцияси***

ер қаъри ва минералларнинг фойдали хусусиятларини инсонларнинг дам олиши ҳамда саломатлигини тиклашда ишлатилиши.

***Ер тузиш***

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳуқуқий ва ички ҳужалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизими.

***Ерларни муҳофаза қилиш***

улардан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ ҳужалик оборотидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибидан ерларнинг асоссиз равишда олиб қўйилишининг олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизими.

***Жамоат экспертизаси***

фуқаролар, фуқаролар йиғини, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар маблағлари ҳисобидан экологик экспертиза ўтказиш. Уларнинг хулосалари тавсия кучига эгадир.

***Жамият қонунари***

кишиларнинг хатти-ҳаракатларини ёки бирон-бир объектга нисбатан муносабатини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси.

**Жамоат ер назорати**

ерларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш борасидаги ер қонунчилиги талабларига риоя этишни нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан текшириш.

**Жавобгарлик**

муайян шахс, жамоа ёки давлатнинг ўзга шахслар, жамоатчилик, давлат ва давлатлар олдидаги бурчи, мажбурияти.

**Миллий экологик бошқарув**

ҳокимият, органлар, бирлашмалар, ташкилотлар ва уларнинг табиатни муҳофаза қилиш ваколатлари, функциялари ва усуллари мажмуаси.

**Миллий экологик қонунлар**

Олий Мажлис томонидан ёки умумхалқ овоз бериш (референдум) орқали қабул қилинган, ўзида унинг амал қилиш муддати, ҳудуди ва шахслар доирасида экологик муносабат субъектлари фаолиятининг умумий кўрсаткичларини мужассамлаштирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

**Миллий экология ҳуқуқининг мақсади**

давлатнинг барқарор ривожланиши ва фуқароларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш.

**Нодавлат нотижорат ташкилот**

жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) келишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимлайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти.

**Ов қилиш**

табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган ёввойи ҳайвонларни тутиш мақсадида излаш, изига тушиш ва қувлаб бориш, тутишга интилиш ва тутиш (отиш, тутиб олиш).

***Рекреация тегралари***

туризм ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун қулай географик ҳамда иқлим шароитларига эга ҳудудлар.

***Саноат зона(тегра)лари***

саноат тармоқлари жойлашган ва ишлаб чиқариш фаолияти юргизиладиган ҳудудлар.

***Суғориладиган ерлар***

қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларнинг суғорилишини таъминлай оладиган, суғориш манбаи билан боғланган, доимий ва муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар.

***Сувдан оқилона фойдаланиш***

сувнинг фойдали хусусиятларидан жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун талаблари асосида фойдаланиши.

***Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари)***

дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, коллекторлар ҳамда бошқа сув объектларининг ўзанларига туташ сувларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкиллаштирилган, алоҳида муҳофаза этиладиган, табиий ҳудудлар.

***Табиий объектларга нисбатан мулк ҳуқуқи***

табиий ресурслар, табиий комплекслар ёки табиий ҳудудларнинг кимга тегишлилиги ва мулкдорнинг унга нисбатан қандай ваколат (ҳуқуқ)га эга эканлиги.

***Табиий унсурларнинг бузилиши***

атроф-муҳит ҳолатининг инсон яшаши учун ноқулай даражада ўзгариши.

***Табиат унсурларининг ориқланиб кетиши***

инсонларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларининг иқтисодий шаклда қондирилиши натижасида табиий ресурсларнинг камая бориши.

***Табиат унсурларининг вайрон бўлиши***

табиий объектларнинг табиий ва техноген жараёнлар натижасида табиий ҳосса ва хусусиятларининг йўқолиши.

***Табиат унсурларининг йўқ бўлиб кетиши***

айрим турдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ер юзида тур сифатида йўқотилиши.

**Жамиятнинг табиатга  
нисбатан муносабат  
шакли**

**Қизил китоб**

маълум бир даврга хос бўлган кишиларнинг атроф табиий муҳит билан ўзаро узвий боғланган ҳаёт тарзи.

Йўқолган ёки йўқолиш арафасида турган, йўқолиб бораётган, камёб ва камайиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг генофондини сақлаб қолиш мақсадида ташкил этилган маълумотлар рўйхати (реестри).

**Қонун**

олий юридик кучдаги миллий ҳуқуқ нормаси. Унинг қоидалари ва меъёрлари давлат томонидан ишлаб чиқилади, урнатилади, муҳофаза этилади, умуммажбурий кучга эга бўлади ва юридик оқибатларни келтириб чиқаради.

**Қўриқланма (оралиқ) ёки  
буфер тегралар**

ижтимоий-экологик ва қўриқхона экологик турдаги алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга табиий техноген жараёнларнинг салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида ташкиллаштирилган зоналар.

**Қўриқхона**

алоҳида муҳофаза этиладиган оддий ва ноёб табиий мажмуалар, ўсимликлар ҳамда ҳайвонларнинг ирсий фондларини сақлаб қолиш ва ўрганиш, табиий жараёнлар ва ҳодисалар ўзгариши устидан мониторинг ўтказиш мақсадида илмий-тадқиқот муассасаси.

**Универсал тоифадаги Халқаро  
экологик ташкилотлар**

фаолият доирасига кўра турли тоифадаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш йўналишдаги ҳамда дунёнинг барча минтақаларидаги давлатларнинг экологик муносабатларига қаратилган халқаро ташкилотлар, БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари.

**Ўрмонларни қўриқлаш**

ваколатланган давлат органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан ўрмонлардан ноқонуний тарзда фойда-

- ланиш, уларга зарарли таъсир кўрсатишдан қўриқлаш.
- Урмон тузиш** Урмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, урмон хўжалиги ва урмонлардан фойдаланишни оқилona юри-тилишининг таъминлашга қаратилган тадбирлар тизими.
- Урмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи** Урмонларнинг фойдали хусусиятларидан юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ўз хўжалик ва бошқа ҳаётий эҳтиёжларини қондиришлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда фойдаланиши.
- Урмонларни кўпайтириш** ўз ичига дарахтзорларнинг зичлигини ошириш, нав таркибини яхшилаш, қимматли навларни кўпайтириш, бошқа ер фонди тоифаларидан (масалан, қишлоқ хўжалигига мулжалланган ерлардан) урмон фонди ер тоифасига киритиш каби тадбирлар.
- Урмонларни муҳофаза қилиш** Урмонларга зараркундалар, касалликлар, табиий-техноген жараёнлар (эрозия, сел, дефляция, ёнғин, қуриш ...)нинг олдини олиш чора-тадбирларини қўллаш.
- Урмонларни тиклаш** кесилган урмон ёки ўрмонсиз ер ўрнига дарахт ва буталар экиш, нав таркибини яхшилаш, уларнинг маҳсулдорлиги ва муҳофазалаш хусусиятини ошириш, генетик фонди ва биологик хилма-хиллигини сақлаб қолишга йўналтирилган тадбирлар.
- Урмонларнинг маҳсулдорлигини ошириш** Урмонларни такрорий кўпайтириш, нав таркибини яхшилашни ўрмон мелиорацияси ва плантациясини ташкил этиш орқали амалга ошириш.
- Урмонларнинг тақиқланган минтақалари** бағоят қимматли ва нодир ўсимлик турларининг ирсий фондини муҳофаза этиш ва сақлаб қолиш, шунингдек,

урмон фонди майдонларида қуриқхоналар, миллий боғлар ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларнинг иш тартибини таъминлаш мақсадида ташкиллаштирилган ҳудудлар.

### *Усимлик дунёси объекти*

табиий шароитда ўсадиган, такрор етиштириш ва генетик фондини сақлаш учун экиб ўстириладиган ёввойи усимликлар.

### *Ўзбекистоннинг экологик сиёсати*

давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида олиб бораётган ички ва ташқи фаолият мажмуи.

### *Халқаро экология ҳуқуқи объекти*

халқаро ҳуқуқ субъектларининг экологик муносабатлар предмети бўлган табиий объектлар, яъни ўзининг хусусияти, жойланиши ва аҳамияти нуқтаи назаридан бирон-бир давлат юридикциясига кирмайдиган ёхуд назоратида бўлмайдиган, шунинг учун ҳам икки ва ундан ортиқ мамлакатлар ёки халқаро ҳамжамияти мулки бўлган табиий объектлар.

### *Халқаро экологик жамғармалар (фондлар)*

табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитнинг санитар ва гигиеник ҳолатини яхшилаш ва экологик дастурларни молиявий таъминлаш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экологик ташкилотлар. Фаолият юргизиш ва амалий ҳаракат қилиш кўламига кўра, улар умумжаҳон, регионал ва регионлараро турларга ажратилади.

### *Халқаро шартнома*

сиёсий аҳамият касб этувчи ва бошқа сиёсий, иқтисодий, маърифий-маданий масалалар қатори атроф-муҳит муҳофазасига оид халқаро меъёрларни ўзида акс эттирувчи ҳужжат.

**Ҳайвонот боғи**

экологик таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш, ҳайвонларнинг нодир экзотик ва маҳаллий турлари экспозицияларини яратиш, уларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш, ёввойи ҳайвонларни ўрганиш ҳамда уларни тутқунликда кўпайтиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш мақсадидаги муассаса.

**Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар**

ҳайвонот дунёси объектларининг фойдали хусусиятларидан ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ва тартибда фойдаланишларига айтилади.

**Ҳайвонот дунёсини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш**

қуруқликда, сувда, атмосферада ва табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган, Ўзбекистонда доимий ва вақтинчалик яшайдиган ёввойи ҳайвонларни, шунингдек, илмий ёки экологик мақсадларда ярим эркин шароитда ёки сунъий яратилган яшаш муҳитида боқилаётган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

**Экологик аудит**

давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар (аудит фирмалар) томонидан экологик экспертизани мустақил, тармоқдан ташқари бўлган тарзда олиб бориш.

**Экологик барқарорлик**

инсон фаолияти ва табиат «инжиқлик»лари (зилзила, тошқин, сунами ва ҳ.к.)нинг атроф-муҳитга салбий таъсир этмайдиган даражаси, яъни маълум бир ҳудуд, кенглик ва минтақада экологик хавфсиз муҳит ҳолатини бир меъёردа ушлаб туриш.

**Экологик жавобгарлик**

экологик хавфсиз муҳитни таъминлашдаги давлат, жамият ва шахслар-

нинг ҳозирги ҳамда келажак авлодлар олдидаги бурчлари ва мажбуриятлари, шунингдек, уларни бажармаслиги туфайли юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий ва юридик характердаги салбий оқибатлар.

### *Экологик жамғарма*

атроф-муҳит муҳофазаси ва санитар-гигиеник ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирларни (дастур, режа, лойиҳа, конференция, мунозара, учрашув, миссия) молиявий таъминлаш мақсадида тузилган пул жамғармалари.

### *Экологик инқироз*

экологик тизимда модда ва энергия алмашинувининг табиий ҳолатда кечишининг бузилиши ёки модда ва энергиянинг кичик ҳамда катта айланиш жараёнларининг маълум бир босқичдаги узилиши.

### *Экологик кадастр*

муайян табиий объектнинг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ҳамда баҳоси туғрисидаги янгилашиб туриладиган (ўзгарувчан) маълумотлар ва ҳужжатлар тўплами.

### *Экологик концепция*

табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабати туғрисидаги қарашлар тизими, яъни бу моддий дунёда кишиларнинг ўрни, аҳамияти ва моҳиятини акс эттирувчи дунёқарашлар.

### *Экологик меморандиум*

дипломатик мулоҳазалар предмети бўлган экологик масалаларни акс эттирувчи ҳужжат.

### *Экологик мониторинг*

атроф табиий муҳит ва табиий ресурсларнинг даврий ўзгаришини (кадастр маълумотларига асосланган тарзда) кузатиб бориш, ҳисобга олиш, баҳо бериш ва истиқболни белгилаш тизими.

### *Экологик назорат*

экологик муносабат субъектларининг табиий ресурслардан оқилона



фойдаланишлари ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишларига оид фаолиятларини ваколатланган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари томонидан текшириб бориш ҳамда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш тизими.

### *Экологик сиёсат*

муайян давлатда ёки халқаро миқёсда маълум бир ер, сув ва ҳаво кенглигида юзага келган экологик ҳолатни ҳисобга олган тарзда, атроф-муҳитни яхшилаш ҳамда соғломлаштиришга қаратилган ички ва ташқи ижтимоий-иқтисодий ҳаракат.

### *Экологик сугурта*

суғурталанувчиларнинг пул жамғармалари ҳисобига ташкил этилган ва экологик хавfli оқибатлар юзага келганда, уларнинг моддий ва маънавий зарарларини қоплаш бўйича амалга ошириладиган молиявий муносабат.

### *Экологик танглик*

халқаро ҳамжамият, давлат ва жамият томонидан глобал, регионал ва маҳаллий миқёсдаги экологик муаммолар ечимини топишнинг қийинлашуви.

### *Экология фани*

организмларнинг муайян экотизимларда яшаш қонуниятларини, яъни организмларнинг ўзаро ва уларнинг атроф-муҳити билан бўлган ҳаёт тарзини ўрганувчи фан тармоғи.

### *Экологик экспертиза*

режалаштириладиган ёки амалга ошириладиган ҳужалик ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш ёки мутахассислар томонидан хулосалаш.

### *Экологик қайднома*

экологик тусдаги асосий халқаро шартномага қўшимча қилинадиган ҳужжат.

**Экологик-ҳуқуқий  
жавобгарлик**

ижтимоий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, у миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган экологик талабларни бузганлар учун юридик тусдаги жазо санкциялари урнатилган ҳамда экологик муносабат қатнашчилари учун мажбурий кучга эга бўлган қоида ва меъёрлар.

**Экологик-ижтимоий  
жавобгарлик**

ижтимоий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, у ҳозирги замон миллий ёки халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланмаган, лекин миллат ёки халқларнинг азалий урф-одатлари, анъаналари орқали авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қоида ва меъёрлар.

**Экологик-ҳуқуқий  
муносабатлар**

табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан комплекс фойдаланишда кишилар ўртасидаги юзага келадиган юридик тусдаги ижтимоий муносабатлар.

**Экологик-ҳуқуқий механизм**

экологик муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминловчи қисмлар (звенолар) тизими.

**Экология ҳуқуқининг  
субъектлари**

экологик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳамда субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгаси.

**Экология ҳуқуқи**

жамиятдаги экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни ўзининг ўрганиш ёки изланиш предмети қилиб олган ўқув курси ва фан соҳаси.

**Экология ҳуқуқи фани**

юридик характерга эга бўлган кишилар ўртасидаги ўзгарувчан атроф табиий муҳитга нисбатан юзага келадиган барча муносабатларни тадқиқ қилиш предмети бўлган фан соҳаси.

- Экология ҳуқуқи ўқув курси* Экология ҳуқуқи фанида тадқиқ қилинган назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирилган ва умумлаштирилган тарзда таълим берадиган предмет.
- Экология ҳуқуқи манбаи* экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий асос бўла оладиган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари йиғиндиси.
- Экология ҳуқуқи объекти* амалдаги қонунлар билан муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш имконини берувчи атроф табиий муҳитнинг таркибий қисмлари.
- Экология ҳуқуқи усули* экологик муносабатларга таъсир этиш ёки уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш йул (метод)лари.
- Экология ҳуқуқида миллий мулк объектлари* муайян давлат томонидан мулк сифатида ўзлаштириш имкони бор табиий унсурлар.
- Экология ҳуқуқининг принципи* экологик муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда амал қилинувчи ёки йўналтирувчи қоидалар.
- Экология ҳуқуқ тизими* экология ҳуқуқининг қонуниятларига асосланган тарзда экологик муносабатларни тартибга солувчи унинг қисмлари ва институтларининг маълум бир кетма-кетликда жойлашган йиғиндиси.
- Экология ҳуқуқининг предмети* экологик-ҳуқуқий муносабатлар, яъни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда юзага келадиган юридик характердаги ижтимоий муносабатлар.
- Экология солиғи* табиий объектлардан фойдаланганликлари, шунингдек, атроф-муҳитни ифлослантирганликлари учун жисмоний ва юридик шахслардан доимий, муддатли ёки бир маротабалик тўловлар.

*Экологик хавфсизлик*

атроф табиий муҳит ҳолатини организмларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларига жавоб бера олиши ёки инсонлар учун соғлом, тоза ва қулай табиий шароитга эга атроф-муҳит ҳолати.

*Экологиянинг мақсади*

ҳозирги ва келажак авлодлар учун экологик хавфсиз муҳитни таъминлаш.

*Экология ўқув предмети*

тирик организмлар, шу жумладан, инсонларнинг атроф-муҳит билан бўлган ҳаёт тарзи ҳақидаги таълимни берувчи ўқув курси.

ЎЎБЎВ ЗАЛИ

## СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ ИШ РЕЖАСИ

### *1-семинар. Экология ҳуқуқининг экологик ва ҳуқуқий фанлар ўртасида тутган ўрни*

1. Умумий экологиядан ҳуқуқий экологияга.
2. Экология ҳуқуқининг экологик фанлар ўртасида тутган ўрни.
3. Экология ҳуқуқининг ҳуқуқий фанлар ўртасида тутган ўрни.
4. Экология ҳуқуқининг халқ ҳужалигини ривожлантиришдаги аҳамияти.

### *2-семинар. Экология ҳуқуқи: тушунчаси, предмети, усуллари, принциплари ва тизими*

1. Экология ҳуқуқи тушунчаси ва ривожланиш тарихи.
2. Экология ҳуқуқининг предмети.
3. Экология ҳуқуқининг усуллари ва принциплари.
4. Экология ҳуқуқининг тизими.

### *3-семинар. Экология ҳуқуқининг манбалари*

1. Экология ҳуқуқининг манбалари тушунчаси ва уларни таснифлаш йуллари.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Экология ҳуқуқининг асосий манбаи.
3. Экологик қонунлар ва уларни атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишдаги аҳамияти.
4. Экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизими.

### *4-семинар. Экологик-ҳуқуқий муносабатлар*

1. Экологик-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни ва моҳияти.
2. Экологик-ҳуқуқий муносабат объектлари ва субъектлари.
3. Табиий объектларга нисбатан мулк ҳуқуқи.

### *5-семинар. Экологик бошқарув*

1. Экологик бошқарув зарурати.
2. Давлатнинг экологик бошқаруви.
3. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги ўрни ва уларга берилган ваколатлар.
4. Маҳаллада экологик бошқарув.
5. Оила аъзоларининг экологик-ҳуқуқий билими ва онгини ўстириш масалалари.

**6-семинар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг экологик функциялари**

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими.
2. Судлов, прокуратура ва милиция органларининг экологик функциялари.
3. Божхона ва солиқ қўмиталарининг табиатни муҳофаза қилишдаги ваколатлари.
4. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари.

**7-семинар. Экологик назорат, кадастр ва экспертиза**

1. Экологик назорат — кадастр — экспертиза тизими.
2. Экологик назорат ва мониторинг.
3. Экологик кадастр.
4. Экологик экспертиза.

**8-семинар. Экологик жавобгарлик**

1. Экологик жавобгарлик тушунчаси ва турлари.
2. Экологик — ҳуқуқий жавобгарлик.
3. Экологик қонунбузарликларда интизомий, фуқаровий, маъмурий ва жиной жавобгарликлар.
4. Экологик жавобгарлик муаммолари ва уларнинг ечимини топиш йуллари.

**9-семинар. Ерни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш**

1. Ер таърифи ва уни экологик-ҳуқуқий муҳофазалаш зарурати.
2. Ер кодексига тавсиф.
3. Ўзбекистон ер фондиди муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари.
4. Тупроқ тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш зарурати.

**10-семинар. Сувни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш**

1. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда сув муаммолари ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши.
2. Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ва унинг келажак истиқболлари.
3. Сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик.

**11-семинар. Ер ости бойликларини ҳуқуқий муҳофазалаш ва улардан фойдаланиш**

1. Ер ости бойликлари тушунчаси ва унинг экологик-ҳуқуқий асослари.
2. Ер ости бойликлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг янги ва эски таҳрирдаги қонунларининг фарқи.
3. Ер ости бойликларидан фойдаланиш қоида ва тартибларини бузганлик учун юридик жавобгарлик.

**12-семинар. Биологик ресурсларнинг экологик-ҳуқуқий муҳофазаси**

1. Биологик ресурслар ва уларнинг хилма-хиллигини сақлашнинг ҳуқуқий асослари.
2. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунга тавсиф.

3. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунга тавсиф.

4. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби ва унинг юридик аҳамияти.

**13-семинар. Ўзбекистонда ўрмон — экология ҳуқуқининг мустақил объекти сифатида**

1. Ўрмонларнинг экологик муносабатларнинг алоҳида мустақил объекти бўлиши зарурати.

2. Ўрмон тўғрисидаги қонунга тавсиф.

3. Ўрмон ҳўжалигини юритиш тартиби.

**14-семинар. Атмосфера ҳавосини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш**

1. Атмосфера ҳавоси ва уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

2. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Республикаси қонунларининг асосий фарқлари.

3. Атмосфера ҳавосини ифлослантирганлик учун юридик жавобгарлик.

**15-семинар. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолати**

1. Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тушунчаси ва уларнинг турлари.

2. Тўлиқ муҳофазага муҳтож табиий ҳудудлар ва объектлар.

3. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуннинг умумий тавсифи.

4. Табиий ҳудуд ва объектларнинг ҳуқуқий режими.

**16-семинар. Қишлоқ ҳўжалигида экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари**

1. Ўзбекистон Республикаси аграр давлатдир.

2. Аграр теғраларда атроф-муҳитни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш асослари.

3. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш жараёнидаги экологик-ҳуқуқий талаблар.

**17-семинар. Аҳоли пунктлари ва саноат зона(тегра)ларида атроф табиий муҳитни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш**

1. Антропоген ўзгарган ҳудудлар тушунчаси ва уларни экологик-ҳуқуқий жиҳатдан таснифлаш.

2. Аҳоли пунктлари ва шаҳарларда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий асослари.

3. Саноат зоналарида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий тартиби.

**18-семинар. Атроф муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш**

1. Халқаро экология ҳуқуқи: тушунчаси, предмети, объекти ва манбалари.

2. Экология соҳасида халқаро универсал ва регионал ташкилотлар ҳамда уларнинг фаолияти.

3. Марказий Осиёда олиб борилаётган экологик саъй-ҳарақатлар.

4. Барқарор ривожланиш концепциясининг экологик жиҳатлари.

## ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИГА ОИД ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНЛАРИ ВА НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРИ

### КОНСТИТУЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. — Т.: «Адолат», 1999.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», 2003 йил 24 апрель. «Халқ сўзи», 2003 йил 25 апрель.

### КОДЕКСЛАР

«Жинойят кодекси», 1994 йил 22 сентябрь. — Т.: Адлия вазирлиги, 2001.  
«Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс», 1994 йил 22 сентябрь. — Т.: «Адолат», 1998.

«Меҳнат кодекси», 1995 йил 21 декабрь. — Т.: «Адолат», 1999.

«Фуқаролик кодекси», 1995 йил 21 декабрь ва 1996 йил 29 август. — Т.: «Адолат», 1996.

«Солиқ кодекси», 1997 йил 24 апрель. — Т.: «Адолат», 1999.

«Ер кодекси», 1998 йил 30 апрель. — Т.: «Адолат», 1999.

«Уй-жой кодекси». — Т.: «Адолат», 1999.

«Шаҳарсозлик кодекси», 2002 йил 4 апрель. «Халқ сўзи», 2002 йил 5 апрель.

### ҚОНУНЛАР

«Мулкчилик тўғрисида», 1990 йил 31 октябрь// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1-сон, 1991.

«Кооперация тўғрисида», 1990 йил 14 июнь // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 3-сон, 1992.

«Давлат мустақиллиги тўғрисида», 1991 йил 31 август// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 2-сон, 1992.

«Корхоналар тўғрисида». — Т.: «Адолат», 2000

«Ижара тўғрисида», 1991 йил 19 ноябрь. — Т.: «Адолат», 2000.

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида». — Т.: «Адолат», 1991.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», 1992 йил 9 декабрь// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 7-сон, 1993.

«Давлат санитар назорати тўғрисида», 1992 йил 3 июль// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 6-сон, 1993.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», 1993 йил 6 май// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 8-сон, 1994.



«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида», 1993 йил 6 май// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 8-сон, 1994.

«Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида», 1993 йил 7 май// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 8-сон, 1994.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида», 1993 йил 2 сентябрь// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 9-сон, 1995.

«Ер ости бойликлари тўғрисида», 1994 йил 23 сентябрь// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 10-сон, 1995.

«Концессиялар тўғрисида», 1995 йил 30 август// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 11-сон, 1996.

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида», 1995 йил 22 декабрь// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 12-сон, 1996.

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», 1996 йил 27 декабрь// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 15-сон, 1997.

«Таълим тўғрисида», 1997 йил 29 август// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 17-сон, 1998.

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида», 1997 йил 29 август// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 17-сон, 1998.

«Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», 1997 йил 30 август// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 17-сон, 1998.

«Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида», 1997 йил 29 август// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 18-сон, 1998.

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», 1997 йил 26 декабрь// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 18-сон, 1998.

«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», 1997 йил 26 декабрь// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 18-сон, 1998.

«Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», 1998 йил 30 апрель// Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. — Т.: «Адолат», 1999.

«Фермер хўжалиги тўғрисида», 1998 йил 30 апрель// Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. — Т.: «Адолат», 1999.

«Дехқон хўжалиги тўғрисида», 1998 йил 30 апрель// Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. — Т.: «Адолат», 1999.

«Чет эл инвестициялари тўғрисида», 1998 йил 30 апрель// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 19-сон, 1998.

«Давлат ер кадастри тўғрисида», 1998 йил 28 август// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 19-сон, 1998.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида», 1998 йил 29 август// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 20-сон, 1998.

«Банкротлик тўғрисида», 1998 йил 29 август// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 20-сон, 1998.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», (янги таҳрири) 1999 йил 14 апрель// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 21-сон, 1999.

«Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида», 1999 йил 15 апрель// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 21-сон, 1999.

«Ўрмон тўғрисида», 1999 йил 15 апрель// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 21-сон, 1999.

«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида», 1999 йил 19 август// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 22-сон, 2000.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида», 1999 йил 20 август// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 22-сон, 2000.

«Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида», 1999 йил 20 август// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 22-сон, 2000.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», 2000 йил 25 май //Олий Мажлис Ахборотномаси, 2000, №5—6, 140-м.

«Экологик экспертиза тўғрисида», 2000 йил 25 май// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 23-сон, 2001.

«Давлат кадастрлари тўғрисида», 2000 йил 15 декабрь// Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 24-сон, 2001.

«Чиқиндилар тўғрисида», 2002 йил 5 апрель// «Халқ сўзи», 2002 йил 6 апрель.

«Ер ости бойликлари тўғрисида». Янги таҳрирда, 2002 йил 13 декабрь. «Халқ сўзи», 2003 йил 23 январь.

#### ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

«Ерлардан самарали фойдаланишни ошириш тўғрисида»ги 1994 йил 24 ноябрдаги Президент Фармони.

«Ерлардан самарали фойдаланишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1994 йил 29 ноябрдаги 575-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори (1995 й. 11 апрель ва 1995 й. 26 декабрдаги узгартиришлар билан).

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида», 1996 йил 31 январдаги 44-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

«Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи атрофида яшил воҳа ташкил этиш тўғрисида», 1997 йил 31 декабрдаги 581-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

«Ер ресурслари давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида», 1998 йил 24 апрелдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

«Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини жорий қилиш тўғрисида», 1998 йил 31 декабрдаги 543-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

«1999—2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг давлат дастури тўғрисида», 1999 йил 20 октябрдаги 469-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

#### ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ НИЗОМЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ ВА ЙЎРИҚНОМАЛАРИ

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси тўғрисидаги Низом»,

1996 йил 31 январдаги 44-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 1-илова.

«Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом», 1992 йил 26 апрелдаги 232/1-сонли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан тасдиқланган.


«Фойдали қазилма ётқизиклари майдонларида қурилишлар учун рухсат бериш тартиби тўғрисидаги Низом», 1997 йил 13 январдаги 20-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 1-илова.

«Ўзбекистон Республикасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда давлат кадастрини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом», 1998 йил 10 мартдаги 104-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова.

«Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом», 1998 йил 27 июлдаги 314-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 2-илова.

«Ўзбекистон Республикаси тупроқ бонитировкаси ишларини олиб бориш ва маълумотларни тасдиқлаш тартиби», 1999 йил 18 майдаги 732-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори// ЎзР Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Ер ресурслари давлат қўмитасининг ер тузиш, ердан фойдаланиш ва ер кадастрига оид раҳбарий ҳужжатлари.

O'QUV ZALI



## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

### I. УМУМИЙ АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т.: «Ўзбекистон», 1995.
2. *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.
3. *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор ривожланиш йулида. — Т.: «Ўзбекистон», 1998.
4. Аҳоли учун юридик маълумотнома. 1—6-сонлар. — Т.: «Адолат», 1994-1995.
5. Всемирный саммит по устойчивому развитию: Основные итоговые документы. — Алматы, 2003.
6. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2000.
7. *Исломов З. М.* Проблемы власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. — Т.: ТГЮИ, 2003.
8. *Нигматов А. Н., Султонов Р. Н.* Экология ва ҳаёт. — Т.: «Ўзбекистон», 2002.
9. *Раҳмонов А., Раҳмонов А.* Ислом ҳуқуқи. — Т., 2003.
10. *Реймерс Н. Ф.* Надежды на выживание человечества: Концептуальная экология. — М.: Россия молодая. «Экология», 1992.
11. *Реймерс Н. Ф.* Приролопользование. Словарь-справочник. — М., 1990.
12. *Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т.: «Шарқ», 2002.
13. *Саидов А. Х.* Халқаро ҳуқуқ. — Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001.
14. Школа устойчивого развития. — Бишкек, 2003.
15. Юридик энциклопедия (У. Таджихановнинг умумий таҳрири остида). — Т.: Шарқ, 2001.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари (1995-1999). — Т.: «Адолат», 2000.

### II. МАХСУС АДАБИЁТЛАР

1. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив ҳужжатлар. — Т.: «Адолат», 2002.
2. *Бекназов Р. У., Новиков Ю. В.* Охрана природы. — Т.: «Ўқитувчи», 1995.
3. *Ерофеев Б. В.* Экологическое право России. — М.: МЦ УПЛ, 1999.
4. Ер ҳуқуқи (М. Ҳ. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида). — Т.: ТДЮИ нашриёти, 2002.

5. *Намозов Ф.* Ўзбекистонда ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи. — Т.: Фан, 2000.
6. *Нигматов А. Н.* Экология ҳуқуқи: схемалар ва тушунчаларда. — Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
7. *Нигматов А. Н.* Ер ҳуқуқи. — Т.: «Тошкент ислом университети», 2001.
8. *Нигматов А. Н.* Экология нима. — Т.: ТИУ нашриёти, 2002.
9. *Николас А. Р.* Правовое регулирование природопользования и охраны окружающей среды в США. — М.: Прогресс, 1990.
10. Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов Республики Узбекистан». — Т.: «Chinog» ENK, 1995—1999, 2002.
11. *Петров В. В.* Экологическое право России. — М.: Бек, 1997.
12. Сув ҳуқуқи (М. Ҳ. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида). — Т.: ТДЮИ нашриёти, 2004.
13. Состояние окружающей природной среды и экологические проблемы Республики Узбекистан. — Т.: МИД РУз, Госкомприрода РУз, 1996.
14. *Усмонов М. Б.* Ер ва қонун. — Т.: «Адолат», 1994.
15. *Усмонов М. Б.* Табиатни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари. — Т.: ТДЮИ нашриёти, 2002.
16. *Холмўминов Ж. Т.* Экология ва қонун. — Т.: «Адолат», 2000.
17. *Холмўминов Ж. Т.* Экология ҳуқуқи. Чизмалар альбоми. — Т.: ИИВ Академияси, 2002.
18. *Холмўминов Ж. Т.* Экология ҳуқуқи. Дарслик. (Проф. У. Тожионовнинг умумий таҳрири остида) — Т.: ИИВ Академияси, 2003.
19. *Холмўминов Ж. Т.* Эколого-правовые проблемы использования орошаемых земель в Республике Узбекистан. — Т.: «Фан», 1996.
20. *Ҳамроев С. С.* Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. — Т.: ТДЮИ, 2003.— 284 б.
21. Экологические аспекты в концепции устойчивого развития. — Т.: «Биозкосан», 2003.
22. Экология. Юридический энциклопедический словарь. — М.: «Норма», 2001.
23. Экология ҳуқуқи. (М. Б. Усмонов таҳрири остида). — Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001.
24. *Ғуломов М., Жураев Й.* Экология: жиноят ва жазо. — Т.: «Ўзбекистон», 1991.
25. *Қобилов Ш. Р.* Экология қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик. — Т.: «Фан», 2001.
26. Ўрмон ҳуқуқи (М. Ҳ. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида). — Т.: ТДЮИ нашриёти, 2003.
27. *Ҳамроев С. С.* Ўзбекистонда табиий бойликлардан фойдаланиш шартномалари (концессия)нинг ҳуқуқий тартибга солиниши. — Т.: НПО Восток, 1999.

O'QUV ZALI

## МУНДАРИЖА

|                 |   |
|-----------------|---|
| Муқаддима ..... | 5 |
|-----------------|---|

## УМУМИЙ ҚИСМ

|  |           |
|--|-----------|
| <b>I боб ЭКОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИК ҚАРАШЛАР. ТАБИАТНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ .....</b>     | <b>7</b>  |
| 1. Экология нима .....   | 7         |
| 2. Табиат ва жамият ўртасидаги узвий боғлиқлик .....   | 15        |
| 3. Экологик концепциялар (дунёқарашлар) .....  | 22        |
| 4. Экологик принциплар (йўналтирувчи қоидалар) .....   | 27        |
| 5. Ўзбекистоннинг экологик сиёсати .....   | 29        |
| 6. Атроф табиий муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш зарурати .....                                  | 33        |
| <b>II боб. ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ: ТУШУНЧАСИ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИИ, ПРЕДМЕТИ .....</b>              | <b>35</b> |
| 1. Экология ҳуқуқи тушунчаси .....   | 35        |
| 2. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тарихидан .....   | 39        |
| 3. Экология ҳуқуқининг предмети .....  | 42        |
| 4. Экология ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари ва принциплари .....                             | 44        |
| <b>III боб. ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ ВА ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМ .....</b>                  | <b>49</b> |
| 1. Экологик-ҳуқуқий муносабат тушунчаси ва нормалари .....                                     | 49        |
| 2. Экологик-ҳуқуқий муносабат объектлари .....   | 51        |
| 3. Экологик-ҳуқуқий муносабат субъектлари .....  | 55        |
| 4. Экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш усуллари .....                               | 56        |
| 5. Экологик-ҳуқуқий механизм .....   | 58        |
| 6. Экология ҳуқуқининг тизими .....  | 60        |
| <b>IV боб. ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ МАНБАЛАРИ .....</b>   | <b>64</b> |
| 1. Экология ҳуқуқи манбалари ва уларнинг таснифланиши .....                                    | 64        |
| 2. Ўзбекистон Республикаси конституцияси — Экология ҳуқуқининг асосий манбаи .....             | 66        |
| 3. Қонунлар — Экология ҳуқуқининг манбаи сифатида .....  | 68        |
| 4. Қонун ости норматив ҳужжатларнинг экологик муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти ..... | 69        |
| <b>V боб. ТАБИЙЙ ОБЪЕКТЛАРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИ .....</b>                                    | <b>72</b> |
| 1. Табиий объектларга нисбатан мулк ҳуқуқи тушунчаси ва ўзига хос томонлари .....              | 72        |
| 2. Мулк ҳуқуқи объектлари ва келажак истиқболлари .....  | 75        |
| <b>VI боб. ЭКОЛОГИК БОШҚАРУВ .....</b>   | <b>78</b> |
| 1. Экологик бошқарув тушунчаси ва тизими .....   | 78        |
| 2. Давлатнинг экологик бошқаруви .....   | 80        |

|   |            |
|---|------------|
| 3. Ўзини ўзи бошқариш органлари (фуқаролар йиғини)нинг экологик функциялари .....                   | 92         |
| 4. Нодавлат нотижорат органларининг экологик бошқаруви .....  | 93         |
| <b>VII боб. ЭКОЛОГИК КАДАСТР, НАЗОРАТ ВА ЭКСПЕРТИЗА .....</b>                                       | <b>97</b>  |
| 1. Экологик бошқарувда экологик кадастр, назорат ва экспертизанинг аҳамияти. Экологик кадастр ..... | 97         |
| 2. Экологик назорат .....   | 99         |
| 3. Экологик экспертиза .....  | 103        |
| <b>VIII боб. ЭКОЛОГИК ЖАВОБГАРЛИК .....</b>   | <b>109</b> |
| 1. Экологик жавобгарлик тушунчаси ва турлари .....  | 109        |
| 2. Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик .....   | 112        |
| 3. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарликларни қўллаш асослари .....                     | 114        |
| <b>АЛОҲИДА ҚИСМ</b>   |            |
| <b>IX боб. ЕРЛАРНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ .....</b>  | <b>121</b> |
| 1. Ер муаммолари ва уларни ечиш йуллари .....   | 121        |
| 2. Ерларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг умумий қоидалари .....                               | 125        |
| 3. Ер фонди тоифалари бўйича ерларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш .....                          | 129        |
| 4. Ерларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг мазмуни ва моҳияти .....                             | 131        |
| 5. Ер муҳофазаси ва фойдаланиш устидан назорат. Юридик жабабгарлик .....                            | 133        |
| <b>X боб. СУВ ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ .....</b>                      | <b>137</b> |
| 1. Сув ресурслари ва уларни экологик-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати .....                 | 137        |
| 2. Давлат сув фонди ва уни бошқариш .....   | 139        |
| 3. Сувдан оқилона фойдаланишнинг экологик-ҳуқуқий асослари .....                                    | 140        |
| 4. Сувни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш .....  | 142        |
| 5. Ҳалқ ҳўжалигининг айрим соҳаларида сувдан оқилона фойдаланиш қоидалари .....                     | 146        |
| <b>XI боб. ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ .....</b>                           | <b>160</b> |
| 1. Ер ости бойликлари тушунчаси ва уларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш зарурати .....            | 160        |
| 2. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофазалашнинг экологик-ҳуқуқий талаблари .....      | 162        |
| 3. Кончилик муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш .....                                   | 164        |
| 4. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи .....  | 168        |
| <b>XII боб. ЎСИМЛИК ДУНЁСИНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ .....</b>                              | <b>171</b> |
| 1. Ўсимлик дунёси ва уни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш зарурати .....                             | 171        |
| 2. Ўсимлик дунёсини муҳофазалашнинг ҳуқуқий тартиби .....   | 172        |
| 3. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари .....  | 176        |
| 4. Ўсимлик дунёсини объектларини назорат қилиш ва жавобгарлик .....                                 | 178        |
| <b>XIII боб. ЎРМОНЛАРНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ .....</b>                                   | <b>181</b> |
| 1. Ўрмон — алоҳида экология ҳуқуқининг объекти сифатида .....                                       | 181        |
| 2. Ўрмонларга оид муносабатларни тартибга солишнинг умумий жиҳатлари .....                          | 182        |
| 3. Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи .....  | 186        |
| 4. Ўрмонларни ҳуқуқий ҳимоялаш .....  | 188        |

|  |     |
|--|-----|
| <b>XIV боб. ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ</b> .....  | 191 |
| 1. Ҳайвонот дунёси ва уни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг мақсади ва вазифалари .....                                | 191 |
| 2. Ҳайвонот дунёси объектлари ва уларни муҳофаза қилиш талаблари .....   | 194 |
| 3. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш тартиби .....   | 196 |
| 4. Ҳайвонот дунёсига оид қонун ҳужжатларилари нормаларни бузганлик учун жавобгарлик .....                                | 198 |
| <b>XV боб. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ</b> .....  | 201 |
| 1. Атмосфера ҳавоси — экология ҳуқуқининг объекти сифатида .....   | 201 |
| 2. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг умумий қоидалари .....  | 203 |
| 3. Атмосфера ҳавосини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш талаблари .....  | 206 |
| 4. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг кафилик механизми .....   | 207 |
| <b>XVI боб. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ</b> .....                                     | 211 |
| 1. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тушунчаси ва уларнинг таснифланиши .....                                  | 211 |
| 2. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий жиҳатлари .....                                 | 213 |
| 3. Алоҳида муҳофаза этиладиган ижтимоий-экологик вазифаларни бажарувчи ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолати .....                 | 215 |
| 4. Қўриқхона — экологик вазифаларни бажарувчи алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий ҳолати ..... | 217 |
| 5. Иқтисодий-экологик вазифаларни бажарувчи алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолати .....                | 220 |
| <b>XVII боб. АНТРОПОГЕН ЎЗГАРГАН ҲУДУДЛАРНИ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ</b> .....                                    | 223 |
| 1. Антропоген ўзгарган табиий муҳитни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тушунчаси, асосий турлари ва хусусиятлари .....    | 223 |
| 2. Шаҳарларда атроф табиий муҳитни экологик-ҳуқуқий муҳофазалаш .....  | 225 |
| 3. Аграр теграларда атроф-муҳитни экологик-ҳуқуқий муҳофазалаш .....   | 232 |
| 4. Саноат зоналарида атроф-муҳитни экологик-ҳуқуқий муҳофазалаш .....  | 241 |
| <b>МАХСУС ҚИСМ</b>   |     |
| <b>XVIII боб. АТРОФ-МУҲИТНИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ</b> .....   | 244 |
| 1. Атроф-муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тушунчаси ва ривожланиш тарихи .....                                     | 244 |
| 2. Атроф-муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш принциплари ва манбалари .....   | 254 |
| 3. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро ҳуқуқий объектлари .....   | 260 |
| 4. Халқаро экологик ташкилотлар, конференциялар ва жамғармалар .....   | 264 |
| 5. Айрим хорижий мамлакатларда Экология ҳуқуқи .....   | 272 |
| 6. Халқаро экологик жавобгарлик .....  | 276 |
| Экология ҳуқуқидан тест саволлари .....  | 280 |
| Экология ҳуқуқига оид асосий атама ва иборалар лугати .....  | 290 |
| Семинар машғулотларининг тахминий иш режаси .....  | 305 |
| Экология ҳуқуқига оид Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва норматив ҳужжатлари .....                                 | 308 |
| Тавсия этиладиган адабиётлар .....   | 312 |



## O'QUV ZALI

THE ECOLOGICAL LAW OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
GLOSSARY

## GENERAL PART

I. CHAPTER. ECOLOGY AND ECOLOGICAL VIEWS.  
NECESSITY OF LEGAL REGULATION OF NATURE.

1. Close coherence of nature and society.
2. Ecological conceptions (worldviews).
3. Ecological principles.
4. Ecological policy of Uzbekistan.
5. Necessity of legal protection of the surrounding natural environment.

II. CHAPTER. ECOLOGICAL LAW: CONCEPT,  
STAGES OF DEVELOPMENT, THE SUBJECT.

1. Concepts of the Ecological law.
2. Of a history of legal protection of nature.
3. The subject of Ecological law.
4. Peculiarities and principles of Ecological law.

III. CHAPTER. ECOLOGICAL-LEGAL RELATIONS  
AND ECOLOGICAL-LEGAL MECHANISM.

1. Concepts and norms of Ecological-legal relations
2. Objects of Ecological-legal relations
3. Subjects of Ecological-legal relations
4. Methods of regulation of Ecological-legal relations
5. Ecological-legal mechanism. System of Ecological law.

## IV. CHAPTER. SOURCES OF ECOLOGICAL LAW.

1. Sources of Ecological law and its classification.
2. The Constitution of the republic of Uzbekistan — the main source of Ecological law.
3. Laws — as a source of Ecological law
4. The role of statutory acts in regulation if ecological relations.

## V. CHAPTER. THE RIGHT OF PROPERTY TO NATURAL OBJECTS.

1. The right of property to natural objects.
2. Objects of the right of property and its future development.

## VI. CHAPTER. ECOLOGICAL MANAGEMENT.

1. Concept and system of ecological management.
2. The state management of Ecology
3. Ecological functions of self-governing bodies.
4. Ecological management of non-governmental, non-profit organizations.

VII. CHAPTER. ECOLOGICAL CADASTRE,  
THE CONTROL AND ECOLOGICAL EXPERT OPERATION.

1. The role of an ecological cadastre, control and expert operation in Ecological management. Ecological Cadastre.
2. Ecological control
3. Ecological expert operation

**VIII. CHAPTER. THE ECOLOGICAL ACCOUNTABILITY.**

1. Concepts and different kinds of Ecological accountability.
2. The Ecological accountability.
3. Basis for applying the legal accountability for ecological offences.

**SPECIAL PART**

**IX. CHAPTER. ECOLOGICAL-LEGAL PROTECTION OF LAND.**

1. Problems of land and different ways of solving them.
2. General rules of Ecological-legal Protection of land.
3. Ecological-legal Protection of different land sources.
4. The essence and meaning of Ecological-legal Protection of land.
5. The control and over the protection and use of land. Legal accountability.

**X. CHAPTER. ECOLOGICAL-LEGAL PROTECTION OF WATER AND USE OF WATER RESOURCES.**

1. Water resources and necessity of Ecological-legal regulation.
2. The state water sources and its management.
3. Ecological-legal bases of rational use of water sources. Ecological-legal Protection of water

**XI. CHAPTER. ECOLOGICAL-LEGAL PROTECTION OF MINERAL RESOURCES.**

1. Concept of mineral resources and necessity of its ecological-legal protection.
2. Ecological-legal requirements of use and protection of mineral resources.
3. Regulation of mining by the government. The right to the use of mineral resources.

**XII. CHAPTER. ECOLOGICAL-LEGAL PROTECTION OF FLORA.**

1. Flora and necessity of its Ecological-legal protection.
2. Legal regime of protecting the flora.
3. Legal measures of protecting the flora.
4. Control over protection and accountability.

**XIII. CHAPTER. ECOLOGICAL-LEGAL PROTECTION OF FOREST.**

1. Forest - as a separate object of Ecological law.
2. General aspects of social relations to do with forests.
3. The right to the use of available forests.
4. Legal Protection of forests.

**XIV. CHAPTER. ECOLOGICAL-LEGAL PROTECTION OF FAUNA.**

1. The fauna and purposes of its legal protection.
2. Objects of fauna and requirements of its protection.
3. The order of the use of fauna.
4. The legal accountability for infringing the legislation on fauna.

**XV. CHAPTER. ECOLOGICAL-LEGAL PROTECTION OF ATMOSPHERIC AIR.**

1. Atmospheric air as an object of Ecological law.
2. General rules of protecting Atmospheric air.
3. Requirements of Ecological-legal Protection of Atmospheric air.
4. Mechanism guarantee of protecting atmospheric air.

**XVI. CHAPTER. THE LEGAL STATUS OF SPECIALLY PROTECTED NATURAL TERRITORIES.**

1. Concept of specially protected natural territories and their classification.
2. General aspects of legal status of specially protected natural territories.
3. Legal status of specially protected natural territories which also possess socio-ecological functions.
4. Legal status of specially protected natural territories which also possess ecological-reserved functions.
5. Legal status of specially protected natural territories which also possess economic-ecological functions.

**XVII. CHAPTER. ECOLOGICAL-LEGAL PROTECTION OF TERRITORIES  
CHANGED THROUGH ANTHROPOGENIC WAYS.**

1. Concept, peculiarities and different kinds of territories changed through anthropogenic ways.
2. Ecological-legal Protection of environment in urban areas.
3. Ecological-legal Protection of environment in agricultural areas.
4. Ecological-legal Protection of environment in industrialized areas.

**XVIII. CHAPTER. INTERNATIONAL-LEGAL PROTECTION OF ENVIRONMENT.**

1. Concept and a history of International-legal protection of environment.
2. Principles and sources of International-legal protection of environment.
3. International Objects of legal protection of environment.
4. International Ecological organization, conference and fund.
5. Ecological law in some of the foreign countries.
6. International-legal protection accountability.

**Testing material on Ecological law.**

**The dictionary of basic ecological-legal terms and phrases.**

**Draft plan of tutorial.**

**Laws and normative acts of the republic of Uzbekistan on Ecological law.**

**Recommended literature.**

| O'QUV ZALI |

O'QUV ZALI

*Асқар Ниғматуллаевич Ниғматов (Ниғматов)*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУКИ**

*Дарслик*

Муҳаррир *А. Зиёдов*  
Бадий муҳаррир *Ж. Гурова*  
Техник муҳаррир *Т. Смирнова*  
Мусаҳҳиҳлар *М. Акромова, А. Зиёдов*  
Компьютерда саҳифаловчи *А. Юлдашева*

Босишга 8.04.04. й. да рухсат этилди. Бичими 60×90<sup>1/16</sup>  
«Таймс» гартитурада офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 20,0.  
Нашр т. 25,0. Жами 500 нусха. 59-рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

«ARNAPRINT» МЧЖ да саҳифаланиб, чоп этилди.  
Тошкент, Ҳ. Бойқаро кучаси, 51.